**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**
**А. ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

Тасдиқлайман:
Ўқув ишлари проректори
проф.  Н. Алимов
__________________
2015 йил 27 август

**Ижтимоий фанлар  кафедраси**

**Қадриятлар фалсафаси фанидан**

# МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

**(Кафедра йиғилишида (2015 йил 25 август 1-сонли баённома) тасдиқланган)**

**Жиззах – 2015**

**1-мавзу. Қадриятлар фалсафаси фанининг объекти ва вазифалари (2-соат).**
**Режа:**

1. Қадриятлар фалсафасининг предмети ва ўрганиш объекти.
2. Фалсафа ва қадриятлар фалсафаси.
3. Қадриятлар фалсафасининг функциялари
4. Қадриятлар фалсафасини ўрганишнинг аксиологик дунёқарашни шакллантиришдаги ўрни ва роли.

**Таянч тушунчалар:**

Фан, фалсафа, аксиология, гносеология,кадрият, аксиологик дунёқараш.

**Адабиётлар:**


1. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида.Т., 1998.
2. Гайденко П.П. Аксиология // Современноя западная философии. Словарь. М., 1998.
3. Назаров Қ. Аксиология: қадриятлар фалсафаси. Т., 1998.
4. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси.Т., 1998.
5. Қадриятлар ва ижтимоий тараққиёт.Т., 1997.


***1-масала.*** Қадим замонларданоқ Турон, Туркистон халқи ўзининг кўҳна тарихи, бой мероси, ранг-баранг ва юксак маданияти, урф-одат ва анъаналари билан ажралиб турган. Бу халқнинг буюк сиймолари миллий ва жаҳон илм фани ва маданиятининг барча соҳалари ривожига салмоқли хисса қўшиб келганлар.

Президентимиз таъкидлаганидек «Ватанимиз азалдан башарият тафаккур хазинасига унутилмас ҳисса қўшиб келган. Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва Ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди ва ўз навбатида фалсафий ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз дахосидан бахра олиб бойиб борди»[1].

Улуғ бобокалонларимиз буюк мутафаккир, алгебра фанининг асосчиси ал-Хоразмий, иккинчи муаллим, Шарқ Аристотели деб тан олинган Абу Наср ал-Фаробий, улуғ ҳаким Шайх ур раис Абу Али Ибн Сино, қомусий олим Абу Райҳон ал-Беруний, астрономия фанининг етук юлдузи Мирзо Улуғбек ўзбек адабий тилининг асосчиси, дахо шоир Алишер Навоий, беназир муҳаддис Исмоил Бухорий, тасаввуф илмининг буюк алломалари Аҳмад Яссавий, Абдуҳолик Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Муҳаммад Раззолий, Баховуддин Нақшбанд, Махмуд Замахшарий ва бошқаларнинг номлари жаҳон халқлари томонидан ханузгача ҳурмат билан тилга олиниб келинмоқда.

Бизнинг юртимизда яратилган асарлардан кўчирилган нусҳаларнинг нақадар муътабар саналиши, бебаҳо обида сифатида қадрланиши аён бўлиб турибди. Марказий Осиё мутафаккирлари яратган фан ва маданиятнинг барча соҳаларига тааллуқли нодир асарлар, қимматбаҳо фикр мулоҳазалар ҳозирги кунда ҳам жаҳон халқлари маънавий дунёсини бойитиб, уларнинг маънавий камолотига хизмат қилиб келмоқдаки, бундан биз қанчалик фахрлансак арзийди.

Шуни алоҳида таъқидлаш керакки, ўзбек халқининг тарихий тараққиёти даврида моддий ва маънавий маданият бир текисда ривожланган эмас. Унда биз уйғониш, юксалиш билан бир қаторда депсиниш, турғунлик ҳолатларини ҳам кузатишимиз мумкин.

Марказий Осиё халқлари ўтган минг йиллар мобайнида хитой, юнон, араб, муғул, рус истилочилари томонидан забт этилган. Истилочилар хилма-хил бўлса ҳам уларнинг

[1] Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд.- Т.:Ўзбекистон, 1996, 7-бет.

мақсади ўхшаш, яъни кўҳна маданият ва маънавиятга эга бўлган туб аҳолини миллий қадриятлардан бегоналаштириш, ўзлигини англашга йўл қўймаслик, тарихини сохталаштиришдан иборат эди. Шу боис, бизнинг худудимиздаги бирон бир кўхна шаҳримиз, катта – кичик дарёмиз, баланд – паст тоғимиз йуқки, у бир неча ном билан аталмасин. Бу истилочиларнинг манфур сиёсати, ўз халқининг тили ва маданиятини устун қилиб кўрсатиш, маҳаллий халқнинг тарихи ва маънавиятини камситиб, сохталаштириб ёки инкор этиш оқибати эди.

Халқни ўз маънавияти ва маданиятидан жудо килиб, хотирасиз манқуртларга айлантириш сунгги қарийб бир ярим аср мобайнида чоризм ва большевизм мустамлакачиларининг ҳам бош сиёсати бўлиб келганлиги ҳаммага аён. Мазкур сиёсат оқибатида биз тилимиз, маданиятимиз, тарихимизга беписандлик билан қарадик, ўтмишимизни зўр бериб қоралаш ва камситиш йўлини тутдиқ бир неча минг йиллик маданий меросимизни, миллий тарихимиз, миллий анъаналар, урф одатларимизни унута бошладиқ Жаҳон халқлари маданиятининг ажралмас қисми бўлган ислом таълимотини кўр кўрона инкор этдиқ. Диндорлар маънавий таҳқирланди, уларнинг ҳуқуқлари чеклаб қўйилди, байрамлар оёқ ости қилинди, тарихимиз бир томонлама ва юзаки ўрганилди.

Мустақиллигимиз туфайли буларнинг ҳаммасига барҳам берилди, маънавий ҳаётимизда уйғониш юз берди. Халқимизнинг миллий онги, миллий ғурури, миллий ифтихори, маънавий дунёси кундан кунга бойиб бормоқда. Бу эса мустақил давлатимизнинг маънавий асосини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда, лекин шуни алоҳида қайд этишимиз керакки, миллий ўз ўзини англаш, ўзбекчилик — миллатчилик деган маънони билдирмайди. Миллий уйғониш, миллий ғурур, миллий туйғунинг тикланиши — бу миллий ривожланиш билан узвий боғлиқ бўлган табиий қонуний жараёндир.

Миллий кадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланиб янада ривожлангандагина жамиятимизда ўтказилаётганислоҳотлар муваффақиятли амалга оша олади, чунки маънавий баркамол, маърифатли, руҳан бардам, янгича тафаккурлаш қобилиятига эга инсонгина истиқлол ва тараққиёт йўлини шараф билан ўта олади. Шундай экан, халқимизнинг маданий мероси, юксак маънавий қадриятларини чукур ва атрофлича ўрганиб, уларни Республикамизда яшовчи ҳар бир инсоннинг онгига сингдириб, айниқса, ёш авлодни маънавий етуқ фидойи кишилар этиб тарбиялаш ҳозирги кунда энг долзарб муаммолардан ҳисобланади.

«Бугун биз ўтказаётган ислоҳотларда маънавият соҳасидаги вазифалар менинг учун асосий масала бўлиб қолмоқда. Нимага деганда, бозор иқтисодиётини қуриш мумкин. Янги ҳаётни ҳам, албатта, барпо этамиз, халқимизнинг ҳаёт даражасини ҳам кўтариб оламиз. Ишсизлик бартараф этилади, одамларнинг даромади яхшиланади. Лекин одам нафақат иқтисодий жиҳатдан, балки, менинт назаримда, аввало, маънавий жиҳатдан бақувват бўлиши шарт. Яна бир бор такрор айтаман: илдизи бақувват, яъни руҳан бардам, онги тийран маънавий нуқтаи назардан юксак кишилар билан олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этиш осон кечади»[2], - дейди И.А.Каримов.

Президентимиз ўзининг ана шу нуқтаи назарини изчиллик ва собит қадамлик билан ривожлантираётганини «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармонида (1996 йил 9 сентябрь) яна бир бор намоён қилди. Унда «Маънавий маърифий ислоҳотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши деб ҳисоблансин»,—дея аниқ кўрсатма берилган.

Ота-боболаримиздан бизга қолдирилган бой маънавий меросни авайлаб асраб, уни замонавий илм фан ютуқлари билан ижодий бойитиб, келажак авлоднинг тафаккури, дунёқарашини миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириб, уларнинг

---

[2] “Ҳалқ сўзи”, 1995, 25 ноябрь.

бунёдкорлик фаоллигини ошириш — мустақиллик пойдеворини мустаҳкамлашнинг асосий гаровидир.

Ҳеч бир халқ ўз ўзини англамасдан миллий маданияти миллий қадриятларини авайлаб асраб сақламасдан туриб бошқа халқларнинг қадриятларига ҳурмат иззат билан қарай олмайди. Шунинг учун миллий қадриятларнинг тикланиши умуминсоний қадриятлар сари ривожланишнинг яккаю ягона йўлидир.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг куч қудрати, халқимизнинг умуминсоний қадриятларига содиқлигидадир. «Миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор берилиши керак, — деб ёзади И. А. Каримов,- Шу билан бирга, миллий ўз ўзини англашнинг тикланиши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлари идеалларидан; бизнинг кўп миллатли жамиятимиз анъаналаридан ажралиб қолиши мумкин эмас» [3].

Миллий қадриятлар умуминсоний қадриятлар билан қанча кўп уйғунлашган бўлса, уларнинг тараққий этишига шу кадар кенг имконият очилади. Бу ҳаётий ҳақиқатдир. Мазкур асарда истиқлол туфайли жамиятимизда миллий қадриятларимизнинг тикланиши, миллий қадриятлар тушунчасининг кўп қирралилиги, миллий ўз-ўзини англаш, миллий психология, миллий туйғу, миллий маданият, тил, урф-одат, удум ва анъаналар, уларнинг инсон маънавий баркамоллигини таъминлашда, дунёқарашини шакллантиришда, бунёдкорлик фаоллигини оширишдаги ўрни, шунингдек миллий, минтақавий ва умуминсоний қадриятларнинг муштараклиги, ижтимоий сиёсий, табиий, моддий қадриятлар ҳамда юксак миллий маънавиятимизнинг жаҳон ҳамжамиятига қўшилишдаги воситачилик роли каби долзарб муаммолар фалсафий нуқтаи назардан таҳлил этилади.

XIX асрни охирида, айниқса, биринчи жаҳон урууидан кейин классик фан ва фалсафада ишлаб чиқилган инсон тўғрисидаги тасаввурлар, таълимотлар жиҳатидан асоссиз эканлиги намоён бўлади, инсон рационалистик талқинини инқирозга тушди. Инсон, унинг ҳаётини қадрияти, объекив билим ва қадрият нисбати ниҳиясида долзарб муаммога айланди. Ўтган аср 20-йилларидан бошлаб экзистенциализм, фалсафий антропология, герменевтика каби гуманитар билим йўналишлари ривожланди. Янги кантчилар эса қадрият ва уни моҳияти масаласини гуманитар ва маданиятшунос илмларни бош масаласи сифатида ўртага қўйишди.

Гуманитар фанлар муаммоси сифатида қадриятлар назарияси ва фалсафаси XIX асрни охири XX асрни бошида шаклланди. Қадриятлар назарияси ва фалсафаси ҳаёт ва тарихнинг маъноси, билишнинг йўналиши асоси, инсон фаолиятининг туб мақсади ва ҳаққонийлиги, шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабати каби масалаларни ҳал қилишга уриниш йўлида вужудга келди ва ривожланди.

Қадриятлар ҳақидаги таълимот аксиология деб номланади. Дастлаб, аксиологияда қадрият хусусида фалсафий ғоялар устувор бўлган. Кейинчалик аксиологик ғоялар ва тасаввурлар табиий ва гуманитар фанлар доирасига кириб боришган.

Аксиологияни фалсафий қатламида қуйидаги муаммолар кўриб чиқилди:

Борлиқнинг умумий структурасида қадриятни мавжуд бўлиши нимадан келиб чиқади, қандай имкониятга эга?

Қадрият маълум ҳодиса ёки моҳият сифатида жамиятга, маданиятга нисбатан қандай муносабатда бўлади?

Охирги саволга жавоб бериш учун ижтимоий гуманитар фанларни фалсафий ва методологик муаммоларини қадриятли ёндашув нуқта назарда туриб ҳал қилишга тўғри келади.

Аксиология қадриятларга, аввало, умумий категория сифатида қарайди. Бунда қадриятлар реалликни намоён бўлиш шакллари, воқеликдаги нарса, ҳодиса ва жараёнлар,

---

[3] Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли.- Т.:Ўзбекистон, 1992, 73-бет.

оламдаги рўй бераётган ўзгаришлар инсоният, жамият, одамлар, уларнинг ҳаёти, фаолиятининг ижтимоий субъектлар учун аҳамияти ва қадрини англатадиган умумаксиологик категория сифатида талқин қилинади. Шу билан бирга қадриятларнинг моҳияти, мазмуни, объектив асослари, субъектив англаб олиниши, тузилиши, намоён бўлиш шакллари тавсифланади. Гарчан қадриятлар категорияси кўпроқ умумийликни англатсада, унда хусусийлик ва алоҳидалик ҳам намоён бўлади. Аксиология ана шу умумийлик, хусусийлик ва алоҳидаликнинг қадриятларда намоён бўлишини билишнинг анализ, синтеш, таққослаш, умумлаштириш, абстраклилик ва конкретлилик усуллари асосида ўрганади. Шу тариқа умумий, хусусий ҳамда алоҳида қадрият шакллари тавсифланади, улар орасидаги боғлиқлик, ўхшашлик ва қарқлар аниқланади. Қадрият шаклларининг намоён бўлишидаги ўзаро алоқадорлик ва диалектик боғлиқлик, бунинг ифодаси бўлган қадрият тизимларининг вужудга келиши, амал қилиниши, барқарор ва бетакрор ҳолатлари, ўзгаришлари каби масалалар ҳам аксиология доирасида ўрганилади.

Қадриятлар соҳасидаги ўзгаришларнинг ижтимоий тараққиётга боғлиқлиги, бу боғлиқликнинг ривожланиш босқичлари, цивилизациялар ҳаётининг муайян даврлардаги ўзига хос ҳолда намоён бўлишини ўрганиш ҳам аксиологиянинг асосий мавзулари қаторига киради. Бунда асосий эътибор тарихни аксиологик тушунишга қаратилади.

Аксиология қадриятлар ва қадрият системаларининг жамият ҳамда инсон ҳаёти учун аҳамиятини, уларнинг ижтимоий функцияларини ҳам ўрганади.

Муайян қадриятларни барқарор қилиш бутун халқ, миллат, давлат ёки қавмларни бир муддат ёки узоқ вақтга қадар аниқ мақсадлар йўлида бирлаштиради, улар фаолиятининг йўналишини белгилайди. Масалан, ҳозирги даврда мустақиллик ва уни мустаҳкамлашреспубликамиз хукумати, аҳолиси, ундаги миллат ва ижтимоий субъектларнинг фаолиятини белгилаб турувчи асосий мезондир. Аксиология ана шундай жараёнларни умумий жиҳатлари ва ўзига хос хусусиятларини ҳам ўрганади. Бунда қадриятларни қайта баҳолаш, қадрлаш меъёрлари, қадрият мўлжаллари, қадрсизланиш даражалари билан боғлиқ муаммоларни илмий ўрганиш ниҳоятда катта назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Жаҳон харитасида рўй бераётган ўзгаришлар, собиқ СССРнинг тарқалиб кетиши, унга хос қадриятлар тизимининг ўтмишга айланиши, Ўзбекистоннинг истиқлол йўлидан бораётганлиги, республикамизда мустақилликка асосланадиган қадриятлар системасини шакллантириш имкониятлари ва эҳтиёжлари қадриятшунослик борасидаги янги –янги изланишлар учун асос бўлмоқда. Бу жараённинг умумаксиологик қонуниятлари, минтақавий жиҳатлари ва республикага хос хусусиятларини илмий таҳлил қилиш муҳим аксиологик вазифага айланмоқда. Ўзбекистонда азалий шарқона қадриятларни қадрлаш, умуминсоний қадриятларга содиқлик руҳини тарбиялаш, миллий қадриятларни тиклаш, авайлаб –асраш, инсон қадри, хақ –ҳуқуқлари ва манфаатларининг устуворлигини таъминлаш борасидаги вазифалар ҳам муҳим масалалар қаторига киради.

Қадриятлар фалсафаси инсон яшашининг мазмуни ва маъноси ҳақидаги таълимот бўлиб, қадр ва қадриятлар билан боғлиқ фалсафий йўналишни англатади.

XIX асрдан бошлаб қадриятлар назарияси ишлаб чиқилди. Қадриятлар тўғрисидаги назария, таълимотни ифодалайдиган аксиология термини XIX асрнинг иккинчи ярмида француз файласуфи П.Лаппе ва немис олими Э.Гортманлар томонидан истеъмолга киритилган. Қадриятлар тўғрисидаги таълимот қадриятшунослик, қадриятлар фалсафаси аксиология деб юритилади.

Қадриятлар фалсафасининг предмети – қадриятлар, улар орасидаги узвий алоқадорлик, қадриятларнинг жамиятдаги ўрни масаласи.

Ўрганиш объектлари – табиат, инсоният, жамият .

***2-масала***. Фалсафа билан қадриятлар фалсафасининг умумийлиги, бирлиги нималарда кўринади?

Фалсафа инсоният тарихидаги энг қадимий илмлардан биридир. Фалсафий мулоҳаза юритиш, фикрлаш инсон табиатига хос, демак, унинг ўзига каби қадимийдир. У

олам ва унинг яшаши ривожланиши ва тараққиёти, ҳаёт ва инсон, умрнинг моҳияти, борлиқ ва йўқлик каби кўплаб муаммолар ҳақида баҳс юритадиган фандир.

Фалсафа кишиларнинг оламни билиш, ўзлаштириш, фаровон ҳаёт кечириш ва ўз инсоний салоҳиятларини намоён этиш эҳтиёжлари билан узвий боғлиқдир.

Фалсафа ҳар қандай билимнинг, жумладан, фалсафий билимнинг бошланғич асосини аниқлашга ҳаракат қилади. У тушуниш мезони ва бошланғич нуқта бўла оладиган, бошқа барча нарса ва ҳодисаларни баҳолай оладиган (ҳақиқатни фикрдан фарқи, зўравонликнинг ҳокимиятдан ва ш.к.) етарли асосларни топишга ҳаракат қилади.

Фалсафа субъектнинг объекга нисбатан назарий рефлексив ва маънавий – амалий муносабатига асосланади. У ижтимоий борлиққа шаклланаётган янги ғоялар, нормалар ва маданий қадриятлар воситаси билан фаол таъсир қилади.

Фалсафа оламга нисбатан ҳар қандай онгли муносабатнинг асослари ва регулятивларни топишга ҳаракат қилади. Шунинг учун фалсафий билим мавжуд муаммони ҳал қилиш йўлларини баҳолаш, танқидий қиёслаш ва таҳлил қилинаётган жараённи синчиклаб муҳокама қилиш кабилар сифатида намоён бўлади.

Демак, фалсафада қадриятлар тизими алоҳида аҳамият касб этади.

Фалсафа инсон моҳиятининг қадриятли мазмунида ўз асосларини илгари суради. У инсон ҳаётининг мутлоқ қадрияти сифатида эътироф қилинувчи илмий кашфиётларнинг тақдири ва уларнинг ижтимоий оқибатлари билан қизиқади.

Фалсафанинг аксиологик (қадриятлар доир)функцияси қуйидагиларда кўринади:

-фалсафа фанининг бу соҳаси (аксиология) инсон ва жамиятнинг моддий эҳтиёжлари, манфаатлари ва маънавий эҳтиёжлари орасидаги объектив боғланишларни англаб, маънавий қадриятлар ва эҳтиёжларни ўзига хос кўриниши сифатида таърифлайди;

-фалсафанинг аксиологик функцияси қадриятларнинг тарихий тааркқиёт босқичларидаги шарт –шароитларидан келиб чиқишини, қадриятлар турли даврларда ўзгариб туришини, қадриятлар таркибида универсал умуминсоний, айрим миллатларва маданиятларга хос, яъни миллий, минтиқавий ва умуминсоний қадриятлар борлигини аниқлайди. Қадриятлар, уларнинг субъектлари ўртасида низолар ва айрилишларга сабаб бўлмаслигини тушунтириб беради;

-қадриятлар ранг –баранглиги мавжудликни асослайди ва инсон манфаатлари, бахт – саодати учун, табиат, жамият тараққиёти учун қайси қадриятларнинг муҳимлиги даражаларини белгилайди;

-инсон манфаатлари, ҳуқуқлари ва шахс эркинлигини ҳозирги жаҳон тараққиёти жиҳатидан устивор қадриятлар эканлигини белгилайди;

-маданий, маърифий ва диний мерос бўлган қадриятларни эгаллашнинг зарурлигини асослайди;

-жамият ривожланишида инсон, маданият жаҳон тараққиётига таъсир кўрсатаётган янги қадриятларни яратиш зарурлигини кўрсатади.

Қадриятлар фалсафаси инсон яшашининг мазмуни ва маъноси ҳақидаги таълимотдир. Қадриятлар фалсафаси –қадр ва қадриятлар билан боғлиқ фалсафий йўналишни англатади.

Фалсафа инсон хулқини йўналтиришга ёрдам берувчи методларни ёритади.

Фалсафий тафаккур фақат интеллектуал (оқилона) жиҳатларини эмас, балки ҳар доим маданиятларнинг муайян тарихий типларига мансуб бўлган ва шу билан бирга, бутун инсоният мулки (умуминсоний қадриятлар) ҳисобланадиган маънавий – эмоционал, эстетик ва бошқа универсалликларни ҳам аниқлайди.

Фалсафа ўз моҳиятига кўра дунёқарашдир. Одамнинг дунёқараши қандай бўлса, унинг фалсафаси, ёки аксинча, фалсафаси қандай бўлса, дунёқараши ҳам шундай бўлади.

Олам ва инсон моҳиятини, инсоннинг оламдаги ўрни ва ролини ўрганиш фалсафанинг асосий муаммоларидан биридир.

Фалсафа умуман ҳаёт ва маданий ҳаётнинг энг муҳим, асосий қадриятлари ҳақида ягона, умумбашарий тасаввурларни ҳосил қилиш билан бирга, ана шу тараққиёт –

цивилизация учун абадий, мангу, сира ўлмас қадр – қимматга эга эканлигини асослаб, исботлаб ҳам беради.

Фалсафий дунёқараш моддий олам ва маънавий олам, табиат ва жамият ўртасидаги муносабатларда мувозанат, кооэволюция зарурат эканини англашга бу ҳолатни тўғри тушунишга ёрдам беради.

Фалсафий дунёқараш инсонга оламнинг яхлит манзарасини кўрсатади, ҳаётий фаолиятининг мақсади, мазмуни, йўналишини аниқлаб беради, яъни бу дунёқараш инсоннинг олам билан амалий муносабатларини йўлга солади. Инсон, жамият, бутун ер юзида оқилона фаолиятлар, оқилона ижтимоий муносабатлар бўлишини тушунтириб беради.

Инсон ва жамият манфаатларидан келиб чиқиб, ўтмишга, ҳозирги жаҳон тараққиётига мос ҳуқуқий давлат, ва фуқаролик жамияти шаклланиши зарурлигини тушунтиради.

Фалсафий фикр учун минг йилдан олдин пайдо бўлиб (у зардуштийликдан бошланади) инсон руҳий эҳтиёжлари орасида буюк маънавий қадрият сифатида яшаб келаётгани, унинг бебаҳо қадрият эканлигини кўрсатади.

Инсон моддий (таом, кийим – кечак, уй – жой ва ҳакозо) эҳтиёжларининг вужудга келиши, қондирилиши ва ривожланиши аслида унинг маънавий эҳтиёжлари билан чамбарчас боғланиб кетади.

***3-масала***. Қадриятлар фалсафасининг вазифаси:

**Маданий – тарбиявий функцияси** – ҳар бир инсоннинг ҳаётидаги мақсади ва ижтимоий ўрнини топишга гуманистик мақсади ва идеалларнинг шаклланишига таъсир кўрсатиши доим муҳим бўлиб келган бу функция маълум бир мамлакат ва бутун давр тарихининг ўтмиш, кескин бурилиш вақтларида янада катта аҳамият касб этади. Чунки ана шу даврлар тарихий ва ҳаётий қадриятларга ўзгача маъно киритишини, рўй бераётган ўзгаришларда инсон ўрнини белгиланишини, маданий ва ҳаётий қадриятларнинг кайта баҳоланишини талаб қилади.

**Коммуникатив** (мулоқат, алоқалар ўрнатувчи) **функциясига** кўра-қадрият шакллари (дин, ахлоқий) миллий, минтиқавий, умуминсоний қадриятлар алоқасини кучайтиради.

**Эвристик** (очаман, кашф этаман) **функциясида** инсонниятнинг ҳозирги куни ва келажаги учун сув ва ҳаводек зарур, долзарб қадриятларни ўртага қўйиш ва тарғиб этишга интилади.

**Интеграция функциясида** ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий, умумий қадриятлар асосида дунё халқларини бирлаштиришга, ўзаро яқинлашишга хизмат қилади. Адолат, тенглик, гуманизм, инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва шу асосида халқаро ҳамкорлик қилиш-инсон манфатлари учун, жамият, маданият тараққиёти, цивилизация учун бирламчи, устувор қадриятлардир. Қадриятлар фалсафаси мана шу қадриятларни қарор топтириш учун халқаро аҳиллик, ҳамжиҳатлик, турли миллатлар, халқлар, эллатлар, маданиятлар ўртасида мулоқатларни мустаҳкамлаш, жамиятимизда ва бутун башариятда барқарорликни, тинчликни сақлаш учун ҳаётбахш таъсир кўрсатади.

**Гуманистик** (инсонпарварлик) **функцияси** – инсон умри, ҳаётини олий қадрият даражасига кўтаради, дунёга (табиатга, борлиққа) қадриятли ёндашувни шакллантиради .

***4-масала***. Мустақил Ўзбекистонда мустақилликни мустаҳкамлаш, республикада умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик жамият қуриш жараёни қадриятлар мавзусини долзарблаштириб юборди. Қадриятларни қайта баҳолаш, азалий шарқона қадриятларни тиклаш, асраб –авайлаш ва келажак авлодларга мерос қолдириш, реформа ва ўзгаришларнинг қадриятли мезонларини аниқлаш, муаммоларни ҳал қилишнинг ана шу мезонларга мос усулларини қўллаш каби масалалар пайдо бўлди.

Бинобарин, мустақиллик, янги қадриятлар тизимини тақозо қилади. Ана шу зарурият қадриятларни қайта баҳолаш, юртимизда шарқона азалий қадриятлар ва

умуминсоний жиҳатлар акс этган ҳаёт тарзини шакллантириш жараёни билан уйғунлашиб кетди.

Қадриятлар мавзусига мамлакатимиз президенти И. А. Каримов жуда катта эътибор бермоқда. Президентимизнинг нутқ, мақола китобларида бу мавзунинг жуда кўп қирралари очиб берилган. И. А. Каримов мустақилликни мустаҳкамлашда қадриятлар омилидан фойдаланиш, маънавий тараққиётимизнинг қадриятларга асосланган мезонлари, реформалар ва бозор муносабатларининг янгича иқтисодий қадриятлар тизимига олиб келиши, ижтимоий ўзгаришларнинг демократик умуминсоний қадриятларини барқарор қилиш томон йўналтирилганлиги каби бир қатор масалаларни ижобий асослаб берган.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, республикада умуминсоний қадриятларга асосланган янги демократик жамият қуриш жараёни қадриятлар мавзусини долзарблаштириб, аксиологик дунёқарашни шакллантиришни кун тартибига қўйди.

## 2-мавзу. Қадриятлар фалсафаси тарихи. (4-соат)

**Режа**:

1. Қадриятлар муаммосининг фалсафий – тарихий таҳлили.
2. Халқ оғзаки ижодида шаклланган умумнсоний қадриятлар.
3. Марказий Осиё фалсафасида қадриятлар тўғрисидаги қарашлар. “Авесто”. Ислом дини.
4. Марказий Осиё мутафаккирлари асарларида қадрият масалаларининг қўйилиши.
5. Тасаввуф фалсафаси ва жадидчилик ғояларида қадриятлар таснифи ва таърифи.

**Таянч тушунчалар**:

Фалсафа, аксиология, тарих, мерос, маданият, урф-одат ва анъаналар, халқ оғзаки ижоди, фалсафаий ахлоқий таълимотлар, “Авестон”, ислом дини таълимоти, моддий ва маънавий мерос, тасаввуфий қадриятлар.

**Адабиётлар**

1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т., 1993.
2. И. Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: Фан, 1994.
3. А. Бобомуродов, Ислом одоби ва маданияти. Т.Н, 1995.
4. Б. Неъматов. Берунийнинг инсонпарварлик ғоялари. 2006.16-бет.// Фалсафа ва ҳуқуқ (махсус сони).
5. Зоҳидий А. Туркистонда Ўрта аср араб-мусулмон маданияти. Т., 1993.
6. Р. Носиров. Ибн Синонинг табиий-илмий ғоялари. // Фалсафа ва ҳуқуқ. 2005/2, 8-бет.
7. К. Жакбаров. IX-XII аср Моворауннахр фалсафий фикрда ижтимоий идеал ва комил инсон муаммоси.Т.: 2000.
8. З. Асқаров. Амир Темур ва унинг сиёсий-ҳуқуқий, маънавий-маърифий қарашлари.// Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006 №2, 35 бет.
9. Имомназаров М. Миллий маънавиятимиз назариясига чизгилар. Т.Шарқ, 1998.
10. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Т.Ёзувчи, 1996.
11. Маънавий ахлоқий қадриятлар мутафаккирлар талқинида. Андижон, 2003

***1-масала***. Қадриятларнинг моҳияти мазмуни, намоён бўлиш шакллари билан боғлиқ муаммоларни таҳлили узоқ тарихга эга. Кишилар қадим замонларданоқ ўзларини ўраб турган олам, ундаги нарса, воқеа ва ҳодисалар, одамлар ўртасидаги муносабатларга баҳо берганлар, уларнинг қадри тўғрисида фикр юритганлар. Замонлар ўтиши жамият ривожи давомида бу борадаги муаммолар кўпайган, уларни ҳал қилишнинг аҳамияти ортаверган. Қадриятлар мавзуси бир қатор дунёқарашларнинг асосида ётган, уларнинг

марказий қисмини ташкил қилган. Кўпгина фалсафий оқимлар ва мутафаккирлар ҳам бир мавзуни четлаб ўтмаганлар.

Антик дунё тарихчиларидан Герадод, Ктезий, Полиэн, Хорес, Митиланский ўрта аср тарихчиларидан Хамза Исфахоний, Табирий, Беруний, Балъалий, Маъсудий, Низомий, Арузий, Самарқандий ва бошқаларнинг асарларида халқ оғзаки ижоди, ундаги умуминсоний қадриятларга оид қимматли материал ва маълумотлар берилган.

Абу Райхон Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит-турк” асарларида қадимги қахрамонлик қўшиқлари, хикматлар, урф-одатларида акс этган ахлоқий қоидалар улуғланган. Уларда ижодкор халқ ўзининг мехнати ва истирохатини, шодлиги ва қайғусини, йил фасллари ва табиат лавҳаларини тасвирлайди, мақола ва ҳикматли сўзларда эзгу ҳислатлар тарғиб қилинади.

Номлари цивилизациямиз тарихида абадий битилган Хоразмий, Фаробий, ал-Бухорий, ат-Термизий, Беруний, Ибн Сино, Нажмиддин Кубро, Яссавий, Нақшбанд, Улуғбек, Навоий, Машраб, Бедия, Беҳбудий, авлоний каби мутафаккирлар ижодида бу мавзунинг изизлари бор, теран қирралари очилган.

Масалан, Фаробий фозил шаҳар кишилар ва Навоий комил инсон комил инсон қадриятлари, А. Авлоний эса яхши ва ёмон ҳулқлар тизимини ташкил қиладиган қадрият шаклларини ўзаро алоқадорликда изоҳланганлар.

Гуманитар фанлар муаммоси сифатида қадриятлар назарияси ва фалсафаси IXI асрни охири ва XX аср бошида шаклланди. Қадриятлар назарияси ва фалсафаси ҳаёт ва тарихнинг маъноси, билишнинг йўналиши ва асоси инсон фаолиятининг тубмақсади ва ҳаққонийлиги, шахс ва жамиятнинг ўзаро муносабати каби масалаларни ҳал қилишгв уриниш йўлида вужудга келди ва ривожланади.

***2-масала***. Қадриятлар муаммосининг фалсафий –тарихий тахлили заминимизда яратилган қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, хикоя, достонларга, яъни халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ оғзаки ижодида кўпроқ умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга эътибор берилган, уларнинг моҳияти, мазмуни турлича талқин қилинган. Спитамен, Алпомиш, Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги достонларда ватанпарварлик, халқ ва юрт озодлиги учун фидойилик руҳи бадиий тасвирланган.

Қадимги одамлар борлиқ тўғрисида ўйлаганларида, афсона, хикоя ёки достонлар сўйлаганларида оламнинг қадри, унинг чексизлиги, коинот ва одамзот алоқалари, инсон умрининг маъноси, мазмуни ҳақида ҳамда инсоний фазилатлар, ботирлик, оқиллик, хокисорлик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик кабиларни улуғлаб қадрият даражасига кўтарганлар, хатто уларнинг баъзиларини илоҳийлаштирганлар.

Она Ватанни севиш уни ардоқлаш ва ҳимоя қилиш туйғуси бугун ёки кеча юзага келган эмас. У инсоният тарихи каби қадимий, муқаддас туйғудир. Бу қадимийликнинг ғоявий эстетик иродаси халқ қўшиқлари, афсона ва достонларда ўзининг ўчмас муҳрини қолдирган. Улар кишиларни ўша фидойиликлар рухида тарбиялаб, ватанпаварликни авлоддан-авлодга муқаддас мерос сифатида етказади.

Тарихий маълумотларга қараганда, хозирги Ўрта Осиё халқларининг ота-боболари ўз эркларини химоя қилиб, чет эл босқинчларига қарши курашганлар ва бу жанговор кураш табиий равишда уларнинг оғзаки бадиий ижодиётларида ўз аксини топган.

Халқнинг кўп асрлик хаётий тажрибаси ва маиший турмуш тарзининг ифодаси бўлган мақоллар ўз моҳиятига кўра улкан бадиий қадрият хисобланади.

Мақолаларда халқнинг ҳаётга, табиатга, инсон, оила ва жамиятга муносабати, ижтимоий-сиёсий, маънавий –маърифий, ахлоқий, эстетик ва фалсафий қарашлари акс этган.

Юсуф Хос Хожиб, Ахмат Яссавий, Рабғузий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Мунис, Огахий, Нодира, Муқимий, Аваз, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Ғофур Ғулом ва ўнлаб ижодкорлар ўз асарларида жуда кўплаб халқ мақолларини келтиришган, умуминсоний ғояларни баён қилишда улардан фойдаланишган.

Махмуд Қошғарийнинг “Девони луғатит турк” асарида 400 га яқин мақола ва маталлар, Гулханийнинг “Зарбулмасал” асари таркибида 300 дан ортиқ мақол бор.

Мақоллар кўп асрлик хаётий тажрибалар, доимий кундалик кузатишлар хулосасини тугал фикр тарзда қатъий қутбийликда ифодалаган.

Халқ мақолларида дўстлик, дўстнинг яхшилигини унутмаслик, мехр-оқибат ва инсонпорварлик, тўғри сўзлик, эрк ва эрксизлар, шунингдек андишасизлик, ёлғончилик каби салбий иллатлар моҳияти мантиқий таҳлил этилади.

***3-масала***. Аждодларимизнинг қадимги китоби Авесто диний-фалсафий меросимизнинг энг ёрқин намунаси, қадимги халқларимизнинг умуминсоний қадриятлари ёритиб берилган асардир. Авесто зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлгалигидан, унда бу диннинг қадриятлар тизими ўз ифодасини топган. Шу билан бирга китобда умуминсоний қадриятларга, уларнинг инсон маънавияти ва амалий фаолияти учун ахамиятига катта ўрин берилган. Асарда яхшилик, баркамоллик, хурфикрлилик, инсонпарварлик каби хислатлар Ахурамазда қиёфаси орқали кўрсатилган. Китоб муаллифлардан бири Заратуштра (Зардушт) фикрича, одамлар яхшилик, ёруғлик кучларига эргашиши, яхшиликни ёмонликдан, адолатни хақсизликдан фарқлаб олиши, ҳаёти давомида Ахурамазда томонида бўлиши лозим. Инсоннинг бу жараёндаги қадри эса, яхшиликнинг ғалабаси учун курашда бефарқ турмаслигида, яшаш тарзида, маънавий қиёфасида, ижтимоий фаолиятида ўз ифодасини топади.

Марказий Осиёда қадриятлар тўғрисидаги қарашлар ривожида 8-12 асрлар катта ахамиятга эга. Бу даврда араб истилоси амалга оширилган, ислом расмий хукмрон динга айланган, ижтимоий-сиёсий хаётда муайян тинчлик хукм сураётган эди.

Ислом дини Осиёда фақат арабларнинг дини бўлиб қолмади, у кўпгина шарқ халқларининг хам умумий динига айланди. Алохида эътироф этиш керакки, Қуръонда таърифлаб берилган илохий қадриятлар халқларимиз тарихи ва маданиятига ниҳоятда катта таъсир кўрсатган. Бу таъсирнинг аҳамиятини турлича баҳолаш, таҳлил қилиш мумкин, аммо унинг ўтмишда хам муайян қадрга эга эканлигини инкор қилишнинг иложи йўқ. Заминимизда яшаган хар бир мутафаккир, олим, аллома ижодида ислом дини илоҳий қадриятларининг таъсири яққол сезилиб туради. Шу билан бирга исломнинг юртимизда тарқалиши ва араб истилоси даврида кўпгина миллий қадриятларимизнинг йўқотиб юборилганини алохида қайт қилмоқ керак. Бу тўғрида Беруний “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида афсус билан ёзиб қолдирган.

Кези келганда яна шуни алохида таъкидлаш керакки, ватанимиз цивилизациясининг қадриятлари араблар дунёси маданиятининг ривожига хам катта акс таъсир кўрсатганлиги шубҳасиз. Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби мутафаккирлар, ал-Бухорий, ат-Термизий,Кубро, Аҳмад Яссавий, Нақшбанд каби илоҳиёт илмининг забардаст алломалари, Лутфий, Навоий, Бобур, Бедил, Машраб каби зотларнинг камолотида нафақат ислом балки цивилизациямиз маданияти ва қадриятларининг таъсири беқиёс.

***4-масала***. Буюк мутафаккирлардан бири Муҳаммад Мусо ал – Хоразмий халифа ал – Маъмун ташкил қилган “Байтул  хикма” да катта мавқега эга бўлган. У илгари сурган ғояларда қадриятларнинг умуминсоний жиҳатлари изоҳланган.

Хоразмий олимнинг қадри, ўтмишлари фикрларини келажакка ҳокисор етказиб беришда, деб хисоблар эди. Мутафаккир қуйидагича ёзади: “Ўтмиш даврларда ўтган олимлар фаннинг турли тармоқлари... соҳасида асарлар ёзиш билан ўзларидан кейинги келадиганларни назарда тутардилар... Улардан бири ўзидан аввалгилардан қолган ишларни амалга оширишда бошқалардан ўзиб кетади, уни ўзидан кейинги келувчиларга мерос қолдиради, бошқаси ўзидан аввалгиларнинг асарларини шархлайди, бу билан қийинчиликларни осонлаштиради... ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади, такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишидан мағрурланмайди” . Бу сўзлар бугун Шарқ олимлари учун умумий талаб, камолот мезони, ҳозирги интелектуал мулк эгалари маънавий қиёфасининг асосий хусусияти сифатида намоён бўлади.

Шарқ маданияти тарихида муҳим ўрин тутган аллома Абу Наср Фаробий (873 -959) ҳам қадриятлар масаласига катта эътибор берган. Фаробийнинг қадриялар тўғрисидаги фикрларини “Мадина ал- фозила” таълимотида яққол кузатиш мумкин. Қомусий олим сифатида Фаробий Фозил жамият тўғрисидаги таълимотида юксак ғоялар, адолатли ижтимоий муносабатлар қарор топган даврда вужудга келадиган маънавий-ахлоқий қадриятларнинг умумий тизимини изоҳлаб берган. Фаробий бундай жамиятда диний қадриятлар ҳам муайян аҳамиятга эга бўлишини, аммо унда калом (теология) ва фиқҳ (ҳуқуқшунослик) вакиллари кишиларнинг маънавий –аҳлоқий камолоти учун жавоб берадиган соҳаларни бошқаришлари, ижтимоий муносабатларнинг асосий соҳалари эса файласуф –ҳукмдорлар томонидан бошқариб борилишини таъкидлайди. Мутафаккир диний қарашлар ғоявий соҳада энг асосий аҳамият касб этган ўша даврда, нафақат Аллоҳ ғоясини, балки инсон, жамият ва илм-фан қадриятларини фалсафий билимларнинг асосий мавзуларидан бири сифатида қарай олган дастлабки шарқ файласуфларидан биридир.

Қадриятлар мавзусини Абу Райхон Беруний (973-1048) ҳам четлаб ўтмаган. Унинг фикрича, маънавий қадриятларнинг вужудга келиши ижтимоий муносабатлар, кишиларнинг яшаш тарзи, моддий эҳтиёжлар, қизиқишлари, манфаатлари, талаб ва мақсадлари билан узвий боғланган. Масалан, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик одамларнинг бирлашиш эҳтиёжлари кўплиги, ҳимоя қилиш қуроллари камлиги, душманлардан ўзини ҳимоя қилиш зарурати туфайли вужудга келган деб таъкидлайди.

Беруний хунар, савдо –сотиқ мамлакатлараро маданий – илмий алоқаларни кучайтириш, унинг ролини оширишнинг тарафдори эди. Шу билан бирга у араб босқинчилигини, уларнинг юртимиз маданий ёдгорликларини йўқотиш соҳасидаги сиёсатини қоралайди, маданий тараққиётда ворисликнинг зарурий эканлигини таъкидлайди.

Қадриятлар муаммоси Абу Али Ибн Синонинг (980 -1037) ҳам диққат марказида турган. Олим асарларининг катта қисми фалсафий муаммоларга бағишлаб ёзилган, афсуски, уларнинг кўпчилиги (масалан «Адолат”, номли фалсафий энциклопедияси, «Шарқ фалсафаси”, “Яхши иш ва гуноҳ” асарлари) бизгача етиб келмаган. Қадриятлар муаммоси Ибн Синонинг “Донишнома”, “Соломон ва Ибсол” каби бизгача етиб келган асарларида ҳам ўз ифодасини топган. Унинг назарида ўз ибтидосини Аллоҳдан олган борлиқ ва табиат инсонни ўраб турувчи абадий макондир. Шу жиҳатдан унинг қадри беқиёс, инсон эса ҳамма бойликларни табиатдан олади, ундан ўзига даво топади.

Ибн Сино инсон, уни ўз-ўзидан ирода қилиши ҳақидаги фанларнинг аҳамиятини тўғри таъкидлайди. Ибн Сино маънавий- аҳлоқий қадриятларнинг аҳамиятига катта эътибор берган. Унингча одамнинг қадри бошқалар билан ҳамкорлиги, яхши ахлоқий фазилатларга эга бўлишга интилиши, донологи, бошқаларга яхшилик қила олишидадир.

***5-масала***. Қадриятлар мавзусининг таҳлилини халқимиз ҳаётида катта мавқега эга бўлган тасаввуф оқимининг асосий намояндалари илгари сурган қарашларисиз тасаввур қилиш қийин[1]. Тасаввуф ғоят мураккаб ва серқирра диний-фалсафий оқим бўлиб, унинг қадриятлар тизимида энг асосий ўринни Аллоҳ, у билан боғлиқ илоҳий қадриятлар шариат, тариқат, ҳақиқат ва маърифат ғоялари эгаллайди. Лекин тасаввуф фалсафасини фалсафасини фақатгина ана шу жиҳатлари билан таърифлашнинг ўзи етарли эмас. бу борада чет эл исломшунослари, собиқ совет даври олимларининг асарлари анчагина. “Бироқ ҳанузгача тасаввуф таълимоти батамом ўрганилган ва унинг тарихи, дунёқараши, хусусида аниқ, яхлит хулосалар чиқарилган, деб айта олмаймиз”[2].

Биз тасаввуф оқимини атрофлича тавсифламоқчи эмасмиз, бунга ишимизнинг хажми имкон бермайди. Аммо, мавзунинг тарихи нуқтаи назиридан қуйидаги мулоҳазани баён қилмоқчимиз. Қадриятлар муаммосини юртимизга тегишли фалсафий – тарихий тахлили Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Синолар мероси билангина чегараланиб қолмайди. Унинг ал-Бухорий, ат-Термизий, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Я ссавий,

---

[1] Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи.-Т.: Ёзувчи, 1996.276-б.
[2] Ўрта Осиё халқлари хурфкрлилиги тарихида. –Т.: Фан, 1990. 104-бет.

Нақшбандий каби забардаст намоёндалари бўлган тасаввуф таълимотига ҳам тўғридан тўғри алоқаси бор. Ўу билан бирга жаҳон маданиятига бебаҳо дурдоналар қўшган Ҳофиз, Саъдий, Жомий, Навоий каби алломаларнинг бу борадаги қарашларини тилга олмай бўладими? Уларнинг бутун жаҳонга машғур бўлган “Саодатнома”, “Гулистон” ва “Бўстон”, “Баҳористон”, “Хамса” каби маънавий қадриятларимизнинг тамал тошларини қўйган асарларининг ҳар бирига алоҳида тадқиқотларни бағишлаш мумкин. ўтмиш маданиятининг ҳассос намояндалари Мансур Халож, Боязид Бистомий, Имодиддин Насимий, Бобораҳим Машрабларнинг дунёвий, маънавий ахлоқий қадриятларга муносабати, бу борадаги бутун Шарқ халқлари орасида машҳур бўлган қарашлари тўғрисида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин.

Юқорида номлари тилган олинган асарларга келганда эса дунёда уларга қиёслайдиган, маънавий – ахлоқий қадриятларнинг умумий тизимлари изоҳланган китоблар бармоқ билан санарли. Ушбу анъана юртимиз маданияти тарихида асло тўхтаб қолгани йўқ ва бу борада А. Донишнинг «Ўғилларга насиҳат” (19 аср бошлари) асарларини эслаш кифоя. Холбуки, бу икки кейинги асар ҳам шу сахадаги ўнлаб китоблар жумласига киради.

Тасаввуфнинг энг асосий намояндаларидан бири А.Яссавий (1105-1166) диний, маънавий-ахлоқий қадриятларнинг ўша замонга мос келадиган тизимининг намоён бўлиши ва амал қилиш шартларини ислом дини нуктаи назаридан таърифлаб берган. Суфийлик асосларини тарғиб қиладиган “Девони хикмат” мажмуасида А. Яссавий маънавий қадриятларнинг асосий шакллари – поклик, ҳаё, бардош ва сабр – қаноат, чидвм, беозорлик, хокисорлик каби хислатларга таъриф берган. Совет даврида Яссавий қарашлари танқид қилинар эди. Аслида, Яссавий тариқати Шарқ халқлари орасида кенг тарқалган, маънавий меросимизга жуда катта таъсир кўрсатган. Бизнингча, Яссавий таълимоти ва тасаввуфнинг маънавий қадриятлари мўғил истилосидан озодликка эришиш, Темур давлатини ўрнатиш, унда сиёсат юритишдаги ассий ва етакчи ғоялардан бири воситасини ўтаган. Бундан ташқари, бу таълимот муғиллар истилосидан олидинги давр қадриятларини, темурийлар даври билан боғлайдиган маънавий асослардан бири бўлганлиги шубҳасиз.

Қадриятлар муаммоси таҳлилида нақшбандия тариқати, Баҳоуддин Нақшбанд (1388 йилда вафот этган), Хўжа Аҳрор (1409-1492) ва Ҳусайин Воиз Кошифий каби илоҳиёт илми алломалари илгари сурган ғоя ва қарашларнинг ҳам ўз ўрни бор. Нақшбандия тариқати Шарқда кенг ёйилган, А. Жомий, А. Навоийлар ва бошқа мцтафаккирлар ҳам унга чуқур хурмат билан қараганлар. Навоий “Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” номли асар ҳам ёзган. Нақшбандийликнинг вужудга келишида Яссавий таълимотининг таъсири сезилиб туради. Аммо нақшбандлик тариқати ўзининг кўпгина жиғатлари билан бошқа оқимлардан фарқ қилади. Нақшбандияда Аллоҳ висолига етишиш учун дунёдан воз кечиш ёк тарки дунё қилиш эмас, балки “қўл ишда,кўнгил Аллоҳда” бўлмоғи, поклик, ҳаё, камтаринлик комил инсоннинг асосий фазилатлари бўлиши лозимлиги уқтирилади.

XIX асрнинг охирлари ва XX аср бошларида юртимизда “қадимлар” ва “жадидлар” оқимлари вужудга келди. Ҳаётда рўй бераётган турли ўзгаришларни ўрганиш, умуммиллий қадриятларимизни жаҳон тараққиёти талаблари нақтаи назаридан таҳлил қилиш борасида Исмоилбей Гаспирали, М.Беҳбудий, Сўфизода, Саидрасул Азизий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Чўлпон, Фитрат каби илғор кишилар катта ютуқларга эришдилар. Қадриятлар билан боғлиқ муаммолар жадидларнинг диққат марказида турган, улар шарқона қадриятларнинг таҳлили борасида ҳам қимматли фикрларни баён қилганлар. Бу борада Абдулла Авлоний (1878 - 1937) алоҳида ўрин тутади. Унинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида ўзига хос маънавий қадриятлар тизими таърифлаб берилган. Асарда фатонат, назофат, ғайрат, риёзат, шижоат, қаноат, илм, сабр, интизом, миқёси нафс, виждон, ватанни севмоқ, ҳаққоният, назари ибрат, иффат, ҳаё, идрок, зако, лафз, иқтисод, виқор, итоат, садоқат, адолат, муҳаббат, авф каби қадриятлар –

“хши хулқлар” деган умумий ном остида таҳлил қилинади. “Ёмон хулқлар” га эса ғазаб, аҳолат, разолат, адоват, ҳасосат, ғийбат, ҳақорат, ҳасад, зулм каби хусусиятлар мисол бўлади. Агар ушбу асарда тилга олинган қадрият номларига диққат қилинса, ўша даврда юртимизда маънавий тушунчаларнинг кўлами қанчалик кенг бўлганлигини, тилимизнинг нақадар бойлигини кузатиш мумкин. Юқоридаги атамалар орасида биз аллақачон эсимиздан, тилимиздан ва балки дилимиздан ҳам чиқариб юборган тушунчаларга дуч келамиз. Тарихнинг ғилдираги ғайри туркий айланиб, бизни неча ўнлаб йиллар улкан меросимиздан жудо қилгани, расмий маънавият соҳасини шарқона қадриятлар тизими эмас, балки қуруқ шиорлар эгаллаб олганлиги кишини ачинтиради холос. “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” дарслик сифатида битилган ва унда шарқона таълим – тарбиянинг мазмуни, асосий талаблари ҳам таърифлаб берилган бўлиб, бу китоб халқларимиз маданиятига янада қаттароқ таъсир кўрсатиши мумкин эди. Афсуски, 30-йилларда бошланган сиёсий жараёнлар Авлонийлар авлодининг бой меросини ўз домига тортди. Китобнинг тақдири ҳам шундай кечди, у таъқиқлаб қўйилди, хатто кутубхоналардан ҳам топиш қийин бўлиб қолди. Фақат республикамиз мустақил бўлганлигидан кейингина уни чоп этиш (“Ўқитувчи” нашриёти, 1992 йил) имкони туғулди. Анна шунга ўхшаш фикрни М.Беҳбудий, Сўфизода, Чўлпон, Фитратларнинг асарлари тўғрисида ҳам айтиш мумкин.

## 2-мавзу: 2 машғулот

**Режа:**

1. Қадимги давр фалсафасида қадриятлар муаммоси.
2. Қадриятлар масалалари ғарб файласуфлари асарларида қўйилиши.
3. Ғарб олимлари томонидан аксиология ҳақидаги фикрларнинг қўйилиши.
4. XX асрда қадриятларни илмий ўрганишнинг замонавий йўналишлари.

Таянч тушунчалар:

Веда, упанишада, Рамаяна, Маҳобхорат, конфуцийчилик, даосизм,

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Т.: 1998.
2. Назаров К. Аксиология: Қадриятлар фалсафаси. Т.: 1998.
3. Жаҳон фалсафаси. Т.: 2004.
4. И. Каимов, М. Рустамов. Фалсафа фани тарихи ва назарияси. Т.: 2007.
5. Йўлдошев С.А. ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси. Т.: 2002.

**1-ража:** Бизнинг эрамизгача бўлган 1 минг йилликнинг ўрталарида инсоният тарихининг тараққиётида қадимги маданиятнинг уч ўчоғи –Хитой, Греция, Ҳиндистон башарият тарихида цивилизация бешикларидан бири ҳисобланади. “Рамаяна”, “Маҳобхорота”, “Калила ва Димна”, “Ведалар” ва юнон мутафаккирларининг асарлари илк манбалар бўлиб хизмат қилади. Ана шу бебаҳо ёдгорликларининг ҳар бирида ақл – идрок, адолат, инсоф – диёнат, халоллик, поклик, меҳнатсеварлик, миллий тотувлик, тўғри сўзлилик ҳақида ва ёмон иллатларга қарши курашиш зарурлигига доир жуда муҳим ғоялар хикматлар, ривоятлар, мақолалар шаклида баён этилган.

“Упанишадалар” да асосан, инсонни ўраб турган борлиқ, унинг ҳаётидаги ўрни ва вазифаси, ташқи олам ва инсон табиати, унинг ҳаёти ва руҳиятининг моҳияти, билиш имкониятининг чегаралари ахлоқ меъёрлари хақидадир.

“Даосизм” гўзаллик ва ёмонлик, борлиқ ва йўқлик, узун билан қмсқалик бир-бирини тўлдиради, бирин кетин келади, бир бирига боғлиқ бўлади, табиатдаги барча мавжудот, барча ҳодисалар қарама – қаршиликларни ўз ичига олади.

Ҳиндистон жаҳон маданиятининг қадимий ўчоқларидан бири.
Ҳиндлар тарихида милоддан аввалги 2 минг йиликнинг 1-минг йиллиги ўрталаригача бўлган тарихий давр “Веда” даври деб аталади. “Веда” (билим) – ўша даврдан қолган муқаддас матнлар тўплами бўлиб, бир неча қисмдан иборат. Шундан бизга Ригведа (мадҳиялар, дуолар тўплами) кабилап етиб келган.

Самаведа, Яхурведа, Атхарваведаларда Ригведадаги қўшиқларга бағишлаб куйлар тўқилган, мавжуд диний эътиқод ва фалсафий тасаввуфлар ўз аксини топган. Уларда жамиятнинг турли томон ва жиҳатлари, жумладан, унинг сиёсий ташкилотлари, муайян ижтимоий ва оилавий муносабатлар, иқтисодий ва маънавий ҳаёт, афсонавий тасаввуфлар ва ҳакозолар баён этилган.

Локаята – чорвака милоддан олдинги VII-II асрларда шаклланган фалсафий очимлардан биридир.

Локаята – халқ фалсафаси. Локаята-чаркава таълимоти оламни, табиатда содир бўладиган барча ҳодисаларни, жараёнларни уларнинг ички моҳиятидан келиб чиқиб ўрганиш керак, уларни илоҳий кучлар таркибига тиқиштира бериш маъқул эмас. Уларнинг фикрича, бутун оламда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларнинг соҳиби моддий борлиқдир. Масалан, оловнинг иссиқ, сувнинг совуқ бўлишини айнан шу ҳодисаларнинг ўзидан излаш лозим.

Чорвакаларнинг одоб-ахлоққа оид қарашлари эътиборга лойиқ. Улар гўзал ҳаётни, ахлоқий камолотни тарғиб қиладилар. Инсоннинг камроқ азод-уқибатлар чекиб, кўпроқ роҳат-фароғатда яшашни орзу қилиши табиий ҳолдир. Бунинг учун эса меҳнат қилиши, илм-фан ютуқлари билан ошно бўлиши лозим. Ақлли, донишманд киши яхши ҳаёт кечираман, роҳат қиламан деса, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, савдо-сотиқ, сиёсат ва давлатни бошқариш ишлари билан яқиндан таниш бўлмоғи лозим. Одоб-ахлоқ-инсон кўрки. У туфайли одамлар бир-бирига дўст, ҳамкор бўладилар. Бахт –саодатга эришиш инсон олий мақсадидир. Унга оқилона тадбир ва амал орқали етишилади.

Хитойда фалсафий фикрнинг шаклланиши ва ривожланишида Хитой маърифатчилигининг намунаси бўлиш мумтоз китоблари милоддан аввалги биринчи минг йиллик ва “юзта мактаб” деб аталмиш даврда вужудга келган. Бу китобларда Хитой жамиятининг тарихига, маънавий маданияти, давлатчиликги, ижтимоий ҳаёти, фалсафаси, қонунчилигига оид билимлар, ғоялар кенг ўрин олган.

“Қўшиқлар китоби” да қабилалар, ҳунар ва нарсаларнинг пайдо бўлишига оид қўшиқлар, турли – туман мистик ғоялар ўрин олган. “Тартиб китоби” да сиёсий диний маросимлар, сиёсий ижтимоий фаолиятнинг меъёр ва мезонлари баёни берилган. Ўтмиш жамият келажаги учун намуна қилиб кўрсатилган. “Тарих китоби” да расмий хужжатлар, ўтмишда содир бўлган тарихий воқеалар баён қилинган. “Баҳор ва куз китоби” да ахлоқ-одоб, адабиётнинг ўзига хос намунаси вазифасини бажарган.

Инсон бошқа барча мавжудодлардан фарқланади. У коинотнинг ўзига хос объекти бўлибгина қолмасдан, балки воқеликда содир бўладиган ҳодисалар, мавжуд нарсаларни билишга шайланган субъеки ҳамдир. Инсон билиши борлиқдаги объектларни бир-биридан фарқ қила олиш, белгилаш ва уқиб олишга қаратилган. Буни амалга ошириш донишмандларга хос фазилатдир. Ақли расо киши ўзининг табиат, оламдаги ўрни тўғрисида фикр юритиши, ўз куч-кувватини (дэ) ер ва осмон билан бирлаштириши, ўз шуъласини қуёш ва ой билан боғлаши, фаолиятини йилнинг тўрт фасли билан уйғунлаштириши лозим. Ана шундагина у коинот сири- юксалиш ва инқирозни уқиб олган бўлади.

Конфуций қадимги Хитойда битилган бешта мумтоз китобни тўплаш, уни ҳар томонлама шарҳлаб бериш ва кенг ташвиқ этишда машҳур бўлган.

Конфуций томонидан баён этилган китобларнинг асосий мазмуни бешта оддий, лекин буюк инсоний фазилатдан иборатдир. Бу донолик, инсонийлик, садоқат, кексаларни ҳурмат қилиш ва жасоратни қамраб олади. Булар кишилар хатти-харакати, хулқ – атворини белгиловчи ахлоқий қоидалар бўлиб, амалий дастур вазифасини бажарган. Бу виждонийлик ва ўзини ҳамда ўзгаларни ҳурмат қилишни билдиради. Улар ўз моҳиятига кўра, табиат қонунларига мос тушиб, кишилар ҳаётида ақл мезон асосида ўрнатилган тартибнинг муҳим шартлари ҳисобланади. Лекин бундай талабларни амалга оширишга юксак маънавиятли, хос кишиларгина қодирдилар. Конфуцийнинг фикрича, қайд этилган қоидаларни ўринсиз кенгайтириш мақсадга мувофиқ эмас. ҳар қандай “номларни ислоҳ қилиш” назарий жиҳатдан кишиларнинг ўзлигини англашга, ақл тамойилларига асосланган ва инсон камолотини таъминлай оладиган ижтимоий тузумни юзага келтиришга хизмат қилмоғи лозим.

Мэн-цзи Конфуцийнинг ахлоқий қарашларини ривожлантириб, эзгуликни инсон табиатининг асоси қилиб олди. Инсонда эзгулик тўртта фазилат орқали амалга ошади. Унинг асосини билим ташкил қилади, чунки нарсалар, олам ва инсонга хос тартибни билиш инсонийлик, хушфеъллик, билим ва тўғриликни рўёбга чиқариш билан ифодаланади. Ақл тамойилига асосланган инсонийликни тан олмаган, ўзининг хукмронлигини зўравонлик билан амалга оширган хукдорнинг халқдан умидини ўзгани маъқул. Осмон хукми барча нарсалар, жумладан, кишилар, уларнинг ҳаёти, мжтимоий функцияси, ҳокимиятини белгилайди.

Сюнь-цзи, Мэн-цзининг инсон табиати ҳақидаги таълимотига қарши чиқади. Инсон табиатнинг бир қисмидир, деб таълим беради. Сюнь- цзи. Инсон, ўз табиатига кўра, ёмон ахлоқ соҳибидир. Унинг барча яхши, ижтимоий фазилатлари тарбиясининг натижасидир. Кишилар табаит устидан хукмрон бўлиш мақсадида бир-бирлари билан бирлашадилар. Агар биз ахлоқий онг чегарасини аниқ белгилаб олсак, гармонияга эришамиз. Гармония – бирлик. Гармонияга эришган инсон қудратли кучдир. Сюнь-цзи табиатни жонсиз, жонли, онгли мавжудодларга бўлади. унинг қарашларида билиш масалалари ҳам тилга олинади. Билишнинг биринчи илк босқичи ҳиссий билишдир. Воқеликни тушунчалар орқали билиш эса ақлий билишни ташкил этади. ақл учта талабга жавоб бериши лозим, улардан энг муҳими – ақл софлиги. Лао-цзи “Йўналишлар ва фазилатлар ҳақида рисола” нинг муаллифи.

Лао-цзининг фикрича инсоннинг табиат билан ўзаро ҳамкорлиги унинг руҳий барқарорлиги, ососийшталигини таъминлайди. У инсон, жамиятнинг ортиқча безовталигини, ўта фаоллигини маъқул кўрмайди. Ортиқча фаоллик цивилизацияни туғдириб, инсон ва олам ўртасидаги гармониянинг бузилишига, дисгармонияга олиб келади. Нарсалар меъёрига амал қилиш инсоннинг муҳим ҳаётий вазифаси бўлмоғи лозим. Воқеликни билиш осойишталик вазиятида амалга ошади. Бундай фикр конфуцийнинг таълимотига зиддир, чунки у таълим-тарбияга алоҳида эътибор берганлиги маълум.

Қадимги юнон файласуфлари ҳам қадриятлар масаласида муҳим фикрларни илгари суришган. Юнон файласуфи Пифагор ҳулқ-одоб масаласида катталарни ҳурмат қилиш, ўз вазифасини сидқидилдан бажариш, урф-одатларга амал қилиш, ҳиссий лаззатга берилиши ўзни тийиш, илм-фан ва санъатга ихлос қуйш каби анъанавий фазилатларни эгаллаш тарафдори бўлган.

Пифагорчилар даврида эстетик тафаккур ривож топа бошлади. Айникса, пифагорчиларнинг, унинг мусиқа, унинг келиб чиқиши, ёш авлодни тарбиялашдаги ғоялари диққатга сазовордир.

Пифпгорчилар гармония, гўзаллик ва комилликни бир-ьири билан тенглаштирдилар.

Улар мусиқанинг тарбиявий аҳамияти ҳақида сўз юритиб, турли касалликларни мусиқа орқали даволаш мумкинлигини қайд этдилар. Бундан ташқари, куй ва оҳанглар ёрдамида инсон ҳалқ, ғазаби, қайғу-алам, тушкунликка тушуш, асоссиз рашк қилиш ва

бошқа турли руҳий касалликларни ҳам тузатиш мумкин. хуллас, мусиқа, уларнинг фикрича, инсон саломатлигини тиклашда муҳим аҳамиятга эга. Улар илк бор мусиқий эстетика ва эстетик тарбия назарияси куртакларини яратдилар.

Гераклит ахлоқий қарашларида аҳлоқни донолик билан тенглаштирди, зероки, донолик ҳақиқатни шапиришга, табиатга қулоқ солишга ундайди. У инсонга фақат фойда келтиради.

Демокрит ахлоқшуносликни фалсафанинг таркибий қисми, деб билди. Роҳатланиш, лаззатланишга интилиш инсоннинг табиий ҳолати бўлиб, бахт –саодатга эришишнинг биринчи босқичидир. Бахтга эришиш инсоннинг табиий ва зарурий эътиёжларини қондиришдир. Лекин одам меъёрига амал қилиш лозим. У ахлоқий камолотга эришишда ақл муҳим роль ўйнашини таъкидлади. Ақл кишини тўғри мақсадга йўналтириши лозим. Бунинг учун у табиат қонунлари ва инсон хатти-харакати қоидаларини билиши зарур.

Унинг фикрича инсон фақат ўзини билиши мумкин. шунинг учун у «ўз-ўзингни бил”, деган қоидага амал қилади.

Суқрот дунёқарашининг марказида инсон турди. Сукрот фикрича, умуман гўзал ва чиройли ҳодиса бўлмайди, қачонки у бирор нарсага керак бўлса, ёки хизмат қилсагина гўзаллик касб этиши мумкин. файласуфнинг фикрича, ҳар бир нарса ўз вазифасини бажаришга мойил қилиб яратилган бўлиб, у гўзалдир. Олтин қалқон ёмон ясалган бўлса, олтин эсада ўз вазифасини бажаришга ярамайди, демак у хунукдир, аксинча, гўнг ташишга мўлжалланган сават ўз вазифасини бажаришга мослаб яратилган бўлса, гўзалдир. Суқротнинг фикриича, бир нарса ҳам гўзал, ҳам ҳунук, айни вақтда яхши ва ёмон бўлиши мумкин. Чунки бир нарса учун фойдали ёки керакли нарса, бошқа нарса учун яроқсиз бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Унингча, очлик керакли нарса, безак касали учун зарарли бўлиши мумкин ва ҳ.к. умуман олганда, Сукрот, биринчидан, нафосатни нисбийлигини уқтиради. Иккинчидан, уни мақсадга мувофиқлик, фойдалилик, яхшилик ва эзгулик тушунчалари билан тенглаштиради.

Афлотун ғоялар тўғрисидаги таълимотни ишлаб чиқди. Фикрича моддий дунё ўткинчи, “ғоялар дунёси”да энг олий ғоя худодир. Моддий дунё- ҳайвон, минерал, ўсимлик ва инсонлар “умумий ғоялар”нинг нусхасидир. Энг олий ва ҳаракат ғояси гўзаллик ғояси бўлмай, балки фаровонлик ғоясидир. Афлотуннинг фикрича “фаровонлик ғояси”сиз барча инсоний билимлар, улар қанчалик мукаммал бўлмасин, фойдасиздир. Худо нафақат тирик мавжудот, у мутлоқ фаровонликдир. У фаровонликни мақсадга мувофиқлик ва ақл билан тенглаштиради.

Арасту энг яхши фазилатлар қаторига мўътадиллик, дўстлик, шижоаткорлик, адолат ва бахтга интилиш кабиларни киритади. Буларнинг ичида энг мукаммал адолат ҳисобланади. Унинг фикрича, адолат-қонунларга тўғри келадиган хатти-ҳаракат. У инсон яхши фазилат соҳиби бўлиб туғулмайди, балки уни оила, мактаб, ташқи муҳит таъсири ва муайян давлатга эгаллайди. Яхши фазилатлар инсондан онгли фаолият, онгли мақсадни талаб қилади. Инсоннинг эзгу мақсади бахт-саодатга эришувидир. Унга эришишнинг асосий шартлари, Арасту фикрича, қуйидагилардир: 1) болани тўла балоғат ва камолотга етиши; 2) соғлиқ, фаровонлик ва бошқа зарурий неъматларга эга бўлиш; 3) давлат, жамият тизимидаги ҳаёти.

Арасту ахлоқ ақлга бўйсиниши ва унинг фармойиши билан иш тутиш лозимлигини уқтиради.

Эллинизм даврининг йирик файласуфларидан бири Эпикурнинг билиш тўғрисидаги таълимоти ҳам диққатга сазовор.

Тафаккурнинг асосий вазифаси ҳиссий образларга таяниб, нарсаларнинг муҳим, умумий томонларини ажрата олиш, табиатдаги нарса-ҳодисаларнинг асосий моҳиятини билишдир. Унинг фикрича, инсон билимининг манбаи моддий борлиқ, нарса ва ҳодисалардан иборат. Кузатиш ва жонли мушоҳада орқали табиат сирлари очилади, инсонннинг билиш имкониятлари кенгая боради.

Эпикур «одам оқилона, адолали ва ахлоқ қоидаларига риоя қилмасдан гўзал ҳаёт кечира олмайди ва аксинча, яхши ҳаёт кечирмасдан, оқилона, ахлоқли ва адолатли яшашиши мумкин эмас". билимга интилиш натижасида инсон юксак маънавий камолотга эришади.

**2-режа:** "Қадрият" тушунчасидан ахлоқан зарурий махсус маънода фойдаланиш Кантга бориб тақалади. Унинг талқинидаги қадрият- бу муқаррарлик ва эркинлик аҳамиятига эга тушунча. Кантнинг издошлари Р.Г.Лотце, В.Виндельбанд ва бошқалар қадрият тўғрисидаги тасаввурларни янада риводлантирдилар. Виндельбанд қадриятни нафақат ахлоқийлик, балки маданият нормаси сифатида талқин этди ва ҳақиқат, эзгулик, гўзаллик каби қадриятлардан ташқари инсон маданиятининг санъат, дин, фан ва ҳуқуқ сингари қадрият бойликларини эътироф этган.

Томас Морнинг «Утопия" (1516) асрида қайд қилинишича, инсон олтинлар билан таққослаб бўлмайдиган олий қадриятдир.

Томмазо Кампанелла «Қуёш шаҳри" асарида жамиятда камбағаллар ҳам, бойлар ҳам бўлмаганлиги натижасида "улар ашёларга эмас, ашаёлар уларга хизмат қилади".

Қуёш давлатида меҳнат тақсимоти мавжуд бўлиб, унинг энг муҳим кўриниши ақлий меҳнатнинг жисмоний меҳнатдан ажратилишидадир. Бундай давлат тепасида энг исдеъдодли файласуф бўлиб, Метафизик ёки Қуёш деб аталган шахс туради.

Метафизик уч бош ёрдамчиларга таянадики, улар Кудрат, Донолик ва Муҳаббатдир. Кудрат ҳарбий ишни бошқаради, Донолик – фанларни, Муҳаббат эса овқатлантириш, бола туғиш ва таълим-тарбия билан шуғулланади.

Френсис Бэкон «Ахлоқий, иқтисодий ва сиёсий эссе" асарида фаннинг олий мақсади – табиат устидан ҳукмронлик қилиш ва инсон ҳаётини такомиллаштириб бориш. Инсоннинг нарсалар устидан ҳукмронлиги санъат ва фанлар орқали амалга ошади. Лекин инсон табиатга бўйсунмасдан туриб, унга ҳукмронлик қила олмайди. Воқеликнинг сир-асрорини билмаган ҳолда комил ишончни ҳосил қилиш мумкин эмас. бунинг учун эса ҳодисаларнинг ҳосил қилиш мумкин эмас. бунинг учун эса ҳодисаларнинг асл сабабларини билиб олмоқ лозим бўлади, чунки сабабларни билмаслик ҳақиқий фаолликка путур етказади ва уни қийинлаштиради.

Артур Шопенгауэр "Дунё: ирода ва тасаввур сифатида». Дунёда тасаввур сифатида сабабаият ҳукмронлик қилади. Бир ҳодиса бошқа ҳодиса натижасида келиб чиқади.

Унингча, инсоннинг характери туғма бўлиб, унга эзгулик ва ёвузлик ҳам туғма тарзда берилгандир. У инсонни ташқи муҳитнинг маҳсули эканлигини инкор этади.

1.Инсон ўзи нима?

2. Инсон нимага эга?

3. Инсонни инсон сифатида ўзида нимани намоён этади?

инсон учун катта бойлик – унинг соғлиғи, дейди файласуф Шопенгауэр фикрича, фақат санъат сўз, мусиқа, бадиий образ орқали оламнинг моҳиятини очиб бериши мумкин.

Шопенгауэр шеърият- инсоннинг ўз-ўзини англашида, тушунишида жуда кучли восита ролини ўйнайди.

"Ҳақиқий шоир лирикасида бутун инсониятнинг руҳи акс этади, ўтмишида, ҳозирда ва келажакда яшовчи миллионларнинг кечинмалари, ҳис-туйғулари вайта- қайта жонланиб, соф шеъриятда ўз акс-садосини топади. Шоир инсоният кўзгусидир, яъни ўзи ҳия қилган туйғуларини жонли равишда инсоният онгига сингдира олади", -дейди Шопенгауэр.

Шопенгауэр барча ахлқий ҳаракатларнинг заминида ўзгаларга раҳмдиллик қилиш, уларга қўлдан келганча ёрдам бериш, ғамхўрлик қилиш- раҳм шафқатнинг асосий хусусиятдир. Шопенгауэр фикрича, "Раҳдиллик – инсон маънавиятининг пойдевори, фақат раҳмдиллик ҳақиқий инсонпарваролик ва адолатни белгилаб беради. адолат ва инсонпарварлик эса маънавий қадриятлар ичида энг олийсидир. Раҳмдиллик хислатини Шопенгауэр нафақат инсонларга, балки ҳайвонларга нисбатан ҳам қўллаш лозим", дейди.

Гегелнинг таъкидлашича, ахлоқий камолот ҳуқуқий, моддий ва сиёсий муносабатларнинг ҳаракатлантирувчи кучи ва ички моҳият – мазмуни сифатида талқин қилинади.

Фейербахнинг “Ўлим ва мангулик тўғрисида фикрлар” асари инсон эътиборини ўзига, ҳақиқий оламга қаратмоғи лозим. Олам аянчли кишилар учун аянчли, баъмани одамлар учун беъманидир. Инсон табиатдан ажралган ҳолда мавжуд эмас. у табиатнинг юксак даражада ривожланганлигини кўрсатиб берувчи ўзига хос ифодасидир. Инсон табиатдан алоҳида мавжуд бўлмагани каби тафаккурҳам инсондан мустақил равишда амал қилмайди.

Ҳар бир инсоннинг одилона, тўғри уқиб олинган манфаати жамият манфаатларига мос тушади. Бу борада эгоизм, саҳоват ва мурувват тушунчадари муҳим аҳамият касб этади. эгоизм – айрим шахснинг молу мулкка, моддий ноз-неъматларга қул бўлиши эмас. У – инсон эҳтиёжларнинг намоён бўлиши. Эгоизм шахсий, оилавий, корпоратив, жамоа, қолаверса, жамият ёки айрим тоифа, табақа, ижтимоий кучлар эҳтиёжларини ифодалаши мумкин. эгоизм эҳтиёжлар сифатида жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади. У адолатсизлик, қайғу-аламлар, ҳақсизлик ижтимоий иллатларнинг манбаи ёки ижтимоий адолат, ахлоқий фазилатлар, эзгуликнинг сабаби бўлиши табиий ҳолдир. Адолатли жамиятда эҳтиёжлар рақобати, шахсий ва ижтимоий эҳтиёжлар ўртасидаги ўзаро келишмовчиликлар, зиддиятларнинг юмшатилиши, бартараф этилиши альтруизмга боғлиқ бўлади. фейербахнинг таъбирича, эгоизмсиз (шахсий манфаатлар кўпчилик манфаатларидан юқори қўйиш) инсон бошсиз кимса, альтруизмсиз (ўзгаларга беғараз мурувват кўрсатиш тўғрисидаги ахлоқий таълимот) ҳар қандай инсон қалбсиздир. Жамият камолоти кишиларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати, мураввати, саҳоватпешалиги орқали рўёбга чиқади. Ҳар бир инсон ўз ҳолича бахтли бўла олмайди, унинг бахт – саодати бошқаларнинг қувончи, бахтиёрлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Фейербахнинг ахлоқий қарашларида меҳр-оқибат инсон ҳаёти ва турмуш тарзи олий қонун бўлиб қолмоғи алоҳида таъкидланади. Меҳр-оқибат инсоннинг инсон бўлиб шаклланишининг яққол исботидир. У тан ва руҳ, зарурият ва эркинлик дуализмининг инкоридир. У шахсиятпарастликни жиловлашга, ижтимоий адолатни ўрганишга хизмат қилади.

**3-режа:** Жаҳон фалсафий тафаккури тараққиётида XIX аср ўзига хос ўрни тутади. Бу давр фалсафасига ғоят мураккаб ва хилма-хил фикрларга бой бўлиб, турлича мактаб ва қарашларни ўз ичига олади. Ушбу даврда Ғарб ижтимоий ҳаётида муҳим ўзгаришлар юз беради, табиатшунослик фанлари илгарилаб кетиши билан биргаликда янги–янги муаммоларни ҳам келтириб чиқарди. Булар ичида инсон муаммоси, хусусан унинг ички дунёси, борлиғи, моҳияти ва унинг фалсафий таҳлили каби масалалар долзарблиги билан файласуфлар диққат эътиборини жалб қилди. Бу ўз навбатида ноанъанавий (ноклассик) йўналишдаги оқим ва мактабларни юзага келтиришга олиб келади. Уларнинг вакиллари эса ижтимоий тараққиёт, инсон ақли билан боғлиқ масалаларни қайта кўриб чиқибгина қолмасдан, жамиятдаги маънавий бўҳрондан қутилиш чораларини қидирдилар. Дунёнинг турли-туман ва ранг-баранглиги, инсон ва унинг моҳияти, маънавий ҳаётининг қонуниятлари, яшашнинг маъноси, инсон руҳиятининг таҳлили, фалсафий тафаккурнинг ўзига хослиги каби муаммоларга алоҳида эътибор бердилар.

Немис олимлари В.Виндельбанд (1848-1915) ва Г.Риккерт (1863-1936) ларнинг фикрича қадриятлар ўзига хос ва идеал аҳамият сифатида зоҳир бўлади, объектдан ҳам, субъектдан ҳам алоҳида мустақил оламни вужудга келтиради, бу олам макон ва замон қонунларидан устун туради. Ана шу маънода қадриятлар оламдаги мавжуд нарсалардан кўра бир қадар улуғ зоҳирийлик ва мутлақ ҳақиқатлардир.

Қадриятлар масаласида М. Шалер (1874-1928) ғарб аксиологиясининг ва ундаги “Ўзгармас ахлоқий қадриятлар” номли назариянинг асосчиси ҳисобланади. Бу назарияга кўра қадриятлар мустақил яшашлари мумкин, улар ўзгармайдилар, балки бизнинг қадриятлар ҳақидаги фикримиз ўзгаради, бугун олам қадриятлар билан тўйингандир,

қадриятларнинг мавжудлиги борлиққа маъно бахш этади, воқелик қадриятларнинг “ўзига хос намойиши” дан иборат. М. Шелер маънавий қадриятларни идеал объектлар, деб атайди. Ана шу идеал объектлар, унинг назарида, кишиларга доимо таъсир қилиб турадилар, уларнинг ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этадилар, қадриятларни англаш, инсондан чуқур билим ва мутассил илмий изланишни талаб қилади.

Н. Гартман (1882-1950) “Этика”, “Онтология асосларига доир”, “Табиат фалсафаси” каби асарларида ўзгармас ахлоқий қадриятлар назариясини ривожлантиришга ҳаракат қилади. У қадриятлар объективдир, улар нарсалар, воқелик шаклларининг моҳияти, мазмуни, аҳамияти билан узвий боғлиқ ҳолда намоён бўлади, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, қадриятлар дунёсининг ўзига хос яшаш қонунлари бор, уларнинг амал қилиши инсон иродасига бўйсунмайди. Қадриятлар воқелик шаклларининг моҳияти, аҳамияти, мазмуни сифатида мавжуд бўлганликлари учун, одамлар ўз ҳаёт тарзларини уларнинг талабларига мослаштиришлари шарт.

Ғарб олимларида субъектив жиҳатларига кўпроқ эътибор берадиган қарашлар ҳам мавжуд. Улар, У.Жеймс, Ж.Дьюн, А. Мейнонг, А. Берксон, Д.Перри, Э.Фромм кабилар қадриятларнинг вужудга келишини инсон, унинг сифатлари ва фаолияти билан боғлайди. Бу оқимга хос қарашлар софизм таълимотига бориб тақалади.

Ғарб олимларидан В.Дельтей, О.Шпенглер,А.Тойнби, П.Сорокинлар қадриятларни мавҳум эмас, балки аниқ таҳлил қилиш керак ва ана шунда уларнинг келиб чиқиши, моҳияти ва намоён бўлиш шаклларини аниқлаш осон бўлади деган фикрни илгари суришади.(бу диққатга сазовор фикрдир)

Б. Есуп, М. Родер, Т.Мунро каби олимлар кишининг шахсий – индивидуал қадриятларни таҳлил қилиб, ҳозирги замон индустриал жамияти шароитида шахс қобилияти, ташаббускорлиги жуда қўл келади, айнан шулар билан боғлиқ шахсий қадриятларни такомиллаштиришга эришиш лозим деган ғояни илгари суришади.

**4-режа:** Бу борадаги изланишлар ўзбекистонлик олим, файласуф ва мутахассисларнинг асарларида ҳам таҳлил қилинмоқда.

Ҳ.А.Алиқуловнинг «Нақшбандия қадриятлари” (“Туркистон”, 1993 йил 15 сентябр), А.Жалоловнинг «мустақиллик фалсафаси ва фалсафа мустақиллиги” (“Ўзбекистон овози», 1993 йил 15 июн) каби мақолаларини, айниқса Ф. Темиров ва С. Назароваларнинг “Жамият ва қадрият” (-Т.: Ўзбекистон, 1992), Э.Ю.Юсуповнинг «Қадритлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти” (-Т.: ТошДУ, 1994) рисолаларини, Х.О.Шайхова ва Қ. Назаровларнинг «Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот” (ҳаммуалифликда ёзилган. –Т.: Ўзбекистон, 1994) китобларини кўрсатиш лозим. Шу билан бирга Қ.Х.Хоназаровнинг «Миллий ўзликни англаш ва умуминсоний қадриятлар” мақоласи (1994 й). олимнинг кейинги йилларда чоп этилаётган бир қатор бошқа ишларида, А.М.Жалоловнинг «мустақиллик масъулияти” (1996 й.) китобида, Б.Р.Каримов ва Б.О.Тўраевларнинг «Оқилона қадрият мўлжалари” рисоласида мавзунинг бир қатор жиҳатлари таҳлил қилинган. ЎзРФА фалсафа ва ҳуқуқ институти фалсафа тарихи бўлимининг олимлари томонидан Марказий Осиёдаги ижтимоий фикрлар тарихида маънавий қадриятлар тўғрисидаги ғояларнинг ривожига оид қамровли тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Аксиология ижтимоий фанларнинг махсус соҳаси сифатида шаклланган Ғарб мамлакатларида, бу соҳада махсус қўлланмалар ва китоблар чоп этилмоқда, қадриятшунослик бўйича мутахассислар бор, хилма-хил илмий анжуманлар ўтказиш йўлга қўйилган. Ҳозирги даврда Ғарб мамлакатларида аксиология билан боғлиқ хилма – хил илмий йўналишлар дунёга келди.

## 3-мавзу. Қадриятларнинг моҳияти ва мазмуни (2-соат).

**Режа:**

1. Қадрият категорияси, мазмун - моҳияти.
2. Қадрият феномени.
3. Қадриятлар объектив асослари ва субъектив англаниши.
4. Қадриятларнинг регулятив функцияси ва маънавий мезон сифатидаги аҳамияти.

**Таянч тушунчалар**:

Аксиология, қадрият, моддий ва маънавий предметлар, қадриятли муносабат, феномен.

**Адабиётлар**

1. Билиш фалсафаси. Т.: 2005.
2. И. Каримов, М. Рустамова. Фалсафа фани тарихи ва назарияси. Т.: 2007.
3. М. Қурбонов. Ўзбек характери ва миллий ғоя. Т.: 2005.
4. П.Чўлиев. миллий маънавиятдаги ҳуқуқий, ахлоқий қадриятлар // халқ сўзи, 1996 август.
5. Б. Қосимов. Миллий уйғониш. Т.: 2002.
6. О. Мусулмонова. Маънавий қадриятлар –соғлом авлод тарбиялаш воситаси.Т.: 1995.

***1-масала***. Жамият тараққиётининг муайян босқичларида ижтимоий ҳодисаларга муносабат хилма хил тарзда намоён бўлади. Хусусан, мустақиллигмизнинг биринчи кунидан бошлаб ҳаётимизнинг барча жабҳаларида «қадриятлар», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ғурур», «миллий ифтихор» каби тушунчалар тез-тез ишлатиладиган бўлиб қолди. Бу бежиз эмас, зотан, мустақиллик айни пайтда миллий тикланиш ҳамдир. Уни эса мазкур тушунчаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, қатағон сиёсати ва тузуми даврида бу атамаларни ишлатиш у ёқда турсин, уларни ҳатто ўзбекча луғат бойлигидан суриб чиқаришга ҳаракат қилинган эди. Бунга далил сифатида 1959 йили Москвада «Хорижий ва миллий луғатлар давлат нашриёти» томонидан чоп этилган, 40 мингдан ортиқ сўздан иборат «Ўзбекча-русча луғат»га ҳам, 1988 йили ЎзСЭ Бош редакцияси томонидан чоп этилган «50 минг сўзлик «Ўзбекча — русча луғат»га ҳам «қадрият», «миллий тикланиш», «миллий онг», «миллий ифтихор» каби тушунчаларнинг киритилмаганлигини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, бу тушунчалар 1981 йилда Москвада «Рус тили» нашриёти томонидан чоп этилган, 60 минг сўзни қамраб олган икки жилдлик «Ўзбек тилининг изоҳли луғатида ҳам учрамайди. Хатто баъзи русча - ўзбекча луғатларда ҳам «қадрият» сўзи қўлланилмаган. Жумладан, 1976 йилда «Фан» нашриётида чоп этилган «Ижтимоий-сиёсий терминлар луғати»да «ценность» сўзининг 4 та маъноси алоҳида луғат мақоласи тарзида берилгани ҳолда уларнинг бирортасида «қадрият» маъноси ўз ифодасини топмаган.

Лекин луғатларда «миллатчи», «миллатчилик» сўзлари бор. Хўш, буни қандай изоҳлаш мумкин? Фикримизча, бундай вазият ўз-ўзидан, ёки тасодифий содир бўлгани йўқ. Бу оқ ва қизил мустамлакачиларнинг минтақамиз халқларини ўзларининг кўп асрлик тарихи, бой ва ноёб миллий мероси, қадриятларию, маънавиятидан жудо этиб, манқуртларга айлантириб қўйишга қаратилган сиёсати натижасидир.

Ҳукмрон сиёсат тарафдорлари ва уларнинг маддохлари «миллий истиқлол», «миллий ифтихор», «миллий «ғурур» каби атамаларни кишида миллатчилик кайфиятини уйғотадиган тушунчалар деб ҳисобладилар ва уларни ифода этувчи маҳаллий миллат вакиллари миллатчиликда айбланиб, тазийиқ остига олинди. Шуниng учун ҳам, мазкур тушунчалар кўп йиллар давомида ижтимоий сиёсий ҳаётимизда ишлатилмай келинди. Ҳатто уларни сўз бойлигимиздан чиқариб ташлаш хавфи ҳам туғилди десақ ҳақиқатдан узоқ бўлмайди.

Истиқлол халқимизга сўз ва фикр эркинлиги билан бир қаторда илгари ишлатилиб келган кўпгина миллий тушунчаларни ҳаётимизга қайтарди. Эндиликда «қадриятлар», «мустақиллик», «истиқлол», «миллий ифтихор» каби тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлмоқда.

Шуни мамнуният билан айтиш керакки, мазкур атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши ва қисқа вақт ичида теран илдиз отиб кетишида муҳтарам Президентимиз И.А.Каримовнинг хизматлари катта. Унинг асарлари ва нутқларида мустақиллик туфайли ҳаётимизнинг барча соҳаларида рўй бераётган туб ўзгаришлар, жумладан миллий қадриятларимиз, маданиятимиз, урф-одат, анъаналаримизнинг тикланиши, миллий ғururимиз, миллий ўзлигимизни англашимизнинг тобора юксалаётганлиги фахр, ифтихор билан қайд қилиниб келмоқда. «Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, - деб ёзади И.Каримов, - жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олийжаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади»[1].

Шундай қилиб, мустақиллик миллий маънавиятимизнинг заминини ташкил қилувчи «қадриятлар», «миллий истиқлол», «миллий ифтихор», «миллий ғурур», «миллий онг» каби тушунчаларнинг ижтимоий сиёсий ва кундалик ҳаётимиздаги асосий аҳамияти ва ўрнини қайта тиклаб берди. Бу бизнинг маънавий ҳаётимизда қўлга киритган катта ютуқларимиздандир.

Хуш, қадриятлар ўзи нима? Уларнинг моҳияти, асосий жиҳатлари нимадан иборат? Энг аввало, шуни қайд қилиш керакки, қадриятлар жуда сермазмун ва кўп қиррали тушунчадир. Шунинг учун ҳам адабиётларда мазкур тушунчанинг моҳиятини ифодалашда турлича ёндашувларни учратишимиз мумкин. Масалан, «Фалсафий энциклопедия»нинг бешинчи жилдида қадриятлар қуйидагича тавсифланган: «Қадрият фалсафий ва социологик тушунча. У, биринчидан, бирор объектнинг ижобий ёки салбий қимматини, иккинчидан, ижтимоий онгнинг норматив, белгиловчи—бағишловчи жиҳати (субъектив қадриятлар ёки онг қадриятлари)ни ифода этади. Шунга кўра объектив (ашёвий) ва субъектив (онг) қадриятлари бир биридан фарқланади».[2]

Мазкур манбада ёзилишича, табиий бойликлар ва табиат ҳодисалари (булар яхшилик ва ёмонлик нуқтаи назаридан баҳоланади) меҳнат маҳсулларининг истеъмол қиймати (умуман фойдалилик); ижтимоий ҳодисаларда мужассамлашган ижтимоий эзгулик ва ёвузликлар; тарихий ҳодисаларнинг прогрессив ёки реацион аҳамияти, ҳозирги замон кишиларининг бойлиги сифатида намоён бўлувчи мозийнинг маданий мероси, илмий ҳақиқатнинг фойдали самараси ёки назарий аҳамияти, кишиларнинг ҳатти ҳаракатларида ифодаланувчи ахлоқий, яхшилик ёки ёмонлик, табиий ва ижтимоий объектларнинг ҳамда санъат асарларининг эстетик жиҳатдан тавсифланиши, саждагоҳлар, диний ибодат буюмлари ва бошқалар ашёвий қадриятларга киради [3].

Онг қадриятларига норматив тасаввурлар (яхшилик ва ёмонлик адолат, гўзаллик ва хунуклик ҳақидаги, тарихнинг маъноси ва инсоннинг вазифаси ҳақидаги тасаввурлар, идеаллар, ҳаракат меъёрлари ва тамоойиллари тарзида ифодаланган ижтимоий кўрсатмалар ва баҳолар, талаб ва таъқиқлар, мақсад ва лойиҳалар) киради.

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодиёти ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида.- Т.:Ўзбекистон, 1995, 140-бет

[2] Философская энциклопедия. 5-Жилд. -М.: Наука, 1970, 462-бет.

[3] Философская энциклопедия. 5-Жилд. -М.: Наука, 1970, 462-бет.

Кўринадики, «Фалсафий энциклопедия»да русча «ценность» тушунчасига кишилар томонидан ё ижобий, ё салбий баҳоланадиган, уларнинг моддий ва маънавий ҳаётига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган барча нарса ва ҳодисалар киритилган.

Ана шунга яқин нуқтаи назар Ўзбек Совет Энциклопедиясида ҳам баён этилган: «Қадрият (фалсафа ва социологияда)—воқеликдаги муайян ҳодисаларнинг инсоний, ижтимоий ва маданий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган тушунча... Қадриятларни мазмуни ва ҳарактерига кўра прогрессив ва реақион типларга ажратиш мумкин»[1]. Бу эса, мазкур категорияни ўта сиғимдор қилиш билан бирга уни изоҳлашни мушкуллаштиради. Турли чалкашликлар келтириб чиқаради.

Шу жиҳатдан таниқли файласуф олим В.П.Тугариновнинг фикри эътиборга лойиқдир: «қадриятлар муайян жамият ёки синфга мансуб кишилар турмуши ва маданиятининг ҳақиқий ёки идеал неъматлари бўлган табиат ва жамият ҳодисаларининг моҳияти (ёки ҳодисанинг бир жиҳати)дир. Бу неъматларнинг қадриятлар дейилишига сабаб кишилар уларни қадрлайдилар, чунки бу қадриятлар уларнинг шахсий ва ижтимоий турмушини бойитади. Шунинг учун ҳам кишилар ўз тасаввурларидаги қадриятларни химоя қиладилар ва ўзлари учун мақсад ёки идеал бўлган қадриятларни амалга оширишга интиладилар.

Қадриятлар ичида энг биринчи ва энг умумийси ҳаётнинг ўзидир, чунки ҳаётдан маҳрум бўлиш қолган барча қадриятлардан фойдаланишни йўққа чиқаради. Қадриятларнинг бошқа турлари, аслини олганда, ҳаёт неъматларининг моҳиятидир, маданий қадриятлардир» [2].

Демак, қадрият дейилганда инсон ва инсоният учун аҳамиятли бўлган, миллат, элат ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари ва мақсадларига хизмат қиладиган табиат ва жамият ҳодисалари мажмуини тушунмоқ лозим.

Қадриятлар қаердан келиб чиқади, уларни манбаи нимада? Бу саволга аксиологияни диний – фалсафий йўналиши жавоб беришга ҳаракат қилиб, мутлақ ва умумий қадрият худо, бошқа ҳар қандай қадриятларни манбаи ҳам худодир деган фикрни билдирмоқда. Оқилона фаолиятни йўналтирадиган қадриятлар илмий билиш предмети бўла олмайди, улар эътиқод, ишонч предметидир, деб таъкидлайди немис файласуфи Г. Фальк.

Аксиологияни субъектив – идеалистик йўналиши намоёндаларини фикрича қадрият инсонни психик фаолиятини функциясидир, яъни предмет ўзини хос сифатида, хоссаси боис эмас, балки инсонни диққат – эътибори унга қаратилгани учун қадриятли хислатга эга бўлади. Шундан келиб чиқадики, қадрият психик жараённи муҳсулотидир. Инсон психикада пайдо бўладиган эҳтиёжлар хилма – хилдир, шу боис қадриятлар ҳам кўп хил бўлади.

Эмпирик социология йўналиши қадрият учун ижобий аҳамияти бўлган тажриба мазмунидир. Кўпчилик Ғарб социологлари қадрият тушунчасини умумий намуна ёки ҳатти – харакат андозасини мужассамлаштирган қоида (норма) билан боғлайдилар. Қоида, қонун нафақат мавжуд бўлган вазият учун, балки керак, даркор ҳолат учун ҳам аҳамияти бор. Кадрият – қонун ҳозирги ҳолат учун эмас, келажакка ҳам татбиқ қилинади. Америкалик социолог Т. Парсонсни фикрича қадриятлар фаолият йўналишини танлаш учун мезон бўлиб хизмат қилади.

Қадриятлар биологик ва физиологик эҳтиёжлардан келтириб чиқарадиган натуралистик талқинлар ҳам мавжуд. Америкалик биолог ва файласуф Джордж Паг қадриятларни икки турга бўлади. биринчиси физиологик эҳтиёжларни қондиришга қаратилган қадриятлар ҳузр – халоват, завқланиш, қаноатланиш ва бошқалар. Иккинчи турдаги қадриятлар ижтимоий эзгулик ва ёвузлик, нафосат кабилар киради. Мазкур ёндашувга кўра қадриятлар эволюцион тараққиётни маҳсулидир.

---

[1] Ўзбек Совет Энциклопедияси. 14 – жилд. -Т., 1980, 7- бет.

[2] Тугаринов В.П. О ценностях жизни культуры.- Л.,1960, 3-бет.

Аксиологик таълимотларни асосий йўналишларини кўздан кечириш шуни кўрсатадики, уларни ҳар бири қадриятни инсон ёки борлиқни бирон – бир ҳислати билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу эса аксиологик талқинларни хилма – хил бўлишига олиб келади.

Қадрият, биринчидан, сифатий тавсифлардан фарқли равишда нарсанинг ижобий ёки салбий аҳамиятини, иккинчидан, ижтимоий онг ҳодисаларининг норматив, баҳоли томонини англатувчи тушунчадир, деган қараш мавжуд. Табиий қадриятларга моддий бойликлар, меҳнат махсулотларининг истеъмол қиймати (умуман фойдалилиги); ижтимоий ва тарихий ҳодисаларнинг тараққий ёки реакцион аҳамияти; замондошларнинг маънавий бойликлари кўринишида намоён бўлувчи ўтмишнинг маданий мероси; илмий ҳақиқатнинг аҳамияти; кишилар ҳатти – ҳаракатлари; табиий ва ижтимоий объектлар ва санъат асарларининг эстетик тавсифлари киради, деб хисобловчилар бор. Улар субъектли қадриятларни танлаб ва тасаввурлар шаклида ифодаланган ижтимоий фикрлар, мақсад ва лойҳалар, ижобийлик ва салбийлик, яхшилик ва ёмонлик, адолат ва ноҳақлик, гўзаллик ва хунуклик, ҳаётнинг моҳияти ва инсоннинг ўрни, идеаллар, ҳаракат тамойиллари ва мезонларидан иборат, деб ҳисоблайдилар.

Қадриятларнинг юқоридаги таъриф – таркиби муҳокама қилиш ва аниқлашга муҳтож. Чунки, бу таъриф ва таркиб “қадрият” тушунчасини “моддийлаштириб” қўяди, яъни уни нарса ва ҳодисалар билан тенглаштиради. Бунда масаланинг гносеологик жиҳати йўқолади, негаки ҳар қандай тушунча, аввало, гносеологик атамадир, яъни муайян нарса, ҳодиса, объект ёки бошқаларнинг субъектив инъикоси, ана шу инъикос ифодалаган тушунчанинг номи, атамасидир. Қадрият ҳам шундай, унда объектив нарса бўлишдан кўра, субъектив тушунча бўлиш жиҳати устувордир. Шуни тушунмаслик “қадрият” тушунчасининг асл моҳиятини англамасликка, уни нарса ва ҳодиса билан айнийлаштиришга олиб келади.

Қадрият ижтимоий аҳамиятлиликдир ёки инсоннинг ижтимоий – тарихий фаолияти тизимидаги маълум ҳодисанинг қадридир.

***2-масала***. Қадриятлар феномени (ходисаси; - феномен юнонча “юз берувчи” деган маънони англатиб фалсафа тарихида моҳият ёки ҳодисанинг ифодаси ёки намоён бўлиши сифатида талқин қилинади) эҳтиёжлар манфааталр, мафкуралар тўқнашуви, эътиқод ва имон шаклланиши каби манавий жараёнлар ва омиллар таъсирида ўзини, инсон ва жамиятга нисбатан қийматини, аҳамият даражасини ўзгартириб туради. Шунинг учун бўлса керак, қадрият ҳусусида аниқ маънога эга бўлган, кўпчилик олимлар ва файласуфларни қониқтирадиган таъриф ёки талқин йўқ.

Қадрият нарса, предмет эмас, балки предметда инсонни эхтиёжини қондирадиган, эзгу-ниятларга монанд келадиган ҳислатлар мавжуд бўлгандагина қадрият пайдо бўлади.

Бир хил эхтиёждарни қондириш инсонни камолот томон олиб боради. Бунда қондириш воситалари қадриятли бўлади. Лекин Муссолини, Гитлер каби фашистик моньяклар эхтиёж ва манфаатларни қондириш инсонни бошга катта кулфатларни келтирди. Инқирозга олиб борадиган таълимотлар, воситалар қадриятли ҳислатларга эга бўладиларми? Буларни баҳосини берадиган, нимани қадрияти бор ва нимани қадр қиймати йўқлигини белгилайдиган мутлоқ ҳакам борми?

Айрим файласуфлар, аксиологлар борлиқда қадрият деган феноменни борлигини эътироф қилсаларда, уни моҳиятини инсон ақли билишга ожизлик қилади деган фикрни билдирадилар. Аксиологияни асосчиларидан бири, немис файласуфи М. Шелер (1874-1928) шундай ёзади: “Тажрибани шундай тури борки, уни предмети ақл учун ёпиқдир; кулоқ рангни идрок қила олмаганлиги каби уни (тажрибаси предмети) билишга ақл ожизлик қилади... шу тажриба орқали абадул-абад мангу бўлган предметларни, масалан қадриятлар ва уларнинг иерархиясини ўрганамиз”. Гап илоҳий ҳиссиёт ва мулоқот тажрибаси хақида бораётган бўлса керак. Шелерни фикрича худо ғояси олий қадриятдир. Борлиқни энг муҳум хусусияти фожиалигидадир. Қадрият билан қиёсланганда маълум бўладики, барча нарсаларда фожиали ҳислат бор. Борлиқни фожиалигини намоён

бўлишни битта замини-вақтдир, унда барча нарса пайдо бўлади (туғулади) ва йўқолади (ўлади) . Борлиқни фожиалигини, ундаги нарсаларни вақтинчалигини бартараф этадиган ёки юмшатадиган муҳим – мангулик ҳислатига эга бўлган маънавий қадриятлардир. Шелерни фикрича маънавий қадриятлар, масалан, эзгулик, нафосат, адолат ва бошқалар фазо ва вақтдан ташқарида туради, тарихий шарт шароитга боғлиқ эмас.

***3-масала***. Қадриятлар ижтимоий хусусиятга эга бўлиб, кишиларнинг амалий фаолияти жараёнида шаклланади ва ривожланади. Қадриятлар кишиларнинг турли соҳадаги, аввало, ишлаб чиқариш, меҳнат соҳасидаги фаолияти учун фойда келтирадиган нарса ва ҳодисалар мажмуи билан боғлиқ равишда юзага келади. Сўнгра, аста секин субъект фаоллигининг орта бориши оқибатида нисбий мустақил соҳа тарзида амал қила бошлайди. Табиат ва жамият ҳодисалари инсон фаолияти туфайли, унинг эҳтиёжларини қондириш натижасида қадрият сирасига киритилади. Инсоннинг манфаатлари, эҳтиёжларини қондира олмаган, орзу-истаклари, идеалларига мос келмайдиган табиат ва жамият ҳодисаларини қадриятлар деб ҳисоблаш ноўриндир. Масалан, табиатдаги қазилма бойликлар инсон эҳтиёжларини қондириш учун ишлатила бошлагандан кейингина қадриятга айланади. Шунгача уларни табиий бойликлар деб ҳисоблашимиз лозим.

Қадриятлар тушунча маъносида субъектив бўлиб, бир томондан, ўз сабабига кўра объект билан боғланган бўлиб, бошқа томондан эса ижтимоий билиш маҳсули ҳисобланади.

Бу зиддият – антиномияни қараб чиқиб, “қадриятлар объективдир” ва “қадриятлар субъективдир” дийиш учун “икки хиллик” тушунчасига мурожат қилиш мумкин. Шу нуқтаи назардан “бахт”, “озодлик”, “бурч”, “гўзаллик” кабилар фақат ижобий хусусиятга эгадир. Уларга ўхшаш бўлмаган моддий қадрият шакллари эса объектив хусусиятлар, жараёнлар билан асосланган, объектлар ва субъектлар ўртасидаги ўзаро муайян муносабатлар системасидагина фарқлаштирилган ҳисобланади.

Қадриятлар боғлиқ объектлар ва уларнинг характери қандай бўлган тақдирда ҳам бу тушунча субъект ўзининг билиш ва амалий фаолиятида интиладиган, унга эришадиган нарса тарзида қараладиган оламнинг турли томонлари, жихат ҳамда ҳусусиятларни ифодалаш учун ишлатилаверади.

Субъектнинг объектга қадриятли – баҳоли муносабати когнитивликдан моҳият – эътибори билан фарқ қилади. Когнитив билиш орқали ёндашувда объект билиш субъекти учун мавҳум, “нарса ўзида” бўлади; қадриятли – баҳолаш ёндашувда эса объектнинг субъектга муносабат жараёни, унга субъектнинг жонли муносабати аниқланади; бу ерда субъект ўз кечинмалари, ҳиссиётлардан ажралмайди, балки аксинча, уларни инобатга олишга интилади, нарсага нисбатан ўз шахсий, эмоционал муносабатга таянади, ҳиссиётларида субъект гўёки объект билан қўшилиб кетади. Инсоннинг қайд этувчи ёки тасвирловчи мулоҳазаларидан фарқли равишда баҳоли мулоҳазалари муқаррарлик, ҳукм тарзидаги хусусиятга эга; уларда субъектнинг манфаатларига мувофиқлик, “тўғри”, “фойдали” бўлиш талаби ўз ифодасини топади.

Табиат ёки социал воқеликнинг битта объектида турлича субъектлар (индивидуал, социал гуруҳлар ёки бошқалар) турли нарсаларни “кўриши” мумкин. И. Кант айтганидек, бир киши ботқоққа қараб лойни кўради, бошқаси эса унда акс этаётган юлдузларни кўради.

Объектни билиш муайян даражада амалга оширилган, аммо бунинг амалиёт учун аҳамиятли бўлмаган ҳолатлар тез-тез содир бўлиб туради. Шундай қилиб, субъект ва объектнинг реал алоқадорлик жараёнида когнитивлик ва қадрлилик ўзаро узвий боғланган, бунда баҳо билимга асосланади, билим эса баҳода ифодаланади.

**4-масала**. Мустақиллик йилларида миллий-маънавий қадриятларни тиклаш ва ёшларга эътибор мамлакат сиёсати даражасида қўйилди. Бу тасодифий эмас эди, албатта. Унитилган миллий – маданий меросни қайта тиклаш, халқнинг руҳиятини уйғотиб, ўзлигини англаши мустақилликни асраб –авайлаш, уни турли хил хавф – хатар ва

таҳдидлардан эсон –омон сақлаб қолишнинг муҳим шартларидан бўлганлиги учун ҳам унга алоҳида қараб келинмоқда.

Миллий қадриятларни асраб –авайлаш тўғрисидаги саъй –харакатлар бугун ҳам давом этмоқда. Бу бир томондан, табиий, албатта. Лекин, унинг бошқа сабаби ҳам бор. Ҳалқимизнинг миллий – маданий қадриятларга бўлган ишонч ва эътиқодини ўзгартириш, унга нисбатан бефарқлик кайфиятини шакллантириб, уни қадрсизлантиришга бўлган носоғлом уринишлар, маданий соҳага хуружлар ҳамон давом этмоқда. Ундаги мақсадга эришиш учун айниқса ёшларга бундай тарғибот – ташвиқотнинг объекти сифатида қаралмоқда. Улар орасидан ўзларига ҳайрихоҳ қилдириб, уларни бизга тўғри келмайдиган қадриятларнинг тарғиботчисига, ташвиқотчисига айлантириш мўлжалланмоқда.

Ёшлар унинг таъсирига тушмаслиги учун нималарни билишлари ва амал қилишлари лозим? Миллий қадриятларни асраш нима учун керак? Албатта, бу тўғрида ўзлари ҳам мушоҳада қилиб кўришлари табиий. Шуни алоҳида таъкидлаш лозим, мамлакатда ёшларни миллий – маънавий қадриятларни асраб- авайлашга муносабати, уларнинг фикрлаш тарзидаги, халқ – атворидаги бугунги ўзгаришларнинг қандай хусусиятга эга бўлиши миллий тараққиётнинг истиқболини белгилаб берадиган омиллардан биридир. Шунинг учун дуне халқлари сингари Ўзбекистон ҳам ёшларнинг онг ва тафаккуридаги ўзгаришларга бефарқ қарай олмайди.

Қадриятларнинг ҳолати, аҳамияти инсонга кўрсатиётган таъсири у ёки бу жамиятдаги мавжуд ижтмоий тузум томонидан олиб борилаётган сиёсат унинг манфатлари билан узвий боғлиқ. Қадриятлар инсоният тарихида энг қадимий мавзулардан бўлиши билан бирга, бугунги давримизда у ўта муҳимийлиги, ижтимоий аҳамияти ўта юксаклиги, Ўзбекистон республикаси президенти И.А.Каримов айтганидек, “сув ва ҳаводек зарурлиги барча жамият аъзолари томонидан тан олинмоқда”.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг қадриятларга эътибор кучайди, мамлакатимизда умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги эътироф қилинди, миллий қадриятлар ҳамда шахс манфаатларини умуминсоний талабларга мослаштириш ва уйғунлаштириш асосий вазифа бўлиб қолди.

Жамиятнинг турли тарихий тараққиёти даврлари жараёнида маънавият соҳасида эришилгна билимлар, тажрибалар ундан кейинги авлод учун тарихий тажриба, ҳотира бўлиб хизмат қилади. Ўз навбатида, аждодлар тарихий тажрибаси, урф –одат ва анъаналари, қадриятлар нисбатан кишида шаклланадиган хурмат тарихий ворисийлик алоҳида юзага келади.

Шу боис Респуликамиз Президенти И.А.Каримов: «Миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига унитилмас хисса қўшган олиму –фузалоларнинг илмий меросини, фалсафий қарашларини ҳар томонлама ўрганиш даркор” деб таъкидлаган эди. (И.А. Каримов. Ўзбекистон: миллий истиқлол иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд, Т., Ўзбекстон, 1996.-41 бет).

Президент ўз асарларида қадриятлар масаласига тўхтаб, умуминсоний қадриятларга содиқликни, улар асосида халқимизнинг маънавий мероси, яъни миллий қадриятларни сақлаш, мустаҳкамлаш, ривожлантириш, инсониятнинг ўз имкониятларини эркин намоён қилишини, ватанпарварлик, респуликани янгилаш ва ривожлантиришнинг ўз йўли ана шу 4 та негизига асосланишини уқтиради. “Мустақил Ўзбекистоннинг куч –қудрати манбаъи, - деб ёзган эди у, - халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир. Халқимиз адолат, тенглик, ахил қўшничилик ва инсонпарварликнинг нозик куртакларини асарлар оша авайлаб –асраб келмоқда. Бугунги кунда хур ва озод халқимиз барча халқлар ва давлатлар яратган маърифатда, фан ва техникада маданият ва санъатда нимаики янги ва илғор қадриятлар бўлса, шуларга далиллик билан интилмоқда. Ўзбек диёрида, тарихда кўп марта бўлганидек, яна янгидан ўзимизнинг беракрор ва илғор, иқтидорли ва энг муҳим иноснларга керакли қадриятларимиз барпо этилади”.

Дарҳақиқат, ҳозирги республикамизда ўтмишдан қолган ижобий, тараққийпарвар, инсонпарвар, илмий, маданий, ахлоқий, дунёвий қадриятлар тикланмоқда, улардан ҳамма

баҳраманд бўлаётир. Президентимиз айтганидек, халқимизнинг таянчи аждодларимиз қолдирган маънавий мероснинг ўзи бир катта хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим.

Ўзбекистон конституциясининг 13 –моддасида айтилганидек, “Ўзбекистон республикасида демократия умуминсоний принципларга таянади, уларга кўра инсоннинг, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр –қиммати ва бошқа даҳлсиз ҳуқуқлари олий қадрият хисобланади”. Шуни хисобга олиб бўлса керак, президентимиз миллий истиқлол тақдири кўп жиҳатдан халқимизнинг маънавий бойлиги ва камолотига боғлиқлигини доим таъкидлаб келмоқда. Маънавиятга эса 1- дан, ҳар бир халқнинг миллий қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш, 2-дан, миллий мафкура киради, 3-дан, унда илм, фан жумладан фалсафа, ғоят муҳим ўринни эгаллайди, 4-дан, адабиёт ва санъат унинг ажралмас таркибий қисмини ташкил этади, 5-дан, маориф, маърифат унинг асосларини яратади.

## 4-мавзу: Аксиологик онг ва қадриятли дунёқараш (2-соат).

**Режа**:

1. Онг ва аксиологик онг.
2. Аксиологик онгнинг компонентлари.
3. Аксиологик онгнинг ижтимоий онг шакллари билан алоқаси ва фарқи.
4. Аксиологик дунёқараш, унинг ўзига хос хусусиятлари.

### Таянч тушунчалар.

Дунёқараш, аксиологик дунёқараш, онг, аксиологик онг, қадрлаш туйғуси, қадриятли ёндашув, аксиологик идрок, аксиологик кечинмалар, аксиологик билиш.

### Адабиётлар:

1. Фалсафа асослари. Т.: Ўзбекистон, 2005.
2. Ж. Туленов. Қадриятлар фалсафаси. Т.: 1998.
3. Қ. Назаров. Қадриятлар фалсафаси: аксиология. Т., 2004.
4. Т. Туленова. Рухий-фалсафий қарашлар муштараклиги. // фалсафа ва хуқуқ, 2005.№4, 9 бет.
5. А. Ашуров. Оилавий маросимларнинг баъзи фалсафий-ахлоқий масалалари. // фалсафа ва хуқуқ. 2006 №3, 49 бет.

**1- масала**.Онг инсонга хос бўлган миянинг тил ва нутқ ёрдамида воқелик аксини умумлаштирадиган, мақсадга мувофиқ конструктив ва ижодий намоён бўладиган функциядир. Онг инсон миясининг шундай функциясики, унинг моҳияти ташқи дунёни тўғри, умумлашган, мақсадга йўналтирилган ва ижодий ўзгартирилган шаклда акс эттиради. Онг илгариги тажриба ёрдамида тўпланган таасуротларни ўзаро боғлайди, ўзини атроф-муҳитдан ажратиб, объектга субъект сифатида қарама- қарши қўяди. Онг воқеликни эмоционал баҳолаш, мақсадга мувофиқ фаолиятни таъминлашдир. Шахсий хатти-харакатларни ақлан фикрий қуришдан иборат, шахснинг атрофида ва айни пайтда, ўз маънавий дунёсида содир бўлаётган ҳодисалар тўғрисида ҳисоб беришидир. Демак, онг оддий образ эмас, воқеликни акс эттириш ва ўзгартиришга йўналтирилган фаолиятнинг рухий шаклидир.

Онг – инсон функцияси сифатида тўртта тенг компонентдан иборат холатда акс этиши мумкин.

1. Оддий маънавий қобилиятлар ва улар асосида олинадиган билимлар соҳаси (сезги, идрок, тасаввур). Онгнинг асосий бошқарувчиси – инсон вужуди хатти-

ҳаракатлари, уни ўраб олган табиий ва социал жисмлар дунёсидаги фойдалилик ва мақсадга мувофиқлик ҳисобланади.

2. Онгнинг мантиқий- тушунчавий компонентлари (умумий тушунчалар, таҳлилий операциялар, қатъий мантиқий далиллар). Мантиқий- тушунчавий онг соҳасининг асосий мақсади ва тартибга солувчиси ҳақиқат ҳисобланади.

1 ва 2 компонентлар онгнинг ташқи билиш қисмини ташкил қилади. Бунда рухий дунёнинг субъектив, шахсий ва қадр- қимматли компонентлари гўёки яшириш холатда бўлади.

3. Инсон дуч келадиган ёки келиши мумкин бўлган воқеа ва ходисаларга оид хотиралар, хиссиётлар, тахминлар, шахсий субъектив – психологик кечнмалар соҳасидир (онгнинг "ўнг томони").

4. Бу қисм онгимизнинг ягона "майдони" нинг қадриятли компонентини ўз ичига олади. Бунда шахс фаолиятининг олий мотив ва рухий идеаллари, шунингдек, уларни вужудга келтирувчи фантазия, таъсирчан таасурот, турли хилдаги интуициялар шаклида ижодий тушунчалар ҳам жойлашган. Онгнинг бу соҳасини мақсади ва бошқарувчиси бўлиб гўзаллик, ҳақиқат ва адолат хисобланади, яъни фикрнинг предметли воқелик билан мувофиқлаштирувчи шакли бўлган ҳақиқат эмас, балки предметли воқеликни бизнинг мақсад- ниятларимиз ва фикрларимиз билан муфовиқлаштириш шакллари бўлган қадриятлар хисобланади. 3 ва 4 қисмлар онгимизнинг қадриятли – эммоционал қисмидир. Бунда билиш предмети сифатида "мен" нинг ўзи, бошқа "мен" лар, шунингдек, уларнинг ижодий ўз –ўзини намоён қилиш қадриятлари (бадиий ва фалсафий- диний матнлар, мусиқа асарлари, тасвирий санъат, архетектура) кўринишидаги махсулотлар ҳам киради. Айни пайтда онгнинг ташқи билиш қисми бу ерда кичрайтирилган ва унинг "ўнг бўлагига" бўйсунгандир.

Хуш унда онг мазмунини нималар белгилайди?

Биринчидан, ташқи нарсалар ва руҳият дунёси; табиий, ижтимоий ва руҳий ходисалар онгда аниқ хиссий тушунчалар ҳамда образларда акс этади. Бу образларда, агар улар, масалан, қандайдир табиий нарса ёки тарихий ходисани акс эттирса, онгда уларнинг тасвири, нусҳаси (ёки тимсоли) бўлиб, улар бу нарса ёки ходисалар тўғрисида, уларнинг ички жиҳатлари ва моҳияти тўғрисидаги ахборотни акс эттиради. Бундай ахборот инсоннинг мавжуд вазият, унинг доимий боғлиқлигини таъминлайдиган ҳолат билан узаро алоқасининг натижаси хисобланади.

Онгнинг иккинчи манбаи ижтимоий – маданий муҳит, умумий тушунчалар, этик-эстетик қоидалар, социал ғоя ва ахлоқий нормалар, жамият томонидан тўпланган билимлардир. Унга, шунингдек, билиш фаолиятининг воситалари, усул ва шакллари ҳам киради. Баъзи ижтимоий – маданий характердаги норма ва таъқиқлар ижтимоий онг мазмунининг таркибий қисмига айланган холда индивидуал онгга узатилади. Индивидуал онг бунинг натижасида табиат ва жамиятни ижтимоий англаш даражасига кўтарилади. Шу боис, индивид жамият ўзи билан дунёга боқади, деган ибора бекорга айтилмаган.

Онгнинг учинчи манбаи индивиднинг маънавий дунёси, унинг турмуш тарзи ва кечинмалари ҳисобланади. Ташқи муҳит таъсирларисиз ҳам инсон ўтмиши, келажагини мушоҳада қилиш ва тасаввур қилишга қодир. Инсон мусиқа, тасвирий санъат асарлари ва бошқаларга ўзига хос кечинма ва образларни туйган холда муносабатда бўлади, акс эттириш жараёнига, бошқача айтганда, инсоннинг ўз руҳий реаллигини англашга жалб этилади.

Хулоса қилганда, онг мазмунини, аввало инсон тажрибаси давомида ҳамиша тасдиқланиб ва ривожланиб борувчи билимлар тизими ташкил этади. Инсоннинг нафақат нарса ва ходисалар, уларнинг хусусиятларини англаб етиши, балки уларнинг қимматини ҳам баҳолаши, онгнинг аксиологик жиҳатини кўрсатади. Инсон онги нафақат воқелик, объектларига балки жамият қадриятларига муносабатни, ўз –ўзига муносабатни ҳам, ўз –ўзини англашини ҳам ўз ичига олади.

**2-масала**. Аксиологик онг – қадриятларни англаш жараёнида вужудга келадиган, қадрлаш туйғуси, аксиологик тушунча, хулосаларни ифодалайдиган ва акс эттирадиган ижтимоий онг шаклидир. Унда қадриятлар, уларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиш шакллари, ахамияти ва хусусиятлари ўз аксини топади.

Аксиологик онг ижтимоий онгнинг махсус шакли бўлиб, олам, воқелик ва ҳаётни қадрлаш туйғуси асосида ўзига хос тарзда акс эттиради.

Инсонда олам, табиат, жамият ва ўзга одамларни, ҳаёт, умр ва бошқаларни қадрлаш туйғуси бор. Бу туйғу уларнинг қадрини англаб олиш, қадриятни идрок қилиш, унинг ахамиятини хис қилиш каби инсоний хусусиятлар билан уйғунлашиб кетган. Одам зоти олам ходисаларига нафақат баҳо беради, балки уларга қадр ва қадрлаш нуқтаи назардан ҳам қарайди. Инсоний қадрлаш туйғуси кишининг нарса–ходисаларни оддий баҳолашидангина иборат эмас, балки қадриятли ёндашув асосида шаклланадиган серқирра маънавий хусусиятлир. Шу маънода, у инсон зотининг энг ботиний маънавий хислатларидан биридир.

Қадриятларга ва қадрлаш туйғусига асосланган аксиологик қарашлар илмий жиҳатдан асосланган, назарий таҳлил қилинган, муайян принцип асосида тўпланган билимлар системасини ифодалайди. Улар қадриятлар соҳасида олиб борилган тадқиқотлар, илмий изланишлар, бу борадаги назариялар, китоб ва рисолаларда ўз аксини топади. Тугалланган, озми – кўпми мукаммал, изчил баён қилинган ва қадриятлар туйғусидаги системага эга бўлган аксиологик қарашлар мажмуаси - қадриятлар назарияси, деб юритилади. Аксиологик қарашлар тарихида қадриялар, уларнинг шакллари ва амал қилиш хусусиятлари тўғрисида бир қатор назария ва аксиологик концепцияларни учратиш мумкин.

Аксиологик онг ўз навбатида аксиологик хиссиёт, аксиологик идрок, қадрлаш туйғуси, аксиологик кечинмалар, қадрият мазмунини ифодалайдиган тушунча, хулоса ва тафаккур билан узвий боғлиқдир. Кимдадир аксиологик идрок ва қадрлаш туйғуси бошқалардан кўра кучлироқ намоён бўлиши, унинг қалбида қадрлаш туйғуси билан боғлиқ ҳиссиёт кўпроқ ғалаён қилиши мумкин. Бундай кишида муайян қадриятни қадрлаш билан боғлиқ масъулият ва унга асосланган фаолият ҳам бошқаларга қараганда яққолроқ кўзга ташланиб туриши табиий.

Аксиологик билишда қадрлаш туйғуси ва аксиологик идрок муҳим аҳамият касб этади. қадрлаш туйғуси аксиологик онгнинг энг асосий комонентларидан биридир. У табиий ва ижтимоий ходисаларнинг қадрини англаш, завқ олиш, лаззатланиш, маъсулият хиссини сезиш ва бошқаларда намоён бўлади. Олам ва одам ўз аҳамияти билан қадрлидир. Оламдаги воқеа нарсалар, ҳодиса ва жараёнлар одамлар учун қадрлаш туйғусини уйғотувчи асосдир.

Шу маънода объектив воқеликка, унинг намоён бўлиш шакллари ва кўринишларида бевосита ва билвосита боғлиқ бўлмаган қадрлаш туйғуси ва унинг мутлақ субъектив хусусият эканлигини эътироф этиш қийин. Зеро, қадрлаш учун қадрланадиган “нимадир”, яъни моддийлик ёки маънавийлик бўлмоғи, қадрлаш туйғусини уйғотиш учун эса ана шу туйғуни вужудга келиши учун сабаб бўладиган “объект” бўлмоғи лозим. Шу маънода, олам одам ва ҳаёт, деб аталмиш сарқирра маънолар қадрлаш туйғусини шакллантиришдаги асосий мезонларидир.

**3-масала**. Аксиологик онг ижтимоий онг шакллари билан алоқадор. Ижтимоий онг табиий ва ижтимоий воқеликнинг инъикоси, жамиятнинг муайян даврига ёки қисмига тегишли бўлган умумий хис туйғулар, кайфиятлар, қарашлар, ғоялар, назариялар мажмуидир. Ижтимоий онг туфайли жамиятнинг ўз –ўзини англаши содир бўлади, кечаётган жараёнларга муносабати шаклланади.

Ижтимоий онгнинг ахлоқий, диний, эстетик, сиёсий, ҳуқуқий, фан, фалсафа каби шакллари ажратилади. Ижтимоий онг шаклларининг хилма-хиллиги объектив оламнинг турли- туманлигидан, воқеликнинг муайян томонларинигина акс эттиришдан келиб чиқади. Бу шакллар бир-биридан воқеликни акс эттириш усули ва функциясига кўра

ажралиб туради. Масалан, ҳуқуқий онг нормалар, қонунлар, қоидалар воситасида, эстетик онг эса бадиий образлар ёрдамида воқеликни акс эттиради. Ижтимоий онгнинг барча шаклларига билиш, тарбиялаш, қадрлаш каби функциялар хос.

Ижтимоий онг шаклларидан бири ахлоқий онг хисобланади. Айнан ахлоқ, ахлоқий нормаларнинг пайдо бўлиши, аста-секин шаклланиб, тараққий қилиши инсонийликнинг шаклланиши учун замин яратди. Ахлоқ кишиларнинг бир –бирига, жамиятга бўлган тахирий муайян муносабатларини ифодалайдиган хулқ-атвор, одоб, қоида ва тамойиллари мажмуидир. У хамиша конкрет – тарихий характер касб этади, ҳар бир даврнинг ўз ахлоқ мезонлари бўлади. Шунинг учун ҳам бирон-бир ахлоқий қадриятлар тизимида табиий хисобланган ходисалар бошқа ахлоқий муносабалар тизимида ноўрин хисобланиши, баҳоланиши мумкин. Ўзбек миллий ахлоқ нормаларига кўра, фарзанднинг ўз ота-онасини, кишининг ўзидан ёши улуғларини хурмат қилиши қадрият хисобланади.

Эстетик хис-туйғулар, дид, қарашлар, идеаллар ва назарияларнинг ўзига хос, бетакрор тизими сифатида намоён бўладиган эстетик онг натижаси сифатида эстетик кечинмалар пайдо бўладики, унда идрок этилаётган объектлар, ходиса, жараёнлар эммоционал шаклда баҳоланади. Эстетик баҳолашда кишилар гўзаллик-хунуклик, улуғворлик- тубанлик, фожеавийлик-кулгилилик каби тушунчалар билан иш кўрадилар.

Бадиий образлар, қахрамонларнинг кишилар хулқига таъсири том маънода улкан ва беқиёсдир. Айнан мана шуни назарда тутиб А. Қаххор «Адабиёт атомдан кучли” деган эди.

Сиёсий онг давлат хокимиятига, ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, сиёсий институтлар ва муассасалар фаолиятига бўлган муносабатларни ифода этувчи кайфиятлар, тасаввурлар ва қарашлар, эътиқодлар мажмуидир. Сиёсий онгда даврнинг, мамлакатнинг энг чуқур муаммолари ўз ифодасини топади. Зеро, кишиларни сиёсий муаммолар, воқеалар доимо ўзига тортади, диққатни жалб қилади.Куп партиявийлик,тинчлик,баркарорлик,тутувлик каби ижтимоий-сиесий тушунчалар уз мохиятига кура кадрият хусусиятига эга.

**4-масала**. Аксиологик дунёқараш – ижтимоий дунёқарашнинг ўзига хос таркибий қисмларидан бири сифатида, кишиларнинг воқеликка қадриятли муносабати ва фаолиятининг йўналишини белгилайдиган аксиологик қарашлар, принциплар ва маслакларнинг мажмуасидир. Дунёқарашнинг аксиологик шакли қадриятли ёндашув, аксиологик муносабат, аксиологик баҳолаш кабиларни қамраб олади. Умумий дунёқараш системасига аксиологик дунёқараш элементлари қўшилиши билан ижтимоий субъектларнинг воқеликка муносабатида қадрлаш туйғуси, қадриятли муносабат ва аксиологик баҳо яққол кўзга ташлана бошалайди. Бунда аксиологик принциплар кишиларнинг воқеликка муносабатларини, бир –бирларига нисбатан ўзаро алоқаларини тартибга солувчи маънавий мезонлар сифатида намоён бўлади. Улар кишиларнинг фаолиятларини амалга оширишдаги манфаат ва мақсадларида ҳам кўзга ташланади.

Бирор бир йўналишга қаратилган қадрлаш туйғуси ва бу асосдаги билимлар, интилиш, мақсад ҳамда манфаатлар кишиларнинг амалий фаолияти учун манавий бошқарувчанлик (регуляторлик) вазифасини ҳам бажаради. Албатта бунда қадриятлар билан боғлиқ омиллардан ташқари бошқа сабаблар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Аммо кишиларни бирлаштириб, муайян мақсадга интилишдаги умумий фаолиятда омилкор бўлишни таъминлайдиган омиллар орасида қадриятлар омили етакчи ўринни эгаллаши мумкин. Масалан, ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳамда уни янада мустаҳкамлаш вазифалари жамиятимизда барқарорликни таъминлаш, демократик тамойилларга асосланган ҳаёт тарзини шакллантириш жараёнларида қадриятлар омили катта аҳамият касб этмоқда.

Оламга қадриятли муносабат шаклланиши ҳар бир кишининг етук инсон сифатида вояга етиши жараёнини таркибий қисмидир. Киши камолот сари борар экан ўзи, ўзгалар, ташқи муҳит, олам, умр, вақт, давр ва бошқаларнинг ҳақиқий қадрини англаш томон бораверади. Бу фоний дунёнинг ўткинчилиги умирнинг мазмуни, яшашнинг мақсади,

оламнинг абадийлиги қаршисидаги лаҳзалар қадрига етишни шргана боради. Бу эса мазкур кишида аксиологик муносабат шаклланишининг шахсий жараёнини англатади. Аксиологик муносабат фақат якка, алоҳида шахсгагина тегишли ҳодиса эмас. Балки у ижтимоий гуруҳ, қатлам, миллат, давлат, жамиятига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Ушбу маънода аксиологик ёндашув ва қадриятли муносабатнинг идивидуал ва ижтимоий намоён бўлиш даражаларини, алоҳида, хусусий ва умумий шаклларини кўрсатиш мумкин. Бу борада қуийдаги мисолга мурожаат қилайлик. Собиқ иттифоқ миқиёсидаги ғайриаксиолгик ёндашувга кўра марказий Осиё хом –ашё етказиб берадиган худуд сифатидаги аҳамиятини сақлаб қолаверди. Унга ана шундай ёндашув собиқ СССр ҳаётининг сўнги даврларигача давом этди. Аму  ва Сирдарёга солинган туғонлар, қурилган каналлар, чўлларнинг ўзлаштирилишида Она- Ватанимизнинг табиатини қадрлаш, унинг келажагини уйлаш хиссини топа олмайсиз. Айнан ғайриаксиологик муносабат Оролнинг аста – секин йўқолиб боришига, марказий Осиёнинг “шўр ювгичлари” бўлган Аму ва Сирдарёнинг шўр тузларини денгизга эмас, балки,  Она заминимиз худудига қуйиши оқибатида мисли кўрилмаган экологик халокат содир бўлишига Орол фожиасига олиб келган асосий сабаблардан биридир. Тўғри, ўша асримизнинг ўрталаридан бошлаб қурилган каналлару, сув омборлари қанчалар фойда келтиргандир. Аммо улар оролнинг қадрини боса олармикин? Улар яна Оролни тўлғизиш ва рўй бераётган экологик халокатнинг оқибатларини тугатишга етармикин? Йўқ! кўҳна ва навқирон тарих соҳта қадриятларни устувор билишга асосланган ғайриаксиологик ёндашувнинг бу каби фожиавий мисолларига кўп бора гувоҳ бўлган. Ана шу мисоллар бутун инсоният, қолаверса минақамиз аҳолисида тўғри аксиологик ёнлашувни азалий, умуминсоний маъволарни қадрлаш туйғусига асосланган қадриятли муносабатни шакллантиришга ундайдиган ибратли ҳодисалар янглиғ кишини хушёрликка ундайди. Ижтимоий хушёрлик, маънавий маъсулият қадрлаш туйғусини тўғри шаклланганлигини, оламга қадриятли муносабатни тғри вужудга келтирганлигини ифодалайди.

## 5-мавзу:  Қадриятли ендашув ва баҳолаш (2-соат).

**Режа:**

1. “Қадр” ва “Қадрлаш” тушунчаси.
2. Қадриятли ёндашув унинг ўзига хос хусусиятлари.
3. Қадриятни баҳолаш. Баҳолаш турлари.

**Таянч тушунчалар:**

Инсон, маънавий, эҳтиёж, муносабат, билиш, қадрият, қадриятли муносабат, воқелик, моддий ва маънавий ўзлаштириш, билиш, баҳолаш.

**Адабиётлар:**


1. Каримов И.А. Маънавият юксалиш йўлида. Т.: 1998.
2. Туленов Ж. Қадриятлар фалсафаси. Т.: 1998.
3. Билиш фалсафаси. Т.: Унв. 2005.
4. Фалсафа асослари. Т.: Ўзбекистон, 2005.
5. Хўжамуродов Н. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш. Т.: 1991.


**1-масала**. Қадр биринчи навбатда маънавий соҳага оид тушунча, чунки, Халлоқи оламнинг бирлиги ва борлигини тан олмаган одам на ўз қадрини билади, на ўзга мавжудотлар қадрига етади.

Қадр тушунчаси иқтисодда қийматга айланса, сиёсат соҳасига татбиқ этилганда мавқе  ва мақом қиёфасини касб этади.

Қадр ўзликни англаш жараёнида пайдо бўлади. “Мен Аллоҳ томонидан ер юзида халифа этиб яратилганман”, деб ўзликни англаб етиш – ўз қадрини тўғри баҳолашнинг пойдеворидир. Аллоҳга ишонган одам Тангрининг ваҳийсига ҳам ишонади, демак, юқоридаги сўзларни ҳақиқат деб қабул қилади. Иккинчидан, ўз қадрини англаб етиш баробарида инсон ўзига инсонлар ҳам ер юзасида хилифа эканлигига имон келтириб, уларнинг ҳам қадрини ўзидан кам билмайди. Учинчидан, у Аллоҳ яратган барча мавжудотнинг айни Ҳаққа тегишли эканлигини англаб етгани учун қадр қилади, беҳудага бирор нарсани зое қилишни ўзига эп кўрмайди.

Ҳар бир инсон ўз қадрини умумий бир тарзда эмас, муайян ва аниқ ўлчовларда англаб етмоғи керак. Ҳақиқий Шахс даражасига етишган инсон ўз қадрини, шу билан бирга ёруғ оламдаги барча ашё ва мавжудотлар қадрини муайян даражада англаб етган, шу асосда жамиятнинг фаол аъзосига айланган инсон бўлади.

Қадр тушунчаси маърифатнинг турли босқичларида турли даражада муайянлашиб боради. У имон, илм ва амал даражаларида англаб етилиши мумкин. Имон даражасида барча мавжудот қадри Аллоҳ инъоми сифатида, барча инсон қадри имкон (потенция) даражасида намоён бўлса, илм даражаси ҳар бир муайян инсон ва ашё қадри ҳақида аниқ билимлар ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлади.

Аммо инсоннинг фазилатларига қараб (имон-эътиқоди, илми, амалий кўникмалари, ахлоқий сифатлари ва ҳакозоларга кўра) қадрланиши ўз –ўзидан моддий эмас, маънавий кўринишда бўлади. Моддий қадрланиш эса, маънавий илмнинг амалга татбиқ этилиши билан боғлиқ. Инсон ўз имкониятларини амалга татбиқ этишдан аввал ўз қадрини илм босқичида англаб етиши лозим. Бу билим амалий фаолиятида икки шартга риоя этишни тақозо этади. Биринчи шарт – инсон ўз қадрига номуносиб ишни ўзига раво кўрмаслиги керак, яъни ўз илм савияси, имони, жамиятдаги мавқеига номувофиқ амални содир этмаслиги керак. Иккинчиси – инсон ҳеч ким билан ўз қадрига нолойиқ шароитларга рози бўлиб битим тузмаслиги керак, кенгроқ маънода олганда ўзганинг унга нисбатан нолойиқ ҳатти – харакатлари содир этишга йўл қўймаслиги лозим.

Инсон ўзи ва ўзга қадрини таққослаб ўзаро муаммоларга киришганда, маънавиятдан сиёсатга ўтилади. Инсон ўз моддий табиатни ҳам ҳисобга олиб, ўзгалар билан муносабатга киришувида иқтисодий муносабатлар юзага келади. Аммо, билиб қўйиш керакки, инсон иқтисодий, сиёсий ва маънавий майдонда доимо бир хил қадр топа бермайди. Инсон маънавий камолотини белгиловчи омиллардан бири унинг ушбу уч йўналишда ўз қадрини уйғун сақлай билиши билан ҳам белгиланади. Маънавий камолотни фақат маънавият йўналишда ўз қадрини юксалтира билиш деб тасаввур этиш – бир ёқламаликдир.

**2-масала**. Қадриятли ёндашув кўп холарда билимнинг атом энергетикаси, компьютер техникаси, коинотни ўзлаштириш, ген инженерлиги каби соҳадаги ишларни ривожлантиришга туртки бўлди. Бундай ёндашув, шунингдек, олимларнинг ахлоқий маъсулияти масаласи, табиий – илмий тадқиқотларни ва ахлоқий нормалар доирасида бошқариш тўғрисидаги мавзу билан ҳам боғлиқдир.

Маълумки, сўнги ўн йилликларда бутун дунёда генетика методларининг инсонга нисбатан татбиқ этиш усуллари билан боғлиқ баҳслар кенг миқиёсда авж олди. Бундай илмий баҳслар (кутилмаганда) у билан боғлиқ кўпгина дунёқарашлар, социал ва ахлоқий масалаларга оид муаммоларни анча ойдинлаштирилди. Ген инженерияси бир томондан, инсониятни кўплаб муаммолардан, хусусан наслий- ирсий касалликлардан қутилишига, бошқа томондан эса, генлар билан ўтказилган экспериментлар оқибатида инсон ва инсониятга хавф –хатар келтирувчи салбий натижаларга ҳам олиб бориши мумкинлиги аниқ бўлиб қолди.

Инсон ҳуқуқлари талабларидан келиб чиққан холда, олимлар илмий тадқиқотларнинг баъзи йўналишларидан тийилиб туришни таклиф қилишмоқда. Ген инженерияси атрофдаги баҳс – мунозаралар шундан дарак берадики, бу бошқа соҳаларда ҳам тадқиқотлар йўналишини маънавий қадриятлар аниқлаши мумкин ва зарур.

Субъектнинг қадриятли ёндашуви билан жараёнга кириб борган холда фан учун маълум ғоянинг муҳимлигини, яъни тадқиқотлар стратегиясини аниқлайди. Айни пайтда нотўғри баҳолар фан учун жиддий салбий оқибатлага олиб келиши ҳам мумкин. Масалан, ғоянинг нотўғри белгиланганлиги унинг тўғри ёки нотўғрилигини аниқлагунга қадар табиатни билишга катта зарар етказиши ҳам мумкин. Генетика тарихига янги экспериментал йўналишларнинг тарафдорлари классик биологиянинг анъанавий йўналишлари бўлган систем алаштириш, қиёсий морфология, эволюция назариясига нисбатан менсимасдан муносабатда бўлиш ҳолларига йўл қўйган. Шу билан бирга, ўтган асрнинг 20 йилларида АҚШда эволюцион назарияга салбий муносабатда бўлинди, бу назарияни биринчи жаҳон уруши бошланиши билан алоқадор жойи борлиги тўғрисидаги фикр кенг тарқалди. Бошқа томондан эса собиқ иттифоқда янги йўналиш бўлган классик генетика шаклланишидаги потенциал имкониятлар ва ижтимоий моҳият етарлича баҳоланмади. Тўғри, иккита етарли баҳо бера олмаслик орасида муҳим фарқ бор. Агар биринчи хол урушдан кейинги депрессия рўй берган шароитда содир бўлган бўлса, иккинчиси эса мафкуравий калтабинлик таъсирида содир бўлди ва бу ҳол билиш жараёнининг кейинги ривожи йўлини тўсиб қўйиди. Ўтган асрнинг 30-40 йилларида биолог Лысенко ва лысенкочиларнинг ўз ижтимоий –сиёсий ва ахлоқий қарашларидаги хатолари ҳам бунда салбий рол ўйнаган эди.

Албатта, ҳар доим ҳам ҳақиқатга боқиш осон эмас. Айниқса, сиёсий тушунчаларни масаласининг моҳиятини билмасдан изоҳлаш ва жараёнларга мурожаат қилиш олимнинг йўлдан адаштиради. Айнан шундай вазият – фанда мулоҳаза ва гепотезаларнинг ҳақиқийлиги ва ёлғонлигини аниқ – турихий шароитларда аниқлаш қийин бўлсада, мафкуравий ўйинлар учун асос бўлиши мумкин. Шундай бўлса – да, ҳақиқий олим ҳар қандай шароитда, унинг концепцияси эътироф этилиши учун қанчалик фойдали бўлмасин, социал демагогия ва асл қадриятлардан бегоналаштирувчи йўл томонга оғиб кетмайди. Файласуфлар ёки табиатшуносларнинг ўтган асрнинг 30 -40 йилларида мафкура таъсирига берилганлигининг аҳамияти, муҳим жиҳати бундай муносабат жамиятга зарарли тарзда ва нотўғри ғояларни қўллаш мақсадида амалга оширилган эди. Баъзи олимлар ўтмиш сабоқларини умумлаштириб, адолатли равишда таъкидлашадики, табиатшуносликда янги ғояларнинг қадрига етмагандан кўра, уларга ортиқча баҳо бериш унчалик зиён келтирмайди. Б.Рассел файласуфлар табиатшунослардан, асосий янгиликдан кўра каттароқ зарар йўқлигини эътиборга олган ҳолада, эски табиий илмий ҳақиқатлардан нарига ўтолмай қолган кишини фаоллика чорлаганлари учун минадор бўлишлари лозим, деган эди. Агар новаторлик илмий асоссиз бўлса, ўз умрини тез ўтаб бўлади. Ҳатолар қандайдир нотўғри холат рўй бериши оқибати бўлиб, ўз куч –қувватини сарфлаб бўлгандагина вазият барқарорлашади. Лекин янги фикр, гепотеза, таъсирли концепция догматикликка дуч келган чоғда зарар каттароқ бўлади. Ўшанда ҳақиқатни қарор топтириш ва догматизм илмий тараққиётга кучли таъсир кўрсатганлигини аниқлаш учун бир неча ўн йиллар керак бўлади. Фанда социал амалиётдагидек, қанчалик қизиқарли бўлмасин қисқа муддатли мақсадлар эмас, балки муҳим қадриятлар асосий роль ўйнаши лозим. Олимнинг мақсад ва режалари объективлик, илмийлик, инсонпарварлик, ижтимоий ва илмий тараққиётга хизмат қилишга асосланиши зарур. Билишнинг баҳоси ишончли мулоҳазалар асосида эзгу ғояларга хизмат қиладиган бўлиши керак.

Олимнинг фаолияти соҳаси билмаслик билан кураш саҳнасидан иборат, курашиб олинган ҳар бир қарич жой учун у ўзининг интеллектуал ва эмоционал истеъдодини сарфлаши керак бўлади. Воқеликни ўзлаштиришда ижод, кишининг иродаси, қизиқиши, илмий жасурлиги, талабчанлиги, тасаввури, интуицияси, ақли каби кўплаб сифатлар муҳим аҳамият касб этади.

Билишнинг диалекик концепцияси субъект – қадриятлиликни илмий ижоднинг таркибий қисми, деган фикрга асосланади. Бу компонентсиз ҳеч бир фан мавжуд бўлиши мумкин эмас. Бунда баъзан субъектининг фаоллиги ҳақиқатга олиб борса, бошқа холда хатога, тескари назарий қоидага олиб боради. “Субъективлик” хатолар манбаи, деган фикр

асосида фанда ундан халос бўлиш лозим, деган тасаввур пайдо бўлган. Экспериментал фан асосчиси Ф. Бэкон ана шундай ноилмий сабаблар туфайли пайдо бўладиган (“идоллар”) ақл янглишишларни четлаб ўтиш масаласини қўйган эди. У ҳақиқатни аниқлашда ягона восита бўлган қатъий тажрибага, билишнинг индуктив услубига мурожаат қилиш лозим, деб хисоблади. Бошқа мутафаккир Р. Декарт янглишишнинг сабаби ақлга боғлиқ бўлмаган эркин ирода, деб билган ва янглишишга барҳам беришнинг асосий воситаси, ҳеч қандай авторитетларни тан олмайдиган ва дедуктив услуб асосида ҳақиқатни яратувчи ақлнинг ўзи эканлигини таъкидлаган эди.

Инсониятни хатоликлар билан курашишга чорловчи бу файласуфлар кўп нарсани тўғри пайқашган. Лекин, кейинчалик субъективликни объективликка қарама – қарши қўйиш, ижоднинг субъектив “ноилмий” асосларини улоқтириб ташлаш йўли билан илмий билимнинг максимал ҳақиқийликка эришиш муаммосини очиб бўлмаслиги маълум бўлди. Ечим “субъективлик” нинг ҳақиқатга эришиш йўлидаги турлича аҳамиятини аниқлаш билан боғлиқ.

Баҳолаш истаган фанда, билиш субъектининг истаган структуравий даражасида содир бўладиган жараёндир.

Ижтимоий фанларнинг мулоҳазалари турли йўналган социал гуруҳлар манфаати масаласи билан узвий боғланган. Бу фанлардаги кўплаб мулоҳазалар турли қатлам ёки социал гуруҳлар мақсад ва манфаатлари, қадриятлари устувор бўлган фикрлаш усули маҳсулидир. Бироқ, ижтимоий фанларнинг қоидалари ҳам ижтимоий баҳолашдан четда қолмайди, табиий фанлар ҳам бундай баҳодан холи бўла олмайди.

Қадриятли ижтимоий – сиёсий баҳолар баъзан объективликдан узоқ ва асосиз ҳам бўлиб, уларда субъектив – эмоционаллик керагидан ортиқ даражада учрайди. Баъзан эса улар масалага биринчи қарашда мутлақо фарқ қиладиган тасаввурдан келиб чиқиши ҳам мумкин. Лекин уларнинг барчаси ортида, табиийки, баҳолаётган кишининг муайян позицияси туради. Агар баҳо умумий категория сифатида олиб қаралганда, у ҳеч бир асоссиз эмас, балки турли манфатлар, мақсадлар билан боғланган тушунчадир. Лекин, объектив ҳолда қадриятлар ва баҳолар одамлар томонидан танланади, муҳими бу танлов онгли равишда, маданий ва ижтимоий тараққиётга ҳамоханг мақсадда амалга оширилиши керак.

Табиатшунослик табиатни ўрганувчи йўналиш бўлганлиги боис мафкуравий фан эмас. У фақат табиий – илмий соҳадан ташқарида бўлган ижтимоий фанлар, социология, этика, фалсафа хулосаларига кўра, мафкурага хизмат қилиш мумкин. Илмий билишга синган ҳолда қадриятли кўрсатмалар кўплаб омиллар орқали тадқиқот жараёнига таъсир кўрсатади. Улар илмий тадқиқотларнинг суръати ва ҳажмига, уларнинг йўналиши ва шаклига, олинадиган натижалар мазмунига муҳим таъсир қилиш мумкин.

Шундай савол туғилади: агар ҳақиқат воқеликнинг тўғри инъикоси бўлса ва ўзининг мазмунида инъикос объектини акс эттирса, унда унинг ўзини қадрият деб ҳисоблаб қўя қолинса бўлмайдими? Бўлади, бироқ, шунинг ўзи етарли эмас. Ҳақиқат, биз билишимизча, бирданига, соф ҳолда камдан –кам олинади, деярли ҳамма вақт унга қийин йўллар, турли тахминлар ва гепотезалар орқали эришилади. У узоқ йиллар давомида сайқалланади. Зеро, қисқа вақт ичида ёки ҳар бир қадамда ҳақиқатга эришилганини эълон қилиш қийин. Олим ишончли ёки эҳтимол бўлган реал билим билан иш кўради.

Субъект ижтимоий позицияси фақат абадий ҳақиқат билан эмас, балки реал ишончли эҳтимол бўлган реал концептуал билимнинг тизими билан бевосита боғланган бўлади. Ушбу позиция билишнинг ҳар бир бўғинига таъсир қилиб, ҳақиқат шаклланишига маълум тарзда таъсир қилади.

Ҳақиқат тушунчасида фикрларнинг реалликка муносабатининг фақат битта шакли, хусусан билинаётган реаллик фикрининг мослиги, онгда бу реалликни тўғри акс эттириш қобилияти асосида шаклланган хулоса намоён бўлади. Агар ҳақиқат фикр ва уч хил, яъни кишилар, фикрлар ва воқелик ўртасидаги муносабатдан иборатдир. Ушбу уч хил йўналишдаги структаранинг ўртача даражаси, деганда оддатий ҳақиқатни эмас, билиш

ҳақиқат шаклланиши билан вужудга келадиган реал илмий билим мажмуаси деб тушинилади.

Социал манфаатлар субъектлар фаолиятида гўёки ҳақиқатга “кўчирилади”, илмни ижод ва илмий билишнинг реал тизимида ўзини намоён қилиши учун кенг имкониятга эга бўлади.

Ҳақиқат ҳеч қандай фандан ташқарида уни бошқариб турадиган ташқи кучга муҳтож эмас. У ҳамиша ўзининг объектив мазмунига кўра, субъектив ва ижтимоий гуруҳга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўз –ўзидан йўналтирувчи омил бўлиб ҳисобланади.

Бу ҳол хилма –хил тарзда намоён бўлади. Субъектнинг борлиқ тўғрисидаги ҳақиқий бўлмаган тасаввури бўлиши мумкин. Бундай шароитда ҳақиқат бўлмаган фикрлар туғилиши ва реал илмий билим тизимида мавжуд бўлиши учун қўшимча имкониятга эга бўлади. Улар билимни субъективлаштиришни кучайтиради ва унинг ҳақиқатдан йироқлашуви хавфини ҳам кўпайтиради. Мана шунинг ўзи илмий билиш жараёнига салбий баҳодир, ҳолбуки бусиз ҳам у кўпгина кутилмаган субъектив моментларга эга. Шу билан бирга олимнинг диққатини ишончли илмий билим олишга йўлловчи ижтимоий (интеллектуал ёки эмоционал) омиллар ҳам бор.

Ҳақиқат субъектдан, ижтимоий манфаатлардан холи бўлганлиги маъносида ва билишнинг асосий категорияларидан бири сифатида билиш соҳасида қадриятларга нисбатан бирламчидир. Бошқа томондан эса, билиш субъектининг ижтимоий йўналганлиги такомиллашаётган билимнинг реал тизимига, мавжуд ахборотни баҳолашга ва мақсадга мувофиқ тамойилларни танлашга нисбатан бирламчидир.

Фалсафа нафақат илмий фаолиятнинг муқаррар равишда ижтимоий объектив асосланганлигини, балки субъективликнинг объективликка турли таъсирини эътироф қилади. Илмий билиш субъектнинг муайян ижтимоий йўналганлиги уйдирма ёки фанга, табиатшуносларга қандайдир ташқаридан тиқиштириладиган сунъий омил эмас. Фандаги илмий фаолиятда ҳақиқатга эришиш қадриятли асосларсиз, у ёки бу ижтимоий – сиёсий, ахлоқий, эстетик дунёқараш асосида ёндашувларсиз мумкин эмас. Масала бу ёндашувлар қанчалик илмийлик билан мос келиши, ҳақиқатни нечоғлик очишга ёрдам беришидадир.

Аслида масалани бундай тушуниш керакми ёки йўқми?, муаммо – уни қандай англаши эканлигида. Чунки, ҳозирги даврнинг динамизми, глобал муаммолари, халқаро муносабатларидаги ўзгаришларнинг барчаси ижтимоий қадриятларга эътиборни кучайтирмоқда. Содир бўлаётган воқеа ва қадриятлар тизимини тушуниш учун дунёни назарий мушоҳада қилувчи, қадриятларни англаб етувчи илмий – гуманистик фалсфа тобора кўпроқ зурур бўлмоқда. Дунёқараш фақат дунё тўғрисидаги маълумотлар йиғиндисидан иборат эмас, балки бир вақтнинг ўзида, англаб етилган ижтимоий муносабатлар ва ахлоқий талаблар, гуманистик қадриятларни англаш ҳамдир. Шу маънода, у инсонни ҳаётдаги ҳатти- харакатини, унинг жамиятга ва ўз –ўзига нисбатан маъсулиятли муносабатини белгилайдиган тамойилларни танлаш йўли ҳамдир.

**3-масала**. Ижтимоий гуманитар фанлар методологиясида қадриятли баҳолаш муносабатлари масалаларини кўриб чиқиш муҳим ўринни эгаллайди.

Маълумки, қадриятлар инсон, ижтимоий гуруҳлар ва уюшмаларнинг бирон бир эҳтиёжларини қондириш, уларнинг манфаатлари ва эзгу ниятларига хизмат қилишга қодир моддий ва маънавий предметлар, шу предметларга нисбатан бўлган муносабатдир. Инсон ва жамият учун аҳамиятли бўлган нарса ва ҳодиса қадриятга, қадриятли хислатга эга бўлади.

Инсон воқеликка нисбатан турли муносабатда (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, мафкуравий ва ҳ.к) бўлади. воқеликка бўлган муносабатлар доирасида инсон предмети ва ҳодисаларни, ўзини эҳтиёжларини қонлириш учун ўрганади, билади, ўзлаштиради, уларга баҳо беради, аҳамиятини аниқлайди. Мана шу баҳо бериш, аҳамиятини аниқлаш пайтида инсон ва предмет ўртасида қадриятли муноабат пайдо бўлади.

Билишда нарса ва ҳодисаларни моҳияти хусусиятлари инъикос этилади, уларга баҳо беришда инсон учун аҳамияти, уни қайси эҳтиёжи қондирилиши аниқланади.

Биринчиси гносеологик муносабат доирасида амалга оширилса, иккинчиси қадриятли муносабатни билдиради.

Муносабатни асосида алоқадорлик, боғланиш, ўзаро қарамлик ётади. Қадриятли муносабат заминида эса инсон ва теварак-атроф ўртасидаги боғланишга олиб келадиган инсон эҳтиёжи ётиб, у нарсаларга фаол муносабатда бўлишга, бу муносабатни рўёбга чиқиши, баҳо бериши, қадрлаш, предметларни инсон учун ҳамиятини очиб бериш билан якунланади.

Демак, инсон ва вақелик ўртасидаги боғланиш:

-биринчидан, зарурияtчилик, инсонни теварак-атрофсиз (ундан модда, энегрия, ашё, билиш учун инъикос, образлар олмасдан) яшай олмаслиги;

-иккинчидан, табиат ва жамиятдаги предметлар ва тизимларга нисбатан муҳтожлик, талаб, хожат, кераклик шаклида қадриятли муносабатни юзага келтиради.

Табиатда мавжуд бўлган предметлар, тизимлар, жамиятда ишлаб чиқилган махсулотлар манфаат, зарурияtчилик асосида ўрнатилган қадриятли муносабат диорасидабир неча хил эҳтиёжларни қондиришлари мумкин, шу боис, хилма-хил қадриятли белгиларга, хислатларга эга бўладилар.

Масалан, ичиш воситаси бўлган пиёла ўзининг, фойдали ҳусусиятлари туфайли, истеьмол қиймати, моддий неьмат сифатида қадриятли томонини ифода этади. Мехнат ва товар айрибошлаш буюми бўлганлигидан пиёла иқтисодий қадрият, қиймат сифатида майдонга чиқади.

Агар пиёла саньат буюми бўлса, у вақтда у эстетик қадриятга, нафосатга ҳам эга бўлади.

Манфаатлар, эхтиёжлар маьнавий характерга эга бўлиши мумкин. Бунда, турли ижтимоий манфаатлар ва эхтиёжларни қондирадиган ғоялар, таьлимотлар (қондириш баҳо беришда намоён бўлади; яхшилик ва ёмонлик, адолат ва адолатсизлик, аҳлоқий қоидалар ва ҳ.к.) қадриятга айланадилар.

Инсон фаолиятини барча соҳаси қадриятли муносабат билан ўралган. Қадриятли муносабат ва баҳолаш орқали инсон ўз фаолиятини йўналтиради, бошқаради, камолотга эришади. Ҳар қандай ҳатти-ҳаракат, ҳатто инсонларни фикрлари ҳам ижтимоий ва индивидуал қийматга эга бўлади. қадриятлар, қадриятли муносабат инсон ҳаёти ва фаолиятига маъно ва йўналиш беради.

Қадриятларни белгилаш, аниқлаш баҳо бериш орқали содир бўлади. баҳо бериш нарса ва ҳодисани аҳамиятини очиб бериш, у ёки бу эҳтиёжни қондиришни англаш, қадриятларни бир-бири биланқиёслаш демакдир. Қадриятлар ҳам баҳо беришга асосланади.

Баҳолаш нарса ва ҳодисани (қадриятни) инсон фаолияти ва эҳтиёжи учун, эҳтиёжни қондира олиш учуг аҳамиятини белгилаш натижасидир.

Инсон табиатини, теварак – атрофни бир йўл билан ўзлаштиради: моддий ва маънавий ўзлаштириш. Моддий ўзлаштириш – табиатни ўзгартиришда, уни энегрияси ва ашёлардан фойдаланишда намоён бўлади. маънавий ўзлаштиришда воқеликни тушунтириш ва тушунишга қаратилган ғояларни, таълимотларни, назарияларни ишлаб чиқишда намоён бўлади.

Воқеликни маънавий ўзлаштириш иккита нарсага таянади:

1) нарсалар моҳиятини очиш, билиш, инъикос этиш, тегишли ғоялар ва назарияларни яратиш;

2) билишни объекти, воситаси ва натижаларини баҳолаш, уларни билиш ва амалиёт учун аҳамиятини белгилаш, англаш.

Баҳолашни объектив мезонлари ва объектив шакллари, воситалари бўлади. Биринчи объектив мезон ва амалиёт, амалий натижадир. Бундан ташқари, турли ижтимоий-гуманитар фанларда баҳолашни ўзлари ишлаб чиққан мзонлар ва воситалари бор. Масалан, мантиқ фанида билдирадиган хукмларни чин ёки ёлғонлигини аниқлаш воситалари ишлаб чиқилган.

Фалсафа ва фанда ишлаб чиқилган тамойиллар (масалан, физикада сақланиш, симметрия, фалсафада объективлик, толерантлик, тизимлилик тамойиллари) изланишда баҳолаш воситаси сифатида амал қилишлари мумкин.

Ҳар бир фан билиш ва баҳолаш жиҳатларига эга. Фан методологияси, унинг тамойиллар баҳолаш ҳислатларига эга. Шундай ҳислат дунёқарашда ҳам мавжуд.

Билиш билан ҳаётни, амалиётни боғловчи муҳим буғун – баҳолашдир. Юаҳолашсиз билиш, унинг натижасини татбиқ қилиб бўлмайди.

Ижтимоий ҳаётда қадриятларни баҳолашлар анъаналар, мафкура, сиёсий муҳит катта таъсир кўрсатади. Фуқаролар жамияти шаклана бориши билан қайд этилган омилларни баҳолаш сифатида таъсир қилишлари камайиб боради.

Глобал муаммоларни ўткирлашиб бориши, бир ижтимоий – сиёсий тартиботда бошқасига ўтиш қадриятлар муаммоси аҳамиятини оширади.

Баҳолаш тарихи шакл ва воситалар орқали намоён бўлади. у жамиятни тараққиёти даражасига боғлиқ.

Баҳолаш турли функцияларни (вазифаларни) бажаради: фадриятлар аҳамиятини ассолаш, фаолиятни бошқариш, сифатни аниқлаш ва бошқалар. Баҳолашни функцилари амал қилиши қадриятларни қадрлаш имкониятини беради, блиш натижаларини амалиётга татбиқ қилиши йўлини очади.

В.П.Тугаринов «қадрият» ва «баҳо» тушунчаларини бир биридан фарқлаш зарурлигини уқтиради. Қадрият реал ёки орзудаги ҳодиса (бор нарса ёки идеал)дир, баҳо эса шу ҳодисага муносабатни билдиради. У ёки бу ҳодисани қадриятларга мансуб ҳисоблаш, яъни уни қадриятларга қўшиш ёки қўшмаслик ана шу муносабатга, ижобий ёки салбий баҳога боғлиқ.

Қадриятларнинг ҳаётдаги ўрни ва аҳамияти баҳолаш туфайли белгиланади. Баҳолаш эса инсонларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари, қизиқишларидан келиб чиқади. Маълумки, жамият аъзоларининг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари хилма хил бўлиб, кўпинча улар бир бирига зид келиши мумкин. Шунинг учун ҳам муайян ижтимоий гуруҳлар, миллатлар, синфлар учун олий қадрият бўлиб ҳисобланиб келинган табиат ва жамият ҳодисалари бошқалар учун қадрият бўлмаслиги ҳам мумкин ва аксинча.

Фикримизни исботлаш учун қуйидаги мисолга мурожаат этамиз. Маълумки, собиқ СССР давлати хукмронлик қилган даврларда КПСС мафкурасининг таъсири остида диний таълимотлар, шу жумладан ислом таълимоти ҳам, меҳнаткаш халқ оммаси онгини заҳарловчи афюн деб ҳисобланиб, диний қадриятлар оёқ ости қилиб келинган эди. Айни чоғда, марксизм-ленинизм таълимоти олий қадрият деб ҳисобланиб келинди. Собиқ СССР пароканда бўлгандан кейин эса, кўп йиллар мобайнида сажда қилиб келинган марксизм-ленинизм таълимоти илгарги аҳамиятини йўқотди. Бугунги кунда эса, миллат ва халқларнинг диний эътиқоди, маросим ва анъаналари, миллий қадриятлар сифатида ўзининг асл ҳаётий сифатини тиклаб олмоқда.

Бундан шундай хулоса чиқариш мумкин: табиат ва жамият ҳодисаларини қадрият туркумига киритиш ва киритмаслик кишиларнинг эҳтиёжлари, манфаатлари, орзу-истаклари, мақсадлари билан белгиланади.

Инсон нафақат қадриятларни яратади, балки уларни баҳолайди, сиёсий тахлилдан ўтказади. Шу боис, “қадрият” тушунчаси “баҳолаш” тушунчаси билан боғланган. Буҳолаш гносеологик категория бўлиб, уни эстетик ва ҳиссий – эмоционал тамонлари ҳам мавжуд. Буҳолаш гносеологик категория бўлиб, уни эстетик ва хиссий- эмоционал пайтда, қадриятни ўзи ҳам моддий, ҳам маънавий (идеал) бўлиши мумкин. Фалсафада таъкидланишича баҳолаш иккиламчи ҳислат, у қадриятга бўлган муносабатдан келиб чиқади.

Айрим фалсафий йўналиш намоёндалари (янги кантчилик, экзистенциализм) билиш ва баҳо беришни қарама – қарши томонлар сифатида талқин этишган. Билиш “бу нарса нима?” деган саволга, баҳолаш эса “бу нарса биз учун қандай аҳамиятга эга” деган саволга жавоб беради.

Баҳо бериш билиш жамиятига эга эмас, у фақат субъектни баҳоланаётган ҳодисага нисбатан, қўллаб –қувватлаш ёки инкор қилиш шаклида, муносабатини билдиради холос. Бундай фикрга қўшилиш қийин.

Тўғри баҳолашда субъектив жиҳат бўлади. Гап баҳолаш заминида қандай маълумот, билимни ётишида фан ва амалиётда билиш ва баҳолаш бир –бири билан боғланган ҳолда “қўл ушлашиб” боради.

Қадриятни белгилаш ва билиш натижасида боғловчи билим юзага келади. Бунда билиш ва баҳолаш бирлашади. Баҳолашни қандай турлари мавжуд?

**Илмий баҳолаш.** Фанда илмий тадқиқот натижаларини илмий баҳолаш. Уларни янги ҳақиқатни қўлга киритиши, амалиётга татбиқ қилиш имкониятини белгилаш. Илмий натижаларни баҳолаш турли шаклда содир бўлади. Буни заминида тадқиқот натижаларини қандай аҳамияти борлиги, қандай функцияларни бажариши ётади.

**Сиёсий баҳолаш**. Бу маълум ҳодисадарни сиёсий ҳаётда қандай ўринни эгаллаш мумкинлигини қандай аҳамияти борлигини англаш, белгилашдир. Сиёсий баҳолашни йўналишини ижтимоий, гуруҳий ва бошқа уюшмаларни манфаатлари, мақсадлари ва ҳаракат дастурлари белгилайди.

**Этик (ахлоқий баҳолаш**). Бунда одамларнинг ҳатти –ҳаракатлари қабул қилинган нормалар асосида баҳоланади. Аҳлоқий қоидалар ва идеаллар (эзгулик) инсонни ҳатти –ҳаракатини баҳолаш учун масштаб ва мезон функциясини бажарадилар.

**Эстетик баҳолаш**. Воқеликни бадиий образини ишлаб чиқиш орқали ўзлаштириш, айни пайтда, унга баҳо беришни тақозо этади. Нафосат идеаллари асосида бадиятни яратиш жараёнида образларга баҳо берилади. Баҳолаш эса санъат, эстетик фаолият натижаларида образдаги камолот даражаси аниқланади, эстетик эҳтиёжни қондириш миқёси белгиланади. Ҳаётга, мулоқатга билишдан баҳо бериш яқинроқ туради. Шундай бўлсада, билиш ва буҳолаш, инъикос ва қадрият ўртасида диалектик алоқадорлик мавжуддир. Бу диалектик алоқадорлик шунда намоён бўладики, билиш ва баҳолашни юзага келтирадиган эҳтиёжлар бир –биридан фарқ қилади, мазмунан турли томонга йўналтирилган бўлдаи. Лекин бири иккинчисини тақозо этади.

Билишда қонуният, моҳият очилади, уни мазмуни инсонга, уни баҳо беришига боғлиқ бўлмайди. Бу жараёнда билиш объектини образи, модели шаклланади. Баҳолашда эса субъективлик жиҳати устун бўлади, унда предметга хос бўлган инсон эҳтиёжини қондирадиган ҳислатни миқёси белгиланади. Белгилаш учун эса баҳоловчи билим керак. Демак, билимни гносеологик (инъикос этувчи) ва аксиологик (баҳо берувчи) жиҳатлари бўлади. Билишни аксиологик жиҳати боғловчи билишда ифодаланади.

Билишни аниқлик даражасини билишда унинг натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ қилиш заруриятчилиги пайдо бўлганда баҳолаш эҳтиёжи вужудга келади. Баҳолашда билимни долзарблиги, аҳамияти, аниқлиги, мантиқийлиги ва бошқа ҳислатлари аниқланади.

Юқорида айтиб ўтиганидек, баҳолаш учун билим керак. Лекин баҳолашни биринчи навбатдаги вазифаси ўрганиш, тадқиқот олиб бориш эмас. Билим гносеологик муносабат доирасидан ташқарига чиққанда баҳоланади.

## 6-мавзу: Қадриятлар тизими ва намоён бўлиши (2-соат).

**Режа:**

1. Умумий, хусусий, алоҳида қадрият шакллари.
2. Қадриятлар намоён бўлишидаги диалектик алоқадорлик ва боғлиқлик.
3. Индивидуал ва ижтимоий қадриятлар.

**Таянч тушунчалар**:

Ижтимоий жараёнлар, фадриятлар тизими, қадрият шакллари, қадрият объектлари, умумижтимоий ва умуминсоний қадриятлар, хусусий қадриятлар.

**Адабиётлар:**

1. Назаров Қ. Аксиология: қадриятлар фалсафаси. Т.: 2000.

2. Муродов М. Ўзбек қадриятлари. Т.: Чўлпон, 1995.

3. Юсупов Э. Юсупов И. Маънавият ва жамият тараққиёти. Хўжанд, 1996.

4. Хайдарова Л. Жамият тараққиёти ва инсон камолоти масалалари.// Фалсафа ва ҳуқуқ 2006.№1 53 бет.

5. Очилова Н. Цивилизация ва шахс: ўзаро таъсири қирралари.// Фалсафа ва ҳуқуқ. 2007 №2, 55 бет

**1-масала**. Қадриятлар тизими мураккаб ва серқирра аксиологик ходисадир. Назарий жиҳатдан олганда қадриятлар тизими билан боғлиқ масалаларни ўрганиш шуни кўрсатадики, тизимнинг муайян ҳолатидаги манзарасини таҳлил қилишда, асосий диққат-эътибор унинг таркибий қисмлари алоқаси, ўзаро муносабатри, мутаносиблиги ёки номутаносиблигига қаратилса, тизимдаги ўзгаришларни қараб чиқиш эса замон билан боғлиқ жараёнлар, кетма-кетлик ва давомийликка, яъни қадриятлар тизимининг амал қилишидаги жараёнларга кўпроқ эътибор беришга тўғри келади.

Ҳар қандай жамият, ижтимоий-тарихий бирликлар (уруғ, қабила, элат, миллат, халқ), ижтимоий субъектлар ва бошқалар ўзига хос қадриятлар тизимига эга бўлади. бу қадриятлар тизимига асосий бўлмаган қадриятлар муайян қаторни ташкил қилади, турли холатларда намоён бўлади. жамият ривожининг муайян даври ёки бирор давлатда ҳам ана шундай қадриятлар тизими мавжуд бўладики, у ўша дарс, жамият ва давлат кишилари, уларнинг фаолияти учун умумий мезон вазифасини ўтайди. Ҳар бир ижтимоий – тарихий борлиқ, синф ва партиялар ҳам ана шундай қадриятлар тизими асосида фаолият кўрсатадилар, улардан фойладанадилар ёки уларга эришишнинг турли усулларини қўллайдилар.

У ёки бу қадриятнинг аҳамиятини аниқлашда ана шундай тизмилар мавжуд эканлигини унитмаслик, унинг бирор давр, ижтимоий борлиқ, соҳа, жараён ва юошқалар учуг қандай мавқега эга эканлигини назардан қочирмаслик лозим.

Бир қарашда қадриятларнинг шакллари сон – саноқсиз ва ниҳиятда тартибсизга ўхшаб кўринади. Аслида эса башарият, олам, табиат ва жамиятда ажабтовур уйғунлик мавжуд. Қадрият шакллари ҳам уларга мос равишда ана шундай уйғунликда, қонуний боғланишла умумийлик алоқадорликдадир. Бундай холатда уларнинг классификациясида табиат ва жамиятдаги нарса воқеа, ходиса жараёнлар муайян кўламда, қадрият шакллари эса улар билан боғлиқ холда намоён бўлади.

Макон ва замонда ушбу қадрият объектлари борлиқнинг бирор шакли, жиҳати, воқеликнинг бирор қисми оламдаги нарсалар ва атроф муҳининг энг муҳим томонлари сифатида намоён бўлади. Ушбу маънода қадриятларнинг умумбашарий, умумсайёравий ва минтиқавий ҳамда бирор кичик худуд ёки жойга боғлиқ бўлган шаклларини кўрсатиш мумкин. Бунда умумийлик, хусусийлик ва алохидаликнинг диалектикаси замонавий атамалар “глобал”, “зонал” ва “локал” қадрият объектларининг ўзаро муносабати тарзида зоҳир бўлади.

Жамиятнинг яшаши, одамларнинг ҳаёт кечириши учун юқоридаги қадриятлар билан бирга жамиятдаги умумижтимоий ва умуминсоний қадриятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Уларнинг жамият, унинг тузилиши, ижтимоий бирликлар ва ижтимоий онг шаклларига алоқадор туркумларини кўрсатиш мумкин. Масалан, жамиятнинг тузилишига хос, миллий, синфий, ирқий ва бошқалар ёки ижтимоий онгнинг шаклларига боғлиқ: сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ҳамда жамиятнинг асосий соҳаларига боғлиқ: иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий. Ижтимоий қадрият шакллари орасидаги фарқлар асло мутлақ эмас, балки нисбийдир. Улар орасида ўтиб бўлмас чегаралар йўқ.

**2-масала**. Ижтимоий тараққиёт жараёнида бир ривожланиш босқичидан бошқасига ўтилганида иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий соҳаларда ўзгариш бўлгани сингари, қадриятлар соҳасида ҳам ўзгаришлар юз беради. Бунда асло барча қадриятлар йўқотиб

кетмайди, балки янги даврнинг ижтимоий тузилишига ва замон реалликларининг талабларига мос келадиган, эскидан фарқ қиладиган янги қадриятлар тизими шаклланади. Бу жараён бир қадриятлар тизимидан иккинчисига ўтиш даври, дейилади.

Бунда биз муқаррар равишда бир даврнинг қадриятлар тизими бошқасига хос тизимлан фарқ қилишнинг гувоҳи бўламиз. Бу эса қадриятлар тизимининг ижтмоий тараққиётга боғлиқлиги қонунининг асосий мазмунини ифодалайди.

Муайян қадрият шакли ўз навбатида хусусий қадриятлар тизимига ҳам эга бўлади, яъни ижтимоий ривожланиш босқичига хос умумижтимоий қадриятлар системаси бўлгани сангари, шу давр ижтимоий тузилишида мавжуд бўлган ижтимоий субъектларга хос қадриятлар системасига ҳам мавжуд бўлади. Масалан, жамият ривожининг ҳозирги даврида мавжуд бўлган миллатлар, синфлар, партиялар ва бошқалар ўзига хос махсус қадриятлар тизимига эгадир. Бу холда умумий тизимдаги ҳар бир таркибий қисм ўз тизимидаги алоҳида шакл учун умумийлик сифатида намоён бўлади. Ана шу умумий, хусусий ва алоҳида шакллар орасидаги уйғунлик ва мутаносиблик умумий қадриятлар тизимидаги барқарорликни таъминлайди. Аммо бу барқарорлик юқорида айтганимиз каби, кўп даражада намоён бўладиган умумий қаадриятлар тизими, унинг таркибий қисмлари орасидаги алоқаларда абадий ўзгармас холат эмас.

Қадриятлар тизими намоён бўлишидаги турли холатларнинг таҳлилидан воқеа ва ходисаларнинг кетма кетлиги, вақти ва замон реалликларини хисобга олиш, яъни конкрет қадриятлар тизими – муайян воқеликнинг қадри – қимматини ва субъект учун аҳамиятини ифодалайдиган аксиологик ходиса эканлиги қайд этмоқ лозим. Бундай холатларнинг узлуксиз такрорланиши эса қадрият тизимларининг ижтимоий воқелик ва тараққиёт билан боғлиқлигини ифодалайдиган қуйидаги муҳим хулосага келиши имконини беради: муайян ижтимойи воқеликка муайян қадриятлар тизимига мос келганидек, ўзгарган ижтимоий воқеликка ҳам ўзгарган тизим мос келади. Бундай хол замондаги давомийликка нисбатан мос келмаслиги, воқелик ёки қадриятлар тизимидаги ўзгаришлар бир –биридан қисман илгарилаб кетиши ёки орқада қолиши ҳам мумкин.

Муайян воқелик, жамият ва унинг ривожланиш босқичига мос келадиган, объект ва субъект қадри ва аҳамиятининг инъикоси бўлган, объектив равишда тасаввур қилинадиган ва билиш жараёнида англаб олинадиган турли қадрият шаклларининг ўзига хос боғланишини ва деалектик ўзаро алоқасини ифодалайдиган аксиологик тизимлар қадриятлар системаси дейилади.

Муайян тизим чексиз тарихийлик жараёнида аниқ бир вақтда пайдо бўлади, бирор бир замонда амал қилади, ўзига хос яшаш даврини бошдан кечиради. Шу маънода ҳар қандай тизимнинг вужудга келиши ва муқаррар равишда ўз ўрнини бошқасига бўшатиб бериши орасида тарихий амалий қилиш даври мавжуд. Маълум бир формация, цивилизация ёки этнослар тараққиётининг муайян даврига хос умумий қадрият тизимлари хусусида ҳам ана шундай мулоҳаза юритиш мумкин. уларнинг ҳар бирига хос тарихий амал қилиш даврлари бўлади.

Тараққиёт жараёнида ижтимоий қадрият тизимлари шаклланади, такомиллашади, инкор қилинади ва бошқасига ўз ўрнини бўшатиб беради. бу жараёнда инкор ва ворислик диалектикаси алоҳида ўрин тутади. Шу маънода ўтмиш – тарихий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий жараёнларнинг кетма –кетлиги бўлгани сингари, қадрият тизимларининг ўрни алмашинуви инкор этилиши ва янгиланишидан иборат жараён ҳамдир.

Инкор ва ворислик диалектикаси фақат бир қадриялар тизими бошқасига айланаётганидагина рўй беради дейиш ножоиз. Бундай хол муайян қадриятлар тизимининг амалиётида ҳам кўзга ташланади, унда ҳам ички янгиланиш жараёни миқдорий ва сифатий ўзгаришларнинг хосиласи сифатида намоён бўлади. Шу билан бирга ҳар қандай қадриятлар тизимининг ўзига хос эволюцияси ривожланиш жараёни ҳам бор. Бу жараённинг таҳлилида вақт ва замон билан боғлиқ хусусиятлар асосий ўринни эгаллайди. Чунки бунда мазкур тизимнинг ўзига хос ички ўзгаришлар, уни ташкил этган

таркибий қисмларнинг муайян вақт доирасида бирор бир барқарор ҳолатни сақлаб қолиши, аслида эса тизимда узлуксиз ўзгаришларнинг бўлиб туриши кўпроқ эътиборга олинади.

Демак, у ёки бу тизимнинг амалиёти нафақат муайян давр, балки замондаги ўзгаришлар ҳамда алоқалар билан ҳам узвий боғланган. Бу, айниқса, жамият ривожланишининг конкрет босқичи билан боғланган умумий қадриятлар тизимининг амалиётида яққол намоён бўлади. Бундай ўзгаришлар жараёнида тизим бир- биридан фарқланадиган турли хил сифатий холатлардан ўтади. Аммо бундай холатларда ҳам у ўзлигини, ўз қиёфасини бутунлай йўқотиб қўймайди (тизим бутунлай йўқолиши мумкин бўлган холлар бундан мустасно), балки унда нималардир ўзгаради, бошқалари эса, ўз барқарорлигини ва доимийлигини сақлаб қолади. Шу билан бирга шаклланган қадрият тизими ана шу қайд қилинган холатларни, яъни доимий янгиланиш, ўзгариш билан бирга, муайян барқарорликни айрим қадриятларнинг доимий мазмунига эга бўлишини намоён қилади.

**3- масала**. Жамиятнинг умумий ижтимоий тузилишига қадриятларнинг энг умумий тизими, ушбу ижтимоий тузилишни ташкил этган ва ўзаро боғланган таркибий қисмларга эга хусусий қадрият тузилмалари мос келади.

Кишилар бирор бир қадриятлар системасига амал қиладилар, ўз фаолиятлари ва ҳаёт тарзларини унга мослаштиришга интиладилар. Яъни жамиятдаги қадриятлар тизими кишиларнинг интилишлари, қизиқишлари ва фаолиятларини белгилайдиган маънавий мезон вазифасини ҳам бажаради. Одамлар битта жамиятда, бир даврда ва ўхшаш шароитларда яшаётганликларига қарамасдан, у ёки бу нарсанинг қадри турлича англаб олинади, тушунилади ва талқин қилинади. Ижтимоий жараёнлар таъсирида кишиларнинг қадриятлар тўғрисидаги тасаввури, қарашлари ўзгаради, бу эса тараққиёт жараёнида одамларнинг турмуш шароитлари, ҳаёт ва маънавий қиёфасидаги ўзгаришлар билан боғлиқдир.

Ана шунга кўра, ҳамма ҳам қадрлаш туйғуси доимо бир хил бўлавермайди, ижобий ва салбий қарашлар, турли хил жиҳатлар ҳам ҳар қандай қадриятнинг қарама – қарши томонларини ташкил қилади. Ижобийлиги ва салбийлиги, баҳоланиши ва аҳамиятига кўра бир бирига мутлоқа зиддек бўлиб кўринадиган яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ҳақиатсизлик, бахт-саодат ва ғам-кулфат, тараққиёт ва таназзул каби тушунчалар ҳаётнинг бир бирига зид ва чамбарчас боғланган томонларини ифодалайди.

Инсоннинг бутун умри шахсий қадриятларни такомиллаштириш, ўз қадрини камолга етказиш, ўзгалар, жамият, замон ва унда содир бўлаётган ўзгаришлар қадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. Ўз шахси ва бошқалар қадрини англаб етиш учун инсоннинг камолоти давомида шаклланган маънавий қиёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган даражада тарбияланган бўлмлғи лозим. Ушбу маънода Суқротнинг “ўз-ўзининг англа!” шиори ғоят катта аҳамият касб этади.

Шахснинг қадри у яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий, тарихий шарт шароитлар билан диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Муҳит ва давр талаблари шахс қадрини шакллантириб сайқаллаб боради, унинг ўзи эса ўз қадрининг шахсий талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан нақадар алоқадорлигини чуқурроқ англаб олиш томон боради.

## 7-мавзу: Инсон- олий қадрият (2-соат).

**Режа:**

1. Инсон- жамиятдаги қадрли субект.
2. Инсон, унинг ҳаёти ва эркинлиги қадрият сифатида.
3. Шахс қадри, ижтимоий хусусияти.
4. Шахсий қадриятлар тизими ва мазмуни.

**Таянч тушунчалар:**

Инсон қадр-қиммати, маънавий камолот ўзликни англаб етиш, турмуш фаровонлиги, моддий маънавий қадрланиш, шахс мустақиллиги, эркинлиги.

**Адабиётлар:**

1. И.А.Каримов Бунёдкорлик йўлидан. 4–жилд. Ўзбекистон, 1996.
2. А. Чориев. Инсон фалсафаси.// Мустақил шахс. Т. Минор. 2002.
3. Э. Юсупов. Инсон камолотининг маънавий асослари. Т. Унв. 1998.
4. Б. Ражабова . Қалб ва қадрият. Т.Фан, 2002.
5. М. Усмонов. Яхши фазилат инсонга зийнат.
6. А. Комилов. Тасаввуф ёки комил инсон аҳлоқи. Т.: Ёзувчи, 1996.
7. И. Каримов. Маънавият фалсафасива ҳаёт. Т.: Фан, 2001.
8. Г. Тиллаева. Ижтимоий ҳимоя-долзарб масалалар. // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007 №2, 30-бет.

**1-масала**. Қадриятлар ўзининг моҳиятига кўра бир неча турга бўлинади. Жумладан, инсон ва унинг ҳаёти энг олий қадрият ҳисобланади. Инсон йуқ жойда бирон нарсанинг қадр қиммати ҳақида сўзлаш бемаъниликдир. Шунинг учун ҳам инсон қадр қимматини эъзозлаш, унинг турмушини яхшилаш, билими ва маданий савиясини ривожлантириш, соғлиғини сақлаш, ҳаётини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишини ташкил этади. Жамиятимизда рўй бераётган туб ўзгаришларнинг, ислоҳотларнинг барчаси кишилар ҳаёти тўқ, бой, гўзал бўлиши, инсон ўзини чинакам эркин ҳис этиши, ўз меҳнати натижасининг, ўз тақдирининг, ўз мамлакатининг эгаси бўлишини таъминлашга қаратилгандир.

Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек «жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича кўп қиррали фаолиятимиз марказида инсон, суверен Ўзбекистонининг фуқароси туради. Ислоҳотларнинг мазмуни ҳар бир фуқаро шаҳс сифатида ўзини кўрсатиш имкониягига эга бўлишига қаратилган. Сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар айни мана шу олий мақсадга

Эришишга, ҳар бир кишининг ҳаётини яхшироқ, муносиброқ, маънавий жиҳатдан бойроқ қилишга бўйсундирилган»[4].

Истиқлол туфайли жумҳуриятимизда кейинги йилларда инсоннинг шаҳсий ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадриятларини мухофаза қилиш масаласида жуда катта ишлар амалга оширилди. Имзосиз хатлар ёзиш, бўҳтон, туҳмат уюштириш йўли билан кишиларни ноҳақ безовта қилиш, уларнинг қадр-қиммати ва ор-номусига тажовуз қилишлар мамлакатимизда қонун йўли билан тақиқланган. Асосли, адолатли танқид учун ўч олишга ҳаракат қиладиган шаҳслар, кимлигидан қатъи назар, жиноий жавобгарликка тортилади. Вазифасини суистеъмол қилган мансабдорлар ғайриқонуний хатти ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб беради.

Ноғиронлар, руҳий касалманд кишилар, меҳнат қобилиятини йуқотган, боқувчисидан маҳрум бўлиб қолганлар, ёлғиз аёллар, карияларнинг ҳақ- ҳуқуқлари давлат йўли билан мухофаза қилинади, уларга моддий, маънавий ёрдам кўрсатилади. Бизда одамларнинг шаҳсий ҳаётлари, уй – жойининг дахлсизлиги, телефон сўзлашувлари, ёзишмалар, почта ва телеграф орқали жўнатилган нарсаларнинг сир сақланиши кафолатланади. Ўзбекистон Республикаси қонунлари фуқаролар ор номуси, қадр-қимматини сақлаш ва мухофаза этишга мухим вазифалардан бири сифатида қарайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57 моддасига мувофиқ фуқаролар ўз ҳаётлари ва соғликларига, мулкларига ва шаҳсий эркинликларига, ор - номусларига ва қадр-қимматларига тажовузлардан суд орқали химоя қилиниш ҳуқуқига эгадирлар.

[4] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.:Ўзбекистон, 1995, 247-248 бетлар.

Кишиларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, уларнинг талаб эҳтиёжларини қондириш, ижтимоий соҳани тез суръатлар билан ривожлантириш масаласида ҳам Ўзбекистонда жуда катта ишлар амалга оширилмоқда. Инсон турмуш фаровонлигини яхшилашнинг энг асосий масалаларидан бири уларни уй жой, ичимлик суви, газ, электр энергияси, радио ва телевидение билан таъминлашдир. Ўзбекистон раҳбарияти ташаббуси билан бу борада дастлабки жиддий қадамлар куйилди. Қишлоқ аҳолисига шаҳсий хўжаликларни кенгайтириш ва уй жой қуриш учун ер ва маблағлар ажратилди, қурилиш материаллари билан ёрдам берилди.

Мустабид тузум олий қадрият ҳисобланувчи инсон ва унинг ҳаётига ҳам жиддий хавф солган эди. Сир эмаски, чоризм ва большевизм мустамлакачилари махаллий халқнинг миллатпарвар зиёлиларини, атоқли давлат арбобларини, етук миллий қадриятларни бирма бир қатағон қилишдан мустамлакачилни тартибларини сақлаб туришнинг энг маккорона, тарих синовидан ўтган нозик йўлларидан бири сифатида фойдаланди. Катагонлик — миллий кадрларни қийратишга, халқларни қўрқитиб олишга, миллий онги ва ғурурининг ўсишига йўл бермасликка қаратилган давлат сиёсатидир.

20 йилларнинг охирларидан бошлаб қатағон қилиш ҳамма жойга бало қазодек ёйилди. Кимда ким шубҳа остига олинган бўлса, айби борми, йуқми, хақми ёки ноҳақми, сўраб суриштириб утирилмай йўқ қилинаверди.

Ўта машъум йилларда ҳеч ким ўзини хавфсизман, деб ҳисоблай олмаган, кечаси уйида тинч ухлай олмаган, кишилар нохақдан «халқ душмани», «миллатчи», «жосус», «ёт унсур» деган тавқи лаънатни олиб турмага тушган. Одам одамдан қўрққан, бир бирига ишонмаган. Ҳамма руҳий изтироб ва даҳшат ичида яшаган. Ежов ва Берия айғоқчилари истаган одамдан хоҳлаган пайтларида истаганларича «айб» ва «жиноят» топиб, йўқ айбни бор қилиб, бегуноҳ одамларнинг тақдирини ҳал этганлар, ўн, ўн беш йилга қаматганлар, отишга ҳукм қилаверганлар. қамоқхоналарда одамлар чидаб бўлмас хақорат ва тазйиқ остида, қилмаган ишларини қилдим, деб бўйинга олишга, қалбаки кўрсатмаларга имзо чекишга мажбур бўлганлар. Бундай дахшатли фожиалар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмади. 1937—1939 йилларида Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «учлик»лари (тройка) томонидан 41 минг нафардан кўпроқ киши судланди, 6 минг 920 киши отиб ташланди. Бундай бедодлик 50 йилларга қадар давом этди. Умуман, 1939—1953 йилларда битта бизнинг жумҳуриятимизнинг ўзидагина 61 минг 799 киши қамалди. Шулардан 56 минг 112 киши турли муддат билан озодликдан махрум этишга хукм қилинди. 7 минг 100 киши эса отиб ташланди»[5].

Социализм байроғига «ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт саодати учун» деган сўзлар ёзиб қўйилган эди. Амалда эса бу шиор оддий инсонлар учун эмас, балки марказ ва жойлардаги рахбарлар манфаати учун хизмат қилиб келди. Оддий инсонлар учун социализм янги ташвиш, янги муаммоларни туғдириб, улар ҳаётини янада мураккаблаштириб юборди.

Гарчи сўзда, социализм жамиятда ишлаб чиқариш воситалари халқ қўлида, қашшоқликка барҳам берилган, деб айтилса да, амалда эса кишилар ўз қўли билан ишлаб чиқараётган маҳсулотлардан фойдаланиш ҳуқуқидан махрум қилиниб, турмуш даражалари йилдан йилга пасайиб кетаверди.

Сўзда социализм чинакам демократик жамият, унда кишиларнинг ҳамма эркинликлари ва ҳуқуқларини химоя қилиш кафолатланади, улар фикр, мафкуравий эътиқодларни ифодалаш ҳамда уни тарқатиш хукуқига эгадир, деб келинди, амалда эса кишилар бундан ҳам маҳрум қилинди. Оддий меҳнаткашларнинг, баъзи бир миллатлар ва эллатларнинг ҳақ ҳуқуқлари чеклаб, бутун бутун халқлар қатағон қилинди. 1941 — 1946 йилларда Шимолий Кавказ ва Қрим аҳолиси — Қалмоқлар, чеченлар, ингушлар, қарачойлар, крим татарлари ва бошқалар зўравонлик йўли билан ўз юртларидан Шарқда томон кўчирилди. Кўчирилган мусулмонларнинг умумий сони тахминан 3 миллион

---

[5] Ўзбекистон овози, 1991 йил 15 сентябрь

кишини ташкил қилади. «Жазоланган» халқлар вакилларининг ҳисоб китобига кўра кўчириш чорида 1 миллионга яқин болалар, аёллар, қариялар, касаллар оламдан кўз юмган [6]. Мажбуран равишда ўз худудларидан бадарға қилинган халқларга нисбатан асоссиз равишда чеклашлар жорий этилди, уларнинг барча хақ ҳуқуқлари ва эркинликлари камситилди. Булар эса, ўтмишда ижтимоий сиёсий қадриятларнинг ҳам оёқ ости қилинганидан далолат беради.

Қатағон даҳшатли довулдек қанчадан қанча давлат арбоблари, олимлар, маданият ходимлари, зиёлиларимизнинг гулини—энг сараларини бирма бир супуриб кетди. Ўзбек халқининг севимли ва ардоқли фарзандлари Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромовнинг тақдири ҳаммамизга маълум. Халқимизнинг истеъдодли вакиллари бўлган Абдулла Қодирий, Фитрат, Чулпон, Усмон Носир, Элбек Шокир Сулаймон, Ғулом Зафарий, Санжар Сиддиқ, Аъзам Аюб, Муҳаммад Ҳасан ва бошқалар қатағон қурбони бўлдилар.

Турғунлик даври деб аталган 70 йиллар ва 80 йиллар бошларида, кейинчалик 1984—1990 йилларда ҳам содир бўлган қатағонлик ўзининг мохияти ва кўлами жиҳатидан миллатимиз бошидан кечирган жабр жафоларнинг даҳшатлиси эди. Бу даврларда гап айрим кишиларпи қоралаш, қатағон қилиш устида эмас, балки бутун бир миллатни бадном этиш, қадр қимматини ерга уриш устида боради. «Ўзбек мафияси», «Ўзбеклар иши», «Пахта иши», «Бухоро иши» сингари ҳақоратомўз атамалар пайдо бўлганлигини, ўзбек халқи пешонасига ўғри, порахур, ишёқмас, текинтомоқ деган тамғалар ёғиштиришга ҳаракат қилинганлигини айтмасдан ўтиб бўлмайди.

Миллий ўзлигимизни англаб олишимизга йўл бермаслик мақсадида мустамлакачилар томонидан олиб борилган зўравонлик сиёсати натижасида миллий ғуруримиз, урф одатларимиз, инсоний қадриятларимиз ерга урилди. Сохта байналмилалчилик шовқинлари остида халқимиз хақ ҳуқуқи, эрки, иззат нафси, тили, тарихи, маданияти тазйиқ остига олинди. Ошкора зўравонлик ур йиқит, таъқиб ва тазйикда, миллий хўрлаш ва камситишга асосланган мустабид сиёсатнинг машъум оқибати сифатида баъзи одамларда бора бора итоаткорлик карахтлик тупоғилик лақмалик илдиз ота бошлади. Халқ ичида аламонлашув бошланди. Мардлик ва жасорат, ҳур фикр ва ғурур, садоқат ва эътиқод, ирода ва қадрият сингари муқаддас тушунчалар кишиларда, айниқса ёшларда аста секин сўна бошлади. Миллий руҳга зимдан зарба берилаверди. Ана шундай оғир ва мураккаб бир шароитда бахтимизга Ўзбекистои Республикаси Давлат мустақиллиги эълон қилинди. У юз йилдан кўпроқ вақт давомида эзилган, камситилган, шаъни ва ғурури ерга тапталган халқимиз эзгу ниятиии рўёбга чиқариш учун кенг имконият ва шароит яратиб берди.

**2-масала**. Инсон ва унинг қадри муаммоси – фалсафанинг азалий мавзуларидан биридир. Одам зотининг дунёга келиши, бошқа жонзотлардан фарқи, табиат ва жамиятдаги ўрни, инсон фазилатлари, шахсий хусусияти, тўғрисидаги масалалар ҳамма давр файласуфларининг диққат марказида турган. Фан соҳасида одамнинг жисмоний тузилиши, табиий-биологик хусусиятларини ўрганиш ҳамон давом этмоқда. Ижтимоий фанларда эса, шахс камолоти, унинг ижтимоий, маънавий қиёфаси ва камолоти билан боғлиқ жиҳатлари тадқиқ қилинмоқда. Хуллас, одамзот учун ўзига ўхшаган бошқа кишилар, уларнинг хусусиятлари, жамиятдаги ўрни, қадри, ўтмиши ва келажаги билан боғлиқ муаммолар, азал-азалдан энг асосий тадқиқот ва кузатиш объекти бўлиб келган.

Инсоннинг ўзини қадрият сифатида талқин қилиш билан, унинг қадри ва шахсий даражадаги қадриятлар тизими тўғрисидаги масалалар бир биридан фарқ қилади. Бу борада уч хил йўналишда фикр юритиш мумкин, яъни:

-ҳар бир инсон, шахсни – қадрият сифатида қараш мумкин. Бундан инсоннинг ўзи, унинг табиий, тарихий жараёндаги мавжудлиги, тирик жонзотлар орасида ягона ижтимоий вужуд эканлиги эътиборга олинади. Бу борадаги таҳлил аниқ инсонга қаратилган бўлиб, уни махсус тадқиқот мавзусининг объектига айлантиради.

---

[6] Қаранг: Аргументы и факты, 1989 йил 5-сон.

-инсоннинг қадри, яъни уни ижтимоий жараёнлардаги ўрнини, атроф-муҳит ва бошқа кишилар учун аҳамиятини, жамиятдаги мақеи ва бошқаларнинг тадқиқ қилиш ҳам мумкин. Бу борадаги таҳлил инсоннинг тарихий-ижтимоий аҳамиятини ўрганишга асосланади;

-шахснинг маънавий олами, қиёфаси, қизиқишлари, талаб ва эҳтиёжлари, фаолияти билан боғлиқ қадриятлар тизимини ҳам таҳлил қилиш мумкин, бунда асосий эътибор қадриятларнинг шахсий (алоҳида, якка) даражада намоён бўлиш шакллари ва хусусиятларига қаратилади.

Инсон тарихий тараққиёт жараёнида турли хислатлар, синфлар ва хусусиятларга эга бўлган, маънавий-ахлоқий жиҳатларни қиёфасида акс эттирган ижтимоий мавжудод сифатида жамиятдаги асосий қадрли субъектдир. Шу билан бирга у, оламга ижтимоий муносабатда бўлиш, одамлар билан муомал ва алоқага киришиш, меҳнат қилиш асосий моддий ва маънавий бойликларни вужудга келтириш, тафаккури, хис-туйғулари, фикрларини тили воситасида ифодалаш каби хусусиятларга эга бўлган умумижтимоий вужуд ҳамдир.

Инсон жамиятсиз яшай олмаганидек, жамият ҳам инсонсиз мавжуд бўлмайди. Ҳар қандай жамият ўзини ташкил қилиб турган қишиларнинг фаолияти, ўзаро муносабати ва умргузаронлиги билан тирикдир. Шу маънода инсон- ҳар қандай жамият бор бўлишини таъминлаб турадиган асосий ижтимоий элементдир. Бундай таъминланиб туриш инсоннинг индивидуал – шахсий иштирок орқали, яъни бирор гуруҳ, қатлам, синф, қавм, элат, халқ ёки миллат доирасидаги фаолияти, амалга оширган ишлари, яратган бойликлари, ўзига ва ўзгаларга нисбатан муносабати орқали намоён бўлади.

Инсон қадри унинг ижтимоий хусусиятлари, жамиятда амалга оширган фаолияти, бошқаларга ва атроф-муҳитга муносабати, хатти-харакатининг аҳамияти сифатида камолотга етганлиги, ижтимоий хусусиятларни ўзлаштириб олганлиги ва уларни маънавий қиёфасида намоён қила олганлигида ҳам кўринади.

Одамзотнинг шахсга айланиши, ўз қадрини ва ўзгалар қадрини англаш жараёни узоқ йиллар давом этади. Дастлаб норасида гўдак учун она кўкраги, сути, алласи энг асосий қадрият бўлса, она қўлидан тушган, ана кўкрагидан ажралган бола учун эса, аста-секин атроф-муҳитга, ўзи яшаёган макон, ўзга кишилар ва ўзи ҳам қадриятга айланиб боради. Бу даврда у ўз шахсий эҳтиёжи ва мақсадларини ўзига хос қадрият кўзгуси орқали кўради, ўзига керакли ва зурур нарсаларни муҳайё қилишларини кўпроқ ҳохлайдиган, талаб қиладиган бўлиб қолади. Болалар ҳаётининг кўпгина тадқиқотлари камолотнинг бу муҳим даврида (5-6 ёш) ўз қадрини ошириш ва шахсини севиш, яъни уларда болалик эгаизми кўпроқ мавжуд бўлишини таъкидлайдилар.

Албатта инсон илк болалик даврида қолиб кетмайди, ота-она, қариндош-уруғ, дастлабки ўқитувчилар унинг қадриятлар мезонини англашида муҳим ўрин тутадилар, шу тариқа инсон камолот сари боради. Бу жараёнда етук шахсга айланиш имконияти бўлган одамзот наслининг ҳар бир вақтли оилавий, маънавий-ахлоқий. Миллий, ижтимоий қадриятлар таъсирида тарбияланади, шу билан бирга, унинг шахсий жиҳатлари, қадрланадиган сифатлари ва хусусиятлари камолотга етиб боради.

Бу жараёнда шахснинг ўзи ҳам ижтимойи қадрли вужуд сифатида шаклланиб, ўз қадрини намоён қилиб боради.

Инсоннинг бутун умри шахсий қадриятларини такомиллаштириш, ўз қадрини камолга етказиш, ўзгалар, жамият, замон ва ундаги содир бўлаётган ўзгаришлар қадрини англашга интилиш жараёнидан иборатдир. “қарилик” иборасини инсонга биологик маънода ишлатиш мумкин, аммо бу тушунчани инсон қадрига ва қадриятларига нисбатан ишлатиш ножоиз. Зеро, қарилик қадрсизланиш бўлмагани каби ёшлик ҳам бекадрлик, дегани эмас!

Ўз шахси ва бошқалар қадрини англаб етиш учун инсоннинг камолоти давомида шаклланган маънавий қиёфаси ва дунёси эзгуликка хизмат қилиши, юксак ижтимоий сифатларга эга бўлиши, унинг ўзи эса ҳаётнинг моҳияти ва мақсадини тўғри англайдиган

даражада тарбияланган бўлмоғи лозим. Ушбу маънода, Суқротнинг “ўз-ўзингни англа!” – шиори ғоят катта аҳамият касб этади. Ўз қадрини англашнинг объектив, ижтимоий ва шахсий томонлари бир-бири билан доимий алоқадорликдадир. Улар инсон табиатининг турли жиҳатларидир. Шахснинг қадри ва яшаётган замон, ундаги жараёнлар, ижтимоий – тарихий шарт-шароитлар билан диалектик алоқадорликда намоён бўлади. Муҳит ва давр талаблари шахс қадрини шакллантириб, саиқаллаб боради, унинг ўз эса ижтимоий муносабатларнинг субъекти сифатида, ўз қадрининг шахсий талаблари, эҳтиёжлари ва мақсадлари билан нақадар алоқадорлиги чукуррок англаь олиш томон боради.

Ҳозирги даврда муайян кишининг қадри қуйидагиларга намоён бўлиши мумкин:

- табиатга, ташқи оламда рўй бераётган жаранларга нисбатан муносабати, ушбу жараёнлардаги ўрни ва фаолияти;

-турли ирқ миллат, ижтимоий қатламларга мансуб бўлган, ранг-баранг мақсадлар ва қадриятларга интиладиган кишиларга муносабати;

-ўз-ўзига, оила, турмуш, жамов ва жамиятдаги ўрнига нисбатан муносабати;

-меҳнат, ишлаб чиқариш ва иқтисод борасидаги жараёнларда иштироки, жамиятдаги моддий эҳтиёжларни қондириш ва моддий бойликларни яратиш жараёнига қўшаётган ҳиссаси;

-сиёсий ўзгаришлар, жамиятни демократиялаштиришда қатнашиши, бу жараёнда қандай мақсадларни кўзлаётганлиги;

-жамиятда қарор топган қадриятлар тизими тез ўзгариб кетган ҳозирги даврда қандай позицияни эгаллаши, ўзини қандай тутишини, бу жараёнда иштирок этиши билан боғлиқ фаолияти;

-ҳозирги даврдаги унверсиал технологиялар, ишлаб чиқариш ва бошқариш воситаларининг замонавий талабларига ҳозиржавоблиги, бу борадаги малакаси, қобилияти ва кўникмаларини такомиллаштириш учун амалга ошираётган хатти-харакатлар;

-табиий баркамоллик, жисмонан соғломлик ва иқтисодий таъминланганлик борасидаги талаб ва эҳтиёжларни маънавий-ахлоқий камолоти ва амалий фаолияти билан уйғунлаштира олиши;

- маънавий баркамоллиги, ахлоқий камолоти ва нафасати, билими, қобилияти, истеъдоди, иқтидори ва улардан қандай мақсадларда фойдаланаётганлиги;

-ўзининг шахсий, миллий, диний, ирқий, синфий ва бошқа соҳалардаги манфаат ва мақсадларини, талаб ва эҳтиёжларини, интилиш ва фаолиятини умуминсонийлик талабларига мослаштира олганлиги;

-маҳдудлик, манқуртлик, махаллийчилик, миллатчилик, хурофот ва бошқа бидъатларнинг моҳиятини тўғри англаб олганлиги, уларга нисбатан муносабати ва бошқалар.

Юқоридаги жиҳатларни хисобга олган шахс қадрини баҳолаш ва шу асосда аниқ шахсларнинг типларини аниқлаш имконига эга бўлиш мумкин.

**3- масала**. Қадр ўзликни англаш жараёнида пайдо бўлади. “Мен Аллоҳ томонидан ер юзида халифа этиб яратилганман”, деб ўзликни англаб етиш –ўз қадрини тўғри баҳолашнинг пойдеворидир. Аллоҳга ишонган одам Тангрининг ваҳийсига ҳам ишонади, демак, юқоридаги сўзларни ҳақиқат деб қабул қилади. Иккинчидан, ўз қадрини англаб етиш баробарида инсон ўзга инсонлар ҳам ер юзида халифа эканлигига имон келтириб, уларнинг ҳам қадрини ўзидан кам билмайди. Учинчидан, у Аллоҳ яратган барча мавжудоднинг айни ҳаққа тегишли эканлигини англаб етгани учун қадр қилади, беҳудага бирор нарсани зоя қилишни ўзига эп кўрмайди.

Ҳар бир инсон ўз қадрини умумий бир тарзда эмас, муайян ва аниқ ўлчовларида англаб етмоғи керак. Ҳақиқий шахс даражасига етишган инсон ўз қадрини, шу билан бирга ёруғ оламдаги барча ашё ва мавжудодлар қадрини муайян даражада англаб етган, шу асосида жамиятнинг фаол аъзосига айланган инсон бўлади. Қадр тушунчаси маърифатнинг турли босқичларида турли даражада муайянлашиб боради. У имон илм ва

амал даражаларида англаб етилиши мумкин. борлиқ ҳақиқатга ўз нисбатини тўғри англаб етмаган ва комил эътиқод ҳосил этмаган инсон ҳануз ғофилдир. Имон даражасида барча мавжудод қадри Аллоҳ иноми сифатида, барча инсон қадри имкон (потенция) даражасида намоён бўлса, илм даражаси ҳар бир муайян инсон ва ашё қадри ҳақида аниқ билимлар ҳосил қилиш билан боғлиқ бўлади.

Ўзлигини англаш даражаси, борлиқнинг моҳиятини англаш йўлидаги ижтиҳоди ва амалий фаоллиги билан боғлиқ равишда инсоннинг инсондан фарқи, ҳар бир инсоннинг кечаги холатидан бугунги холати орасидаги фарқ доимий ўзгариб боради. Учинчи, энг юксак ва маъсулиятли даража, - амал.

Аммо инсоннинг фазилатларига қараб (имон-эътиқоди, илми, амалий кўникмалари, ахлоқий сифатлари ва хакозоларга кўра) қадрланиши ўз –ўзидан моддий эмас, маънавий кўринишда бўлади. Моддий қадрланиш эса илмнинг амалга татбиқ этилиши билан боғлиқ. Инсон ўз имконятларини амалга татбиқ этишдан аввал ўз қадрини илм босқичида англаб етиши лозим. Бу билим амалий фаолиятда икки шартга риоя этишни тақозо этади.

Биринчи шарт – инсон ўз қадрига номуносиб ишни ўзига раво кўрмаслиги керак, яъни ўз илм савияси, имони, жамиятдаги мавқеига номувофиқ амални содир этмаслиги керак. Иккинчиси – инсон ҳеч ким билан ўз қадрига нолойиқ шароитларга рози бўлиб битим тузмаслиги керак, кенгроқ маънода олганда ўзганинг унга нисбатан нолойиқ хатти-харакатлар содир этишига йўл қўймаслиги лозим.

Инсон ўзи ва ўзга қадрини таққослаб ўзаро муомалаларга киришганда, маънавятдан сиёсатга ўтилади. Инсон ўз моддий табиатини ҳам ҳисобга олиб, ўзгалар билан муносабатга киришувида иқтисодий муносабатлар юзага келади. Аммо, билиб қўйиш керакки, инсон иқтисодий, сиёсий ва маънавий майдонда доимо бир хил қадр топа бермайди. Инсон маънавий камолотини белгиловчи омиллардан бири унинг ушбу уч йўналишда ўз қадрини уйғун сақлай билиши билан ҳам белгиланади. Маънавий камолотни фақат маънавият йўналишда ўз қадрини юксалтира билиш деб тасаввур этиш-бир ёқламаликдир.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти ҳар бир инсон “ўз мустақил фикрига, собит эътиқодига, ўзи таяниб яшайдиган ҳаётий-миллий қадриятларига, шаклланган дунёқараш ва мустаҳкам ирода” га, яъни бир сўз биан айтсак, мустақил маънавиятига эга бўлмоғи керак, деб таъкидлайди.

**4- масала**. Ҳар бир инсон – бир олам, ҳар бир киши эса бошқаларга ўхшамайдиган ўзга бир дунёдир. Инсоннинг ана шу мажозий маънодаги маънавий олами, ўзгаларга ўхшамайдиган қиёфаси ва бетакрор дунё қадриятнинг шахсий даражада намоён бўлиш хусусиятлари билан узвий боғланган. Бу даражадаги қадриятлар тизимининг ҳар бир буғунини алоҳида ёки тизимини яхлит холда таҳлил қилишда диалектик билиш, унинг аниқлик ва мавҳумлик усуллари ниҳоятда қўл келади. Бу усусларга асосланилганда, умумий ёки мавҳум кишилар эмас, балки аниқ, замонавий шахс қадри ва унга боғлиқ бўлган қадриятларни таҳлил қилиш имкони очилади. Юқоридаги фикрларни хисобга олган ҳолда шахсий қадриятлар тизимида қўйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

-одам зотининг табиий тарихий қадриятлари;

-маънавий-ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги боғлиқ қадриятлар;

- меҳнати ва иқтисоди билан боғлиқ қадриятлар;

-индивидуал камолоти ва ижтимоий мавқеи (ёки «карьера” си) билан боғлиқ қадриятлар;

-ҳузур-ҳаловати билан боғлиқ “гедонистик” қадриятлар;

-қобилияти ва истеъдоди билан боғлиқ интелектуал қадриятлар;

-ҳис-ҳаяжон, туйғулари билан боғлиқ «эмоционал” қадриятлар.

1. Инсониятнинг табиий-тарихий қадриятлари унинг биологик жонзод, тирик вужуд сифатидаги яшиши, саҳат-саломатлиги, туғилиш, ўлим, ҳаёт кечириш даврлари, болалик, ўсмирлик, йигит ва қизлик, эркак ва аёл, қарилик онлари билан боғлиқ намоён бўлади. табиий қадриятлар ҳар бир тирик вужуд каби, одам зотининг ҳар қандай авлоди,

қавми, миллат ва элатга тегишлидир. Шу маънода табиий-тарихий қадриятларга эга бўлмаган ижтмоий субъект ёки шахсни учратиш қийин. Ҳар бир киши, эл, халқ, миллат ва қавм учун табиий-тарихий қадриятларнинг мавжудлиги ижтимоий заруriят ҳисобланади, бу заруриятни эътироф этиш умуминсоний талабдир.

2. Шахснинг маънавий–ахлоқий қиёфаси, нафосати ва гўзаллиги билан боғлиқ қадриятлар диалектик уйғунликда намоён бўлади. улар умуминсонийликнинг шахс қиёфаси билан боғлиқ намоён бўлиш даражасини ифодалайди. Маънавий –ахлоқий қиёфа, нафосат ва гўзаллик билан боғлиқ шахсий қадриятларнинг ҳар бир шакли, кишиларнинг жамиятдаги бирор типини ажратиб кўрсатиш учун асос бўлиши мумкин. Бу шакллар эса ниҳоятда хилма – хил бўлиб, улар қуйидагиларга кўринади:

- шахс умри ва ҳаётининг маьноси, яьни яшашдан мақсад, хотира, мерос, ворислик, орзу –умид, бахт-саодат ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

- шахснинг атроф – муҳит, ватан, давр, оила, ва турмуши, севги – муҳаббати, ота – она ва фарзантлари, турмуш гўзаллиги ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

- шахснинг эркинлиги, озодлик, тенглик, эьтиқод, ахборот олиш, мулкка эгалик қилиш, яшаш жойларни танлашдаги мустақиллиги, даҳлсизлиги билан боғлиқ қадриятлар;

- шахсий масьулият, яьни ижтимоий заруриятни англаши, унга амал қилиши, тартиб – интизоми, ор- номуси, бурчи, виждони, қадр – қиммати ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

- шахсий масьулият, яьни ижтимоий заруриятни англаши, унга амал қилиши, тартиб – интизоми, ор – номуси, бурчи, виждони, қадр – қиммати ва бошқалар билан боғлиқ қадриятлар;

- шахснинг нафосати, маьнавий гўзаллиги, эстетик туйғуси, диди, маданияти, ўзига, ўзгаларга, табиат ва ташқи муҳитга нисбатан нафосатли муносабатига алоқадор қадриятлар.

Юқорида таькидлаганимиздек, ушбу қадриятлар орқали умуминсонийлик шахсий даражада, муайян кишининг қиёфасида қадрият сифатида намоён бўлади. Қадриятларнинг бу даражада намоён бўлиши бу хусусиятга эга бўлса-да, аммо улар алоҳида кишилар, уларнинг ҳаёти, фаолияти, жамиятдаги мавқеи ва ўрни учун ниҳоятда катта аҳамият касб этади.

Ҳаётда иқтисодий жиҳатларга кўпроқ эътибор берадиган, уларга фойдалилик нуқтаи назаридан қарайдиган шахслар учрайди. Бундай кишиларнинг айримлари мол-мулкка эга бўлишга кўпроқ ҳаракат қиладилар, пул, бойлик, орттириш, улардан фойдаланиш йўлларини яхши биладилар. Бошқа шахслар билан муносабатда. Дўстлар орттириш, қуда-андачилик ва шу кабиларда ҳам бу моддий манфаат олиб келадиган муносабат ёки фаолият қадрли бўлиб, қиммат нарсалар кўпроқ фойдалидир.

Яқин ўтмишимизда бундай кишилар жамият фойдасини ўйламайдиган, ўз манфаатини бошқалар манфаатидан устун қўядиган шахслар сифатида, танқид қилинар эди. Аслида, юқоридаги хусусиятлар меъёрида, бошқаларнинг қадрини ерга урмайдиган, уларга зиёни тегмайдиган бўлса, унда уларнинг зарари ва фойдасига диалектик ёндашмоқ зарур. А. Авлоний таъкидлаганидек, «Иқтисод, деб пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмакни айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тайин сарф қилмас, ўрин келганда сўмни аямас. Соҳоватлик зидди баҳиллик ўлғони каби, иқтисоднинг зидди-исродир». Алломанинг иқтисод борасидаги, шахс қадрини оширувчи сифатлар тўғрисидаги, бу сўзлари замонамиз учун ниҳоятда долзарб, аммо унинг қуйидаги фикри ундан ҳам долзарброқдир: “Ҳозирги замонда мақсадга етмак, ўз миллатига хизмат қилмак, халққа мақбул бўлмак учун илм ва мол лозимдур. Оламдаги барча миллатларнинг ҳол ва қудратлари бойликлари ила ўлчанур. Ҳар ерда бой миллатлар... хўжа ўлғондек, фақирлари… қул ва асир бўлиб қоладур. Сўзнинг қисқаси,

ҳозирги замонга мувофиқ киши бўлмак учун илм ва маърифат ила баробар иқтисод, бу борасинда инсоф, туганмас саъй, битмас ғайрат лозимдур”. [1]

Бозор муносабатлари билан боғлиқ келажак А. Авлоний таърифини келтирган кишилар, уларнинг вояга етиши, камолоти, фаолияти, хатти-ҳаракатларига кўп жиҳхатдан боғлиқ бўлади.

Шахснинг “гедонистик” (грекча-ҳузур ҳаловат) қадриятлари ҳузур-ҳаловат ва лаззатли ҳаёт кечириш билан боғлиқ бўлган фаолият, хатти-харакат, муносабат, эҳтиёж, талаб ва интилишларда ўз ифодасини топади. Албатта, ҳар бир инсон ҳузур-ҳаловат кўриш, шод –хуррам яшашни истайди, орзу қилади, бунга эришиш йўлларини қидиради. Ушбу маънода бу қадриятлар шахсни фаол бўлишга, ижодий фаолият юритишга ундайди. Кўпинча кишилар ўз умрини тинч, ҳузур-ҳуловатда ва шод-хуррамликда ўтказишни, бу борада бошқаларга ҳалақит бермасдан, ўзгалар ҳисобидан эмас, ўз меҳнати, қобилияти орқали шундай ҳаёт кечиришга эришишни орзу қилади, улар орасида тўла ҳузур-ҳаловатда яшаш қийин эканлигини, ҳатто бунинг иложи йўқлигини таъкидлайдиганлар ҳам йўқ эмас.

Гедонистик қадриятларни устун қўювчи кишилар нарса, воқеа, ҳодисаларни кўпроқ ҳузур-ҳалоқат бағишлашни, ўзларининг чарчоқларини қондириши, ижодий ҳиссиётлар уйғотиши, салбий кечинмалардан халос қилишга қамраб қадрлайдилар. Улар саёҳатлардан кўра дам олиш уйларига, томошалардан кўра ҳордиқ чиқарувчи жойларга боришни афзал кўрадилар. Кўп ҳолларда ўзлари ҳам бировларга ҳалақит бермаслик уларнинг тинчини, ҳузур-ҳаловатини бузмаслик учун ҳаракат қиладилар, дўстла, ҳамроҳлари ҳам ана шундай сифатларига қараб танлашга интиладилар.

Моддий бойликларни тақсимлашга, нисбатан одамларнинг тенглигига эришиш асосий вазифаси бўлиб ҳисобланадиган камбағал жамият билан яшаш шароити баланд, моддий бойликлари бисёр, кишиларнинг маънавий эҳтиёжи, қобилияти ва таланти учун кенг имкониятлар яратиш асосий вазифа бўлиб ҳисобланадиган жамият ўртасида фарқ катта. Улар орасидаги фарқ гедонистик қадриятларга нисбатан муносабатда ҳам намоён бўлмасдан иложи йўқ. Собиқ советлар жамиятида моддий жиҳатдан тенглик асосий вазифа, деб қаралган сир эмас. бу масала советлар давридан қолган муаммоларни ҳам бартараф этиш, умуминсоний шарқона ва миллий қадриятларни барқарор қилиш учун ниҳоятда муҳим.

Шахснинг жамият, ижтимоий тизимда эгалланган мавқеи, амали,жамоа ва муҳитдаги ўрни билан боғлиқ ижтимоий мавқеига алоқадор қадриятлари ҳам мавжуд. Улар фақат шахсий қадрият саналиши, шахсий қадриятлар тизимида муайян ўрин эгаллаши мумкин. Шахснинг мавқеи билан боғлиқ қадриятлари амал, бошқарувчанлик, пешқадамлик билан боғлиқ хусусиятларини тарбиялаш, кишиларнинг ижодийлиги ва изланувчанлигини оширишга ундайдиган омил вазифасини ўташи мумкин.

Ушбу қадриятларни устивор биладиган шахслар учун, бошқа кишиларнинг жамият ёки бирор ташкилотдаги ўрни, муайян доирадаги мақеи катта аҳамият касб этади. Улар жамиятда юқори мавқеини эгаллаганидан обрў-эътиборли саналадиган одамларни кўпроқ қадрлайдилар. Шундай кишиларнинг насиҳатларига қулоқ тутадилар, фикрларини ўрганадилар, уларга эргашадилар, турмуш тарзларидан иборат оладилар, ўзлари ҳам ҳаётда ёки муайян жамоада юқорироқ лавосимини эгаллашга харакат қиладилар.

Шахснинг ижтимоий камолоти ва мавқеи билан боғлиқ қадриятлари кўп ҳолларда уни қунт билан ўрганишга, сабоқ олишга, ўз устида ишлашга, ҳаёт дипломатияси алифбосини эгалаб олишга ундайди. Бундай кишиларнинг кўпчилиги ўзларига дўст-ёр орттириш, қўшнилар, ҳамроҳларни танлашда ҳам юқоридаги жиҳатларга эътибор берадилар. Бундан ташқари, улар ўз фаолиятлари учун зарур бўладиган янгиликлар, сиёсий ва мафкуравий ўзгаришларни тезроқ англаб оладилар ва давр йўналишларига

---

[1] Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. 34-бет.

хозиржавоб бўлишган харакат қиладилар. Жамият ва миллатнинг тақдири ҳам улар учун бегона эмас.

Кишининг ижтимоий мавқеи, амали, лавозими билан боғлиқ шахсий қадриятлари жамиятда ўзига хос ўрин тутади. Уларга фақт ижобий ва салбий хусусиятларни вужудга келтириш манбаи сифатида қараш нотўғри. Бундай қадриятларни ўрганиш жамиятимиз туб ўзгаришларни бошидан кечираётган ҳозирги давр учун, ниҳоятда муҳим. Бу борада эса чуқур илмий таҳлилга асосланган тадқиқотлар олиб бориш зарурияти етилган.

Шахснинг интеллектуал қадриятри унинг қобилияти, билим, истеъдоди, таланти, уларни рўёга чиқариш имконияти ва бошқалар билан узвий боғланган. Бу қадриятлар билан боғлиқ муаммолар ижтимоий билимларнинг азалий мавзуларидан биридир. Қадимги Греция ва Рим фалсафасида ҳам, Шарқ ва Осиё мутафаккирлари қарашларида ҳам инсон ақли, қобилияти, истеъдодининг аҳамияти ва қадри ғоят баланд, деб ҳисобланган. Ҳозирги замонда инсоннинг бу соҳадаги қадриятлари аҳамияти ниҳоятда кучайиб бормоқда. Бундай шароитда интеллектуал қадриятларни таҳлил қилиш муаммолари катта аҳамият касб этмоқда.

Қобилият, истеъдод ва талант ҳаммада ҳам бир хил ривожланавермайди ва бир текис намоён бўлмайди. Бу қадриятлардан шахснинг фаолиятида фойдаланиш ниҳоятда тез ва ижодий натижалар бериши ҳам мумкин, гап уларни тўғри тарбия қилиш, рағбарлантириш, ҳаққоний баҳолашдадир. Уларни устун қўядиган кишилар бошқаларни ана шу жиҳатларига қараб баҳолайдилар, уларнинг билим, аҳлий камолини ҳисобга оладилар. Бундай кишилар учун ақлий-илмий камол, ўз ижодий қобилиятларини такомиллаштириш, таланини янада яхшироқ намоён қилиш мумкин бўлган фаолият, ижтимоий муносабатларда эса бунга имкон берадиган жиҳатлар катта аҳамият касб этади. Улар касб, фаолият ва иш жойларини, ҳатто умр йўлдоши, дўстла танлашда ҳам интеллектуал қадриятларни ҳисобга оладилар. Турли илмий ва ўқув билимгоҳлари, ижодий ташкилотлар, таҳририятлар бу борадаги фидоий кишиларни кўплаб учратиш мумкин. бошқа хусусиятларига кўра бир-биридан мутлоқ фарқ қиладиган, турли авлодларга, миллат ва бошқаларга мансуб кишиларни антеллектуал қадриятлар бирлаштиради ва муайян мақсад йўлида хокисор меҳнат қилишга ундайди.

Интеллектуал қадриятлар камёб бўлиб, жамият, илм-фан, ижод ва кашфиётлар учун ниҳоятда зарур, ана шу сабабдан ҳам иқтидорли, қобилиятли, истеъдодли кишиларни асраб-авайлаш, уларга эҳтиёкорлик билан муносабатда бўлиш ижобий натижалар беради. ҳозирги даврда бундай кишиларга талаб ниҳоятда ортиб бормоқда. Ишлаб чиқариш талаблари ўсганлиги, электроника, кибернетика, автоматика ва умуман фан-техника ютуқларидан ҳамма соҳаларда кенг фойдаланиш. Янги технологияларни жорий қилиш зарурияти интеддектуал қадриятлар аҳамиятини ошириб, ана шу қадрият шакли хос бўлган авлодни камол топтиришни кун тартибига қўймоқда. Бу эҳтиёж, айниқса, собиқ иттифоқ ўрнида вужудга келган давлатлар, шу жумладан Ўзбекитон учун муҳим аҳамиятга эга.

Шахснинг эмоционал қадриятлари асосида ҳис-туйғуларга, кайфиятларга, кучли ҳаяжонларга (стресс) боғлиқ бўлади, кўпроқ руҳий ҳаяжонлароқибатида фаолият юритадиган даврда шахслар қадрини белгилайди. Улар икки хил: кишини эмоционал таъсиридан кейин тезкорлик ва шидда билан ижобий ҳаракат қилишга (ботирликка) ундаши; ёки салбий, ниҳоятда суст фаолият юритишга, тушкунликка тушуш, саросимага (қўрқоқлик) олиб келиши мумкин. эмционал қадриятлар муайян даражада кишилар фаолиятини ва хатти-ҳаракатини тартибга солиб туриши мумкинлигидан шахс маънавияти учун катта аҳамиятга молик.

Ҳис-туйғулар, кайфиятга асосланган эмоционал жиҳатларни устун қўядиган шахслар кўпроқ ўзларига ўхшаган кишилар билан мулоқатда бўлиш, бунга имкон берадиган фаолият тури ёки касбни танлашга ҳаракат қиладилар, ўзлари ҳам гоҳида кучли эҳтиросга эга бўладилар, ҳатти-ҳаракатларида ҳис-туйғулар устунлиги сезилиб туради. Шахсий фаолиятларида эҳтироф, ҳис-туйғулар ва ҳаяжонларга бой жиҳатлар кўпроқ

бўлишини ҳоҳлайдилар ва бунга ҳааркат қиладилар уйда жим ўтиришдан кўра томоналарни, китоб ўқишдан кўра қўшиқ куйлашни, корхонада кейим тикадиган ишчи бўлгандан кўра, уларни намойш қиладиган ходималикни (манекеншица), фотографликдан кўра суратга тушушни ёқтирадиган (фотомодел) кишилардир. Оммавий ижрода овозини баланд қўйиб, солдатлар машқида астойдил ер тепиб турган кишини кўрсангиз, уни хис-ҳаяжон бошқараётганига амин бўлаверанг.

Ҳис-ҳаяжон ва туйғуларга асосланган эмоционал жиҳатлар, ҳолатлар қадрият бўлиши мумкинми? – деган масала турли баҳсларга сабаб бўлиши мумкин. аслида бу фикрни умуман шахсий қадрият тизимини ташкил қиладиган таркибий қисмларнинг кўплари хусусида ҳам айтиш мумкин. Ҳозирги даврда алоҳида инсонни илмий нуқтаи-назаридан қадрият сифатида тушуниш зарурияти, ижтимоий фанлар ва руҳшуносликнинг қўлга киритган ютуқлари асосида, ишлаб чиқариш ва бошқаришда ғоят катта аҳамият касб этаётган эмоционал-психологик муаммоларга замонавий ёндашишни талаб қилмоқда.

Демак, инсон табиатнинг олий мўжизаси, тарихий тараққиётининг ижтимоий маҳсули сифатида жамиятдаги асосий қадриятлардир. Ҳар қандай жамиятнинг ижтимоий одиллиги унда умуминсонийлик мезонига амал қилиниши, пировард натижада инсон қадрининг қай даражада эканлиги, шахснинг индивидуал қадриятларни намоён қилиши учун имкониятлар яратилганлиги билан боғлиқ. Ҳар қандай киши ўз қадриятлари, уларнинг турли шаклда намоён бўлиши натижасида бошқалар ва жамият учун қадрлидир. Инсон нафақат қадриятлар дунёси, балки ўз қадри ва унинг намоён бўлиши учун ҳам масъулдир. Бу масъуллик эса ўз навбатида унинг қадрини шакллантирадиган асосий мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

## 8-мавзу: Умумбашарий ва умуминсоний қадриятлар (2-соат).

**Режа:**

1. Умумбашарий қадрият объектлари.
2. Умумижтимоий ва умуминсоний қадриятлар, уларнинг тузилиши ва намоён бўлиши.
3. Умуминсоний қадриятлар – барча миллат, элат ва халқларнинг мақсад ва интилишларнинг ифодаси.

**Таянч тушунчалар:**

Умумбашарий қадрият, ижтимоий қадрият, умуминсоний қадрият, умуминсонийлик, яхшилик, эркинлик, тинчлик, бахт-саодат,конун устворлиги,инсон манфатларини устворлиги,илм фан кашфиетлари.

**Адабиётлар:**

1. Ж. Туленов. Қадриятлар фалсафаси Т.: 1998.
2. О,П,Умурзоқов. Умуминсоний қадриятлар: миллий анъана ва урф-одатлар такомиллашмоқда. // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар, 1992 №2.
3. Ф. Темиров, С.Назаров. Жамият ва қадриятлар. Т.: 1992.
4. Э.Ю.Юсупов. Кадриятлар ва уларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти. Т.: 1994.
5. Х.О.Шайхова, Қ.Назаров. Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. Т.: 1994.

**1-масала**. Умумбашарий қадриятлар тизимидаги асосий қисмлар таҳлил қилинаётганида улар боғлиқ объектларнинг маконда ва замонда зоҳир бўлишига эътибор бермоқ керак. Макон ва замонда ушбу қадрият объектлари борлиқнинг бирор шакли, жиҳати, воқеликнинг бирор қисми, оламдаги нарсалар ва атроф-муҳитнинг энг муҳим томонлари сифатида намоён бўлади.

Атроф муҳит ва табиатнинг энг муҳим томонларини, оамдаги энг умумий боғланишлар ва алоқадорликнинг субъект учун ижтимоий қадри ва аҳамиятини ифодалайдиган қадриятлар умумбашарий хусусиятга эгадир. Улар инсон онгига боғлиқ бўлмаган ташқи олам ва борлиқнинг яшаши, харакати, макон ва замондаги ўзгаришлари билан боғлиқдир. Умумбашарий қадриятлар объектив асослари инсоният учун мутлоқ ҳақиқат сифатида мавжуд, уларнинг борлиги, зарурлиги, инсон ва жамият учун абадий, мавжудлиги эса инсоният қонунлари, талаб ва эҳтиёжларидан устун туради.

Умумсайёра аҳамиятига молик қадрият объектлари ҳам шундай. Масалан: Ер сайёрасини атмосфера қатлами ўраб туради. Бу қатламнинг инсон учун зарурлиги, ижтимоий қадри тўғрисида баҳсҳам бўлиши мумкин эмас. унинг сайёрамиз ҳаёти учун қадри ниҳоятда катта, аммо тириклик ва инсон мавжуд бўлиши учун аҳамияти ундан ҳам каттароқ. Ҳолбуки, бу қатлам бўлмаса ҳам Ер сайёра сифатида яшаши мумкин, аммо бу қатламсиз тирикликни, ҳайвонот ва ўсимлик оламини, инсон ҳаётини тасаввур қилиш мумкин эмас.

Демак, қадриятларни башарият ва унинг бир қисми Ер сайёраси табиат билан боғлиқ шакллари учун асос бўладиган объектлар: а) инсонга яшаш ва фаолият кўрсатиш имконини беради, кишиларнинг табиий эҳтиёжларини ва талабларини қондиради; б) ҳаётнинг зарурий шарти сифатида ижтимоий тараққиётнинг ҳамма даврларида мавжуд бўлади, ўз ахамиятини турли туман тарзда намоён қилади; в) бу борада қадриятлар кшини ўраб турган борлиқ ёки табиий муҳитнинг хусусияти, кўриниши, сифати билан ҳам боғлиқ ҳолда намоён бўлиши мумкин. бу ҳолда ҳар бир қадриятнинг ўрни ва аҳамияти инсон учун беқиёс бўлади.

**2-масала**. Жамиятнинг яшаши, одамларнинг ҳаёт кечириши учун жамиятдаги умумижтимоий ва умуминсоний қадриятлар ҳам муҳим аҳамият касб этади. жамиятнинг маънавий ҳаёти ва ижтимой онг шакллари нуқтаи назаридан олганда уларга нисбатан кўпроқ маънавий қадрияилар ибораси қўлланилади. Улар:

- кишиларга ҳаётнинг мазмунини чуқурроқ тууниш, жамият қонун-қоидаларидан фойдланиш, ўзларининг ҳатти-ҳаракатларини ана шу маънавий мезонлар талабига мослаштириш имконини беради;
- инсон билан табиат, инсон билан инсон муносабатларини ўзида акс эттиради, жамият ривожи жараёнида такомиллашиб боради;
- ўз табиатига кўра бирор бир керакли ахборот беради, кишининг маънавий оламини бойитади, яшашнинг ҳақиқий мезонларини белгилайди, одамлар интиладиган идеал, азалий орзу, эзгу-мақсад сифатида намоён бўлиши мумкин;
- муайян кишилар, гуруҳлар томонидан нотўғри тушунилиши, талқин қилиниш, қобул қилинмаслиги, рад қилиниши, танқид остига олиниши, таъқиқлаб қўйилиши ҳам мумкин. аммо бу уларнинг қадри ёки аҳамиятини бутунлай йўқотиб юбора олмайди. Улар замин ва замон силсилалари орасидан ўзларига йўл очадилар ва асрлардан ўтиб инсоният учун муайян қадрларини намоён қилиб бораверадилар;
- кишиларнинг маънавияти, яшаш усули, турмуш тарзи, хатти-харакатлари, ижтимоий фаолиятининг асосий мезонлари даражасига кўтарилганларида ўз аҳамиятларини тўла-тўкис намоён қилишлари учун имконият бўлади;
- уларнинг қадри ва жамият учун аҳамиятини моддийлик қонуниятлари орқали изоҳлаш, баҳосини эса моддий фойдаси билан ифодалаш қийин. Бу баҳо замон ўтиши билан ўзгариши, янгича изоҳланиши ва ифодаланиши мумкин.

Қадрият шакллари бирор объектга боғлиқ холда намоён бўлишини хисобга олганда, умумижтимоий қадрият шаклларининг жамият, унинг тузилиши, ижтимоий субъектлар ва ижтимоий онг шаклларига алоқадор туркумларни киритиш мумкин. Масалан, жамият тузилишига хос умумижтимоий, миллий, синфий, ирқий ва бошқалар. Ёки ижтимоий онгнинг шаклларига боғлиқ қадрият шакллари ҳам бор: сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний, иқтисодий, ижтимоий. Маданий, маънавий ва бошқа қадрият шакллари.

Ижтимоий қадрият шакллари орасидаги фарқлар асло мутлақ эмас, балки нисбийдир. Улар орасида ўтиб бўлмас чегаралар йўқ. Қадрият объектларининг маконда намоён бўлишини моддий, умумбашарий, умумсайёравий, минтиқавий шакллари орасидаги чегараларини аниқлаш нисбатан осонроқ кечиши мумкин. Аммо бу холатда ҳам хулосаларимизда нисбийлик сақланиб қолади, бундай нисбийлик ижтимоий қадриятлар, айниқса, умуминсоний, миллий,синфий ва бошқа қадрият шаклларини, улар ўртасидаги муносабатларни тахлил қилаётганда янада яққолроқ кўзга ташланади. Биз қуйида қадриятларнинг баъзи шаклларини атрофлича тахлил қилишга харакат қиламиз.

**3- масала**. Оламда қадрият, умуминсоний қадрият номи билан аталадига объек йўқ, ҳар бир нарсанинг ўз номи, исми, оти-атамаси бор. Умуминоний қадрият –жамият ва одамзод насли учун энг қадрли ва умумижтимоий аҳамиятга эга бўлган нарсалар, ҳодисалар, сифа, фаолият ва бошқаларнинг исми ёки номи эмас, балки уларнинг ижтимоий қадрини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий –аксиологик тушунчадир.

Умуминсоний қадриятлар категориясининг мазмунини ўрганиш учун, аввало, умуминсонийлик, тушунчасининг маъносини тахлил қилмоқ лозим. Бу тушунча жамиятнинг асосий жиҳатлари, турли ижтимоий сифатлар, хусусиятлар ва бошқаларнинг умуминсоний характерига эга эканлигини англатади. Умуминсонийлик тушунчаси қадриятларни тирик табиатнинг бир қисми бўлган одам зотининг ҳаёти ва камолоти ҳамда тарихий, сиёсий ва бошқа бирликлар (ижтимоий субъектлар) учун ахамияти ҳам ўз аксини топади. Шу билан бирга умуминсонийликда умумижтимоий муносабатлар , таълим тарбия ва маънавий ахлоқий жиҳатлар, ижтимоий муҳитнинг энг умумий томонлари билан боғлиқ сифатлари ҳам акс этади. бир сўз билан айтганда умуминсонийлик одамлар учун умумий бўлган мезонлар, субъектив холатлар, хусусиятлар, шарт шароитлар ва бошқаларни ўзида акс эттирадиган тушунча сифатида ишлатилади.

Одамнинг яшаши, умргузаронлиги, амалий фаолияти, Она Ер сайёраси фарзандлари ҳаётининг энг умумий соҳаларига тегишли бўлган умумжамият миқиёсидаги қадриятлар бор. Умуминсоний қадриятлар тушунчаси бутун жамият аҳамиятига эга бўлган, инсониятнинг мавжудлиги, ўтмиши, бугуни ва келажаги, яшашнинг асосий йўналишлари, қонун қоидаларини талаб ва тартибларини, одамларнинг энг азалий умидлари ва идеалларини ўзига акс эттирадиган қадриятарнинг умумий шаклларини ифодалайди. Улар жамият аъзоларининг ҳаммаси учун умумий аҳамият касб этади, инсоният ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, кишиларнинг амалий фаолияти, яшаш тарзи, бошқаларга муносабати ҳам ана шу мезонларга мос келиши ёки келмаслигига қараб баҳоланади.

Умуминсоний қадрият тушунчасининг объектив асоси ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар, инсониятнинг узликсиз ҳаётини ва турмуш тарзини умумлаштирадиган жамиятдир. Инсониятнинг энг умумий жамоаси бўлган жамиятгина умумийсоний қадриятларнинг яратувчиси ва сақлаб турувчисидир.

Умуминсоний қадриятлар ниҳоятда кенг кўламли ва серқирра тушунча. У озодлик, эркинлик, тинчлик, бахт саодат каби ижтимоий маъно ва мазмун кашф этадиган қадриятлардагина иборат эмас. Уни фақат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушунишни ҳам мақсадга мувофиқ, деб бўлмайди. Шу билан бирга, муайян миллий, синфий ёки бошқа хусусий қадриятлар тизими ҳам умуминсоний қадриятлар тизимининг ўрнини боса олмайди. Умуминсоний қадриятлар ва уларнинг намоён бўлиш шаклларини таҳлил қилиш, аслида бу қадриятлардан иборат таркибий қисмлари бир бири билан диалектик таррзда боғланган умумий тизимини, унинг асосий жисмлари ўртасидаги муносабатларни танқид қилишдир. Бу қадриятлар жамият тараққиётининг муайян даврида яшаётган кишилар учун умумий бўлган қадриятлар тизимини ҳосил қилади, бошқа қадриятлар билан узликсиз алоқада, зарурий боғланишда намоён бўлади.

Тарихий ривожланиш жараёнида (объектив тарзда) жамитя ва кишиларнинг талаб ва эҳтиёжлари натижасида (субъектив тарзда) умуминсоний қадрият шаклларидан гоҳ бири, гох бошқаси умумий тизимнинг марказига, ҳаётнинг олдинги поғонасига чиқиб

олади: юртда душманлар хукмронлик қилганида – озидлик, диктатура даврида- эрикнлик, ватан мустақиллигига хавф туғулганида – ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш ва миллий уйғониш даврида – тарихий ва маданий меросни ўрганишга интилиш, уриш шароитида тинчлик ва барқарорликка эҳтиёж кучайиб боради. Шу тариқа ижтимоий жараёнлар ривожида умуминсоний қадриятнинг маълум бир шаклининг долзарблиги, бошқасининг зарурлигини бир қадар хиралаштиргандай, уларнинг айримлари идеал қадриятларга яқинлашгандай, бошқалари эса улардан узоқлашгандай бўлиб туюлади.

Умуминсоний қадриятларнинг намоён бўлиш шакллари орасида ўз аҳамиятини, ижобийлик ҳамда фойдалилик хусусиятларини доим сақлаб қоладиганлари ҳам бор: инсон вужудининг тириклиги, унинг ижтимоийлиги, инсоннинг умри ва ҳаёти, сиҳат-саломатлиги, ижтимоий фаолияти ва муносабатлари, меҳнат, билим, муомиласи ва бошқалар. Бу қадриятлар инсон ва жамият бор экан ўзининг ижтимоий аҳамиятини сақлаб қолади, уларнинг қарама-қарши бўлган ўлим, касаллик, маъноси ҳаёт кечириш. Билимсизлик ва бошқалар ҳам тарихий жараёнларнинг доимий ҳамроҳидир. Тириклик бор экан, ўлим, борлиқ энг буюк маъно экан- йўқлик, инсон тирик жонзод экан – касаллик, ҳаёт кечиришдан мақсад мазмунли умр экан – маъносиз қўйилган баъзи қадамлар.яшашнинг зарурий шартларидан бири билиш ва англаш экан – билимсизлик, тараққиётга интилиш бор экан – таназзул ва бошқалар инсониятни доим таъқиб қилади. Юқоридаги ижобий қадриятларнинг аҳамияти ҳам уларга тескари бўлган жиҳатларга нисбатан умуминсоний талабларга тўла-тўкис жавоб берадиган, ёппасига ҳаётдан мамнун, соғ-саломат. Олий даражада билим ва қобилият эгаси бўлган, уларга ҳамма имкониятлар яратилган замонни топиш қийин. Бундай замон азал-азалдан орзу ва умумисоний мақсад бўлиб келмоқда.

Умуминсоний қадриятларнинг энг олий шакллари идеал-қадриятлар сифатида қаралади. Жамият тарихининг ҳамма даврларида одамлар ана шу идеал қадриятларга интилиб, уларга эришишни орзу қилиб яшайдилар. Кундалик ҳаётда ва илмий адабиётларда энг олий идеал қадриятларга нисбатан бир қатор ибора ва тушунчалар кенг қўлланилади: маънавий ва ахлоқий покликнинг умумий белгиси яхшилик; нафосат белгиси гўзаллик; билимларимиз ва фан ютуқларининг амалиётга мослиги – ҳақиқат, инсон ҳуқуқларининг олий ифодалари – эркинлик ва тенглик; сиёсатнинг тўғрилиги – адолот, одамлар ўртасидаги ижодий муносабатлар – дўстлик; энг хокисор ва беғараз туйғулар асосидаги қалбларнинг боғланганлиги – муҳаббат, орзу умидларга эришганлик-бахт саодат, ўз юртини севмоқлик ва ардоқлаш- ватанпаварлик ва ҳоказо.

Ушбу идеал қадриятлар ва уларга нисбатан тескари маънони англатадиган ёмонлик, хунуклик, ёлғон эрксизлик, тенгсизлик, адолатсизлик, душманлик, нафрат хиёнат, ва бошқалар ҳаётда муайян тарзда намоён бўлади.

Умуминсоний қадриятлар жамиятнинг ижтимоий тузилиши,унга мансуб турмуш, оила, уруғ, қабила, элат, миллат, халқ, давлат ва бошқаларнинг ижтимоий ҳолати, маънавий ҳаёти, ахлоқ, ҳуқуқ, дин, маданият, нафосат, санъат, илм-фан соҳалари билан боғлиқликда ҳам намоён бўлади. Бу борада улар ўз табиатига кўра амалий фаолиятнинг ҳақиқий мақсадларини ифодалайди, муайян аҳамиятга эга бўлади, керакли ахборот беради, жамият қоидаларидан ижодий фойдаланиш, кундалик хатти-харакатларнинг маънавий асосларини тўғри белгилаш имконини яратди. Ахлоқда яхшилик, бурч, виждон, ҳаётнинг маъноси; сиёсат, ҳуқуқ ва мафкурада тенглик, одиллик, мустақиллик, демократия, эркинлик; нафосатда гўзалик, улуғворлик: маданиятда, санъат ва фанда жамият аҳамиятига молик бўлган ютуқлар, кашфиёт, қонун қоидалар ва бошқалар ҳам кундалик ҳаётда қадриятар даражасига кўтарилган. Бундан ташқари жамият аъзолари учун умумий бўлган талаблар: ўз қавми бўлган одамзод жонига қасд қилмаслик, танини соғ-саломат сақлаш, хушхулқлик ва бошқа ўнлаб инсоний жиҳат ва хусусиятлар ҳам умуминсониятга хос бўлган маънавийликнинг асосий буғинларидир.

Умуминсоний қадриятлар сиёсат ва ҳуқуқ билан боғлиқ соҳада ўзига хос жиҳатларда намоён бўлади, бунда мустақиллик, адолат, одиллик, тенглик каби идеал

қадриятлар, уларга эришиш борасидаги жараёнлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу жараёнларда умуминсонийликка мос келмайдиган йўллардан боришни нотўғри эканлигини ижтимоий тажриба азал азалдан исботламоқда.

Ижтимоий тараққиёт жараёнида умуминсонийликнинг устиворлиги талаблари ҳар бир тарихий бирликнинг тарихий ривожланиш махсули, эканлигини, бунда тирик инсонларнинг тақдири, орзу умидлари борлигини хисобга олишни тақозо қилади. Бу талабларга кўра ҳар бир киши соғ омон яшаш, умр кечириш, ўз вужудини омон сақлаш каби ҳуқуқлари билан бирга дунёга келади, бу ҳуқуқларни унга табиат ато этган, бирор мақсадлардан келиб чиқиб инсоннинг бирор ҳуқуқларидан маҳрум қилиш мумкин эмас. қандай синф, табақа, қатлам вакили бўлмасин, унинг бошқалар каби яшаш ҳуқуқи борлиги мутлақ ҳақиқат, одам зоти эса бу ҳуқуқ нақтаи назаридан тенгдир. Умуминсонийликнинг бу борадаги талаблари, яъни инсонинг табиий-тарихий ҳақ-ҳуқуқлари, унинг яшаш ва умр кечириш ҳуқуқининг табиийлиги ва ҳатто муқаддаслигини тўла-тўкис эътироф қилишдир.

Халқ оғзаки ижодида ҳам, қадимги замонавий динларда ҳам, давлатларнинг конституцияларида ва бошқа хужжатларда ҳм буни яққол кузатиш мумкин. буюк француз революцияси (1789 йилда) қабул қилинган «Инсон ва гражданлар ҳуқуқлари деклорацияси” да ҳам, 1948 йилнинг 10 декабрда БМТ бош ассамблеяси тасдиқлаган “Инсон ҳуқуқларининг энг умумий деклорацияси”да кишиларнинг табиий тарихий ҳақ ҳуқуқлари жамиятдаги асосий умуминсоний қадриятлар эканлиги алоҳида таъкидланганлиги бежиз эмас.

Оламдаги инсонларнинг яшаш жойлари, ўтмиш авлодларининг ҳоки яширинган замин, ўзи туғулган юрти билан боғлиқ умуминсониятга хос бокира туйғулари бор. Бу туйғулар туғулган уйдан, маҳалла, қишлоқ, шаҳар кўчасидан тарбиялана бошлайди, киши мансуб бўлган тарихий бирлик, унинг ўтмиши билан боғланган ижтимоий худудга нисбатан муносабатда намоён бўлади. киши Ер сайёрасининг фарзанди эканини, ўзи учун суюкли худуд сайёранинг таркибий қисми бўлган ватан эканлигини англаганида, ундаги бу туйғу умуминсонийликнинг талабига мос келадиган даражага кўтарилади. Сайёрамиз кишилар учун ундаги тирикликнинг вужудга келиши, ривожланиши, одам эотининг онгли фаолияти, меҳнати, маданий ва маънавий камолотга эришиш босқичлари, табиат ва жамиятда амалга ошиоган ишлари билан боғлиқ жараёнларни ифодалайдиган тарих ҳам ўз аҳамияти ва қадрига эга. Тарих – одам зотининг илк вужудга келган давридан, бизнинг кунларимизгача яратган моддий бойликларини, инсонният ҳаётида рўй берган ўзгаришларни келажакка етказиб берадиган «қадриятлар сандиғи” дир. Тарих – замин вужудларини яшириб турган авлодлар руҳи олдидаги қарздорлик туйғусини қўзғаган. Ўтимишдаги воқеаларни ўрганиш зарурияти туғулган ва келажакнинг режаларини тузиш жараёнида ривожланишнинг аниқ йўл ва усуллари танлаб олинган даврларда қадриятга айланади.

Умуминсоний кадриятлар билан боглик, муаммолар хозирги даврга келиб файласуфлар ва тадкикотчиларнинг диккатини жалб этаётган асосий мавзулардан бирига айланмокда. Бу ибора хозир куп ишлатилаётгани билан, унинг мазмуни, тузилиши, асосий шакллари, намоён булиш хусусиятлари ва умуминсоний кадриятлар тизими, бу тизимдаги асосий кадрият шаклларининг урни ва ахамиятини илмий тахлил килиш билан боглик масалаларга эътибор кам.

Кадрият каби умуминсоний кадриятлар тушунчасига хам хос булган кундалик мулокатлардаги мазмун билан, фалсафий-аксиологик маъно уртасидаги фаркка эътибор бериш лозим. Кундалик хаётда инсоният ахамиятига молик бойликлар, кашфиётлар, хусусиятлар жихатлар, жараёнларнинг узини умуминсоний кадрият сифатида тушунадилар. Кадриятларга бундай таъриф берилганида, оламдаги умуминсоний ахамиятига молик сон-саноксиз нарсалар, жихатлар ва хоказоларни истаганча санаш мумкин. Айнан ана шундай услубий чалкашликка йул куймаслик учун куйидагиларни таъкидлаш лозим: оламда кадрият, умуминсоний кадрият номи билан аталадиган объект

йук, хар бир нарсанинг уз номи, исми, оти-атамаси бор. Умуминсоний кадрият - жамият ва одамзод насли учун энг кадрли ва умумижтимоий ахамиятига эга булган нарсалар, ходисалар, сифат, фаолият ва бошкаларнинг исми ёки номини эмас, балки уларнинг ижтимоий кадрини ифодалаш учун ишлатиладиган фалсафий-аксиологик тушунчадир.
Бизнинг давримизга келиб умуминсоний кадриятлар жамиятдаги хар кандай умумий кадряитлар тизимининг марказий ва асосий бугинларидан бири булиб колганлигининг сабаблари куйидагилардир:

*— Ер сайёрасининг оламдаги хамма кишишр учун, уларнинг иркц, миллати, эътикоди, тоифаси ва бошка табиий-тарихий хамда ижтимоий белгиларидан катъий назар, энг умумий макон вашу билан бирга чексиз коинотдаги муъжазгина юлдуз эканлигини тобора якколрок хис этила бошланганлиги;*

*— оламдаги ижтимоий хилма-хиллик, сиёсий ва мафкуравий ранг-баранглик, турли хил эхтиёж, кизикиш, максад, интилиш, хатти-харакат, фаолиятларини тараккиёт талабларига мос келадиган энг умумий маънавий мезонларга мухтожлик сезила бошланганлиги;*

*— дахшатли куроллар, ядоро уруши, экологик, бухрон ва маънавий таназзул каби хавфлар билан юзма-юз келиш натижасида инсониятнинг келажаги , Ер сайёраси ахолиси умумий генофондининг такдири хавф остида колганлиги, Ерда инсониятнинг хозирги авлоди мансуб булган цивилизацияни саклаб колиш эхтиёжлари борлиги;*

*— кишиларнинг турли ижтимоий тузумлар ва давлатларда яшашидан катъий назар, хамма жойда энг асосий максад инсон, унинг тириклиги ва мазмунли хаёти эканлиги, бундай хаётни таъминлашда бутун жахон ахамиятига молик универсал технологиялар, илм-фан ютуклари, уларни хамма мамлакатларда куллаш имкониятларининнинг умумийлиги, бу имкониятларни умумжахон вокелигига айлантириш учун умумсайёравий хамкорик зарурлиги тобора купрок англаб олинаётганлиги.*

Умуминсоний кадриятлар категорясининг мазмунини урганиш учун аввало, «умуминсонийлик» тушунчасининг маъносини тахлил килмок лозим. Бу тушинча жамиятнинг асосий жихатлари, турли ижтимоий сифатлар, хусусиятлар ва бошкаларнинг умуминсоний характерга эга эканлигини англатади. «Умуминсонийлик» тушунчасида кадриятларни тирик табиатнинг бир кисми булган одам зотининг хаёти ва камолоти хамда тарихий, сиёсий ва бошка бирликлар (ижтимоий субъектлар) учун ахамияти хам уз аксини топади. Бу билан бирга умуминсонийликда умумйжтимоий муносабталар, таълим-тарбия ва маънавий-ахлокий жихатлар, ижтимоий мухитнинг энг умумий томонлари билан боклик сифатлар хам акс этади. бир суз билан айтганда умуминсонийлик одамлар учун умумий булган мезонлар, объектив холатлар. Хусусиятлар, шарт-шароитлар ва бошкаларни узида акс эттирадиган тушунча сифатида ишлатилади.

Одамзоднииг яшаши, умргузаронлиги, амалий фаолияти, Она-Ер сайраси фарзандлари хаётининг энг умумий сохаларига тегишли булган умумжамият микёсидаги кадриятлар бор. Умуминсоний кадриятлар тушунчаси бутун жамият ахамиятига эга булган, инсониятнинг мавжудлиги, утмиши, бугуни ва келажагини, яшашнинг асосии йуналишлари, конун-коидаларини, талаб ва тартибларини, одамларнинг энг азалий орзу-умидлари ва идеалларини узида акс эттирадиган кадриятларнинг умумий шаклларини ифодалайди. Улар жамият аъзоларининг хаммаси учун умумий ахамият касб этади, инсоният хаётида руй бераётган узгаришлар, кишиларнинг амалий фаолияти яшаш тарзи, бошкаларга муносабати хам ана шу мезонларга мос келиши ёки мос келмаслигига караб бахоланади.

Умуминсоний кадрият тушунчасининг объектив асоси ижтимоий муносабатлар ва жараёнлар, инсониятнинг узлуксиз хаётини ва турмуш тарзини умумлаштирадиган жамиятдир. Инсониятнинг энг умумий жамоаси булган жамиятгина умуминсоний кадриятларнинг яратувчиси ва саклаб турувчисидир. Умуминсоний кадриятлар нихоятда кенг куламли ва серкирра тушунча. У оздлик, эркинлик, тинчлик, бахт-саодат каби

умумий жтимоий маъно ва мазмун кашф этадиган кадриятлардангина иборат эмас. Уни факат моддий ва маънавий бойликлар сифатида тушунишни хам максадга мувофик, деб булмайди. Шу билан бирга, муайян миллий, синфий ёки бошка хусусий кадриятлар тизими хам, умуминсоний кадриятлар тизимининг урнини боса олмайди. Умуминсоний кадриятлар ва уларнинг намоён булиш шаклларини тахлил килиш, аслида, бу кадриятлардан иборат таркибий кисмлари бир-бири билан диалектик тарзда богланган умумий тизимини, унинг асосий кисмлари уртасидаги муносабатларни тадкик килишдир. Бу кадриятлар, жамият тараккиётининг муайян даврида яшаётган кишилар учун умумий булган кадриятлар тизимини хосил килади, бошка кадриятлар билан узлуксиз алокада, зарурий богланишда намоён булади.

Умуминсоний кадриятларнинг намоён булиш шакллари нисбий хусусиятга эга, аммо бу нисбийлик доимо хам кузга ташланавермайди. Бизнингча, умуминсоний кадриятларнинг намоён булиш шаклларини урганишда куйидагиларга эътибор бериш лозим:

— *бутун инсониятга хос булган табиий-тарихий жихатлар, яъни инсон вужудининг тириклиги, сихат-саломатлиги, ижтимоий фаолиятга кобиллиги, онги, билим, муомала воситаси;*

— *маданият, маънавият, фан, дин, хукук, сиёсат, мафкура ва ижтимоий онгнинг бошка шакллари билан боглик ютуклар, кашфиётлар. Яратилган бойликлар, таълим-тарбия ва маъанвий камолотнинг йуналишлари, усуллари, воситалари;*

— *инсоният ривожининг уозирги даври билан боглик минтакалар, ижтимоий тузумлар, давлатлар олдида турган ва бутун жахон ахамиятига молик энг умумий оламшумул муаммолар, долзарб вазифалар, келажакнинг истикболлари;*

— *сайёрамиз худудлари, давлатлари ва ижтимоий тузумларидан катъий назар, хамма учун умумий фойдаланиш имконини берадиган универсал технологиялар, ишлаб чикариш, бошкаришни ташкил килиш, космонавтика, ЭХМ, кибернетика ва бошка йуналишлардаги умумжахон ахамиятига эга булган жараёнлар.*

Тарихий ривожланиш жараёнида (объектив тарзда), жамият ва кишиларнинг талаб ва эхтиёжлари натижасида (субъектив тарзда) умуминсоний кадрият шаклларидан гох, бири, гох, бошкаси умумий тизимнинг марказига, хаётнинг олдинги погонасиа чикиб олади: юртда душманлар хукмронлик кллганида - озодлик, диктатура даврида - эркинлик, Ватан мустакиллигига хавф тугилганида - ватаниарварлик, миллий узликни англаш ва миллий уйгониш даврида - тарихий ва маданий меросни урганишга интилиш, уруш шароитида тинчлик ва баркарорликка эхтиёж кучайиб боради. Шу тарика ижтимоий жараёнлар ривожида умуминсоний кадриятнинг маълум бир шаклининг долзарблиги, бошкасининг зарурлигини бир кадар хиралаштиргандай, уларнинг айримлари идеал кадриятларга якинлашгандай, бошкалари эса улардан узоклашгандай булиб туюлади.

Умуминсоний кадриятларнинг намоён булиш шакллари орасида уз ахамиятини, ижобийлик хамда фойдалилик хусусиятларини доимо саклаб коладиганлари хам бор: инсон вужудининг тириклиги, унинг ижтимоийлиги, инсоннинг умри ва хаёти, сихат-саломатлиги, ижтимоий фаолияти ва муносабатлари, мехнати, билим, муомаласи ва бошкалар. Бу кадриятлар инсон ва жамият бор экан узининг ижтимоий ахамиятини саклаб колади, уларнинг карама-каршиси булган улим, касаллик, маьносиз хаёт кечириш. Билимсизлик ва бошкалар хам тарихий жараёнларнинг доимий хамрохидир. Тириклик бор экан улим, борлик, энг буюк маъно экан йуклик, инсон тирик жонзод экан - касаллик, хаёт кечиришдан максад мазмунли умр экан -маъносиз куйилган баъзи кадамлар. Яшашнинг зарурий шартларидан бири билиш ва англаш экан - билимсизлик, тараккиётга интилиш бор экан - таназзул ва бошкалар инсониятни доимо таъкиб килади. Юкоридага ижобий кадриятларнинг ахамияти хам уларга тескари булган жихатларга нисбтан умуминсоний талабларга тула-тукис жавоб берадиган, ёппасига хаётидан мамнун, сог-саломаг. Олий даражадаги билим ва кобилият эгаси булган, уларга хамма имкониятлар яратилган

замонни топиш кийин. Бундай замон азал-азалдан орзу ва умуминсоний максад булиб колмокда. Умуминсоний кадриятларнинг энг олий шакллари идеал-кадриятлар сифатида каралади. Жамият тарихининг хамма даврларида одамлар ана шу идеал-кадриятларга интилиб, уларга эришишни орзу килиб яшайдилар. Кундалик хаётда ва илмий адабиётларда энг олий идеал-кадриятларга нисбатан бир катор ибора ва тушунчалар кенг кулланади: маънавий ва ахлокий покликнинг умумий белгиси - яхшилик; нафосат белгиси - гузаллик; билимларимиз ва фан ютукларининг амалиётга мослиги - хакикат, инсон хукукларининг олий ифодалари - эркинлик ва тенглик; сиёсатнинг тугрилиги - адолат, одамлар уртасидаги ижобий муносабатлар - дустлик; энг хокисор ва бегараз туйгулар асосидаги калбларнинг богланганлиги - мухаббат, орзу-умидларга эришганлик - бахт-саодат, уз юртини севмоклик ва ардоклаш - ватанпарварлик ва хоказо. Ушбу идеал-кадриятлар ва уларга нисбатан тескари маънони англатадиган ёмонлик, хунуклик, ёлгон, эрксизлик, тенгсизлик, адолатсизлик, душманслик, нафрат, хиёнат ва бошкалар хаётда муайян тарзда намоён булади.

Кундалик хаётда ва тарихий тараккиётда умуминсоний кадриятларни баркаоро килиш йуллари. Усуллари ва манфаатларини бу борадаги максадлар билан айнийлаштириш холлари хам учрайди. Ушбу холат сиёсатда ва ижтмоий-сиёсий узгаришларни амалга ошириш даврида нихоятда катта ахамиятга эга. Бунда уч асосий жихатга эътибор бериш лозим:

*1. Кишиларнинг умуминсоний кадриятлар тугрисидаги карашларида ва уларга эришиш йуллари хакидаги хулосаларида утмиш авлодлардан мерос колган орзу-умидлар, тасаввурлар хам катта жамият касб этади. Хар бир авлод умуминсоний кадриятларни баркарор килиш ва идеал-максадларга етиш тугрисидаги утмиш авлодларнинг тасаввурлари ва хулосаларини мерос килиб олади, уз фаолияти, замонасидаги узгариш ва жараёнларга хам ана шу нуктаи назардан ёндошади.*

*2. Хар бир авлоднинг утмишдошларидан мерос килиб олган умуминсоний кадриятлар тугрисидаги тасаввурлари ва орзу-умидлардан ташкари, узлари туплаган тажрибалари, ана шу тажриба асосида вужудга келган мулохазалари ва хулосалари хам бор. Кишилар умуминсоний кадриятларни баркарор килиш, умрлари давомида уларга етиш учун интилишлари, фаолият ва муносабатларида, бир томондан меросий тасаввурларга. Иккинчи томондан эса узларининг амалий хулосаларига амал киладилар. Бу борадаги турли жараёнлар, режа ва дастурларга хам юкоридаги икки хил жихатга асосланган холда муносабатда буладилар. Демак, хар кандай даврда идеал-кадриятларга етитиш йулида харакатлар бошланганида, уларни амалга оширишнинг режа ва дастурлари тузилаётганда кишиларнинг рухий-маънавий тайёргарлигини, бу борадаги максад, кизики, эхтиёж ва талабларини хисобга олиш зарур.*

*3. Умуминсонип кадриятларга эриши тугрисидаги тасаввурлар, эхтиёжлар ва интилилар асосида вужудга келган турли режа ва дастурларда, купрок бу борадаги фаолиятнинг назарий томонларига ва умумий жихатларига эътибор берилади. Бу хол, айникса, жамият тараккиётнинг туб бурилиш ва чукур узгаришлар юз бераётган даврларда яккол намоён булади. Аммо бу борадаги режалардан амалиётга утилганида, тажрибада максадларга эришиши учун бевосита харакат бошланганида, кутилмаган холатлар намоён була бошланди. Булар эса уз навбатида бош максадга эришиш (стратегия) борасидаги кундалик фаолиятда турли хил йуллардан, усулардан (тактика) фойдаланишни талаб килади.*

Умуминсоний кадриятларнинг баъзи шакллари билан боглик яна бир масала бор: уларни хаётда баркарор килиш тусиклар ва кийинчиликлар оркали боради. Пировард натижада, идеал мутлак, холатда тула-тукис амалга ошмайди, унинг баъзи бир жихатлари хаётга тадбик килинади, бошкалари эса келажак авлодларга мерос булиб колади. Одамзод эса идеалсиз. Унга интилмасдан, келажакка умид кзларини тикмасдан яшай олмайди.

Аммо инсон хаётда факат идеаллар, уларга етиш тугрисидаги орзулар билан каноатланиб колмайди. У уз идеалларига эришиш, уларни баркарор килиш йулида бошка

эхтиёжларини, талабларини ва кизикишларини кондириши, узга кишилар билан муносабатда булиши, жамият талабларини бажариш, уз бурчини адо этиши ва бошка сохаларда фаолият юритиши лозим булади. Шу маънода. Кишилар доимо идеалга интилиб, реал хаётдаги вазифаларни бажариб, орзу-умидлар билан реал вокелик орасида умр утказадилар. Идеалларга интилиш орзуси билан, реал хаётда умр утказиш зарурияти уртасидаги муайян зиддият эса, одамзотни яшашга ундайдиган, умрининг энг кийин, таназзул даврларида хам умид учкунлари сакланиб колиши учун асос буладиган умргузаронликнинг асосий тамал тошидир, инсон хаётининг мазмуни, маъноси в кадрини белгилайдиган объектив жараёндир.

Умуминсоний кадриятлар (айникса, уларнинг идеал шакллари) омилкор фаолиятга чорловчи оптимистик гоялар, шиорлар ролини уйнаши хам мумкин. Бундай холда улар кишини амалий ишлар килишга ундайдиган, унинг фаолиятига маъно ва мазмун багишлайдиган, максадини аниклаш имконини берадиган, бирор жараёнга, жамиятда амалга оширилаётган вазифаларга нисбатан шахс ёки ижтимоий субъектларнинг кандай муносабат булаётганини аниклаш имконини берадиган мънавий мезонга айланади. Одамлар узлари ва атрофдагиларнинг амалий фаолиятини, бирор сохадаги хатти-харакатларини ана шу мезонлар билан солиштириб куриб мулохаза юритадилар, хулоса чикарадилар, уларга бахо берадилар.

Баъзан айрим киши ёки бирор гурухнинг у ёки бу кадриятни баркарор килиш максадида олиб бораётган фаолияти умуминсонийлик мезонига тугри келмаслиги хам мумкин. Масалан, хамма араб халклари, славянлар, туркийзабон халклар ва бошка куп миллатли халклар бир-бири билан умуммаданий кадриятлардан бири, дустликнинг оддий кушничилик доирасига сигмаслиги, унинг кенг камровли умуммиллий жихатлари борлигини инкор этиш кийин. «Араб дунёси»нинг («турк дукгси», «славянлар дунёси» ва х.к.) мустахкам иттифокчилик ва хокисор кушничилик муносабатларини урнатиш асосида умумиллий дустликнинг жахон хамжамияти манфаатларига тугри келадиган жихатларини, ижобий кирраларини намоён килиш борасидаги уринишлари умуминсонийлик мезонларига мос келиши лозим эди. Гуёки айнан ана шу максадга каратилган араблар дунёсиниб ирлаштириш тугрисидаги хулосани нотугри талкин килиш, окибатда Ирок, томонидан Кувайтнинг босиб олинишига сабаб булди (1990 йил). Бир карашда жуда хокисор булиб куринган юкоридаги гояга асосланган амалий харакат ва усул бахсли булиб чикди. Бу ерда маданий бирлик ва дустлик туйгуси билан боглик, кадриятларни баркарор килишга каратилган аник, фаолият ва хатти-харакатни умуминсонийлик талабларига мос келтириш тугрисидаги умумий коида бузилди: гуё яхшилик байроги остида олиб борилган аник харакат усули (яъни уруш) умуминсоний кадрият булган тинчлик ва миллий озодлик талабларига мос келмай колди.

Аслида кардош халкларнинг бир-бири билан маънавий якинлиги асосида, улар уртасидаги умуммиллий биродарлик занжирларининг мустахкамланиб бориши, тарихий жараёнлар натижасида ажралиб яшаётган миллатнинг кушилиши умуминсоний кадриятлар ва уларнни баркарор килиш амалиёти талабларига мос келиши лозим. Шу маънода, бир неча ун йиллар иккига булиниб яшаган Вьетнам халки бирлашганлиги, икки герман давлатлари ва немис халки кушилганлиги, корейс халклари сафларида бирлашиш гоялари кучайиши, туркийзабон халклар умумиллий алокаларининг яни боскичга кутарилиши, кадимги Рим империяси урнида вокеликка айланган «Европа мамлакатлари иктисодий хамкорлиги» (Маастрихт шартномаси, 1993 йил) тобора усаётганлиги миллийлик борасидаги умуминсоний кадриятларни баркарор килишнинг замонамизда юзага келаётган аник, шакллари сифатида талкин килиниши мумкин.

*Умуминсоний кадриятлар жамиятнинг ижтимоий тузилиши, унга мансуб турмуш, оила, уруг, кабила, элат, миллат, халк, давлат ва бо-шкаларнинг ижтимоий холати, маънавий хаёти, ахлок, хукук, дин, маданият, нафосат, санъат, илм-фан сохалари билан богликликда хам намоён булади.* Бу борада улар уз табиатига курамалий фаолиятнинг хакикий максадларини ифодалайди, муайян ахамиятга эга булади, керакли

ахборот беради, жамият коидаларидан ижодий фойдаланиш, кундалик хатти-харакатларнинг маънавий асосларини тугри белгилаш имконини яратди. Ахлокда яхшилик, бурч, виждон, хаётнинг маъноси; сиёсат, хукук ва мафкурада тенглик, одиллик. Мустакиллик, демократия, эркинлик; нафосатда гузаллик, улугворлик: маданият, санъат ва фанда жамият ахамиятига молик булган ютуклар, кашфиёт, конун-коидалар ва бошкалар хам кундалик хаётда кадриятлар даражасига кутарилган. Бундан ташкари жамият аъзолари учун умумий булган талаблар: уз кавми булган одамзод жонига касд килмаслик, танини сог-саломат саклаш, хушхулклик ва бошка унлаб инсоний жихат ва хусусиятлар хам умуминсониятга хос булган маънавийликнинг асосий бугинларидир.

Умуминсоний кадриятлар сиёсат ва хукук, билан боглик, сохаларда узига хос жихатларда намоён булади, бунда мустакиллик, адолат, одиллик, тенглик каби идеал-кадриятлар, уларга эришиш борасидаги жараёнлар хам мухим ахамиятга эга. Бу жараёнларда умуминсонийликка мос келмайдиган йуллардан боришнинг нотугри эканлигини ижтимоий тажриба азал-азалдан исботламокда.

Ижтимоий тараккиёт жараёнида умуминсонийликнинг устуворлиги талаблари хар бир тарихий бирликнинг тарихий ривожланиш махсули, эканлигини, бунда тирик инсонларнинг такдири, орзу-умидлари борлигини хисобга олишни такозо килади. Бу талабларга кура хар бир киши сог-омон яшаш, умр кечириш, уз вужудини омон саклаш каби хукуклари билан бирга дунёга келади, бу хукукларни унга табиат это этган, бирор максадлардан келиб чикиб инсонни бу хукуклардан махрум килиш мумкин эмас. Кандай синф, табака, катлам вакили булсмасин, унинг бошкалар каби яшаш хукуки борлиги мутлак хакикат, одам зоти эса бу хукук, нуктаи назаридан тентдир. Умуминсонийликнинг бу борадаги талаблари, яъни инсоннинг табиий тарихий хак-хукуклари, унинг яшаш ва умр кечириш хукукининг табиийлиги ва хатто, мукаддаслигини тула-тукис эътироф килишдир. Халк, огзаки ижодида хам, кадимги ва замонавий динларда хам, давлатларнинг конституцияларида ва бошка хужжатларда хам буни яккол кузатиш мумкин. Буюк француз революцияси (1789 йилда) кабул килган «Инсон ва гражданлар хукуклари Декларацияси»да хам, 1948 йилнипг 10 декабрида БМТ Бош Ассамблеяси тасдиклаган «Инсон хукукларининг энг умумий Декларацияси»да кишиларнинг табиий-тарихий хак-хукуклари жамиятдаги асосий умуминсоний кадриятлар эканлиги алохида таъкидланганлиги бежиз эмас.

Оламдаги инсонларнинг яшаш жойлари, утмиш авлодларининг хоки яширинган замин, узи тугалган юрти билан боглик; умуминсониятга хос бокира туйгулари бор. Бу туйгулар тугалган уйдан, махалла, кишлок, шахар кучасидан тарбиялана бошлайди, киши мансуб булган тарихий бирлик, унинг утмиши билан богланган ижтимоий худудга нисбатак муносабатда намоён булади. киши Ер сайёрасиннинг фарзанди эканини, уз учун суюкли худуд сайёранинг таркибий кисми булган ватан эканлигини англаганида, ундаги бу туйгу умуминсонийликнинг талабига мос келадиган даражага кутарилади. Сайёрамиз кишилари учун ундаги тирикликнинг вужудга келиши, ривожланиши, одам зотининг онгли фаолити, мехнати, маданий ва маънавий камолотга эришиш боскичлари, табиат ва жамиятда амалга оширган ишлари билан боглик, жараёнларни ифодалайдиган тарих хам уз ахамияти ва кадрига эга. Тарих - одам зотининг илк вужудга келган давридан, бизнинг кунларимизгача яратган моддий бойликларини, инсоният хаётида руй бер-ган узгаришларни келажакка етказиб берадиган «кадриятлар сандиги»дир. Тарих - замин вужудларини яшириб турган авлодлар рухи олдидаги карздолик туйгусини зузгаган. Утмишдаги вокеаларни урганиш зарурияти тугалган ва келажакнинг режаларини тузиш жараёнида ривожланишнинг аник йул ва усуллари танлаб олинаётган даврларда кадриятга айланади.

Умуминсоний кадриятлар ва уларнинг асосий шакллари хилма-хил тарзда, ранг-баранг холат ва турли даражаларда намоён буладиган гоят мураккаб, мазмунан нихоятда бой ва серкирра ижтимоий тушунчалардир. Шу сабабга кура, уларнинг мохияти, мазмуни,

намоён булиш хусусиятлари тугрисидаги киска тахлилда бу борадаги масалаларнинг хамма жихатларини камраб олиш кийин.

**9-мавзу: Миллий ва минтиқавий қадриятлар (2-соат).**

**Режа:**

1. Миллат -миллий қадриятларнинг объекти ва субъекти.
2. Миллий қадриятлар тизими ва намоён бўлиши.
3. Минтиқавий қадриятлар, уларнинг халқлар ривожига таъсири.

**Таянч тушунчалар**:

Миллат, миллий онг, генофонд, миллий қадрият, миллат тарихи, миллий тил, миллий маданият, миллий маънавият, миллий руҳ, миллий туйғу, миллий урф-одат ва анъаналар.

**Адабиётлар:**

1. М. Бекмуродов. Миллий менталитет ва маънавият. Т.: 2002.
2. И. Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Т.: 1994.
3. А. Иброҳимов. Биз ким ўзбеклар. Т.Шарқ. 2000.
4. М. Муродов. Ўзбек қадриятлари. Т.: Чўлпон, 1998.
5. И. Эргашев. Миллий қадриятлар: ёшлар, замон ва келажак.// Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. №1, 49- бет.
6. Т. Норбеков. Жамият ва миллий қадриятлар.// Мулоқат, 2003. №4, 6-бет

**1-масала**. Маълумки, ҳар бир миллат, ҳар бир халқ ўз ҳаёт тарзини, келажагини аждодларининг тарихий тажрибаси асосида қуради, ҳеч бир халқ бегона қолиплар, бегона андозалар асосида эмин-эркин яшаб, тараққий эта олмайди. “Одамзод бировнинг бўйига қараб ўзига тун бичмайди”, дейди юртбошимиз. Ҳар бир ҳонадоннинг ўз тартиб-қоиладари бўлганидек, ҳар бир юрт ҳаётини ташкил этишнинг ҳам ўз андоза ўлчовлари, қонун-қоидалари бўлади. Улар ўша юртнинг табиий –жуғрофий шарт-шароити, тарихий тажрибаси, миллий феъл-атвори билан боғлиқ тарзда шаклланади.

Қадриятлар тизимида миллат, унга хос белгилар, жиҳатлар, хусусиятлар, уларнинг вужудга келиш жараёнларига муайян даражада таъсир кўрсатга худуд ва у билан боғлиқ туйғулар, миллатнинг ўтмиши, тарихи, маданияти, у яратган маданий бойликлар ва маънавий мерос билан боғлиқ қадриятлар ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Бу қадриятлар бирор миллат кишилари учун миллий бўлиб ҳисобланади. Улар алоҳида шахс қадриятларини умуминсоний қадриятлар билан боғловчи халқалардан биридир. Муайян киши ёки шахс умуминсоний қадриятларни англашда, ўз фаолиятини ушбу қадриятлар мезонига мослаштиришда миллий қадриятларни ҳисобга олади, улар билан боғлиқ жиҳатларни ҳам назарда тутади.

Дунёдаги халқлар орасида айнан шу миллатнинг борлиги, мавжудлиги, бетакрорлиги “Куҳна тарих шодасида битта маржон ....” (Э. Воҳидов) сифатида зоҳирлиги ҳар қандай киши учун аҳамиятга эга бўлиши табиий. Миллат ҳар қандай миллий қадриятнинг объекти, миллий қадриятлар тизими таянадиган ижтимоий асосдир. “Миллат” атамаси қадрият объекти сифатида тушунилганида, бир-бири билан қон қардош халқларга нисбатан ишлатиладиган “туркий халқлар”, “словянлар”, “роман халқлари” кабиларга умуммиллийлик даражаси мос келади.

Миллат бир томондан, ўзининг қадриятларини мутассил вужудга келтириб туради, ўтмишдан келажакка ривожланиш жараёнида уларни доимий такомиллатириб, янги-янги қирраларни шакллантириб туради, иккинчи томондан эса, унинг ўзи ҳам мавжуд қадриятлар тизими таъмири остида ўзгариб ва ривожланиб боради. Миллат –ўзининг қадриятларини вужадга келтириб, уларнинг янги-янги қарраларини ва жиҳатларини сайқаллаштириб, тараққиёт жараёнида тамокиллаштириб туриўи маъносида ўз қадриятларининг ҳақиқий эгаси, макон ва замондаги илгарилама харакатдан иборат

ўзгаришлар жараёнида уларни ўтмишдан келажакка томон етказиб борадиган энг асосий объектдир.

Миллатни миллий қадриятларнинг объекти ва субъекти сифатида тушуниш, у билан боғлиқ миллий қадриятлар тизимини илмий таҳлил қилиш, миллатнинг ўзини ижтимоий қадрият сифатида қараш икмонини беради. Бу эса миллий қадриятларнинг намоён бўлиши, тарихий ривожланиш жараёнида ўтмишдан келажакка томон харакатини тахлил қилишга имкон яратади. Миллий қадриятлар:

-кишиларнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда, тарли шаклларда намоён бўлади, кишиларнинг онгига, ҳаёт тарзига ўзига хос тарзда таъсир қилади:

-кишиларнинг ўзаро муносабаларида, ижтиммоий фаолиятларида кўзга ташланиб туради ҳамда ана шу муносабат, фаолият, мақсад, эҳтиёж ва интилишлар учун маънавий асос бўлади;

-моддий, маънавий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа соҳаларда муайян натижа сифатида юзага келишлари, кишилар учун зарурият сифатида ўзига хос аҳамият касб этишлари, уларга фойда келтиришлари хам мумкин;

-ижтимоий ривожланиш жараёнида ўзгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жиҳатлар авлоддан-авлодга ўтади, мерос қолади.

Миллий қадриятлар ва уларнинг алоқадорлигини ифодаси бўлган қадриятлар тизими, миллатнинг ўзи билан бирга тарих силсилалари, замона зайиллари, турли ижтимоий ва сиёсий жараёнлар орасидан ўтмишдан келажакка томон ўтиб туради. Бу қадриятлар кўпроқ миллатнинг этник хусусиятлари ва этник макони билан боғлиқ. Халқнинг ижтимоий тараққиёти эса уларнинг миллий этник қадриятлари равнақи билан ўзвий алоқадорликда давом этади. Ҳар бир халқ ёки миллат, ўзига хос ранг-баранг қадриятларни такомиллаштириб бориши натидасида, умумисоний қадриятларни шакллантириб, унинг қирраларини ривожлантириб боради.

Миллий қадриятлар фақат қадриятга кўра фақат тор диора сақланиб қолмайди, балки, равнақ топиб турмуш жараёнида мутассил янгиланиб, бошқа халқлар қадриятларини ютуқлари билан бойиб боради.

Ҳар бир эл, элат, уруғ ёки халқнинг урф-одатларида, уларни бажаришдаги фаолиятида ўзига хослик бўлади. Агар ана шу ўзига хосликни ўша жойнинг ахолиси қадрласа, улар ҳаётининг бир қисмига айланган бўлса бунинг ёмон жойи йўқ. Бундай ўзига хослик билан боғлиқ қадриятларни бошқа жойда, бошқача тарзда яшаётган кишиларнинг тарозуси билан улчаш ёки у мақсадда бошқаларнинг ҳакам бўлиши мақсадга мувофиқ эмас. Умуминсонийлик туйғуси фақат ўз халқи қадриятини ардоқлаш, кўз-кўз қилиш ва бошқалар орасига ёйиш учун интилишга асосланмайди, балки ҳар бир халқ, элат, уруғ қадриятларини қандай холатда бўлса, шундайлигича қабул қилиб, уларни хурмат қилишдан бошланади.

Ҳар бир миллатнинг ўзи қадрлайдиган маданияти, тили, анъаналари, урф-одатлари, маросимлари ва одоб нормалари бор. Дунёда аҳолиси сон жиҳатдан кўп ёки камроқ халқ бўлиши мумкин, аммо маданий ва маънавий соҳада бир –биридан кам ёки ортиқ миллат йўқ. Айни пайтда сотқин миллат ҳам, қоралаш ҳуқуқига эга бўлган миллат ҳам йўқ. Аммо ҳар бир миллатнинг ўзига хос ўтмиши, маданий ва маънавий қадриятлари, миллий қаҳрамонликлари, бошқа миллатнинг ўзига миллат фаоллиятини баҳоловчи ҳакам бўлишга ҳаққи йўқ. Бирор бир таълимот, давлат шакли ёки яшаш усулини қабул қила олмаганлиги учун ҳеч қачон ёки бу миллат айбдор эмас. шу маънода умуминсонийлик бир миллат қадриятларини бутун оламга ёйиш йўли билан эмас, балки ҳамма миллат ва элатларнинг қадриятларини асраб-авайлаш, муросалаштириш, тарих тарозуси сақлаб қоладиган қадриятларни хурмат қилиш ва оламдаги миллий ранг-баранглик билан узвий алоқада эканлигини англаш цўли билан бойиб боради.

Миллий қадриялар миллатнинг табиий-тарихий ривожи, ижтимоий турмуши, яшаш тарзи, ўтмиши, келажаги, маданияти, маънавияти, урф-одатлари, анъаналари, тили у

вужудга келган худуд ва бошқалар билан узвий боғланган. Улар хилма –хил шакллардан, бир-бири билан узвий алоқада намоён бўлади, ўзига хос миллий қадриятлар тизимини ташкил қилади. Бу тизимда табиий-тарихий бирликни таъминловчи қадриятлар – қон-қардошлик, маданий маънавий яқинлик, ўтмиш ва маънавий мерос, она юрт туйғуси ва бошқалар нисбатан барқарор бўлиб хисобланади. Улар миллий қадриятлар тизимида тарихий жараёнлар давомида тез ўзгариб турадиган баъзи кундалик ёки амалий аҳамиятга молик бўлган қадриятларга нисбатан, миллий қадриятлар тизими, ўз ўрнини ва аҳамиятини узоқроқ сақлаб қолиши билан боғлиқ хусусиятни ифодалайди.

**2-масала**. Миллий қадриятлар тизимининг нисбатан барқарор ҳолатида, қуйидаги шакл ёки таркибий қисмларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

Миллатнинг генефонди, табиий бетакрорлиги, ўзига хослиги, тарихий ўзгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги;

1. Миллатнинг ўзига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда ўзгариб бориши билан боғлиқ энг асосий қадрияти – унинг генофондидир. Генофонд – фақат ирсият орқали ўтадиган табиий ўзига хослик эмас, балки тарихий белгилар, хусусиятлар, ранг-баранглик ва ўзгарувчанликни ҳам ўзида ифодалайди. Айнан бирор халқ миллат, элатни йўқотиш учун қилинган тажаввузнинг “генцид”, деб аталиши бежиз эмас. Миллатнинг генофонди – унинг энг асосий тарихий, миллий қадриятларидан биридир.

2.Миллат тарихи, ўтмиши, келажаги ва маънавий мероси. Миллий қадриятлар кишиларнинг яшаш жойлари, турмуш шароитлари билан боғлиқликда шаклланади. Ана шундай қадриятларнинг энг асосий туғилган ватан ва она юртни севиш туйғусидир. Ватанни севиш туйғуси- туғулиб вояга етган, умансуб бўлган тарихий бирликнинг ўтмиши билан боғланган ижтимоий, иқтисодий, маданий муҳитга ва худудга нисбатан бўлган муҳаббатдир. Бу бутун инсониятга хос умумий туйғудир.

3. Миллий тил, миллий маданият ва маънавият, милаат онг ва миллий рух, миллий туйғулар ва ғоясилар. Энг асосий миллий қадриятлардан бири миллат учун умумий муамила воситаси бўлган миллий тил билан боғлиқ. Мутахассислар оламда 5000 га яқин тил борлигини қайд қиладилар, уларни 15 катта оилага бўлиб ўрганадилар, тилларнинг такомиллашуви билан бирга, улар тарқалган худуднинг майдони ҳам ўзгариб боришини таъкидлайдилар. Масалан, 7 асргача Арабистон ярим оролининг бир қисмида тарқалган араб тили, ундан кейинги бир неча аср орасида Африка ва Осиёнинг бошқа қисмларига ҳам тарқалди. Худди шундай туркий тиллар ҳам Кичик Осиёдан шарқий Сибиргача бўлган кенг худудда тарқалган. Шу билан бирга қадимда Осиёда кенг тарқалган хетлар тили эса бутунлай йўқолиб кетган.

Туркий халқларнинг тили биз учун умуммиллий қадрли маънодир.ана шу гуруҳга кирган тилларни санаб чиқишнинг ўзиёқ, уни мукаммал билиш Еврова ва Осиёнинг жуда катта қисмида бемалол гаплашиш имконини беришини кўрсатади. Туркий тилларда Евроосиёнинг 20 дан ошиқ миллатлари сўзлашадилар. Туркийзабон халқлар ҳозир 100 млн. дан ортиқ кишини ташкил қилади[1].

Миллатларнинг маънавий мероси, анъаналари, урф-одатлари, миллий, адабиёт, санъати ва бошыалар билан умуминсоний қадриятларнинг миллий даражадаги намоён бўлиш шакллари боғлангандир. Уларнинг асосида ҳар бир миллат, халқ ёки элатнинг тарихий ривожланиш жараёнида авлодлардан авлодларга ўтиб келаётган маданий хусусиятлари ва жиҳатлари ётади.

Маданий – маънавий соҳа билан боғлиқ миллий қадриятларнинг амал қилишида учта жиҳатни ажратиб кўрсатиш мумкин: а) кишиларнинг ижтимоий онги билан боғлиқ; б) кишиларнинг муносабати ва фаолияти орқали амалга оширилади; в) моддий ва маънавий соҳадаги бирор натижа, бойлик ва бошқалар тарзида намоён бўлиш.

---

[1] Народнаселение стран мира. –М.: Политиздат, 1989. 330-б.

Маданий қадрият шакллари кўп ҳолларда у ёки бу миллат кишилари ўртасидаги муносабатлар, фаолият ва хатти-харакатларида намоён бўлади. маданий бойликларни яратиш, анъана ёки урф-одатларни қадрлаш дунёдаги ҳамма миллат ва халқларга мос умуминсоний жиҳатлардир. Аммо уларни асраш, авлодларга мерос қолдириш борасидаги хусусиятларни тарбиялаш, бу араёнлардаги фаолият ва хатти-харакатларда миллий ўзига хослик бор. Бу борадаги миллийлик аша шундай ўзига хослик билан белгиланади. Масалан, меҳмондўстлик ҳамма халқларга хос умуминсоний хусусиятдир. Аммо бир миллат уйга келган меҳмондан “Овқат ейсизми?” – деб сўрашни одат ҳисобланса, бошқа миллат учун меҳмонга бундай мирожат қилиш ножоиз. Ёки бир халқда меҳмон келиши билан дастурхон безатилса, доимо шамол эсавергани ва қумлар овқатга зарар етказиши мумкинлигини ҳисобга оладиган саҳройи халқларда эса меҳмон ижозат бермагунича дастурхон очилмайди ва ҳакозо.

Миллий қадриятлар макон ва замонда маданий соҳадаги бирор кашфиёт, ютуқ, натижа ёки маънавий бойлик тарзида намоён бўлиши мумкин. халқнинг даҳоси, маънавий-ақлий етуклиги, билимлари, илм-фанда эришган ютуқлари ана шу натижаларда яшириниб ётади.

Маълумки, турли халқлар ҳаёти билан боғлиқ “қадриятлар” икки муҳим хусусиятга эга. Унинг бири, миллий – маънавий, иккинчиси, “умуминсоний” жиҳатидир. Ҳар иккиси ҳам турли халқлар ҳаёти билан боғлиқ. Бу тарих синовидан ўтган, қадрланиб келаётган умумий социал – маданий ҳодисанинг бир –биридан ажратиб бўлмайдиган ўзига хос хусусиятидир. Яъни, миллий – маданий қадриятларда – инсониятга хизмат қиладиган “умуминсоний моҳият ” мужассам бўлса, “умуминсоний” қадриятлар турли халқлар, миллатлар, этник бирликлар билан боғлиқ миллий – маданий ҳаёт негизида шаклланади ва ўз моҳиятига эга бўлади.

Дунё яралибдики, турли – халқлар турлича маданиятга асосланган этнопсихологик хусусиятлари билан бир – биридан фарқ қилади. Ўзига ҳос ва мос урф – одат, анъаналарига асосланган қадриятларга ҳам эга. Улар орқали шу халқнинг ўзига хос томонларини фарқлаш ва баҳолаш мумкин. Бу мураккаб ва ўзгариб бораётган дунёда халқларнинг “ўзлигини” сақлаб қолиши ва унга мослашиб ўзини ҳимоя қила олиши муҳим. Бу замон ва келажакнинг ҳам талабидир.

Ҳар бир давр ва замон инсонларнинг ҳаёт тарзида, тафаккурида, онгида ҳам ўзгаришларни олиб киради. Ва аксинча, вақт ўтган сари бу ўзгаришларни кўриб, англаш, унга мувофиқ яшашга, фикрлашга интилиш ҳам мавжуд. Аммо, бу ҳаммада ҳам бир хилда кечмайди. Шундай бўлишини бир томондан табиий, дейиш мумкин. Масалан, кекса ёки ўрта ёшли одам ўз боласини ёки набирасини худди ўзбек миллий қадриятларни асраб яшашга ва фикрлашга даъват этса, шуни ундан қатъий талаб этса, бошқача яшашини, фикрлашини қабул қила олмаса, унинг истаги жамиятга нима беради? Ёки аксинча, унга эркинлик берсаю, ёшлар ундан тўғри фойдалана билмаса, уни нотўғри тушунса ёки талқин этса, ҳаёт тарзи, хулқ – атворида миллий қадриятларига тўғри келмайдиган хусусиятлар шаклланиб, ўз негизидан ажралиб қолса нима бўлади?

Муаммо кўпроқ замон ва келажакдаги ўзгаришларни, унинг талабини кимни қандай тушуниши, унга амал қилиши миллий – маънавий умуминсоний қадриятларга ишонч – эътиқодидаги фарқ билан боғлиқ..

Давр ўзгармоқда, буни албатта англаш керак. Бу дегани, миллий қадриятларга бўлган ишонч ва эътиқодни ўзгартир дегани эмас. Ёки миллий қадриятларни ўрнида бошқа халқнинг бизга тўғри келмайдиган айрим қадриятларни билиб – билмасдан кўр – кўрона қабул қилишни билдирмайди.

Замон ўзгаришлар бу миллий ҳаёт тарзимизни, онг ва тафаккуримизни ҳам ўзгартириб, носоғлом ҳаёт тарзига ўтиш, миллий онг ва тафаккур негизларидан юз ўгириш дегани эмас. Миллий онг, тафаккур билан боғлиқ хусусиятлар, қадриятлар қолоқлик белгиси эмас. Масалан, она тилини билиш, уни асраб – авайлаш, хурмат қилиш муҳим қадрият. Одам ҳаётида ўз она тилисини билсаю, хориж тилини билмаса – бир

холат. Она тилини билиш билан бирга хориж тилини ҳам билса – иккинчи холат. Ёки хорижий тилни билсаю, ўз она тилини билмаса бу бутунлай бошқача холатдир. Буни фарқлашимиз керак. Ўзбекнинг боласи келгусида она тилин билсаю, урф – одат ва қадриятларни фарқламаса, унга ишонч ва эътиқоди заиф бўлса, ўз она Ватани тарихига бефарқ бўлса, ўзини кимлигини, авлод – аждодларининг меросини билмаса нима бўлади? Янги замон ва глобаллашув охир оқибатда мамлакатда ана шундай авлодни шакллантирмасликка ким кафолат беради? Муаммо, хар қандай ўзгариш ва янгиликни инкор этиш тўғрисида эмас, янгиланишлар, ўзгаришлар шароитида ҳам ўзлигидан бегоналашишнинг олдини олиниши тўғрисида бормоқда. Истиқболда ўзбек фарзанди хорижий тилда бир – бири билан гаплашсада, она тилини билмаса, миллий ўзлиги қадриятларини англаши, тушуниши мумкинми? Ёки миллий қадриятларини асраб – авайлаб сақлаган ҳолда хозирги замон ўзгаришлари, ютуқлари билан ҳам яшаш мумкинку?

Ўзбек миллати учун "оила", "ота - она" га меҳр мухаббатли бўлиш, ўзаро ёрдам, инсонийлик, ҳамжихат ва ҳамкор бўлиш, ноёб қадрият бўлиб қолиш "эскилик сарқити" эмас. Бу замондан орқада қолишни билдирмайди. Аммо, келажакда айрим фарзандларимиз "оилага" қадрият сифатида эмас, "архаизм", "эркинликнинг топталиши" деб муносабатда бўлса нима бўлади? Ёки фарзанд, ота – онага нисбатан "мен мустақилман, нимани ҳоҳласам шуни қиламан ва яшайман" деб дуч келган билан яшаб, муқаддас оилавий қадриятларимиздан вос кечиш ҳоллари унинг учун тамоилга айланса уни қандай тушуниш ва қабул қилиш мумкин? Фарзанд вояга етганда "ота - онага"инсонларга нисбатан ҳам ғамхўрлик туйғуларидан махрум бўлиб мен мустақил одамман деб ўзи учун қулай ҳаёт қидириб, уни "Ватан" деб юриши лозимми? Ота – она олдинги фарзандлик бурчи қаерда қолади. Шундай носоғлом кайфият кўпроқ одамлар онгида яшаб қолса, эрта, индин нима бўлади? Халқимизда "бирники мингга, мингники туманга " деган нақл бор.

Бизнингча, 1) таълим – тарбияни барча босқичларда янада такомиллаштириш, замон ва ҳаёт билан ҳам нафас бўлиш лозим. Хусусан, ёшлар ватанпарлик, Ватанга мухаббат туйғуларини, миллий ғурур ва ор –номусни тарбиялайдиган фанларни ўқитишда айниқса жонкуяр, фидойи бўлишимиз лозим; 2) ёшларга тарихни, миллий – маданий меросимизни чуқур ўргатиш, тарихий обидаларни маданий ёдгорликлар билан яқиндан таништириш, янги технологиялардан фойдаланиб, саёҳатлар уюштиришга қанча кўп ёшлар жалб этилса шунча фойдали бўлади; 3) Ёшларда миллий ғояга ишонч ва эътиқодни тарбиялайдиган санъат асарлари, кинофильмлар, бадиий асарларини яратиш, унда бугунги воқеиликни миллий қадриятлардаги фарқни холисона акс эттириш орқали ёшларга муаммонинг ечимини тўғри, ҳақиқий кўрсатиб бериш керак; 4) Ёшлар ҳаёти билан боғлиқ муаммоларни, уларнинг қизиқиш ва интилишлари ҳар томонлама чуқур ўрганилган асарлар, илмий тадқиқотишлари олиб борилиши керак. Ҳамда ёшлар ҳаёти билан боғлиқ ҳаракатлар, ташкилотлар ҳам ўз фаолиятларида ёшларнинг фикрини ўрганиш асосида ўз фаолиятларини юритишса миллий – маданий қадриятларимизни сингдирадиган унга ишонч ва эътиқодни мустаҳкамлайдиган тадбирларни жойларда ёшлар орасида кўпроқ ташкил этиш лозим; 5) Ёшлар билан ишлашда, уларга тўғри йўл кўрсатиш, мумаммоларнинг ечимини топишда уларни фақат "қуриқ танқид" эмас, ақл ва тажрибага таянган холда ибрат бўлиш, айрим камчиликларнинг нотўғри томонларини кўрсатиш орқали тўғри йўлга солиш, эзгў мақсадларга амал қилишларига эришиш муҳим аҳамиятга эга.

Миллий қадрият нуқтаи назаридан, европа тафаккур тарзи билан шарқона тафаккур тарзининг, ўлчови, баҳолаш мезони ҳам бир хил эмас. Ҳар хил бўлиши табиий. Бир хилликни даъво қилиш ўта соддалик, ёки ундан кўзланган носоғлом мақсадлар мавжуд. Миллий қадриятларни ҳам турли халқлар турли –хил баҳолайдилар, унинг ҳамма халқлар ҳаётида таъсири, роли ҳам бир хил эмас. Бизнинг ҳаётимизда миллий- маданий қадриятларнинг катта ўрни борлигини хисобга олиш керак. Биз ўзимизнинг миллий-

маънавий негизларимизга қаттиқ боғланганмиз. Айни пайтда қадриятларимиз ўзгармайдиган, қотиб қолган “бир қолипга туширилган” урф –одатлар, анъаналар йиғиндиси ҳам эмас. У ўзгариб бориши, тараққиётга хизмат қилиши лозим. Янгиланишдан озиқланиб бориши ҳам давр тақозоси хисобланади. Аммо, янгиланиш дегани ўзлигини унитиб, бошқа халқларнинг қадриятларини қабул қилиб, унга шунчаки эришиш эмас.

Бу миллий тараққиёт йўлига зид холатдир. Шунинг учун маънавий қадриятларга ҳам, бир хил халқларнинг ўзига хос миллий хусусиятларини хисобга олган холда холисона баҳо бериш, уни тўғри тушунишнинг адолатли йўлидир. Турли хил баҳоналар, ниқобланган ўйнлар билан ўзини маданиятли, юксак маданиятнинг соҳиблари қилиб кўрсатишга урунишлари, очиғини айтганда шундай маданиятнинг ўзи “ҳимояга муҳтожлиги” ни, ундаги таназзул аломатларидан далолат беради. Уни бошқа халқлар ҳам раво кўриш, ўзининг носоғлом ҳаёт тарзидаги муаммоларини бартараф этмайди. Ёки бошқа халқларда ҳам шунга ўхшаш муаммолар пайдо бўлса дунё маърифийлашиб қолмайди.

Соғлом, юксак маданиятдан эса халқлар доимо маънавий озуқа олиб яшаган, у инсонлар ҳаётида ўзининг ижобий изларини қолдирган. Бугун бирон-бир халқ ўзининг қобиғида яшаб қолмайди. Бугунги глобаллашув шароитида бунинг имконияти йўқ. Миллий қадриятлардаги умуминсоний моҳиятнинг сентизлашуви, унинг юксак маданият ҳамда қадриятнинг ифодаси сифатида намоён бўлади. Уни зўрлаб киритишга бўлган ҳар қандай урунишнинг миллий маданиятга таъсири бўлган, лекин халқлар тўла қабул қилмаган. Вақт ўтиши билан унутилган.

Миллий қадриятлар замон ва давр синовига бардош бериши, ўзини сақлаб қолиши ва унга ишонч, эътиқодининг мустахкамланиб бориши учун ҳам ёшлар ҳар бир ўзгаришни, янгиланишларни, давр ва замоннинг талабларини хисобга олиши керак. Бу эса уларнинг миллий қадриятларига муносабатига, уни асраб–авайлаш орқали маънавий бойитиб, ўзлари ҳам шунга мос фикрлашларига, онг ва тафаккур, маданиятга эга бўлиб боришларига тўғри келади.

Кадриятлар тизимида миллат, унга хос белгилар, жихатлар, хусусиятлар, уларнинг вужудга келиш жараёнларига муайян даражада таъсир курсатган худуд ва у билан боглик туйгулар, миллатнинг утмиши, тарихи, маданияти, у яратган маданий бойликлар ва маънавий мерос билан боглик кадриятлар хам мухим уринни эгаллайди. Бу кадриятлар бирор миллат кишилари учун умумий булиб хисобланади. Улар алохида шахс кадриятларини умуминсоний кадриятлар билан богловчи халклардан биридир. Муайян киши ёки шахс умуминсоний кадриятларни англашда, уз; фаолиятини ушбу кадриятлар мезонига мослаштиришда миллий кадриятларни хисобга олади, улар билан боглик жихатларни хам назарда тутади.

Дунёдаги халклар орасида айнан шу миллатнинг борлиги, мавжудлиги, бетакрорлиги, «Кухна тарих шодасида битта маржон» (Э.Вохидов) сифатида зохирлиги хар кандай киши учун ахамиятга эга булиши табиий. *Миллат - хар кандап миллий кадриятнинг объекти, миллий кадритяар тизими таяанадиган ижтимоий асосдир.* «Миллат» атамаси кадрият объекти сифатида тушунилганида, бир-бири билан кон-кариндош халкларга нисбатан ишлатиладиган «туркий халклар», «славяналар», «роман халклари» кабиларга умуммиллийлик даражаси мос келади.

Миллат бир томондан, узининг кадриятларини мутассил вужудга келтириб туради, утмишдан келажакка ривожланиш жараёнида уларни доимий такомилаштириб, янги-янги кирраларини шаклантириб туради, иккинчи томондан эса, унинг узи хам мавжуд кадриятлар тизими таъсири остида узгариб ва ривожланиб боради. Миллат - узининг кадриятларини вужудга келтириб, уларнинг янги-янги кирраларини ва жихатларини сайкаллаштириб, тараккиёт жараёнида такомиллаштириб туриши маъносида уз кадриятларининг хакикий эгаси, макон ва замондаги илгариланма харакатдан иборат

узгаришлар жараёнида уларни утмишдан келажакка томон етказиб берадиган энг асосий объектдир.

*Миллатнинг таназзули-миллий кадриятларнинг таназзулидир! Бу - окибат натижада ушуб кадриятларнинг эгасиз колиш хавфини тугдиради.* Инсоният тарихи-муайян этносларнинг вужудга келиши, тараккиёти ва таназзули, уларнинг урнига бошкалари вужудга келишидан иборат жараёндир, дея эътироф килишни бутунлай вужудга келишидан иборат жараёндир, дея эътироф килишни бутунлай нотугри, дейиш кийин. Бундай караш эса уз навбатида гоят мухим ва долзарб масалага, яъни миллат миллий кадриятларининг объекти ва эгаси сифатнида уз-узини саклаб турмоги, узининг авлодларини асраб-авайламоги лозим, деган масалага эътибор беришга олиб келади.

Инсоният тарихида Бобил, Византия, Майя империяларини вужудга келтирган этнослар булганлиги маълум. «буюк цивилизациялар» номи билан юритиладиган бу этнослар кейинчалик, турли халк, миллат, элатлара айланиб кетганлар, узларининг умумий-тарихий бирлигани йукотганлар ёки тарихий таназзул жараёнлари, уруш ва киргинлар окибатида камайиб кетганлар. Амазонка буйларида ва Мексика урмонларида уз даврининг вайроналарини колдирган майя халки тугрисида шундай фикрни айтиш мумкин. Кадимги замоннинг энг буюк маданиятларидан бирини яратган бу халк, таназзулга учраган, унинг ёзуви унутилган, майялардан 100га якин шахарларнинг вайроналари колган ва шу тарика буюк маданият бешикларидан бирининг чироги сунган.

Хар бир миллат уз кадриягларинининг яратувчисигина эмас, балки уни асраб-авайловчи ва келажакка етказувчиси хамдир. Миллий кадриятларнинг сакланиши учун хар бир миллатнинг узи масъулдир. Бу эса масъулликнинг факат алохида шахсларга эмас, балки бутун миллатга хам хос намоён булишини англатади. Миллат озод булмаслиги, сиёсий жараёнлар натижасида бирор империя ёки давлатга карам булиши мумин, аммо унда уз миллий кадриятларини саклаш туйгуси йуколиб кетмайди.

Миллатни миллий кадриятларнинг объекта ва субъекта сифатида тушуниш, у билан боглик миллий кадриятлар тизимини илмий тахлил килиш, миллатнинг узини ижтимоий кадрият сифатида караш имконини беради. Бу эса миллий кадриятларнинг намоён булиши, тарихий ривожланиш жараёнида утмишдан келажакка томон харакатини тахлил килишга имкон яратади. Миллий кадриятлар:

- *кишиларнинг табиий, тарихий ва ижтимоий бирлигини таъминлайдиган этник маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда, турли шаклларда намоён булади, кишиларнинг онгига, хаёт тарзига узига хос тарзда таъсир килади;*
- *кишиларнинг узаро муносабатларида, ижтимоий фаолиятларида кузга ташлананиб туради хамда она шу муносабат, фаолият, максад, эхтиёж ва интилишлар учун маънавий асос булади;*
- *моддий, маънавий, иктисодий, сиёсий ва бошка сохаларда муайян натижа сифатида юзага келишлари, кишилар учун зарурият сифатида узига хос ахамият касб этишлари, уларга фойда келтиришлари хам мумкин;*
- *ижтимоий ривожланиш жараёнида узгариб, такомиллашиб, ранг-баранг жихатлар авлоддан-авлодга утади, мерос колади.*

Миллий кадриятлар ва уларнинг алокадорлигини ифодаси булган кадриятлар тизими, миллатнинг узи билан бирга тарих силсилалари, замона зайллари, турли ижтимоий ва сиёсий жараёнлар орасидан утмишдан келажакка томон утиб туради. Бу кадриятлар купрок миллатнинг этник хусусиятлари ва этник макони билан боглик. Халкларнинг ижтимоий тараккиёти эса уларнинг миллий-этник кадриятлари равнаки билан узний алокадорликда давом этади. Хар бир халк ёкиш миллат, узига хос ранг-баранг кадриятларни такомиллаштириб бориши натижасида, умуминсоний-кадриятларни шакллантириб, унинг кирраларини, ривожлантириб боради. Миллий кадриятлар табиатига кура факат тор доира сакланиб колмайди, балки равнак топиб, турмуш жараёнида мутассил янгиланиб, бошка халкалар кадриятларини ютуклари билан бойиб боради. Хар бир эл, эллат, ураг ёки халкнинг урф-одатларида, уларни бажаришдаги

фаолиятида узига хослик булади, агар ана шу узига хосликни уша жойнинг ахолиси кадрласа, улар хаётининг бир кисмига айланган булса бунинг ёмон жойи йук. Бундай узига хослик билан боклик кадриятларни бошка жойда, бошкача тарзда яшаётган кишиларнинг тарозиси билан улчаш ёки бу масалада бошкаларнинг хакам булиши максадга мувофик эмас. Умуминсонийлик туйгуси факат уз халки кадриятини ардоклаш, куз-куз килиш ва бошкалар орасига ёйиш учун интилишга асосланмайди, балки хар бир халк, элат, уруг кадриятларини кандай холатда булса, шундайлигича кабул килиб, уларни хурмат килишдан бошланади.

Хар бир миллатнинг узи кадрлайдиган маданияти, тили, аъаналари, урф-одатлари, маросимлари ва одоб нормалари бор. Дунёда ахолиси сон жихатидан куп ёки камрок халк булиши мумкин, аммо маданий ва маънавий сохада бир-биридан кам ёки ортик миллат йук. Айни пайтда соткин миллат хам, коралаш хукукига эга булган миллат хам йук. Аммо хар бир миллатнинг узига хос утмиши, маданий ва маънавий кадрияглари, миллий кахрамонлари, бошка миллатнинг узга миллат фаолиятини бахоловчи хакам булишга хакки йук. Бирор бир таълимот, давлат шакли ёки яшаш усулини кабул кила олмаганлиги учун хч качон у ёки бу миллат айбдор эмас. Шу маънода умуминсонийлик бир миллат кадриятларини бутун оламга ёйиш йули билан эмас, балки хам миллат ва элатларнинг кадриятларини асраб-авайлаш, муросалаштириш, тарих тарозиси саклаб коладиган кадриятларни хурмат килиш ва оламдаги миллий ранг-барангликнинг табиий ранг-баранглик билан узвий алокада эканлигини англаш йули билан бойиб боради.

Миллий кадриятлар миллатнинг табиий-тарихий ривожи, ижтимоий турмуши, яшаш тарзи, утмиши, келажаги, маданияти, маънавияти, урф- одатлари, анъаналари, тили, у вужудга келган худуд ва бошкалар билан узвий богланган. Улар хилма-хил шаклларда, бир-бири билан узвий алокада намоён булади, узига хос миллий кадриятлар тизимини ташкил килади. Бу тизимда табиий-тарихий бирликни таъминловчи кадриятлар - кон-кардошлик, маданий-маънавий якинлик, утмиш ва маънавий мерос, она-юрт туйгуси ва бошкалар нисбатан баркарор булиб хисобланади. Улар миллий кадриятлар тизимида тарихий жараёнлар давомида тез узгариб турадиган баъзи кундалик ёки амалий ахамиятга молик булган кадриятларга нисбатан, миллий кадриятлар тизимида, уз урнини ва ахамиягини узокрок саклаб колиши билан боглик хусусиятини ифодалайди.

*Миллий кадриятлар тушунчаси муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий ривожланиш жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларигина эмас, балки улар яшаётган худуд маданий-маънавий мерос, миллий маданият, тил, миллий онг, миллат рухи, тарихи, утмиши, турмуши ва яшаш тарзи, миллат хаётининг тартиб-коидалари хамда улар билан боглик миллий хусусиятлар, жихатлар ва бошкаларнинг ахамиятини ифодалайди.* У умумий кадриятлар тизимида миллатга хос булган кадриятларнииng энг умумий жахатларини акс эттиради.

Бизнингча, миллий кадриятлар тизимининг, нисбатан баркарор холатида, куйидаги шакл ёки таркибий кисмларни ажратиб курсатиш мумкин:

**1. Миллатнинг генофонди, табиий бетакрорлиги, узига хослиги, тарихий узгарувчанлиги ва ижтимоий ранг-баранглиги;**

**2. Миллат тарихи, утмиши, келажаги ва маънавий мероси;**

**3. Миллий худуд, моддий ва маданий яшаш шароитлари, иктисодий асос ва ижтимоий усткурма билан боглик жихатлар;**

**4. Урф-одатлар. Анъаналар, маросимлар, турмуш тарзи ва бошклардаги миллийлик, улар билан боглик узига хос хусусиятлар;**

**5. Миллий тил, миллий маданият ва маънавият, миллат онг ва миллий рух, миллий туйгулар ва гоялар.**

Миллий кадриятлар тизимининг тахлилида, аввало миллатнинг вужудга келиши, утмиши, бугуни ва келажаги билан боглик, табиий-тарихий кадриятларга эътибор бериш лозим. Хар бир миллат узини ташкил килган кишилар учун аввал табиий-тарихий бирлик

сифатида кадрлидир, у оламдаги бошка турли-туман халк, элат ва миллатларга ухшамайдиган узига хос бетакрор хусусиятларга эга. Бундан ташкари, хар кандай миллат тарихий тараккиёт ва ривожланиш жараёнида янгиланиб, узгариб борадиган ранг-баранг катламлар, синфлар ва бошкаларнинг диалектик уйгунлигини ифодалайдиган ижтимоий бирлик хамдир.

1. Миллатнинг узига хослиги, бетакрорлиги, ранг-баранглиги ва ижтимоий жараёнда узгариб бориши билан боглик энг асосий кадрияти-унинг генофондидир. Генофонд - факат ирсият оркали утадиган табиий узига хослик эмас, балки тарихий белгилар, хусусиятлар, ранг-баранглик ва узгарувчанликни хам узида ифодалайди. Айнан бирор халк, миллат, элатни йукотиш учун килинган тажовузнинг «генцид», деб аталиши бежиз эмас. Миллатнинг генофонди - унинг энг асосий тарихий, миллий кадриятларидан биридир. Биз чет эллар, МДХ давлатлари ва Узбекистонда чоп этилган китоб, рисола, маколаларда генофонд билан боглик, таърифлардан 20 га якинини куриб чикдик. Уларнинг карийб аксариятида бу тушунча муайян табиий-тарихий ёки биологик бирликнинг маълум бир худудда узок яшаши натижасида шаклланган ва авлодлардан-авлодларга утадиган табиий, биологик хусусиятлари хамда жихатларининг йигиндисини ифодалаши таъкидланган. Генофонд тугрисидаги тушунча, айникса, кон-кариндош миллатлардан таркиб топган халкларнинг тарихий бирлик сифатида ижтимоий тараккиётнинг нисбатан узок даврида мавжуд булиши мумкинлигини исботлайди. Миллат тарихий узгаришлар, уруш ва киргинлар натижасида аста-секин узгариши, камайиб кетиши мумкин. Аммо уни генофондининг узгариши миллатнинг нихоятда тез узгариши миллатнинг нихоятда тез узгаришига, авлодларидан мерос колган табиий-тарихий хислатларининг тез йуколиб кетишига олиб келади.

Собик, Совет иттифокида кейинги 50 йил давомида миллатларнинг генофондини саклаш муаммолари тугрисидаги масала билан боглик, тадкикотлар олиб борилмади. Бизнингча бунинг узига хос сабаблри бор: 1) ижтимоий генофонд тугрисидаги хар кандай илмий тадкикот, уз объекти булган миллат, элат, халк, тарихан бетакрор эканлигини-эътироф этар, уларни ижтимоий ривожланишдаги узок, даврда амалга ошган жараёнларнинг махсули эканлигини таъкидларди, бу эса сталинча миллатлар тугрисидаги назарияга мос келмас эди; 2) тадкикотлар тарихий ривожланиш жараёнида шаклланган миллий геофондлар тез узгариб кетмаслигини. Балки бу жараён узокрок, муддатга чузилишини тасдикдаши, бу эса миллатларнинг жадал суръатлар билан кушилиб кетиши ва «совет халки»ни вужудга келтириш имкониятини исботлашга халакит берар эди.

Собик, СССРдаги 70 йиллик «социалистик экс-периментлар» жараёнида одамлар бошига тушган турли хил катогонлар, урушлар, бутун-бутун миллатларнинг уз тарихий ватанидан кучирилиб юборилиши, сохта шиорлар билан «юз мингчилар», «саксон мингчилар» ва бошка харакатлар натижасида ахоли катта кисмининг кучиб юриши, экологик тангликлар ва бошкалар мамлакатдаги халклар, миллат ва элатларнинг генофондига салбий таъсир килмай колмади. Бу эса купгина илгор кишиларни, олим ва зиёлиларни ташвишга сола бошлади. Атокли киргиз ёзувчиси Ч. Айтматов «манкуртлар» тугрисидаги масалани кутарди, бу эса айнан генофондга бефарк, кишилар муаммосидир. В.Астафьев юкоридаги жараёнлар натижасида, «Халкимизнинг генофонди узгариб кетмадимикан?» - деган саволни куйди. Бошка олимлар хам бу саволнинг нихоятда асосли ва энг долзарб маколаларда миллатларга карши узок, йиллар давомида олиб борилган нотугри сиёсатнинг салбий окибатлари курсатилди. Зеро совет даврида руй берган юкоридаги сабаблар одамларга, каттаю-кичик миллатларга нисбатан нихояси йук; уруш, узига хос «геноцид» (бу атаманинг биринчи кисми юнонча - уруг, кабила; иккинчи кисми эса лотинча - улдираман деган маънони англатади) булганлиги бугун хеч кимга сир эмас.

Узбекистонда хозирги даврга келиб бу масалага алохида эътибор берилаётганлига, соглом авлодни тарбиялаш, халк, генофондини согломлаштириш умумдавлат микёсидаги вазифага айланганлиги асло бежиз эмас. Миллатнинг генофонди унинг бетак-рорлигини англатади, бу бетакрорлик эса ушбу миллат тарихий ривожланишнинг муайян даврлари

билан богланганлигини курсатади. Бу бетакрорликни умуминсонийлик жихатидан бахолаш - уз миллати кадряитларини холисона таргиб килиш, узга миллатнинг кадриятларига путур етказмасликка асосланади. Зеро, Узбекистондаги «Соглом авлод учун» харакат, республика худудида истикомат килаётган бутун халк; камолоти учун фаоллик эканлиги сир эмас.

Миллий кадриятлар кишиларнинг яшаш жойлари, турмуш шароитлари билан богликликда шаклланади. Ана шундай кадриятларнинг энг асосийси тугилган ватан ва она юртни севиш туйгусидир. Ватанни севиш туйгуси - инсон тугилиб вояга етган, у мансуб булган тарихий бирликнинг утмиши билан богланган ижтимоий, иктисодий, маданий мухитга ва худудга нисбатан булган мухаббатдир. Бу бутун инсониятга хос умумий туйгудир. У хамма миллат вакиллари учун хос, уни бирор халкда купрок, бошкасида камрок, ривожланган дейиш учун асос йук. Ватан туйгуси муайян тарихий бирликни вужудга келтирган ва саклаб турадиган жойга нисбатан дунёга келган табиий-ижтимоий туйгудир. Бу эса хар кандай миллатга мансуб кишининг табиат билан чамбарчас богланганлиги ва башар фарзанди эканлигини исботлайди.

Кишилар уз этник маконига табиий-тарихий богланганлар. Аммо дунёда уз ватанини йукотган ёки ундан жудо килинган миллатлар куп. Турли хил тарихий жараёнлар натижасида уз ватанини тарк этган халклар хам борки, бунинг окибатида хозир турли жараёнлар кечмокда. Исроил давлати урнида милоддан илгариги II ва I минг йилликда яшаган яхудийлар дастлаб Миср, Вавилон ва Ассирия билан урушлар окибатида (милоддан олдинги VI-асрлар), сунгра эса, бу ерни босиб олган римликларга карши яхудийлар кузголони енгилганидан кейин (милод. 69 йил) бошка жойларда яшашга мажбур булди. Аммо Ватан туйгусини йукотмади.

Бу туйгуга асосланган талаб, 1947 йил 29 ноябрда БМТ Бош Ассимблеясининг икки мустакил давлат
- Исроил ва Фаластин давлатларини тузиш тугрисида карор кабул килишга сабаб булди. Исроил 1948 йил 14 майда тузилди. Аммо яхудий халкининг Ватан билан боглик, туйгусидан сиёсий максадларда нотугри фойдаланиш, Фаластин давлати учун ажратилган ерларнинг босиб олинишига олиб келди. Бу эса фаластин халкининг Ватан туйгуси билан боглик, орзулари амалга ошишига халакит бермокда ва бу умуминсонийлик талабларига хилофдир.

Ватан туйгусида кишиларнинг узи мансуб булган тарихий бирлик шаклланишига муайян даражада таъсир курсатган худудга нисбатан маънавий карздорлиги, бурч ва масъулияти билан боглик, ижтимоий туйгулари намоён булади. Ватан - ана шундай туйгуни уйгота олгани учун хам кадриятдир. Чунки Ватан деб устида утирганимиз оддий бир тупрок, эмасдир, утирганимиз тупрок, униш ёпинчигидир ёпингам булганлигидан хам мукаддасдир. Ахамияти ва кадри муайян халк, миллат бекиёс. Бу туйгуни социологик текшириш натижалари билан улчаш кийин, бирор кишига эса «Ватанингизни севасизми, уни кай даражада севасиз?» - каби савол билан мурожаат килиш ножоиз.

3. Энг асосий миллий кадриятлардан бири-миллат учун умумий муомала воситаси булган миллий тил билан боглик. Мутахассислар оламда 5000 га якин тил борлигини кайд киладилар, уларни 15 та катта оилага булиб урганадилар, тилларнинг такомиллашуви билан бирга, улар таркалган худуднинг майдони хам узгариб боришини таъкидлайдилар. Масалан, VII асргача Арабистон ярим оролининг бир кисмида таркалган араб тили, ундан кейинги бир неча аср орасида Африка ва Осиёнинг бошка кисмларига хам таркалади. Худди шундай туркий тиллар хам Кичик Осиёдан Шаркий Сибиргача булган кенг худудда таркалган. Шу билан бирга кадимда Осиёда кенг таркалган хетлар тили эса бутунлай йуколиб кетган.

Туркий халкларнинг тили биз учун умуммиллий кадрли маънодир. Ана шу гурухга кирган тилларни санаб чикишнинг узиёк, уни мукаммал билиш Европа ва Осиёнинг жуда катта кисмида бемалол гаплашиш имконини беришини курсатади. Туркий тилларда

Евроосиёнинг 20 дан ошик мил-латлари сузлашадилар. Туркийзабон халклар хрзир 100 млн.дан ортик кишини ташкил килади.

Миллий тиллар билан боглик муаммо иттифокда «миллатларнинг бир-бири билан якинлашуви принципи» асосида караб келинди. К.Х.Хоназаров ёзганидек: «Сталин хаёт вактидаёк унинг миллатлар ва миллий тилларнинг кушилиб кетиш назарияси илмий ва амалий жихатдан пуч ва асоссиз экани маълум була бошлади. Лекин унинг вафотидан сунг деярли кирк йил утган булса хам, шу вактгача бу назария расман танкид остига олинган эмас». Собик ССРнинг республикаларида миллий тилларни ишлатиш куламининг кискариб бориши жамиятнинг илгор кишилари, зиёлилар, олимлар ва бошкаларни ташвишга солар эди. Лекин бу салбий жараёнларни илмий текшириш, холисона ва окилона хал килиш борасидаги фаолиятлар «мил-латчилик», деб каралар эди.

Утган ун йилликлар давомида республикамизда узбек тилининг мавкеи ва ишлатиш даражаси пасайиб кетган эди. асосий халки узбеклардан иборат булган жойда содир булган бу ахвол тугридан-тугри умуминсоний кадриятлар мезони, миллий мустакиллик талабларининг бузилишини англатар эди. Хозирги даврга келиб Узбекистонда «давлат тили тугрисидаги конун»нинг кабул килиниши, узбек тилининг давлат тили, деб эътироф килиниши ва бунинг Узбекистон Конституциясида белгилаб куйилиши миллий ва умуминсонийлик диалектикасининг талабидир.

4. Миллатларнинг маънавий мероси, анъаналари, урф-одатлари, миллий адабиёти, санъати ва бошкалар билан умуминсоний кадриятларнинг миллий даражадаги намоён булиш шакллари боглангандир. Уларнинг асосида хар бир миллат, хаок ёки элатнинг тарихий ривожланиш жараёнида авлодлардан авлодларга утиб келаётган маданий хусусиятлар ва жихатлари ётади. Миллат факат муайян худудда яшайдиган ва бир хил тилда сузлашадиган кишилардангина иборат эмас, балки умумий маданий-маьнавий жихат ва хусусиятлар асосида мавжуд булиб турган тарихий-ижтимоий бирлик хамдир.
Маданият инсоният тарихининг илк даврларидан бери унинг ажралмас хамрохи, инсоннинг узи каби кадимийлир. Олимда маданиятсиз эл, миллат ва халк, йук. Хдр кандай халк, ёки миллат тарихий ривожланиш ва тараккиёт мос келадиган узига хос маданиятга, бу борада хам умуминсоний ривожланишда уз урни ва хусусиятларига эга. Мисрликлар кадимдан колган пирамидалари, хитойликлар Буюк Хитой девори, европаликлар эллада ва Рим тарихи билан боглик ёдгорликлари, илмий кашфиётлари билаи умуминсоний маданиятга хисса кушганлари каби, бошка халкларнинг хам бунда уз урни ва хиссаси бор. Бу борада муайян халкнинг узига хослиги, унинг хозирги даврдаги ривожланишини илгариги ижтимоий холати билан солиштирилиши тугрисида нихоятда эхтиёткорлик билан фикр юритиш мумкин, аммо бу масалага бошка миллат нуктаи назаридан ёндашиб булмайди.

Хар бир халклинг маданияти узига хос ва бетакрор булиб, у ривожланади ва такомиллашади. Бу айникса, кон-кариндош халклар билан боглик, маданий кадриятлар ривожида катта ахамият касб згади. араблар, хитойлар, славянлар, туркий забон халкларнинг умумий маданий кадриятлари бор. Шу билан бирга бу халклар мансуб миллатларга хос хусусий маданий кадриятлар хам мавжуд. Бу борадаги фаркларнинг озлиги, аввало уларнинг асосий этнос - она халкдан ажралиш жараёни тарихан кам давом этаётганлиги билан боглик. Аммо уз навбатида, бу фаркларнинг мавжудлиги эса ана шу жараённинг реаллигини хам акс эттиради. Бу жараёнига диккат билан назар ташлаш эса, кон-кариндошлик жихатидан, маданий илдизларига кура бир-бирига якин булган, ижтимоий тараккиётнинг муайян даврида ягона этносни ташкил килган халклар яна ягона этнос булиш томон бормокдами? Ёки улар уз номини берган давлатларда бир неча янги этнослар вужудга келмокдами? - деган масалани келтириб чикаради. Бу масала эса, аввало, бир неча асрларга тенг булган жараёнларни камраб оладиган азалий ва навкирон узгаришларни чукур илмий тахлил килиш заруриятини куяди.

Маданий-маьнавий соха билан боглик миллий кадриятларнинг амал килишида учта жихатни ажратиб курсатиш мумкин; а) кишиларнинг ижтимоий онги билан богликлик; б)

кишиларнинг муносабати ва фоалиятити оркали амалга ошиш; в) моддий ва маьнавий сохадаги бирор натижа, бойлик ва бошкалар тарзида намоён булиш.

Маданий кадрият шакллари куп холларда у ёки бу миллат кишилари уртасидаги муносабатлар, фаолият ва хатти-харакатларида намоён булади. Маданий бойликларни яратиш, анъана ёки урф-одатларни кадрлаш дунёдаги хамма миллат ва халкларга мос умуминсоний жихатлардир. Аммо уларни асраш, авлодларга мерос колдириш борасидаги хусусиятларни тарбиялаш, бу жараёнлардаги фаолият ва хатти-харакатларда миллий узига хослик бор. Бу борадаги миллийлик ана шундай узига хослик билан белгиланади. Масалан, мехмондустлик хамма халкларга хос умуминсоний хусусиятдир. Аммо бир миллат уйга келган мехмондан «Овкат ейсизми?» - деб сурашни одат хисобласа, бошка миллат учун мехмонга бундай мурожаат килиш ножоиз. Ёки бир халкда мехмон келиши билан дастурхон безатилса, доимо шамол эсавергани ва кумлар овкатга зарар етказиши мумкинлигини хисобга оладиган сахройи халкларда эса
мехмон ижозат бермагунича дастурхон очилмайди ва хоказо.

Миллий кадриятлар макон ва замонда маданий сохадаги бирор кашфиёт, ютук, натижа ёки маънавий бойлик тарзида намоён булиши мумкин. Халкнинг дахоси, маънавий-аклий етуклиги, билимлари, илм-фанда эришган ютуклари ана шу натижаларда яшириниб ётади. Биз эслатган Миср эхромлари, Буюк Хитой девори, Рим ва Афина, Самарканд ва Бухородаги ёдгорликлар, аллома ва мутафаккирларнинг кашфиётлари ана шундай натижаларга мисол булади.

Демак, хар кандай миллат ижтимоий бирлик сифатида узига хос бетакрор кадриятларни яратади. Миллий кадриятларнинг объекти ва субъекти сифатида хар бир миллат уз кадриятларини асраб-авайлайди, ривожлантириб ва такомиллаштириб боради. Ушбу маънода миллат миллий кадриятларнинг эгаси, асраб-авайловчисидир, Шу бйлан бирга унинг узи хам ижтимоий тараккиёт жараёнида узгариб, янгиланиб, ранг-баранг жихатлар кашф килиб боради. Миллий кадриятлар миллий маконда шаклланади, ранг-баранг тарзда намоён булади, миллатга мансуб кишиларнинг онгига таъсир килади, улар учун маънавий мезонлар ролини утайди, ижтимоий ривожланиш жараёнида доимо янгиланиб, авлоддан-авлодга утиб боради. Уларнинг турли жихатларини ва замонавий ахамиятини урганиш мухим вазифа булиб колди.

Узбек халкининг маданияти жуда кадимий булиб, унинг тарихи бир неча минг йилларни уз ичига олади. Бу маданият жахон маданиятидан четда юзага келтан ва ривожланган эмас. Зеро, хар кандай халк маданияти уз мамлакати доирасида, тор миллий бикикликда эмас, балки бошка халклар маданияти билан алокада, борликликда, узаро таъсир ва акс таъсир этиш асосида ривожланади.

Узбек халки маданияти хам факат миллий асосда эмас, шу билан бирга умуминсоний маданиятлар таъсирида усди, ривожланди. Унга хитой, эрон, араб, юнон, рус, кадимги дунё хамда Рим даври маданияти жахондаги бошка маданиятлар узининг ижобий таъсирини курсатди. Уз навбатида, узбек халки хам бошка халклар маданиятининг юксалишига, умумжахон маданияти тараккиётига фаол таъсир курсатди. Маданиятимиз буюк намояндалари Мусо Мухаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Махмуд Замахшарий, Мирзо Улурбек, Али Кушчи, Козизода Румий, Алишер Навоий ва бошка алломаларнинг дурдона асарлари жахон маданиятининг ажралмас кисми эканлиги бунга мисол булади.

Шуни алохида таъкидлаш керакки, узбек халкининг моддий ва маънавий маданияти ривожланиши бир текисда амалга ошган эмас. Унда бир неча бор юксак чуккиларга кутарилган Уйгониш даври хам, аксинча буюк Уйгониш давридан кейин маълум объектив ва субъектив омиллар таъсирида нисбий тушкунлик даврлари хам булган. Маданий тараккиётдаги нотекисликнинг - баъзан жуда катта тезлик билан бехад илгарилаб кетишининг, гохида эса сустлашиб, секинлашиб, туррунликка учраб колишнинг асосий сабабини хукмрон ижтимоий-иктисодий муносабатлар мохияти ва хусусияти, ички ва ташки омиллари таъсиридан кидиришга тугри келади. Инсоният тараккиёти узлуксиз ва

бир текис олиб боравермайди. Тарихда баъзан тургунлик, эришилган ютуклардан чекиниш, баъзи сохаларда дея-синаш холлари хам булиб туради.

Узбек халки жахон моддий ва маънавий бойликларини яратиш ва ривожлантиришга улкан хисса кушган халклардандир. У узининг тафаккур куввати, кобилияти ва истеъдоди билан Марказий Осиё фан ва маданиятининг, адабиёт ва санъатининг, ахлокий ва фалсафий гояларининг вужудга келиши ва ривожида катта урин тутади. Шу билан бирга у тарихнинг хакикий ижодкори сифатида жамиятнинг маданий, маънавий тараккиётига кенг имкониятлар очиб берган.

Эртаклар, ривоятлар ва достонларни укир эканмиз, халкда вокеаларни олдиндан кура билувчи ажойиб тафаккур, кобилият ва истеъдоднинг битмас-туганмас эканлигини, у хеч качон умидсиз, орзу-ниятсиз яшамаганлигини, хар доим келажак томон интилганлигини англаб оламиз. Хар кандай эртак ва афсонанинг замирига халкнинг муайян максад ва ниятлари, жисмоний мехнатни, енгиллаштириш ва турмуш шароитларини яхшилашга булган интилишлари мазмунан сингдирилган булади. Улар халк оммасининг талаби ва эхтиёжлари асосида вужудга келиш билан бир каторда, уз навбатида кишиларнинг маънавий, аклий тараккиётига туртки вазифасини хам утаган, мехнатни севишга ургатган, иш унумини оширишга, табиатнинг зарарли кучларига таъсир этишда кишиларга ёрдам берган.

Узбеклар узининг aклни лол колдирадиган ажойиб амалий санъати, юксак бадиий дид ва махорат билан ишланган хунармандчилик буюмлари билан кадим замонлардан хозиргача дунё халклари уртасида шон-шухрат козониб келмокда. Хунармандчилик бизнинг халкимиз учун авлод-аждодлардан сакланиб келаётган мерос, бебахо кадриятдир.

Узбек халки амалий санъати, хунармандчилиги илдизлари узок, утмишга бориб туташади.

Узбекистоннинг хозирги худудидаги Шош, Чагониён, Мароканд, Урганч, Бухоро, Шахрисабз шахарларининг кадимги урнида олиб борилган казув тадкикотлар ота-боболаримиз яратган хунармандчиликнинг улмас обидаларини кашф этди. Ёзма манбалар кадимий Марказий Осиё ахолисининг конларда ишлаганини, мис ва темирдан турли хил харбий ва мехнат куроллари ясаганликларини, тукувчилик, бинокорлик, заргарлик ва бошка ишлар билан шугулланганини курсатади.

Юнон тарихчиси Геродот «Тарих» асарида Бактрия, Хоразм, Сурдиёна, Марриёна, Парфия давлатларининг милоддан аввалги VI асрдаги маданияти хакида кенг маълумот берган.

Урта Осиёга ташриф буюрган XIV аср машхур араб сайёхи Ибн Баттута Хоразм, Бухоро ва Самарканд шахарлари бозорларидаги хунармандчилик расталари узининг хилма-хиллиги, файзи билан диккатга сазоворлигини алохида таъкидлагдн.

Халк дахосининг махсули булган хунармандчилик ва амалий санъатининг турлари нихоятда хилма-хилдир. Уларнинг хаммаси халкнинг кундалик турмуш талаб ва эхтиёжлари асосида юзага келган ва ривожланган.

Аждодларимиз утмиш даврлардан бошлаб наккошлик, уймакорликни, тукувчилик, заргарлик, зардузлик, гиламдузлик, мискарлик, сартарошлик, кулолчилик, мусика асбобларини ясаш ва бошка сохаларда катта махорат курсатгандир. Факат ёгочга эмас, шунингдек, мармартошга, металларга ута нозик ва гузал накш солишлари, гилам ва матоларга ранг-баранг гуллар туширишларига караб, ота-боболаримизнинг махоратлари ва дидларига койил коламиз.

Самарканд, Бухоро, Хива, Наманган, Кукон ва Тошкентдаги халк усталари ганч уймакорлиги сохасида катта шон-шухратга эга булганлар. Бу санъат намуналарини кадимий бинолар, мухташам саройлар, аркларнинг ички ва ташки безакларида, девор пештокларидаги усимлик ва хайвонларнинг тасвирларида, ложувард кошинларда куриш мумкин. Уймакор усталар факат ганчга уйма накшлар бериш билан чекланиб колмай, балки жимжимадор панжаралар ва гузал накшин гулдонлар хам ясай билганлар.

Заргарлик санъати Фаргона, Тошкент, Самарканд, Хива ва Бухорода айникса машхур булган. XX аср бошларида биргина Бухоронинг узида 400 га якин заргар булиб, улар асосан Токи заргардонда ишлашган ва савдо килишган. Бухоролик заргарлар кадимги такинчоклар, исирга, узук ва билакузук тайёрлашда ранг-баранг товланувчи моддалар: олтин, ёкут, марварид, феруза, ложувард, хакикдан купрок фойдаланганлар.

Ота-боболаримиз томонидан яратилиб, жахон узра доврук таратиб, бизнинг давримизгача етиб келган узига хос ва такрорланмас амалий санъатлардан яна бири тукимачилик ва каштачиликдир.

Илм-фан ва маданиятнинг кадимий бешикларидан хисобланган Бухоронинг зардузлик санъати бутун жахонга машхур булган. Матоларни турли-туман рангда койилмаком килиб безаш ва гул босишда, зардузи, каштачиликда, матоларга тилла суви юритилган ипакдан зеб беришда унча-мунча одам Бухоро зардузларига ва усталарига тенглаша олмаган.

Узбекистон гиламчилик сохасида хам анъаналарга бой улкадир. Чугдек кип-кизил гиламлар накшларининг гулдорлиги, ва гоятда нафислиги билан бир-биридан колишмайдиган Самаркандча ва Бухороча, Хивача ва Туркманча, Эроний, Афгоний, Уйгурча ва Хитойча гиламлар халк оммаси амалий фаолиятининг махзули сифатида хозиргача хам узининг шон-шухрати ва кимматини саклаб келмокда.

Бадиий каштачилик узбеклар орасида азалдан кенг таркалган ва севимли касб-хунар хисобланган. Узбек оилаларида, айникса хотин-кизлар уртасида бу касбни билмайдиган, севиб ардокламайдиган киши топилмаган дейиш мумкпн. Узбек каштачилари томонидан юксак бадиий дид билан тикилган палак, чойшаб, гулкурпа, парда, белбор ва бошка ажойнб буюмлар маиший турмушимизни хали-замон безаб, гузаллаштириб келмокда. Мусика санъати энг кадимий ва шу билан бирга узбек халки уртасида кенг таркалган, унинг турмушига чукур сингиб келган сохалардан биридир. Мусика кишиларнинг хис-туйгуларини, фикрларини ва кайфиятларини узига хос тарзда ифода этади.

Мусиканинг таъсир кучи шу кадар каттаки, унинг ёрдамида беморларни даволаш мумкинлигини фан аллакачон исботлаган. Абу Али ибн Сино мусиканинг таъсир кучига катта ахамият бериб, айрим рухий касалликларни куйлар воситаси билан даволаш мумкин, деган фикрни илгари сурган эди.

Айтишларича, буюк файласуф олим Абу Наср Фаробий мусика илмида хам тенгсиз булган. У узининг асарларида муснка назарияси, охангларининг турлари, келиб чикиш сабаблари, кишиларга маънавий-рухий таъсири хакида кимматли фикрлар айтган. Фаробий мусика илмида факат назариётчи булиб колмай, амалиётчи хам булган. Унинг узи таникли машшок, ажойиб созанда ва бастакор, янги мусика асбобининг ихтирочиси сифатида хам шухрат козонган.

Мусиканинг ажойиб сехрли кучи, муъжизакор таъсири, инсон маънавий камолотидаги ахамияти хакида фикр юритиб, Фаробий «Илмларниинг келиб чикиши тугрисида» деган машхур асарида шундай дейди: «Бу илм шу маънода фойдалики, у уз мувозанатини йукотган одамлар хулкини тартибга келтиради, мукаммалликка етмаган хулкни мукаммал килади ва мувозанатда булган одамлар хулкининг мувозанатини саклаб туради. Бу илм тананинг саломатлиги учун хам фойдалидир, чунки тана касал булса, рух хам сулади, тана тусикда учраса, рух хам тусикка учрайди. Шунинг учун овозларнинг таъсири билан рухни согайтириш ёрдамида тана согайтирилади, рух эса уз кучларининг тартибга солиниши ва уз субстанциясига мослаштирилиши оркали согаяди».

Мусика санъати кишига юксак туйгулар, завк-шавк, бутун бир гоялар оламини очиб беради. Одамларни маънавий жихатдан бой, соф ва баркамол килади. Мусика туфайли инсон узида янги, илгари сезилмаган кучлар топади, хаётни узгача туй ва буёкларда куради. Мусика инсонни хаётни севишга даъват этади, Ватан келажаги учун курашга ундайди.

Мусика сингари кушик хам узбек халки хаётида мухим ахамият касб этади. Халк огзаки ижодининг бу мухим шаклини келтириб чикарган, ривожлантирган, такомиллаштирган сабаблар ичида энг биринчиси ва белгиловчиси — мехнат, инсоннинг

амалий фаолиятидир. Куй ва кушик; инсоннинг доимий хамрохи, унинг шодмон ва кайгули онларидаги йулдошидир.

Узбек халк поэзияси, халк кушиклари унинг ижодкори тарихи билан, мехнати билан узвий борликдир. Поэзияда хам, кушикда хам халкнинг рухияти, инсон туйгулари, пок севгиси, орзу армонлари билан бирга ижтимоий ахволи мужассамлашган булади. Шунинг учун халкнинг тарихини унинг поэзия ва кушиклари билан, кушикларини эса тарихи билан боглаб тушунтириш мумкин. Халк орзаки ижодини, кушикларини билмай туриб, мехнаткаш халкнинг чинакам тарихини, миллий зийнатининг шаклланишини билиш мумкин эмас. Дунёда кушик айтмайдиган, кушикдан завкланмайдиган, ракс ва лапарларни, дилбар куйларни ёктирмайдиган биронта хам халк булмаса керак. Узбеклар хам шулар жумласига киради.

Узбек халки азалдан шух ракслар, мафтункор куй ва сермазмун кушикларни жон дилидан севади. Шодликда хам, кийинчиликда хам унга мурожаат килади, ундан завк-шавк олади, ором ва таскин топади. Махмуд Кошгарийнинг «Девону луготит турк» асарида кайд килиб утилган мехнат кушиклари, урокчи, хирмон кушиклари, ов кушиклари, кахрамонлик, жанг кушиклари, мавсум ва маросим кушиклари, ишкий кушиклар - буларнинг хаммаси минг йиллар давомида халк кунглидаги хасрат ва шодликнинг йулдоши булиб келган.

Ота-боболаримиз туй-томошаларда, халк йигинларида, маросимлар, сайллар ва байрамларда халк шоирлари, бахшиларнинг ширадор овози, думбира ва кубизидан таралган сехрли куй оханги, кизилчилар, дорбозлар, кугирчокбозлар томошаси, хонанда ва раккосалар санъатидан, уйин-кулгусидан бехисоб завк-шавк олишган.
Мусика ва кушикнинг инсон хаётида бу кадар кенг урин олиши, такомиллашиб, мазмунан бойиб ва чукурлашиб боришининг сабаблари бор. Чунки кушик инсонни кийинчиликларни енгишга, рухан тетик булишга дустларга вафо курсатишга, душманларга нисбатан шафкатсизликка ундайди. Киндик кони тукилган она-Ватанни севишга, ундан фахрланишга даъват, мухаббат, фахр-ифтихорнинг шаклланиши ва ривожланиши хам маълум даражада унга боглик.

Халкимизнинг кадимий ва бой тарихини, босиб утган узок, тарихий тараккиёт йулини, уй-фикрлари, орзу-интилишларини, аждодларнинг бошидан кечирган нолаю-фигони, куз ёши, кискаси юрагидаги дарди, гаму хасратини унинг яратган кушиги, ижро этган ракси, куй-оханги, мусикасига караб билиш мумкин. Ана шу маънода кушик ва мусика халкнинг утмиш хаёти, тарихи, унинг характер хусусиятлари, кайфият ва орзу умидларини билиб олишнинг мухим сохасидир.
Халк амалий санъати, улар яратган ва яратиб келаётган жамики миллий узбек буюмлари маданият ва маънавиятнинг битмас-туганмас манбалари булиб хизмат килмокда. Халк амалий санъати миллий кадриятларимизнинг ноёб кисмидир.

**3- масала**. Минг йиллар давомида ер юзида турли минтақаларда яшаган халқларнинг ўзаро сиёсий, маданий, ижтимоий алоқалари ҳозиргидек яқин бўлган эмас. асрлар мобайнида ер юзида турли маданий минтақалар шаклланган. Европа халқларининг умумминтиқавий маданияти, жануби- шарқий Осиё халқлари минтақа маданияти, Ҳиндистон яримороли ва унга қўшни худудларда яратилган умумий маданият ва бошқа бир қатор минтақалар маданияти – буларнинг ҳар бири ўзгасидан фарқ қилувчи қатор диний эътиқод, фалсафий мактаблар, санъат ва адабиёт, урф-одат ва анъаналарнинг ўзига хос уйғун бир тизимларни вужудга келтирган-ки, аҳли башарнинг бундай бебаҳо мулкини, маънавий хазиналарини бефарқлик билан бир–бирига қориштириб юборишимиз мутлақо ижобий натижалари бермайди.

Минтакавий кадриятларга мисол сифатида Марказий Осиё худудида истикомат килувчи узбек, козок, тожик, киргиз, туркман халкларига хос булган кадриятларни эслатиб утишимиз мумкин. Буюк Турон диёрида униб усган мазкур халкларнинг тарихи, тили, маданияти, дини, урф-одат ва анъаналарида жуда куп умумийлик мавжуд. Улар хамиша бир-бирларига ога-ини, куда-дудагай булганлар, хозир хам хамжихат, тотув хаёт

кечирмокдалар. Мазкур халкларнинг иктисодий, маданий, маънавий, савдо-сотик муносабатлари жуда кадим замонларга бориб такалади.

Кадимдан бир маънавий-рухий иклимдан нафас олиб келган халкларимиз тарихимизнинг, айникса, бугунги масъулиятли даврида акл, заковат ва шижоат, дунёвий салохият ва миллий гурур талаб этадиган бир паллада яна хам якинрок, яна хам мехр-окибатлирок булишлари лозимлигини хаётнинг узи такозо килмокда.

Минтакавий кадриятлар туркумига Марказий Осиёда ягона иктисодий худудни ташкил килиш, Орол муаммоларини хал этиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, минтакамизда яшовчи халкларни тиббий, социал жихатдан химоялаш, бой тарихий, маънавий меросимизни авайлаб асраш кабилар киради.

Истиклол туфайли минтакамиздаги туркий тилда бузловчи халклар уртасидаги икдисодий, маънавий-маданий алокаларимиз хам мустахкамланмокда. Минг йиллар давомида бир илдиздан бахра олган халкларимиз брасида эски мафкура туфайли куйилган сунъий тусик барбод булди. Тарихии, узликни англаш мавриди келди. Туркий тили давлатлар рахбарларининг илгари Анкара ва Истанбулда утган олий даражадаги учрашувлари, Анкара баённомаси хамда Истанбул декларацияси ана ту максадни амалга ошириш, халкларимиз уртасидаги дустлик ва хамкорликни, маънавий уйгунликни мустахкамлаш йулида мухим кадам булган эди. 1995 йил 28 август куни Бишкекда туркий тилли давлатлар рахбарларининг навбатдаги учинчи учрашуви булнб утди. Бу учрашув Бишкек декларациясинн имзолаш билан якунланди. Мажлисда халкаро ва минтакавий масалалар буйича фикр алмашиш, иктисодий хамкорликни кенгайтириш, маданий-маънавий алокаларни ривожлантириш хамда гиёхвандликка карши курашни кучайтириш каби масалалар мухокама килинди.

Бишкек учрашувида Озарбайжон Президенти Дайдар Алиев, Туркия Президенти Сулаймон Демирэл, Туркманистон Президенти Сафармурод Ниёзов, Узбекистан Президенти Ислом Каримов, К**ИРГИЗИСТОН** Президенти Аскар Акаев, К,озористон Президенти Нурсултон Нязар-боевлар иштирок этишди.

Президентимиз И. Каримов «Туркийзабон давлатлар бошликларининг мунтазам учрашувларидан кузланган асосий максадни биз кандай тасаввур киламиз?» деб савол куйди ва унга жавобан шундай деди: «Бизнинг тасаввуримиз хам куп томонлама, хам икки томонлама инсонпарварлик, маънавий-маданий алокаларини ривожлантиришга бутун чоралар билан кумаклашишдан, савдо ва иктисодий муносабатларни жадаллаштиришдан, кескин экология муаммоларини, биз Копенгагенда утказилган жахон ижтимоий анжуманида дунё микёсида хам, минтакавий микёсда хам кутариб чиккан инсон омили масалаларини хал этиш учун куч-гайратларни жинслаштиришдан иборатдир».

Туркийзабон давлатлар бошликларининг 1996 йил октябрда булиб утган Тошкент учрашувида хам дустлик ва биродарлик рухи устун булди. Айникса бу учрашувнинг Сохибкирон Амир Темур таваллудининг 660 йиллиги тантаналари кунларида утганлиги унга алохида файз ва маъно багишлади.

Минтакамиз халкларини маънавий жихатдан янада жинслаштиришда анъанавий тарзда республикалараро кунларнинг утказилиши катта ахамият касб этади.

Маълумки, 1994 йил 23 майда Узбекистонда Козогистон кунлари очилди. Бу бежиз эмас, албатта. Кадимдан бир маънавий-рухий иклимдан нафас олиб келган халкларимиз тарихининг, айникса, бугунги масъулиятли даврда акл, заковат ва шижоат, дунёвий салохият ва миллим гурур талаб этиладиган даврда яна хам якинрок, яна хам мехр-окибатлирок булишлари лозимлигини хаётнинг узи такозо килмокда. Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, «козок ва узбек халклари тарихнинг барча даврларида бирга булган, ёнма-ён кадам-ташлаб, турмушнинг бор шодлигу рамини бирга бахам курган. Асрлар утган, ижтимоий тузумлар узгарган бутун-бутун салтанатлар вужудга келган ва емирилиб кетган, хукмдорлар узгарган, бирок козок билан узбекнинг кардошлиги ва дустлиги баркарорлигича колган. Янглишмасам, козок халкининг «девор бузилар— пойдевор колар, беклар кетар — халк, колар» деган доно маколи бор.

Хозир дустлигимиз, кардошлигимизнинг янгидаври юз очди. Мустакил миллат, уз мустакил ватанининг эгаси булган халкларимиз янги тарихни бошлади. Бу тарих — эрк тарихи, балогатга етиш, иктисодий ва маънавий кад ростлаш, жахон хамдустлигида уз номи ва нуфузини баркарор этиш тарихи булажак»[2].

1995 йил май ойида Алматида Узбекистон кунлари булиб утди. Бир гурух. фан, адабиёт ва санъат арбоблари Козогистон Республикаси Президентининг фармонига мувофик юксак мукофот ва унвонларга сазовор булдилар. Жумладан, «Ялла» ансамблининг рахбари Фаррух Зокировга «Козористонда хизмат курсатган маданият арбоби» деган юксак унвон берилди.

Марказий Осиё фан, адабиёт ва санъат арбоблари Кушни республикаларнинг юксак мукофоти билан такдирланмокда. Бу эса уз навбатида кардош халкутаримизминг маънавий жипсланишига замин яратмокда. 1995 йил 31 августда таникуш киргиз ёзувчиси Чингиз Айтматов Президентимиз карорига мувофик Узбекистон Республикасининг «Дустлик» ордени билан такдирланди. Уз навбатида Узбекистон ёзувчиси Носир Фозилов 1995 йил Козогистон Президентининг мукофотига сазовор булди. Буларнинг хаммаси Туркистон халкларининг янада маънавий якинлашуви ифодаси эканлиги шак-шубхасиздир.

Узбек болалар адабиётининг таникли вакили Турсунбой Адашбоев куп йиллардан буён киргиз адабиёти намуналарини узбек тилига таржима килиб келади. Кондош ва жондош киргиз элининг Туктарул, С. Эралиев, С. Жусуев каби шоирларининг шеърий тупламлари, Ж. Мавлонов, Т. Косимбеков хамда Ш. Абдураманов сингари таникли ёзувчиларнинг насрий асарлари шулар жумласидандир. Т. Адашбоев, «Манас» юбилейи арафасида мазкур достоннинг насрий баёнини узбек тилига угирди ва у 20 минг нусхада «Чулпон» нашриётида чоп этилди.

1995 йил сентябрь ойида Киргизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев узбек шоири Турсунбой Адашбоевни ««Манас» достонининг минг йиллиги» эсдалик медали билан такдирлади.

Марказий Осиё республикаларининг маънавий жипслашувида Урта Осиё Фанлар академиясининг таъсис этилганлиги хам катта роль уйнашини алохида кайд этиб утмогимиз лозим. Мазкур академия Марказий Осиё мамлакатларининг олдида турган минтакавий муаммоларнинг илмий асосларини ишлаб чикишда катта ахамият касб этади. Орол муаммоси, минтакамизда ягона иктисодий худудни таъсис этиш йуллари, бой миллий маданиятимизни янада равнак тоитириб, халкимизни маънавий жипслаштириш, савдо-сотик. алокаларини янада ривожлантириш каби масалалар шулар жумласидандир.

## 10-мавзу: Моддий – иқтисодий қадриятлар (2-соат).

**Режа**:

1. Моддий –иқтисодий қадриятлар тизими.
2. Иккинчи табиат (сунъий табиат) моддий қадрият сифатида.
3. Мулк – иқтисодий қадриятлар негизи эканлиги. Хусусий мулк қадрият сифатида.

**Таянч тушунчалар**

Географик муҳит, биосфера, гидросфера, иккинчи табиат, иқтисодий қадриятлар, мулк, мулк шакллари.

**Адабиётлар:**


1. И. Каримов Ўзбекистон иқтисодий юксалиш йўлида. Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Ўзбекистон XXI –асрга интилмоқда. Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Ўзбекистон қарамлик ва мустамлака йилларида. Т.: 1996.
4. К. Назаров. Қадриятлар фалсафаси (аксиология) Т.: 2004.
5. Ж. Туленов. Қадриялар фасафаси. Т.: Ўзбекистон, 1998.

**1-масала**. Географик муҳит, асосан, тоғ, чул, океан сингари улкан, табиий объектларга нисбатан жойлашган ўрнига кўра белгиланса, иқтисодий географик муҳит – жаҳоннинг эркин иқтисодий минтиқалари, жаҳон савдо йўллари, йирик савдо –саноат марказлари, табиий бойликлар каби объектлар киради. Сиёсий географик ўрин эса муайян давра алоҳида давлатнинг бошқа давлатларга нисбатан жойлашуви, харбий можаролар рўй бераётган ёки рўй бериши мумкин бўлган худуд ва давлатларга нисбатан камчилик алоқадорлигига кўра бахоланади.

Иқтисодиётда ва кишилар турмуш тарзининг ўзига хослигида табиий шароит мухум омилдир. Табиий шароитнинг ўзига хослигида эса жойнинг табиий географик ўрни муҳим омил ҳисобланади.

Географик муҳит имкониятлари давр ўтиши билан ўзгариши мумкин. Бунга турли сиёсий воқеалар, йирик табиий бойликларнинг топилиши ва ишга солиниши, мухим транспорт йўлларининг қурулиши ҳамда бошқалар сабаб бўлади. буни юртимиз иқтисодий географик ўрнига хос ўзгаришлар мисолида кўриб чиқамиз. Маълумки, милоддан аввал 2 асрдан то 5 асргача Шарқни (Хиндистон, Хитой) Ғарб (Европа мамлакатлари) билан боғлаб турган асосий савдо йўли – “Буюк ипак йўли” Ўрта Осиё орқали ўтган. Натижада Ўрта Осиё бозорларида мол айри бошлаш авж олиб, у нунармандчилик ва деҳқончилик тараққиёти, шаҳарлар, фан, маданият равнақи жиддий туртки бўлган, кейинчалик Шарқ билан Ғарб ўртасидаги савдо йўллари курикликда денги океанларига кучган Ўрта Осиё иқтисодий географик ўрнидаги қулайликлар камайган, 9 аср охирларида Ўрта Осиёда темир йўл қурилди. Натижада Самарқанд, Тошкент каби йирик шахарлар темирйўл орқали Россиянинг марказий районлари билан боғланиб, Ўзбекистон худудининг иқтисодий географик ўрни яна қулайлик касб эта бошлади.

Аммо мустамлака шароитида иқтисодий географик ўрин қулайликлари Ўзбекистон манфаатларига хизмат қилмади. Табиий географиу муҳит ҳам, иқтисодий географик муҳит ҳам Ер сайёрасида жойлашган. Ер сайёраси тўртта асосий қобиққа бўлинади:

1. Атмосфера.
2. Биосфера.
3. Гидросфера.
4. Литосфера.

Атмосфера ернинг “ҳаво қобиғи”дир. Ана шу атмосфера қобиғининг мавжудлиги Ернинг биосфера яъни “ҳаёт қобиғи”нинг асосидир. Ернинг биосферасига табаит, инсон, ўсимликлар олами, ҳайвонот дунёси, ер юзидаги барча микро ва макро организмлар киради. Бизга маълумки, ер юзининг 4/3 қисми сўв билан қопланган. Гидросфера эса ернинг “сув қобиғи”дир. Литосфера сўзи лотинчадан олинган бўлиб, ернинг “тош қобиғи” деган маънони беради. Юқоридагиларнинг ҳаммаси географик муҳитни белгилайди. Географик муҳит эса инсон ва жамият мавжудлигининг зарурий шароитидир.

Қулай географик муҳит ишлаб чиқариш самарадорлигининг муҳим табиий омилидир. У айниқса, қишлоқ хужалиги, фойлади қазилмалар қазиб чиқариш ва транспорт харакатида яққол билинади. Фан –техника юксала боргани сари ишлаб чиқаришнинг табиатга боғлиқлиги камайиб, айни вақтда унинг табиатга таъсири кучаяди. Натижада табиатни муҳофаза қилиш, унинг бойликларидан фойдаланиш ва уларни тиклаш муҳим вазифага айланади.

Ўзбекистоннинг худудий стратегик ва қулай географик имкониялари хусусида фикр юритиб, Президентимиз И.А.Каримов шундай деган эди: «Амударё билан Сирдарё оралиғида жойлашган Ўзбекистон халқаро алоқаларни йўлга қўйиш нуқтаи назаридан ва ўз тараққиёт истиқболлари жиҳатдан қулай географик, стратегик мавқеига эга”.

Ҳар қандай худуднинг географик ўрнини баҳолашда унинг металлургия базасига, йирик транспорт тугунларига, фан технека марказларига, бир сўз билан айтганда имконият ақл заковати, қўли билан яратилган объектларга нисбатан қандай жойлашиши эътиборга олинади.

**2-масала**. Ўзбекистон табиий ресурсларига ниҳоятда, даражада бой, нисбатан юқори иқтисодий ва ишлаб чиқариш техника қудратига эга, жумхурият корхоналарида илмий ишлаб чиқариш, лойихаконструкторлик ва бошқа ташкилотларда асосан юқори билимли мутахасислар мехнат қилади.

Мана шундай қудратга эга бўлган халқимиз ўтмишда анча ночор кун кечириб келди. Бунинг сабаби шундаки, республика иқтисодиёти собиқ СССР марказ иқтисодий тармоғнинг ажралмас қисми деб ҳисобланиб фақат хом ашё етказиб берадиган ўлкага айланиб қолган эди. Халқимиз эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган истеъмол моллари бошқа республикалардан келтириб берилади. Натижада республикамиз марказга тўлиқ қарам бўлиб қолган эди.

Ҳаёт шуни кўрсатадики, фақат хом ашё етиштириш, сурункали ночорликка гирифтор қилади. шуни хисобга олган холда, республикамиз ўзининг барча имкониятлари ва резервларини тўғри хисобга олиб чиқиб, Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш имконини берувчи тузилмани вужудга келтиришини, ўзимизнинг мустақил иқтисодий системамизни яратишни асосий мақсад қилиб қўйди.

Эндиликда табиий қадриятларимиздан аёвсиз фойдаланишга атроф –мухитга зиён етказишга йўл қўймаслик, Ўзбекистон иқтисодиётининг бир томонлама хом ашёвий йўналишига қатъий бархам бериш республика ички сиёсатининг энг мухим стратегияси хисобланади. Мазкур сиёсатни амалга оширишда ҳозирги кунда хукуматимиз республиканинг иқтисодий мустақиллиги мустаҳкамлаш, импорт хажмини камайтириш ва экспортга мўлжалланган ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга қаратилган сийсатни мунтазам равишда амалга оширмоқда. Эндиликда хориждан келадиган сармояларга қарам бўлиб қолмасдан ўз ички имкониятларимизни ишга солиб иқтисодиётни ривожлантиришимиз даркор.

Шунингдек, хозир устуворлик тармоқларини, яъни нефть, газ саноати, электро энергетика машинасозлак ва кимё саноатини тезкорлик билан ривожлантирилиб, тармоқлар ва минтақалараро номуносибликни қисқартиришга эътибор кучайтирилмоқда.

Табиий ресурслар ишлаб чиқаришнинг бевосита алоқадор, яъни унинг хом ашё хамда энергетика баъзасини ташкил этади. минерал бойликлардан оғир саноатда, сув бойликларидан саноат, қишлоқ хўжалиги ва маиший эҳтиёжларда, эр (тупроқ) унумдорлигидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилди. Шунингдек, ўсимлик ва хайвонот дунёси бойликларидан ҳам фойдаланилади. Биз каттагина худудга ва битмас – туганмас қуёш энергиясига эгамиз.

Табиий бойликлар икки турга ажратамиз:

1. Тугамайдиган бойликлар – Агро иқлим бойликлари (ядро энергияси, шамол энергияси, оқимлар энергияси, денгиз сувининг қалқиш энергияси).

2. Тугайдиган бойликлар.

А) тикланмайдиган бойликлар (тузлар, олтингугурт, фосфорит ва бошқалар)

Б) тикланадиган бойликлар (ер, сув, хаво, ўрмон, тупроқ., ўсимлик ва ҳайвонот бойликлари).

Тугамайдиган табиий бойликларидан фойдаланиш имкониятлари деярли чексиздир, лекин бу имконилардан техникани ҳозирги тарақиёти даражасида жуда оз фойдаланмоқда. Аммо мамлакат иқтисодиётининг хом ашёга ва ёқилғига бўлган эҳтиёжи тўхтовсиз ошиб бормоқда.

Купгина корхоналар ҳар йили энг катта шаҳарлар аҳолиси истеъмол қиладиган сувдан кўпроқ сувни талаб қилмоқда. Қишлоқ хужалиги ҳам кўп сув талаб қилмоқда. Айрим санаот районлари Тошкент, Фарғона, Навоий каби шаҳарлар худудида хосил бўлаётган кисларот улар эҳтиёжини қондирмайди. Холбуки кислород манбаи бўлган ўсимликлар ўнлаб йилларда тикланади. Тупроқ бойликлари эса ундан ҳам секин тикланади. Инсоннинг табиатга таъсири ортиши билан экологик муаммолар юзага келмоқда. Тикланмайдиган бойликлардан оқилона фойдаланишнинг асосий шароитлари қуйидагилардан иборат.

- конлардан қазилмаларни тўлиқ қазиб олиш;
- атроф муҳитни бузулишга йўл қўймаслик;
- барча қимматли моддалардан мажмуавий фойдаланиш;
- гиологик қирирув ишларини тадрижий давом эттириш;
- махсулот бирлига сарф бўладиган хос ашёни ва ёқилғини тежайдиган техника ва технологияни қўллаш.

Мамлакатимиз худуди табиий шароити ва хужалигидаги ахамиятига кўра, чўл, адир, тоғ, яйловлардан иборат. Адирлардан олтин, нафть, газ, кўмир сингари фойлади қазилмалар топилган. Наманган, Андижон, Фарғона, Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларидаги нефть конларининг аксарияти адирлардан жойлашган. Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 444,1 млн гектарни ташкил этади. Бундан 26,1 млн гектар қишлоқ хўжалигига тегишлидир. Мамлакат умумий ер майдонининг 5 млн гектарга яқинидан деҳқончиликда фойдаланилади. Бу асосан суғориладиган лалми ерлардир. Ўзбекистоннинг дарёларидаги йиллик сувнинг 70-95 % 3-4 ой давомида баҳор ёки ёзда оқиб ўтади. Сув бойликларидан самарали фойдаланиш чораси сифатида дарё сувлари сунъий омборларга йиғилиб йил давомида тежаб сарфланади. Ер бойликларидан ҳам оқилона фойладаниш зарур. Зоқур қазиб ер оси сувларини қочириш, вақти –вақти билан тупроқни ювиб туриш каби меллорация ва агротехника чоралари ердан тўғри фойдаланишнинг муҳим тадбирлари ҳисобланади.

**3- масала**. Инсон эҳтиёжларини қондиришда табиий қадриятлар катта аҳамият касб этади. Табиий қадриятларга ер ва ер ости бойликлари, сув, ҳаво, ўрмонлар, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси ва бошқалар киради. Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон замини хилма хил қазилмаларга бой. Ер юзасига яқин ётган қазилмаларнинг аксарияти очилган ва улар халқ хўжалиги, фан ва техника тараққиёти учун хизмат қилмоқда. Шу билан бирга хали очилмаган, рўёбга чиқмаган конлар ҳам кўп.

Бу конларнинг жуда кўп қисми бевосита ер юзига чиққан бўлса, аксарияти ер ичкарисида яшириниб ётибди. Иқтисодий аҳамятга эга бўлган табиий хом ашё буйумлари “фойдали қазилмалар” Ўзбекистон республикасининг миллий бойлиги, унинг асосий қадриятларидандир. Ўзбекистон бехисоб табиий бойликларига, қулай географик муҳитга эга.

Табиат табиий русурслар манбаидир. Табиий русурслар яъни ёнилғи, ҳар хил материаллар , рудалар ҳаво, сув ўсимликлар, ҳайвонот дунёси бўлмаса инсоният яшай олмайди. Табиат биз учун моддий неъматларнинг бош манбаи ҳам соғлиқ, шодлик, турмушга меҳр мухаббатнинг ва ҳар бир кишидаги маънавий бойликларнинг битмас туганмас омили сифатида ҳам ўзининг ғоят зур аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайди.

Она –Ер кишилар учун моддий неъматлар манбаи, дастлабки меҳнат воситаларининг хазинасидир, инсоният тараққиётининг бешигидир. Ердан инсон ўзи учун нарсаларни ундиради. Ер инсонни боқади. Таниқли инглиз иқтисодчи олими Вильзм Петти айтганидек, меҳнат бойликнинг отаси бўлса, Ер унинг онасидир. Инсоннинг кундалик ҳаёти ва севинчлари ҳам Ер туфайлидир. Шундай экан, инсон учун ғоят даражада муҳим ва зурур бўлган ҳаёт манбаи – Ерни қадрламаслик, эзозламаслик мумкин эмас!

Зотан, Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида ёзиб қўйилган: “Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат мухофозасидадир”.

Инсон меҳнати, хатти-харакати, ақл-заковати билан яратилган “иккинчи табиат”, яъни турли-туман моддий бойликлар, завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш кучлари, транспорт воситалари, асбоб-ускуналар, турар-жой, мол-мулк, ноз-неъмат ва шу кабилар моддий қадриятлар хисобланади.

Маълумки, моддий қадриятларнинг асосини жамиятимизнинг моддий техника базаси ташкил қилади. инсоният жамиятнинг ҳар бири ўзига хос моддий техника базасига эга. Улар бир-биридан сифат жихатидангина эмас, балки миқдор жиҳатдан ҳам фарқ

қилади. тош ва ёғочдан ясалган содда қуролларни ишлатиш , ёйнинг ихтиро қилишини ва ов қилиш, оловдан фойладанишнинг кашф этилиши, металлдан меҳнат қуролларини ясаш ва бошқа шу кабилар ҳаммаси ибтидоий жамият моддий-техника базаси учун характерлидир. Бироз такомиллашган меҳнат қуролларини деҳқончилик, ҳунармандчилик ва қурилиш ишларида қўллаш, оғир жисмоний мехнат талаб қиладиган барча соҳаларда қулларнинг меҳнатидан шавфқатсизларча фойдаланиш қулдорлик жамиятининг моддий-техника базаси учун хос белгилардир. Шамол ва сув тегирмонларидан фойдаланиш, металларни эритиш ва уларни қайта ишлаш йўлларини яхшилаш феодал жамиятига таллуқли моддий техника базадир.

Йирик ва кучли машиналарни ихтиро қилиш, ижтимоий ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан кенг фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш ва механизациялаштириш, янги технологияни жорий этиш, табиий, моддий ва мехнат ресурсларидан ҳар томонлама фойдаланиш индустриал жамиятнинг моддий-техник базасини ташкил этади.

Мулк инсонлар томонилан ўзлаштирилан ва эгалик қилиш мумкин бўлган барча нарсалардир. Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва хайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умумий бойлик ҳисобланади. Улардан оқилона фойдаланиш зарур ва муассасаларнинг мол-мулклари, давлат аҳамиятига эга бўлган маданий ва тарихий бойликлар, давлат бюджетининг маблағлари, олтин захираси, давлатнинг валюта фонди ва бошқа давлат маблағлари эвазига яратилган ёки сотиб олинган мол-мулклар давлат мулкини ташкил этади. давлат мулки бўлган мол-мулклар давлатга тегишли корхона, идора ва ташкилотларга хужалик юритиш ёки бошқариш учун бириктириб қўйилади.

Мулкнинг иккинчи шакли – хусусий мулкдир. Хусусий мулнинг мулкдор якка алоҳида шахс булганда мулкдан фойдаланиш, эгалик қилиш тасаввур этиш шу биргина шахс қўлида бўлади. бундай хусусий мулк эгаси якка шахс бўлган хусусий мулк деб юритилади.

Хусусий мулкнинг мулкдори ва фирмалари бўлганда мулкдан фойдаланиш, эагалик қилиш ва тасаруф этиш ҳуқуқга бу шахслар орасида муайян келишувга кўра тақсимланган бўлади. бундай хусусий мулк баъзаси жамоат мулки деб ҳам юритилади.

Мулк шаклларини давлат мулкидан хусусий мулкка ўзгартиришга хусусийлаштириш, деб аталади. Хусусий мулкни давлат мулкига айлантиришга эса национализациялаштириш, деб юритилади. Маълумки собиқ иттифоқ республикамиздаги барча ишлаб чиқариш воситалари, завод ва фабрикалар давлат тасарруфида эди. Мустақмлликка эришгандан сунг бозор иқтисодиётига ўтиш йўлини танладик. Бу корхонанинг кўпчилигини хусусий мулкка айлантиради. Хусусийлаштириш деб ном олган бу жараён хали ҳам давом этмоқда. Хусусийлаштириш натижасида кичик корхоналар, дуконлар, хунармандлик устахоналари, уй жойлар эгаси якка хусусий мулкка, катта-катта корхоналар эса эгаси бир неча шахсдан иборат хусусий мулк- жамоа мулкига айлантирилди.

Моддий иқтисодий қадриятларимиздан унимли фойдаланишда мулкий муносабатларни тубдан ўзгартириш катта аҳамият касб этади. шуни эътиборга олган холда респуликамизда мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, уни хақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда мулк эгаси хиссиётини тарбиялашга қапатилган ишлар ривож топмоқда. Бунда ўрта, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш қўл келаётир. “Хусусий тадбиркиорлик ташаббусини қуллаб-кувватлаш ҳақида” ги қонун қабул қилиниши, “Бизнес фонд” амалий алоқалар маркази, “Мадад” сугурта жамиятининг тузилиши кичик тадбиркорликни янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Иқтисодий истиқболларни амалга оширишда тайёр махсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, унинг сифат ва рақобатбардошлигини жаҳон бозори талаблари даражасига етказиш катта ахамият касб этади. Бунда иқтисодиётда амалга оширилаётган таркибий –структуравий ўзгаришлар қўл келмоқда. Ислоҳатлар каттасида иқтисодиётимизда кўзга кўринарли ижобий ўзгаришлар содир бўлмоқда. Нефть

ва газ саноати, элект энергияси, машинасозлик ва кимё саноат корхоналари анча барқарор ишламоқда. Металлургия саноати, қишлоқ хужалигини саноати комплекисида, енгил ва мебель саноатида ва бошқа бир неча тармоқларида ишлаб чиқриш хажмларини ошириш бўйича ижобий интилишлар кўзга ташланди, менерал ўғитлар, трактролар, газламалар ва бошқа бир қатор буюмлар ишлаб чиқришда ҳам сезиларли даражада ўсишга эришилди.

Ўзбекистон худудининг ҳар бир қисми географик ўрнининг бетакрорлигидан, биринчи навбатда табиий шароит ва бойликлари, ахолининг мехнат фаолияти ҳамда турмуш тарзининг ўзига хослиги шаклланган. Иқтисодиёт асосан жойнинг махаллий табиий бойликлари замирида ривожланган. Транспортнинг такомиллашувига қараб иқтисодий баъза жойларда четдан келтирилган хом ашё шаклланган. Илмий кашфиётлар, интелектуал мулк ишлаб чиқариш ҳамда малакали кадрлар асосан йирик шахарлардаги илмий муассасаларда тайёрланади. Шунга мувофиқ илм ва малака талаб ишлаб чиқаришлар шахарларда ривожланса, бошқа жойлар қишлоқ хужалиги ёки саноат хом ашёси етказиб беради.

Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач бозор иқтисодиёти муносабатларига асосланган жамиятни барпо этишга киришилади. Бозор иқтисодиётига асосланган мамлакатни барпо этишнинг асосий шартлари:

1) давлат мулкини хусусийлаштириш;

2) куп улкали иқтисодиётни вужудга келтириш;

3) ишлаб чиқариш корхоналари ва мулкдорлар ўртасида ўзаро рақобатлашиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

4) мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат.

1992-1993 йилларда 28, 8 минг юридик шахс 53,9 мингта хусусий объект эгаси бўлади.

2002 йилга келиб Ўзбекистон ахолисининг асосий қисми қайсидир шаклдаги мулк эгаси бўлади.

2003 йилнинг биринчи яримига келиб мамлакатда 698 корхона ва объект давлат тасарруфидан чиқарилди.

## 11-мавзу: Маданий - маънавий қадриятлар (4-соат).

**Режа:**

!. Илм – фан ютуқлари қадрият сифатида. Илмий қадриятларнинг жамият ҳаётидаги ўрни.

2. Архетиктура, маданий обида ва ёдгорликлар қадриятлар сифатида, уларни жаҳон ҳамда жамиятимиз маънавий камолотидаги ўрни.

3. Адабиёт ва санъат асарлари, халқ хунармандчилиги – маънавий қадриятлар сифатида.

**Таянч тушунчалар**:

Фан, маданий юксалиш ва тараққиёт, уйғониш даври, илмий кашфиётлар, маъмун академияси, Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, архетиктура, маданий обида, ёдгорликлар, адабиёт ва санъат асарлари, халқ хунармандчилиги, илмий техникавий салоҳият.

**Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. “Юксак малакали мутахассислар тараққиёт омили” Т., Ўзбекистон, 1996.

2. Ғофуров Н., Халилов Б., Алиев О. “Маданият ва жамият” Т., 1997.

3. Хожимуродов Н. “Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш”Т.1991

4. Хайруллаев Н. “Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари” Т., Ўзбекистон, 1971.

5. Умаров Э. “Эстетика” Т., 1995.

6. Мамадазизов М. «М. Улуғбек ва унинг расадхонаси”. Т., 1994.

7. Жураев Н. Юксалиш. Т., 1996.

**1-масала**. Марказий Осиё жаҳоннинг илму фан, фалсафа, дин, адабиёт ва санъат қадимдан ривожланган, тарихи нихоятда бой минтақалардан биридир. Сўнги тарихий ва археологик тадқиқотлар ана шу муқаддас заминда одамзоднинг илк фаолияти бир милион йилга яқин эканалигидан далолат беради.Жумладан кўплаб оғзаки ва ёзма манбаалар, турли асорати-атиқа обидалардан маълум бўлишича Днепрдан Олтойгача бўлган минтақада скифлар, Каспий орти тегислигида массагетлар, улардан шарқроқда саклар, сўғдлар, бақтерияликлар, хоразмийлар, парфянлар яшаганлар.

Ҳозирги Марказий Осиёликларнинг ўтмишаги ана шу аждодлари асримиздан бир неча минг йиллар илгари суғоришга асосланган деҳқончилик ҳамда чорвачилик, овчилик, балиқчилик билан шуғулланганлар.

Ҳозирги тожик, ўзбек, туркманларнинг аждодларида суғорма деҳқончилик маданияти шу қадар ривож топганки, ҳатто биргина Аракс (ҳозирги Амударё) ҳавзаларида жуда кўплаб сунъий суғориш каналлари, сув иншоатлари қазилиб чўл ва сахроларга сув олиб чиқилди.

Шу тариқа моддий ва маънавий қадриятлар яратилган. Аждодларимиз яшаган худудларда қадимги хилма хил маданият ўчоқлари таркиб топган ва ривожланган.

Минтақамизда милоддан аввалги 5 минг йилликда минтақамизнинг марказий ва шимолий районларида эса милоддан аввалги 3 минг йилликда қишлоқ хўжалиги билан бирг хунармандчилик, кончилик, мис ва темир эритиш, металлардан ҳар хил ҳарбий ва меҳнат куроллари ясаш, кемасозлик, тўқувчилик, бинокорлик, заргарлик ҳам тараққий эта бошлаган. Сўғдиёна, бақтерия, хоразм каби дастлабки давлатлар, Тошкент, хева, мароканд (Самарқанд), киропол (ҳозирги Уратепа) ва бошқа шаҳарлар пайдо бўлган. Дунёдаги энг қадимий цивилизациялардан бири мана шу минтақада вужудга келган.

Марказий Осиё халқларининг энг буюк маданий мувофаққиятларидан бири ёзувни ихтиро этканликларидир. Бу ерда ёзувнинг тарихи жуда қадим замонлардан бошлаган. Милоддан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви кенг тарқалган. Искандар Зулқарнайн, Александр Макидонский истелосидан кейин юнон ёзуви ҳам кириб қолган.

Эрамиздан олдинги биринчи минг йиллик ўрталарида оромий ёзуви негизида Авесто, Хоразм, Суғд, Кушон, Урхун-Енесей, уйғур ёзувлари вужудга келган. Ёзувнинг ихтиро қилиниши, инсон билим доираси ва дунёқараши кенгайиши ва чуқурлаша боришига хизмат қилади.

Кўриниб турганидек, Марказий Осиё халқларининг хусусан ўзбекларнинг маданияти тарихи илдизлари, ижтимоий, фалсафий, ахлоқий, диний, бадиий қарашлари ва фикрлари шакллана ва ривожлана боришининг илк даврлари қадим замонларга бориб тақалади.

Авлоду-аждодларимизнинг қадим ижтимоий- иқтисодий ҳаёти, урф- одатлари, анъаналари, маданияти, тили, тарихи бадиий-фалсафий жиҳатдан ўзига хос тарзда акс эттирадиган оғзаки ижодиёти ниҳоятда бой ва хилма-хилдир. Мифлар, афсоналар, қаҳрамонлар тўғрисидаги достонлар, тўй хашамларда, халқ йиғинларида, байрамларда, сафарларда айтилган ашулла-қўшиқ ва лапарлар, лирик шеърлар, мақол ва маталлар, масал ва топишмоқлар, халқ оғзаки ижодиёти маданиятининг энг қадимги ва узоқ тарихга эга бўлган соҳаларидир.

Уларнинг ижодкори, оғиздан-оғизга, авлоддан-авлодга авайлаб асраб ўтказувчи асосий куч, барча моддий ва маънавий бойликларнинг яратувчиси, бирмас-туганмас манбаи бўлган халқдир.

Тарих қаридан, неча –неча ўтмиш даврлардан бизгача эсон-омон етиб келган мифлар, афсона ва ривоялар, достонлар, эртак, мақол ва қўшиқлар ўтмишнинг шунчаки бир акс-садоси эмас, балки халқ кўнглидаги қайғу-хасрат ва шодликнинг йўлдоши, унинг билим қомуси, унинг диний ва фалсафий китоби ҳамдир. Халқ оғзаки ижодиётининг намуналари бўлган эртаклар, ривоятлар ва достонлар билан танишар эканмиз, халқда воқеаларни олдиндан кўра билувчи ажойиб қобилият ва истеъдод бор эканлигини у ҳеч

қачон орзу-умидсиз яшамаганлигини ҳар доим келажак томон интилганлигини англаб оламиз. Ҳар қандай миф, эртак ва афсонанинг қадимги ривоятнинг замирида халқнинг муайян мақсад ва ниятлари, мавжуд ижтимоий-иқтисодий вазиятга бўлган муносабатлари, меҳнат машаққатларини енгиллаштириш, меҳнат унимдорлигини ошириш ва турмуш шароитларини яхшилашга бўлган интилишлари яшириниб ётган бўлади. Улар халқ оммасининг даҳоси, унинг талаб ва эҳтиёжлари асосида вужудга келиши билан бир қаторда, ўз навбатида уларнинг ўзи кишиларнинг маънавий, ақлий, ахлоқий тараққиётига туртки вазифасини ҳам ўтаган; меҳнатни севишга ўргантган, табиатнинг хатарли кучларига қарши курашиш ва уларни олдини олишда кишиларга ёрдам берган, оламда рўй бериб туралиган мураккаб ходиса ва жараёнлар сир асрорларини билишга даъват этган. Инсон фикри тафаккури ва ҳаёлотини ўтмишдан келажакка томон тортган, ҳаётни севишга чорлаган.

Мифлар, эртак ва ривоятлар, термалар, достонлар барча форклёр асарлари ўтмишнинг энг катта хужжати аждодларимиздан бизга қолган нодир бойликдир. Жамики, санъат асарлари ва маданият ёдгорликларини ҳеч иккиланмай инсон кўнглидаги шодлик ва қувончнинг, ғам ва андуҳнинг ифодаси, инсон ақл-идроки, диний қомус, битма-туганмас хикматлар хазинаси, деб айтиш мумкин.

Марказий Осиё халқлари оғзаки ижодиётнинг энг  қадимги турларидан бири – мифдир. Яхшилик билан ёмонлик, нур билан зулмат, бах билан бахтсизлик ўртасидаги кураш ва бу курашда эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши ҳақидаги ғоя дунёнинг бошқа халқларида бўлганидек, бизнинг мифлар учун ҳам характерлидир. Қайт этилишича, яхшилик оламига Ахурамазда, ёмонлик оламига Ахриман бошчиқлик қилади, бахт ва бахтсизлик, ҳаёт ва момот шу  қарама қарши кучлар ўртасидаги кураш ва унинг оқибатларига боғлиқ. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги жангу жадаллар эзгулик учун курашадиган Метра, Анахита, Қаюмарс, Жамшид, Гершасп образида ва бахтсизлик тимсоли бўлган Ахрима, див, аждар, жинлар билан боғлиқ мифларда ўз ифодасини топган.

Эзгулик мифларида Митра кишиларга нур, иссиқлик, бахт саодат бахш этадиган, душманларга дахшат соладиган, кишиларни офатдан қутқарадиган қуёш худоси сифатида, Анахита эса ер, сув ва ҳосил мабудаси, қаҳрамонларга куч қувват ва мувофаққият бахш этувчи тарзида тасвирланади. Мифларда тасвирланишича, Қаюмарс, Ахурамазда томсонидан яратилган биринчи одам ва инсоният ибтидосидир. Жамшид – ема- адолатли хукрдордир. Еманнинг хукмдорлик даври олтин давр ҳисобланади. У даврда одамлар гўё ўлим ва қаршилик нималигини билишмаган. У ер юзини уч баравар кенгайтиради. Чорвани ва турли хил қушларни ниҳоятда кўпайтиради. Кўпчилик шарқ мамлакатларида бўлгани каби Марказий Осиёда ҳам қадимги ер, осмон, қуёш, юлдуз ва сайёралар ҳақида космогоник мифлар вужудга келган. Уларда инсонларнинг табиий муҳит, коинот, самовий ҳодисалар ҳақидаги ўй фикрлари, ҳаёлотлари ифодаланган. Инсонлар тақдири, қисматини юлдузларга қараб башорат қилиш мумкинлиги, бахт юлдузи ҳақида қанчадан-қанча афсоналар ва ривоятлар яратилган. Мифалогиядан инсонларга ризқ берадиган ер, нур ва иссиқлик беадиган осмон бениҳоят эзозланган, ота қуёшга, она эса ойга қиёсланган.

Марказий Осиёда бир неча минг йиллар оша юзага келган тарихий тараққиёт жараёнида миф ва афсоналар ижодини қайта ишланган, янги –янги воқеа ва маълумотлар, фикр-тушунчалар ва ғоялар билан бойиб такомиллашиб инсоният маънавий маданиятига хисса бўлиб қўшилган.

“Тўмарис”, “Широқ”, “Зариагр” ва “Одатида”, “Зарина ва Стриандия”, “Уч оғайни ботирлар”, “Қаҳрамон”, “Маликаи Хуснабот” каби қиссалар ва “Алпомиш”, “Қирққиз”, “Гўрўғли”, “Равшан”, “Авазхон”, “Чамбил қамали”, “Ойсулув”, сингари достонларида ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятга эга бўлган фалсафий ғоялар илгари сурилган.

Қахрамонлик хақидаги достонларининг, эртаклар ва афсоналарнинг фалсафий моҳиятини белгилайдиган, уларнинг асосий негизини ташкил этадиган умумий ғоя – инсон учун жондан азиз ҳисобланган муқаддас даргоҳ – Ватаннинг истиболи, эрки ва

мустаҳкамлиги учун ажнабий душманларга қарши муросасиз курашиш ҳар эркагу аёлнинг, каттаю кичикнинг олий инсон бурчи эканлиги ҳақидаги фикр мулоҳазалардир.

Марказий Осиё халқларининг босқинчиларга қарши курашини бадиий акс этирувчи Тўмарис ва Широқ тўғрисидаги ривоятлар фикримизга мисол бўлади. Тўмарис ҳақидаги қиссада массагетлар маликаси Тўмариснинг Эрон босқинчиларига қарши курашдаги мардлиги, довюраклиги, жосорати, донишмандлиги, ватанига садоқати, душманларга нисбатан зийра к ва хушёрлиги чуқур баён этилган. Қиссада айтилишича Эрон шоҳи Кир масагетлар юртини ўзига қарам қилиш, бойликларни талаш мақсадида Тўмарисга уйланмоқчи бўлиб совчилар юборади. Малика шоҳнинг асл мақсадини тушуниб унга қайлиқ бўлишни, ўз элини қул қилиб топширишни истамаслигини қатъий қилиб айтади. Шундан сўнг очиқ тажаввузга ўтади ва масагетлар томон қўшин тортади. Шоҳ дарёдан ўтиш учун кўприклар қурдира бошлайди. Унинг бу хатти-харакатларидан хабардор бўлган тўмарис кирга элчи шундай дейди: “Эй шоҳ қилаётган ишининг тўхтат! Ҳали сен бошлаган ишнинг қандай тугашуни билмайман-ку? Қўй, сен юртингда подшолик қилавер, бизни ҳам ўз холимизга қўй. Лекин сен бунга кўнмайдиган кўринаса. Агар биз билан куч синашмоқчи бўлсанг, у ҳолда кўприклар қуриб, овора бўлма, биз дарёдан уч кунлик нарига кетамиз, сен бизнинг еримизга ўт ёки ўз юртингда учрашишни истасанг шуни ҳабар қил”.

Малика Тўмарис рахбарлигидаги массагетлар Эрон билан бўлажак қонли тўқнашувига, ҳаёт – мамот жангига хозирлик кўра бошлашади. Массагет қўшинлари беомон жангда эронийларни мавҳ этиб, ғалабани қўлга киритишади. Жангда Кир ўлдирилади. Жанг майдонида эмас, найрай билан қўлга олиниб халок бўлган ўғли Спарангиз доғида ўртанган Тўмарис ўз суворийларига ўлдирилган Кир калласини кесиб, олдига келтиришни, бир мешни эса қон билан тўлдиришни буюради. Шундан сўнг у соч соқолига қон ёпишиб қолган каллани қўлга олиб, унга шундай хитоб қилади: “Эй номард, сен мени – жангда халоллик билан енгиб чиққан бир аёлни – маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг, сен умринг бўйи қонга тўймадинг, мен ўз онтимга амал қилиб сени қон билан суғордим. Бировнинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу”.

Ватанни ҳимоя қилиш, эрксеварлик, юртпарварлик, ватанпарварлик аждодларимизнинг қон – қонига сингиб кетганлиги Широқ хақидаги тарихий ривоятда ҳам чуқур ва хар тарафлама очиб борилганлигини эслаб ўтиш мумкин. нақл қилишларича, эрадан бурунги V аср охирларида Доро бошчилигидаги Эрон қўшинлари Турон элига бостириб кириб, унинг худудидаги турли уруғ ва қабилаларни бирма – бир бостириб ола бошлайди. Доро қўшини билан сак қабиласи ўртасида жанг давом этиб турган пайтда Широқ исмли чўпон йигит подшоҳх хузурига келиб, агар болаларига, оиласига, авлодига ғамхўрлик қилишса, душманни якка ўзи хийла билан халок этачагини айтади, уларнинг вадасини олгач, Широқ ўча ердаёқ қулоқ бурнини кесади. Сўнг саклардан Эрон қўшинлари томонига қочиб ўтган киши сифатида эронийлар турган жойга келади. Широқ Дорога арз қилиб, ўзини саклардан алам кўрган киши қилиб кўрсатади. Эрон қўшинини саклар турган жойга олиб боражагини, ғалабани таъминлашга ёрдам беришини айтади. Эрон қўшинини йўлга бошлайди. Атрофи сувсиз қуруқ қум саҳрога бошлаб боради. Душман қўшини сувсизликдан саҳрода халок бўлади. шу тариқа душман қўшинини якка ўзи енгади. Широқ ўз эл – юртини химоя қилиш учун жонидан кечади. Борса келмас жойга келиб қолганидан ғазабланган Доро ўлимга махкум қилинган ёлғонинг сабабини сўраганда Широқ кулиб, бундай дейди: “Мен ғалабани қўлга киритдим, чунки ватандошларим бўлган саклар бошидаги фалокатни бартараф етдим, эронийларни сувсизлик ва очликдан ўлдирдим, энди нима қилсаларинг ихтиёр ўзларингда”. Сак элининг мард ўғлининг бошини кесадилар. Лекин саклар қўшини омон қолади.

**2- масала.** Ўрто Осиёда яшаган қадимги авлод – аждодларимизнинг ижтимоий – иқтисодий ҳаёти, урф – одатлари, этиқоди, тарихи, маданий мероси, жумладан, фалсафий фикрлари хақида қимматли маълумотларига ега бўлишида “Авесто”, “Баҳистун”,

“Бундахиш”, “Денкард” сингари ёзма ёдгорликлар мухим тарихий хужжат сифатида алоҳида аҳамиятга ега. Ўрто Осиё халқларининг фалсафий фикрларига доир қимматли маълумотларини олишда зардуштийлик динининг муқаддас китоби хисобланган “Авесто” қадимий тарихий адабий манбалардан бири бўлиб хизмат қилади.

“Авесто” да акс этган асосий фалсафий ғоялар, диний эътиқоднинг етакчи тушунчалари тарихий шахс Зардуштнинг номи билан боғлиқ. Унинг исмига нисбатандин ҳам шундай ном билан яъни зардуштийлик деб аталади.

Манбаларда ёзилишича, зардушт таҳминан мелоддан аввалги 570 йилларда тўғулган ва 77 ёшида ибодат қилаётган чоғида душман қоҳинларидан бири томонидан орқасидан ханжар санчиб ўлдирилган.

Зардуштга қадар аждодларимиз ҳар хил диний тасаввурларга эътиқод қилиб яшаганлар. Диний эътиқодларнинг турли туманлиги ибтидой муносабатлар ўрнини синфий жамият, қадимги қулдорчилик жамияти ола бошлаган пайтида барча қабилаларининг ягона мафкура асосида уюшишларига алақочон тўғаноқ бўлиб қолган эди. Ўлканинг турли қабиларини бирлаштириш, уларни илк буюк давлатчилик ғояси атрофида уюштириш зарурияти туғулиб қолган эди. Ана шундай заруриятни тушуниб етган илғор кишилардан бири сифатида Зардушт тарих сахнасида пайдо бўлди. Зардушт кўп худолилик тасаввурлари, табиат ходисаларига сиғинишга қарши чиқиб, якка худолик ғоясини тарғиб қилди. Уни одамлар пайғамбар сифатида қабул қилишган. Зардуштийлик жуда қадимий динлардан бўлиб, ибтидоий тузумдан қулдорликка ўтила бошлаган пайтларда Ўрта Осиёда пайдо бўлган ва алоҳида диний дунёқараш сифатида шаклланган.

Зардушт дини ўзи ҳаёт чоғида баъзи ўлкаларга ёйилган бўлса, унинг вафотидан кейин янада кенгроқ тарқалди. Ўрта Осиёда, жумладан, Хоразм ва Суғдиёнада шаклланган Зардуштийлик Озайбайжонда асосий диний эътиқодлардан бири сифатида кенг тарқалган, Эрон салтанатининг расмий динига айланган. Ўтмиш динларининг энг кучлиларидан ҳисобланган зардуштийликка Искандар Зулқарнайн ва араблар босқинчилиги даврида катта путур етказилган.

Зардуштийлик динининг қонун-қоидалари «Авесто”да баён этилган. “Авесто” китоби милоддан бир неча асрлар илгари юзага келган. Манбаларнинг кўрсатишича, “Авесто” ўн икки минг ошланган мол терисига олтин харфлар билан битилган экан.

Абу Райҳон Берунийнинг «Ўтмиш халқлардан қолган ёдгорликлар”асарида бу хақда шундай дейилган: «Доро ибн Доро хазинасида ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нусхаси бор эди. Искандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни куйдириб юборади. Шунинг учун Абистоннинг бештан учи йўқолиб кетди. Абисто ўттиз наск (қисм) эди. Мажусийлар қўлида ўн икки насқ чамаси қолди”.

Ўзига хос қомусий билимлар мажмуаси бўлган «Авесто” бир қанча китобларга бўлинган бўлиб, ҳар қайси ички китоб яна бир неча бобларга бўлинган. Масалан, учинчи китоб “Ясна” деб аталган бўлиб, у 72 бобдан иборат. Бунинг 28 бобидан 53 бобигача бўлган қисмларида зардуштийлик дини асосчиси Зардуштийнинг ўзига нисбат берилган. Унинг 17 боби готлар-гимн (қисми) лар деб аталган. «Авесто” нинг 22 бобдан иборат бўлган “Вендидат” деган қисми Ахурамазда билан Зардуштнинг савол жавоби шаклида ёзилган. «Авесто” да ўтмиш аждодларимизнинг диний тасаввурлари, коитон ва ердаги дунёнинг яратилиши билан боғлиқ афсона ва ривоятлар, ўрта Осиё, Эрон ва Озайбайжоннинг тарихи, ижтимоий – сиёсий, иқтисодий ҳаёти географияси, табиати, нобаботи, илм-фани ўз аксини топган. Унда қадимги Турон ўлкаси ва Эроннинг ўзига хос иқлими, суви, хайвонот дунёси, ер тузилиши, саҳролари, тоғлари ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Эзгулик худоси Ахурамазда Спитамид Зардуштга бундай дейди: “Эй, ” Спитамид Зардушт, мен, Ахурамазда, бу нохиш, ғамгин жойни фароғатли ўлкага айлантирдим. Энг аввало ғоят эзгу жой қилиб, юртлар ичра, энг яхши юрт қилиб, Даитийа дарёси ёқасидаги гўзал Эронвежни яратдим... Мен, Ахурамазда яратган юртларни иккинчиси Вава – суғдлар яшайдиган юрт. Бу ерда яйловлар бўлиқ, ўтлоқлар серўт,

моллари семиз... Учинчи ўлка – Моуру (Марғиёна) қудратли юрт, ҳақ йўлига содиқ юрт. Ғаразгўйлик, ҳасад, манманлик, фитна – фасод «Авесто” да қаттиқ қораланса вадага вафо қилиш ахдга садоқат самимият холислик, ўзаро иззат-икром каби ахлоқий қоидилар улуғланади. “Авесто” дунёни, инсонни синов майдони деб тушунтиради. Зардуштийлик дини ва унинг асосий китоби «Авесто” да берилган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо – сотиқ шартномаларга қатъий амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан холи юксак даражада эзозланади. Таъкидланишича, имонли одам ўғрилик ва талончиликдан бегоналар мол мулкига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига виждонига хиёнат қилишдан четда юради, ҳам танини, ҳам қалби руҳини пок тутади.

«Авесто” да одамларни имонли бўлишга, пок тоза юришга, танани озода тутишга, ҳар қандай ёмон ният ва сўзлардан тийилишга, ҳар қандай ёмон амаллардан воз кечишга, ножуя ишлардан юз ўгиришга даъват этадиган ахлоқий қоидалар, диний ўгитлар, фалсафий ғоялар ниҳоятда кўп.

«Авесто” да кўрсатилишича дунёда ҳар доим яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ёвузлик ўртасида кураш боради, кураш оқибатида яхшиликнинг ғалабаси билан якунланади. Ахурамазда доимо одамларни эзгуликка чорлайди.

Китобда агар Ахурамазда юборган қонунлар ва ўгит насиҳатларга амал қилсалар, имонли бўлсалар, эзгулик ёмонлик устидан, ёвузлик тимсоли бўлган Ахримандан ғолиб келадилар, дейилган.

Ҳаёт ва ўлим, ёруғлик ва қоронғулик, эзгулик ва ёвузлик, адолатли қонунлар билан адолатсиз қонунлар ўртасидаги кураш «Авесто” да бутун табиат ва жамиятга хос деб қаралади. Бу ҳақда шундай дейилган: “Мен азалдан мавжуд бўлган икки руҳий субстанция ҳақида гапирмоқ. Бизнинг фикримиз, таълимотимиз, эътиқодимиз, нутқимиз, қилмишимиз, моҳиятимиз бир-бирига мутлақо қарама-қарши туради”. Китобда эзгулик билан ёвузлик ўртасида абадий курашла оралиқ йўл йўқ, бинобарин, ҳар бир одам бу жараённинг у ёки бу томонида иштирок этишга мажбур эканлиги айтилган. Бир-бирига қарама- қарши бўлган ўзаро курашаётган кучларнинг қайси бири томонидан туриш, унда таъкидланишича, одамларнинг иймон-эътиқодига боғлиқдир. Иймон-эътиқодли одам албатта эзгулик тарафида туради, эзгуликни ёвузликдан фарқлайди, ёвузлик тимсоли бўлган девлар, иблисларга қарши курашади.

«Авесто” да қайд этилган энг муҳим фалсафий фикрлардан бири инсонларни меҳнат қилиш, ўз қўллари билан моддий бойликлар яратиб тўқ, фаровон ҳаёт кечиришга даъват этилганлигидадир. Зардуштийликда инсон чорванинг кўпайишига, яйловларнинг гуллаб яшнашига ёрдам берган тақдирда, тинмай меҳнат қилгандагина худонинг иноятига ноил бўлади, дейилади. Зардушт худо Ахурамаздадан ер юзидаги энг яхши жойга қаерд, деб сўраганда у, инсон қаердаки ўзига уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотин ва фарзандларига, подаларига ўтин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорва ва итларга тўқ яшаса, уйида ноз-неъматлар муҳайё бўлиб, хотун ва фарзанддари фаровон яшаса, уйида эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил, ўша гўша улуғдир, мухтарамдир, деб жавоб беради.

«Авесто” меҳнат қилиб, бойлик яратиб, жойларни обод қилиб, қўриқ ва бўз ерларни хайдаб, суғориб ўзлаштирган , сут, гўшт-ёғ, дон-дун етиштириб жамият тараққиётига йўл очиб берган, фаровонликни таъминланган деҳқонлар, чорвадорлар, овчиларни улуғлайди. Унда, масалан, ерга мехр қўйиб меҳнат қилиш зарурлиги ҳақида айтилган. Кимда ким ҳам ўнг қўли билан, ҳам чап қўли билан, сўл қўли ва ўнг қўли билан ерга ишлов берса, ерга фойда велтиради. Ер ҳам ундан ўзининг ҳар хил ноз-неъматларини, зироатларини, мўл-кул ҳосилини аямайди, деийлади китобда.

Кимки ерга вақтида ҳам ўнг қўли, ҳам чап қўли билан ишлов бермаган, меҳнат қилмаган бўлса, ундай кимсаларга Замин: “О сен, одам, менга топинмайдиган, меҳнат қилмайдиган одам! Сен ҳақиқатан ҳам тиланчилар қаторида, от эшикларга таъзим қилиб, абадул-абад бош эгиб туражаксан! Ҳақиқатдан ҳам сенга ёнингда ҳар хил зироатларни

олиб ўтадилар, бу ноз-неъматларнинг барчаси меҳнат қилаётган: тўқ ва фаровон яшаётган хонадонга насиб қилади. Адабул абад шундай бўлажак!”, - деб жавоб беради.

Зардуштийлик дини ва унинг «Авесто” китобида дунёнинг моддий асоси деб хисобланган ер, тупроқ, ҳаво, муқаддаслаштирилади. Ер ва ҳаво шундан эъзозланганки, ҳавони бўғлаш, ифлослантириш, хайвонлар ўлиги у ёкда турсин, одамлар жасадини ҳам ерга кўмиш, сувга оқизиш, оловга ёқиш гуноҳ ҳисобланган. Мархумлар ерни, сувни, хавонизаҳарлаб қўймасликлари учун уларнинг жасадларини махсус сопол идишларга кўмиш расм бўлган.

Зардуштийлик таълимоти бўйича ариқлар ва дарёлар сувидан фақат ичиш учун фойдаланиш мумкин, унда чўмилиш, уни нажос билан харом қилиш, унга тупуриш, хайвонларни оралатиш ман қилинган.

Шундай қилиб, «Авесто” ўша даврдаги кишиларга инсон бутун умри давомидаги сувни, тупроқни, умуман, дунёдаги жамики яхши нарсаларни пок сақлашга бурчлидир, деб таълим беради. ана шу ғоядан инсон ўзи ўсиб улғайган замин – Ватанни севса, атроф муҳитни тоза сақлашни ўзининг ватанпарварлик бурчи деб билса, шундагина у ҳақиқий баркамол инсон хисобланади, деган фалсафий хулоса чиқади. Зардуштийлик динига амал қилган Марказий Осиёдаги қабилалар сувга ва оловга сажда қилганлар, қуёшни илоҳий мавжудод даражасига кўтарганлар. Хоразмда, Самарқандда олиб борилган қазишлар натижасида Марказий Осиё халқларининг қуёш худоси ҳисобланган Митрага, ер, сув унумдорлик худоси Анахитага сиғинганликларини исботлайдиган буюмлар топилган.

«Авесто” да деҳқончилик билан шуғулланиш уч минг марта ибодат қилиш ва юзлаб жонворларни қурбонликкасўйишдан афзал хисоблаганлар. Унда айтилишича, экин экиш – ердаги ёвузликка барҳам бериш демакдир. Ғалла ердан униб чиққанда, - дейилади «Авесто” да – девлар ларзага келади, ғалла ўриб олинаётганда девлар нола –фарёд қилади, ғалла янчиб ун қилинаётганда, улар қоча бошлайди, хамир қилинаётганда эса девлар маҳв бўлади. ғалланинг мўл-кўл бўлиши гўё девларнинг лабига қизитилган темир босгандай уларни тумтарақай қилади.

Бундан кўринадики, Зардуштийлик дини одамларни мехнатдан, реал ҳаётдан ажратмаган ва бу нарса у даврларда яратилган ёзма адабиёт намуналарига ҳам, айниқса, халқ оғзаки ижоди намуналарининг фалсафий, ғоявий-бадиий мундарижасига ҳам ижобий таъсир этган.

Шундай қилиб, “Авесто” дунёда энг қадимги дин бўлган Зардуштийликнинг муқаддас китоби бўлиш билан бирга, аждодларимизнинг узоқ ўтмиш тарихи ва тафаккур тараққиётининг қомусий йиғиндиси, уларнинг тили, ёзуви, маданияти ҳақидаги адабий-бадиий ва фалсафий ҳамдир.

Зардуштийлик Марказий Осиё араблар истелосига қадар ҳам, ундан кейинги даврларда ҳам яккаю-ягона дин бўлмаганлигини айтиб ўтишга тўғри келади. Минтақамиз аҳолиси эфталитлар давлати, сўнгра Турк хоқонлиги хукм сурган даврлар, ундан кейинги пайтларда ҳам зардуштийлик билан бирга будда, насроний (христианлик), моний ва кам (шомон) каби бир неча динларга сиғинишган. Ўтроқ ва кўчманчи ахоли ўртасида бу динларга эътиқод қилувчи қавмлар қв жамоалар бўлган, Масалан, 6 аср охири 7 аср бошларидан айрим турк хоқонлари будда динини қабул қилиб бутхоналар қурилишига хомийлик қилганлар. 8 афта Балх шахрида юзта, Термизийда унтача, қабодиёнда 3 та будда ибодатхонаси бўлган. Будда дини тоҳаристонда, Суғд, Фарғона шарқий туркистонда ҳам кучли бўлган Самарқанд вилоятининг Ургут тумани бутун марказий Осиёда насроний дини тарғиботининг марказларидан хисобланган. Ўрта Осиё халқлари ҳаётида зардуштитийлик, насронийлик ва будда динлари асосида юзага келган моний дини ҳам чуқур илдиз отган, моний таълимотича, оламнинг ибтидоси бир-бирига қарама-қарши икки куч эзгулик ва ёвузликдан иборат бўлиб, улар ўртасида абадий кураш боради. Бу курашда яхшилик тантана қилади, ёвузлик мағлубиятга учрайди.

Исломгача марказий Осиёда буддизмнинг, моний қарашларининг хатто насроний динининг маълум даражада тарқалганлигига қарамай, диний эътиқод бобида зардуштийлик

дини асосий ўрин тутган. Жаҳон динлари кейинги 2-2,5 йил ичида қанчалик такомиллашган уларнинг маросимлари, урф-одатлари нечоғлик хилма хиллашган, бойиган бўлмасин барибир улар зардуштийлик динининг ворислари хисобланади.

6-8 асрларда яратилган қадимий туркий тилда ёзилган ўзига хос хатда битилган урхун энасон ёдгорликларида туркий халқларнинг фалсафий ижтимоий сиёсий қарашлари, эл юртига мухаббати, қахрамонликлари, хорижий босқинчиларга қаҳру нафрати ўз ифодасини топган.

Қадимий туркий халқларнинг тарихи, маданияти, тили, ижтимоий фалсафий фикрлари билан анишишда Урхун Энасой ёдгорликларидан тунюкук, Култегин, Билга хақон битикларининг аҳамияти айниқса каттадир. Буни иккинчи турк хоқонлигига асос солган Элтартиш хоқонининг маслахатчиси ва саркардаси туюкукда бағишланган 712-716 йилларда ёзилган битиктош мисолида кўриш мумкин. битикда туркийларнинг бир қанча душман қабилаларига қарши кураши, туюкукнинг халқ олдидаги хизматлари, донолиги, тадбиркорлиги, жасурлиги хикоя қилинади.

732 йилда ўнатилган култегин битигидаги барча воқеалар култегиннинг акаси билгахоқон тилида асли (исми Муғилиён) баён этилади. Муғилиён сунги турк хоқонларидан бири бўлиб "Билка-қон" – "Улуғ хоқон" унвонини олган. Муғилиён жуда кўп уришлар олиб бориб турк хоқонлиги давлати чегараларини анча кенгайтирган. Харбий юришларнинг бирида улуғ хоқоннинг укаси Кул тигин зўр қахрамонлик кўрсатиб вафот этади. бига хақон Муғилиёнга ўзининг қилган ишлари ҳақида гултегин битигида халқига қарата шундай дейди: "Тангри ёрлақагани учун истеъдодим бахтим бор учун мен сизларга хоқон бўлдим. Хоқон билими йўқ, қашшоқ халқни яхшилаб оёққа турғуздим. Қашшоқ халқни бой қилдим, оз халқни кўпайтирдим, Ё у сўзда ёлғон борми? Турк беклар халқи буни эштинг. Турк халқини тўплаб давлат туғилишигизнинг бу ерда тошга ўйиб ёздим. Унга қараб билинг, туркнинг эндинги халқи беклари".

Култегин битигида турк хоқонлиги тарихида, билга хоқон давридаги воқеалар бирма бир баён этилади. Битиктош култигин мотам марсияси билан тугайди. Унга билга хоқон тилидан жудолик қайғуси инсон чидай олмайдиган даражада исхор этилади: "Иним Култигин вафот этди, вужудим алам чекди. Кўрар кўзим кўрмаётгандай, билар ақлим билмаётгандай бўлди (эс хушимдан ажралдим), жоним азобда қолди. Дунёни тангри ясайди, инсон болалари ҳамма ўладиган қилиб яратилган. Шунчалик алам тортимки, кўзга ёш келганда, кўнгилга йиғи келганда, қайта ғам чекдим, қайта қайғурдим. Икки шад, кейинги ини – жиянларим, ўғилларим, бекларимнинг кўзи, қоши ёмон бўлади, деб қайғурдим."

Култигиннинг оғаси Билга хоқон шарафига 735 – йилда ўрнатилган битиктошда хоқоннинг давлитини бошқарганлиги, кўпгина халқларни бирлаштиргани, мамлакатни хар жиҳатдан юксалтиргани тасвирланган. Шу билн бирга унга халқлар ўртасидаги ўзаро аҳиллик, тотувлик давлатнинг куч – қудрати асоси еканлиги ҳақида ҳам айтиб ўтилган.

Аввал қайт этганимиздек, "Авесто", Ўрхун Энасой ёдгорликлари ва бошқа ёзма ёдгорликлар қадимги Марказий Осиё халқларининг тарихи, ижтимоий – иқтисодий ҳаёти, маданияти, тили, қадриятлари, фалсафий, ахлоқий, диний қарашларини ўрганишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Ёзма ёдгорликлар фақат ўтмишни тушуниш учунгина эмас, балки бизнинг бугунги кунимизнинг, Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги маънавий масалаларини ҳал этиш, миллий истиқлол мафкурасини ишлаб чиқиш учун ҳам фойдалидир.

Юқорида айтилганларидан яққол қўриниб турибдики, Марказий осиё минтақаси Шарқ мамлакатлари каби азалдан юксак маданият, илм-фан, барча қадриятларнинг маскани бўлиб келган.

Ижтимоий-фалсафий фикрлашнинг пайдо бўлиш, ривожланиши ва уларнинг табиий ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларда намоён бўлиши хусусида юқорида қайд этиб ўтилганларнинг ҳаммаси буржуа тадқиқотчиларининг, фалсафий тафаккур Шарқ халқларида бўлган эмас, фалсафий таълимотлар улар учун мутлоқа ёт, фалсафа тўла

маъноси билан Ғарбда бошланган, деган даъволарнинг пуч ва тарихий ҳақиқатга тамомила зид эканлигини кўрсатиб ва исботлаб турибди.

9-15 асрлар марказий Осиё халқларининг маданий-маънавий тараққиётида, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий, диний, фалсафий таълимотлари ривожланишида кескин ўзгариш, туб бурилиш даври бўлди. Бу маданий жонланиш ва юксалиш жамият ҳаётининг барча соҳаларига кириб борди, маънавий ҳаётни қамраб олди. Ана шу Марказий Осиё халқлари дунё маданияти тараққиётининг энг олдинги, етакчи сафларида туриш даражасига кўтарила олади. Марказий Осиёнинг жаҳон маданияти тараққиётининг йирик ўчоқларидан бирига айланиши худуди шу пайтларга тўғри келади.

9 асрларнинг иккинчи ярмида равнақ топа бошлаган 10-12 асрларга келиб эса-мислсиз натижалар берган, буюк маданий юксалиш ва тараққиётнинг шарт-шароитлари, асосий сабаблари, манбалари, хал қилувчи қатон омиллари бор эдики, уларнинг нимадан иборат эканлигини билиш жуда муҳим.

Маданият ва маънавийтнинг жадал суръатлар билан тараққий этиб боришини ҳаётий заруриятга айлантирган энг асосий сабаблардан бири- Марказий Осиё халқларининг Эрк, Адолат, Ҳақиқат, Мустақиллик учун араб ва муғул босқинчилари зулмига қарши кураш олиб борган ҳаёт-момот жангларидир. Маълумки, 8 аср бошларида Марказий осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши улкамиз халқларининг иқтисодий, сиёсий, маданий-маънавий тараққиётига кучли зарба берди. Араб истелочилари жуда кўплаб шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилдлар, минглаб одамларни, олиму фузалоларни, косибу хунармандларни қиличдан ўтказдилар. Турон ўлкасига талон тарож қилиш ва бойлик ортириш манбаи деб қарадилар. Ўз хукмронликларини мустахкамлага, халқни мустамлакачилик исканжасида ушлаб туриш, мақсадида асрлар давомида яратилган маданий бойликларни емириб ташладилар, махалий ёзувларни йўқ қила бошладилар, қанчадан-қанча авлодлар алқ-закавати, истедоди билан яратилган ноёб ёдгорликларни, қадимги диний ва дунёвий қадриятларни, миллий урф-одатларни ер билан яксон қилдилар.

Истелочилар давлат ишларида ва фанда араб тили ва ёзувини мажбуран қўллай бошладилар, ислом динини зўрлик билан жорий этдилар. Абу райхон Беруний «Ўтмиш авлодлардан қолган ёдгорликлар” асарида Қутайба Хоразм ёзувини билган, Хоразм афсоналарини сақлаган кишиларни, уларнинг орасида бўлган олимларнинг ҳаммасини турли йўллар билан таъқиб остига олди ва йўқ қилиб юборди”, - деб ёзган эди.

Араб босқинчиларининг узоқ давом этган мустамлакачилик зулми халқнинг сабр-косасини тўлдирди. Халифалик хукмронлигига қарши 7-9 асрларда, Гуран, Девоштий, Бобак, абу Муслим, Муқанна, Рафеъ ибн Лайс раҳбарлигида қарийб юз йил мобайнида олиб борилган халқ курашлари Турон ва хуросонда араб босқинчилари хукмронлигининг таназзулга юз тутиши билан тугади. Марказий Осиёда 9 асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб араб халифалиги тугатилди ва унинг ўрнига бу ерда мустақил феодал давлати пайдо бўлди.

Шундай қилиб, Марказий Осиёда чет эл босқинчилари хукмронлигининг тугатилиши 10-11 асрларда жуда кўплаб мустақил феодал давлатларнинг вужудга келиши натижасида феодал ишлаб чиқариш муносабатларининг, ички ва ташқи савдонинг, хунармандчиликнинг ривожланиши, илм-фан ва маданиятнинг, фалсафанинг равнақ топиши миллий қадриятларнинг тикланиши ва такомиллашиб боришига кенг шароит яратилди. бу даврда мамлакат ичидаги ўзаро урушлар камайди. Бухоро, Ургенч, Марв, Тошкент ва бошқа жойларда хунармандчилик, косибчилик анча ривожланди. Буларнинг ҳаммаси маданият ҳамда фаннинг ривожланишига сабабчи бўлди.

Сўз юритилаётган даврлардаги илмий-фалсафий тафаккур тарихи жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий тарихи билан ҳам узвий боғлиқдир. Араблар ва мўғиллар тажаввузидан қутилиб мустақил бўлган Марказий Осиёда каналлар, қалъалар, саройлар, қуриш фақат амалий тажрибанинг эмас, балки жойни ривожлантириш, мураккаб хисоблаш ва ўлчашларни, математика, геодезня, табиатшунослик фанларини, узоқ

мамлакатларга чўллар орқали сафар қилиш эса, юлдузларга қараб йўл топишни, яъни астраномия илмининг ривож топишини тақозо этди.

9 асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг халқаро иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқаларнинг ўсиши нафақат табиий балки ижтимоий гуманитар фанларнинг янада кучлироқ ривожланиши ва тараққий этишига сабаб бўлган эди. Араб халифалиги хукмронлиги барбод бўлганидан сўнг Шарқ ва Ғарб мамлакатлари, биринчи навбатда, Марказий Осиё давлатлари ўртасида анча иқтисодий, маданий алоқалар вужудга келди. Турон заминнинг Юнон, Рим, Ҳиндистон, Эрон, Араб мамлакатлари, шунингдек, Кавказнинг қадимий маданияти билан яқинлашуви фан, адабиёт, ижтимоий-фалсафий фикрнинг янада кенгроқ тарақий топишига имконият туғдиради. Марказий Осиёда Шарқ ва Ғарб илмий алоқалари кўп асрлик илмий хамкорлик анъаналари асосида бир бирини бойитиш ўзаро таъсир асосида содир бўлди.

Марказий Осиёдаги кўпгина хукмдорларнинг ўз саройларида файласуфлар, тарихчилар, шоир ва ёзувчиларни, олиму фозилларни диний арбоблар ва ҳуқуқшуносларни, хуллас, барча аҳли донишни тўплаб, уларга хомийлик қилганликлари ўша давр фани ва маданияти тараққиётига ўз ижобий таъсирини кўрсатди. Хукмронлар орасида Қобус ибн Вашмгир, хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун, Амир темур, Шоҳруҳ Мирзо, Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро, Захриддин Муҳаммад Бобур сингари кўплаб фан ва маданиятнинг ҳимоячилари бўлган. Уларнинг ўзлари айни пайтда буюк донишмандлар ҳам бўлиб, турли соҳалардаги нодир асарлар ёзишган, ўз даври фан ва маданият тараққиётига ёрдам беришган.

Амир Темурдек буюк соҳибқурон ҳам атрофига илм ва диннинг машҳур кишиларини тўплаб, олимларнинг фикри ва мулоҳазаларига, маслаҳатларга ҳамма вақт эътибор билан қараган. Унинг фан, маданият арбоблари, шайхлар, диний уламолар, умуман ахли донишларга кўрсатган ҳурмати, ёрдами ҳаммага маълум.

Жамият тараққиёти ўртага қўйган талаблар ҳамда мавжуд шарт шароит туфайли 9-15 асрларда Марказий Осиёда, яқин ва Ўрта шарқ мамлакатларида илм-фан ва маданият чинакамига гуркираб ривожланди, гуллаб яшнади.

Ана шу даврларда Марказий Осиё халқлари орасидан ўзининг ақл-идроки ватафаккури, қомусий билими билан инсониятни лол қолдирган фан ва маданиятнинг сўнмас юлдузлари етишдилар.

Буюк тафаккур эгаларинимнг бутун бир авлоди етишиб чиққан, жаҳонни илм, маърифат ва маънавият нури билан ёритган ана шу давр Шарқ тарихида олтин аср ёки уйғониш даври деб аталади.

Уйғониш даври мутафаккирлари ўзларининг комусийлиги – бир пайтнинг ўзида ҳам файласуф, ҳам мусиқашунос, ҳам мантиқшунос, социолог ва филолог, ҳам тарихчи, шоир, метаматик, хуллас, илмнинг ҳамма чоҳасида етукликлари билан ажралиб турадилар, бу сиймоларнинг кишини лол қолдирадиган жиҳатларидан яна бири сифатида уларнинг бир неча тилда бемалол гаплаша олганликлари, ижод қила олганликлари, илмий манбаалар, асарлардан бекаму кўст фойдалана олганликларини ҳам айтиб ўтиш лозим. Улар илмнинг қайси масаласи билан шуғулланишга бўлса, ўша соҳада буюк кашфиётлар қилишди, ўтмишдошларидан ҳеч бири аллома забт эта олмаган фаннинг нурафшон чўққиларини забт эта олишди. Бундан ташқари уларнинг кўпчилиги фанда янгича йўналишларни, янгича тафаккур услубини ихтиро қилишди, тамомила янги таълимотларни яратишди ва илмий асослаб беришди. Буюк мутафаккирлар томонидан чуқур илмий асосланган ғоя ва таълимотлар фақат улар яшаган давр учунгина эмас, балки келажакни олдиндан башорат қилиш, табиий, ижтимоий воқеа ва жараёнларни олдиндан айтиб бериш нуқтаи назаридан ҳам бебаҳодир. Донишманд боболаримизнинг илмий-фалсафий таълимотлари тор миллий қобиқда ўралиб қолган эмас, балки ҳам миллий, ҳам умумбашарий аҳамиятга эга бўлган таълимотлардир. Яна шу нарса эътиборга сазоворки, Шарқ мутафаккирларининг деярли ҳаммаси ўз даврининг қайноқ ҳаёти марказида бўлишди, амалий ишларда фаол иштирок этишди, элим, халқим, юртим дея яшашди, халқ

ҳаётидан айро тушмадилар. Бу уларнинг ҳақиқий баркамол инсон, оташин ватанпарвар, халқпарвар ва буюк аллома эканликларининг белгисидир. Ўша буюк зотлар, қомусий ақл эгалари яшаган ва ижод қилган даврлардан бошлаб Шарқда, Марказий Осиёда илм-фан ва маданият, фалсафа катта қадамлар билан олға томон ривожлана бошлади. Бу тараққиёт узоқ давом этди, бир неча юз йилларни ўз ичига қамраб олади.

**3- масала**. Халқ анъанавий ижод турлари. Масалан, ўзбек аёлларининг дуппичилик ёки каштачилик каби амалий санъатини олайлик. Тарихий – этнографик топилмалар кўрсатадики, ўлкамиз халқлари эрамиздан аввалги асрларда бошларига дўппи ёки унга ўхшаш бирор мато, жундан, теридан тикилган қалпоқлар кийиб юришган. Вақт ўтиши билан бош кийимларда худудий белгилар пайдо бўла бошлаган. XIV-XV асрларда ҳар бир шаҳарда дўппичилар маҳалласи бўлган, улар шу худуднинг мос белгилари (юмалоқ, тўрт бурчак, узунчоқ шакллари) ва нашқлар (нина гул, панжа гул япроқлари ва б.) га эга бўлган.

XIX асргача ижтимоий-иқтисодий ҳаёт асосан, майда хунармандчилик ва халқ амалий санъати анъаналарига қурилган бўлиб, Марғилон, Хожикент, Қуқон ипакчилик, Тошкент, Самарқанд ва Наманган терикўнчилик, Қарши ва Термиз гилам, палосчилик, Чўст Шаҳрисабз пичоқчилик, Бухоро ва Тошкент халат, дўппичилик, ёғоч ўймакорлиги марказлари хисобланган. Ушбу халқ санъати турларигача  чет элларда ҳам талаблар кўп бўлган. XX асрга келиб, ўлкамизда тикиш машиналарининг пайдо бўлиши халқ амалий санъатида ранг- баранг усуллар, мактаблар, нақший белгилар ва тасвирларнинг ўзгаришига сабаб бўлади. Натижада ўзбек аёлларининг амалий санъати айниқса, дўппичилик санъати бугун нафақат чет элларда, хатто қозоқ, қирғиз аёллариникидан ҳам кескин фарқ қилади. Агар қозоқ, қирғиз дўппиларининг шаклий тузулиши юмалоқ ўтовга ўхшаса, ўзбек дуппилари тўрт бурчакдир; агар биринчисида содда япроқ тасвирлари қўлланилса, иккинчисида мураккаб нина гул тасвирлари учрайди.

## 12-мавзу: Ижтимоий – сиёсий,хукукий қадриятлар (2-соат).

**Режа**

1. Ижтимоий – сиёсий қадриятлар тизими.
2. Демократия - сиёсий қадрият сифатида.
3. Ҳуқуқий кадриятлар..
4. Барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик – ижтимоий- сиёсий қадриятлар эканлиги.

**Таянч тушунчалар:**

Демократия, эркинлик, тингчлик, бирдамлик, қонун устуворлиги, барқарорлик, кўпартиявийлик, анъанавий давлатчилик ғоялари, миллатлараро тотувлик, ўзаро ҳамкорлик инсон манфаатлари устуворлиги, умуммиллий манфаатлар.

**Адабиётлар:**

1. И. Каримов. Озод ва обод ва Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсалимиз. 8-жилд. Т., “Ўзбекистон” 2000.
2. Х. Т. Одиоқориев. Сиёсий маданият. Т., 2004.
3. А. Азизхўжаев. Демократия – халқ ҳокимияти демакдир.
4. Аҳмадхўжа Шу азаз ватан барчамизники. Т., 1997

**1-масала**. Фуқаролик жамиятининг сиёсий ҳуқуқий асосларини барпо этишда эркинлиги масаласи қадимги дунё донишмандларидан тортиб то бугунги кунгача муҳим, долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бу ҳақида мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов шундай деб таъкидлайди: «Шуни очиқ тан олишимиз керак қонун устиворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қарашлардан тезроқ воз кечиш, ва аввало, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини олдинги ўрнига қўйиш ва шу асосда йўл тутиш, бу жараёнларни тубдан

тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масалалар бўлиб қолмоқда”[1] . Шу ўринда шахс эркинлиги масаласи нафақат бугунги кунда, балки Афлотун даврида ҳам энг асосий масалалардан бири бўлган. Афлотун ижтимоий- фалсафий қарашларини чуқур таҳлил этган Эрнест Кассирер: “Қонун – деб ёзилган у,- эркинликнинг ягона чинакам ифодаси ҳисобланади”. Афлотуннинг давлат тўғрисидаги фикрлари ва сиёсий донишмандлиги шундан иборатки, у ўз асарини “Қонунлар” деб атади. Эҳтимол, Афлотуннинг кўп мулоҳазалари бугунги кунда биз ҳуқуқий давлат деб атаётган тамойиларга тўғри келмас. Лекин яхлит олганда унинг асарида шундай теран мулоҳазалар борки, улар бугун эмас, эртага ҳам долзарб бўлиб қолаверади. Негаки, инсоният бир томондан, айнан ўша адолатли қонунлар уни ўз ҳимоясига олмоғи лозим. Бу дунёда мутлақадолат бўлиши осон эмас ва амалда бунинг иложи ҳам йўқ. Демак, мутлақ демократик давлатнинг ҳам мумкин эмас. Бу ҳақда нафақат антик давр ижтимоий-фалсафий қарашларида, балки ўрта асрлар Европа фалсафасида ҳам бир қатор мутафаккирлар фуқаролик жамиятининг сиёсий ҳуқиқий асослари ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Инсоният тарихида турли хил қонунлар фалсафий қарашлар, таълимотлар яратилганки, уларнинг ранг-баранглинини ва турли хил йўналишлар, оқимлар бўлганлигини таъкидлаш билан бирга доим такомиллашиб, маърифатлашиб, оқилона бир маромга тушиб борганлиги демократик тамойилларнинг сиёсий ва ҳуқуқий асослари миллий қадриятлар бевосита ўзаро диалектик боғлиқ эканлиги кўрсатувчи мезондир. мустақиллик шароитида сиёсат ва қонун муштараклиги инсон манфаати, демократик ва эркинлик талабларига қай даражада мувофиқлиги билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан демократик тамойилларнинг маънавий-ҳуқуқий асосларини барпо этишда миллий қадриятларнинг ўрни масаласи миллий давлатчилигимизни шакллантириш муаммооси билан бевосита боғлиқдир. Ана шу диалектик жараённинг ўзига хос ижтимоий – фалсафий қирраларини таҳлил этишда энг аввало, фалсафа ва ҳуқуқ ўртасидаги ўзаро боғлиқлик масаласи алоҳида диққатга сазовордир. Фалсафа тарихида қадимдан улар ўртасидаги боғлиқликни кўрсатувчи “ҳуқуқ фалсафаси” нинг кўплаб мутафаккирлар томонидан ўртага ташланиши тасодифий хол эмас эди, албатта.

Шу нуқтаи назардан мумтоз олмон фалсафасининг асосчиси И.Кант ҳам ўзининг фалсафий қарашларида фуқаролик жамиятининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини қуйидагича таърифлаган: “Ҳуқуқ эркинликнинг умумий қонуни нуқтаи назаридан бир киши (шахснинг) ўзбошимчалиги бошқа кишининг ўзбошимчалигига мувофиқ келадиган шарт шароитлар мажмуидир”[1] .

Кант ҳуқуқни бундай тушунишда шахснинг маънавий автономияси ғоясига, унинг мутлақ ўзини-ўзи қадрлашига, унинг ўзига-ўзи қонун бера олиш қобилиятига, ўз бурчини билиши ва уни амалга ошира олишига таянади[2]. Эркинликнинг ва барча одамлар учун умумий қонуннинг бўлиши мумкинлигининг илдизи, Кантнинг фикрича, шахснинг ушбу маънавий автономиясида (яъни ўзини-ўзи англаши ва қадрланишида, ўз қонун эканлигида ва мустақиллигида)дир. Бундай фикрича қўшилмаслик мумкин эмас. лекин бизнинг фикримизча, кантнинг сиёсат ва қонун принципи аслида расмий-ҳуқуқий тенглик принципининг умумийлиги, индивиднинг мустақиллиги, унинг ирода эркинлиги ва ҳакозолар билан биргаликда замонавийлаштирилиши ҳисобланади, холос. “Бошқача айтганда,- деб таъкидлайди россиялик академик В.С.Нерсесянц, - Кантнинг ҳуқуқнинг ахлоқийлиги концепцияси ҳуқуқий мазмунига эга. Ва шунга кўра, сиёсий ва ахлоқийлик моҳиятига кўра юридик эканлиги тафайли ҳуқуқ фалсафаси учун аҳамиятлидир”[3] .

Кантнинг ижтимоий-сиёсий фалсафасини таҳлил этиш нафақат ўз моҳиятига кўра унинг ҳуқуқ фалсафаси юридик эканлиги туфайли аҳамиятли, балки ахлоқий қонун

---

[1] И.А.Каримов. Биз танланган йўл-демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11.
[1] И.Кант, Соя.Т.4.Ч.1.С.139.
[2] В.С.Нерсесянц. Ҳуқуқ фалсафаси. (маъсул мухаррир А.Х.Саидов), Т., “Адолат”, 2003.217-б.
[3] Ўша жойда.218 б.

сифатида ижтимоий-фалсафа методологиясида ҳанузгача энг кам ишлаган долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Демак, Кант ижтимоий фалсафасида бир томондан, ахлоқ ва ҳуқуқ, иккинчи томондан, сиёсат ўртасидаги ихтилофларни бартараф этиш муаммосига катта эътибор берилган. У ўзининг ижтимоий фалсафасида реал сиёсатнинг ҳар доим ахлоқ ва ҳуқуққа нисбатан мунофиқлигини, унинг бузуқ қоидаларини ва инсон табиатининг ожизлиги ҳамда ички ва ташқи муносабатларда ёвузликка қарши курашнинг ҳамда зўравонликка асосланган воситалари ва усуллари зарурлигини сабаб қилиб олиб, аслида ўзининг ғаразгуй мақсадларида уларни кўпайтирадиган ва абадийлаштирадиган, ахлоқий, ижтимоий, ҳуқуқий тараққиётга тўсқинлик қиладиган ярамас принциплари ва амалиётини кескин танқид қилади.

Умуман фуқаролик жамияти сиёсий ҳуқуқий асосларини барпо этишда миллий қадриятлар ўрнида ахлоқ унинг асосий ўзагини ташкил этади. Бу масала, айниқса шарқ халқлари, жумладан, ўзбек халқининг ўзига хос менталитетини белгиловчи муҳим омилдир. Шу ўринда мамлакатимиз Президентимиз И.А.Каримовнинг «Биз умуминсоний қадриятларни, демократик қадриятларни эътироф этадиган ривожланиш йўлидан изчиллик билан илгарилаб бормоқдамиз ва бу борада минг йиллик ўтмишимизни, менталитетимизни, тарихимизнинг ўзига хос жиҳатлари ва халқимизнинг бугунги ҳаётини эътибордан соқит қила олмаймиз”[4] деган фикрлари ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишда методологик асос бўлмоғи лозим. 2002 йил 27 январда ўтган умумхалқ референдуми ўз моҳият эътиборига кўра, ижтимоий –сиёсий ҳаётимизда ўта муҳим ўрин тутаётган бир қатор Конституциявий қонунлар қабул қилишни тарихий заруият қилиб қўйди. Аввало, айнан ушбу референдум натижаларига биноан, Олий Мажлиснинг VIII сессиясида «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида” ги Конституциявий қонун қабул қилинди. Бу ҳужжат Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи олий органи – икки палатали парламентининг тузилиши, таркиби, фаолият юритиш асосларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддатини етти йиллик қилиб белгилаш, энг муҳим – демократик ислоҳатларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти пойдеворини шакллантириш бўйича қонунчиликни такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини тасдиқлаб беради. Олий Мажлиснинг X сессиясида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида” ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги конституциявий қонунлар қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, референдум якунлари ва унинг асосида қабул қилинган учта конституциявий қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур бўлган ҳуқуқий асосни яратди. Олий Мажлиснинг IX сессияси кун тартибига “Ўзбекистон Ркспубликаси Конституциясига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ги масала киритилди ва бир қатор ўзгартиришлар киритилганлиги маълум.

Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини барпо этишда жаҳон тажрибасидан фойдаланиш тарихий заруриятдир. Бу ҳақда мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Агар биз демократия ва эркинлик, бугунги кунда тараққиёт топган дунё яшаётган меъёрлар, моделларни амалга ошириш йўлида ҳаракатланаётган бўлсак, буни кимгадир ёқиш учун қилаёганимиз йўқ. “Демократия оролчаси” ни эълон қиладиганлардан менинг фарқим шундаки, биз бу ишларни халқимизнинг манфаатлари, эҳтиёжлари ва истакларига жавоб бергани учун қилаяпмиз. Бу ишлар биринчидан, обрў орттиришни, иккинчидан, бирор фойда топишни ўйлагани учун қилинаётгани йўқ. Бизга бу нарса тўғри келмаслигини айтмоқчимиз”[1].

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг сиёсий-ҳуқуқий асосларини барпо этишда миллий қадриятларга таяниш билан бир пайтда Президент И.А.Каримов бир неча бор таъкидлаганларидек, “Албатта, демократияни ривожлантириш ва демократик жамият

---

[4] И.А.Каримов. Хавфсизлик ва тинялик учун курашмоқ керак. Т.10.Т.: “Ўзбекистон”, 2002, 190-б.
[1] И.А.Каримов.Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. Т.: “Ўзбекистон”, 2002, 190-б.

қуриш соҳасида ҳам биз Европа Иттифоқи андозаларини қўллашимиз керак бўлади. Бу- менинг қатъий фикрим. Европа Иттифиқога хос демократик қадриятлар, инсон тафаккури, таълим тизими, ижтимоий кафолатлар, аҳолининг ижтимоий ҳуқуқлари – буларнинг барчаси биз учун тўла мос келади. Мен ушбу тизимни кўр-кўрона кўчириб олишни назарда тутаётганим йўқ, албатта. Бизнинг ўз менталитетимиз, ўз муаммоларимиз бор ва биз бу жиҳатларни ҳисобга оламиз”[2] .

Биринчи хулоса- қандай қилиб патриархал ва қариндош уруғчилик муносабатлари устун бўлган, боз устига, уруғ-аймоқчилик манфаатлари ҳеч қилувчи омил бўлган феодал жамиятдан бир сакраб демократик давлат пайдо бўлиши мумкин. ана шундай босқичдан керак бўлса, тартибдан бошқа бир тизимга ривожланган демократия, боринки, ўтиш даври демократияси деб аталадиган тартибга қандай қилиб бирданига сакраб ўтиш мумкин.

Иккинчи хулоса – шундан иборатки, бир тизимдан иккинчисига ўтиш пайтида аҳолининг айрим қисмлари ўртасидаги норозилик ва ижтимоий кескинликка олиб келадиган вазият дунёнинг ҳамма мамлакатларида бор. Бундай норозилик ва кескинликни юмшатувчи бир қатор омиллари ҳам мавжуд. Уларда биринчиси, И.Каримов қайд қилганидек, “фуқаролик жамияти яхши ривожланган, кучли фуқаролик институтлар бўлган мамлакатда бундай воқеалар “инқилоб” деб аталадиган оқибатларга олиб келмайди ва бу борада ҳар қайси мамлакатда сайлаш ҳамда сайланишнинг барча талабларига риоя этилишидир”[3].

Учинчи хулоса – ҳар бир мамлакат ҳалқ томонидан қўллаб – қувватланадиган етакчиларнинг алмашиши ва сайланиши Крнституцияда белгиланганмуддатларда ўтишини таъминлаши билан боғлиқдир.

Тўртинчи хулоса шундан иборатки, демократия даражаси, одамларнинг тафаккур даражаси паст бўлган мамлакатларда, айниқса, диний экстремизм кўринишларида учраб турадиган давлатларда ижтимоий муаммолар жуда қийин ҳал этилади. Мана шу омилни албатта инобатга олган ҳолда уни сиёсий ва ҳуқуқий асосларини яратиш – фуқоролик жамиятини барпо этишнинг муҳим шарти бўлиб қолди.

**2-масала**. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида XX асрнинг 90 йиллари бошида қарор топиб, демократик тараққиёт йўлига кирди. Бу билан боғлиқ барча ижтимоий- сиёсий жараёнлар, амалга ошган тадбирлар ва жамият олдида турган вазифалар таҳлили Президент Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизлика таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараввиёт кафолатлари” асарида батафсил ифодалаб беради.

“Демократик тараққиётнинг пировард мақсади- фуқорлик жамияти барпо этиш мақсадига асосланган холда тубдан ўзгартириш даркор..... . Бунда кучли марказий давлат ҳокимияти ўзининг куч- ғайратини асосий умуммиллий вазифаларга, чунончи мудофа, давлат хавфсизлиги, ташқи сиёсат, валюта молия, солиқ тизимларини шаклланиш, қонунлар қабул қилиш вазифалари” га қаратади. Қолган соҳаларга оид масалалар босқичма- босқич маҳалий давлат ҳокимияти органларига, жамият бирлашмаларига, фуқороларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари ваколат доирасига қтказиб бориш мўлжаланади.

И.А. Каримов фикрича, демократиянинг ривожини баҳолаш учун 3 та мезон мавжуд.

1. Халқнинг қарорлар қабул қилиш жараёнларидан хабардорлиги
2. Хукумат қарорлари халқ томонидан назорат қилиниши.
3. Оддий фуқоролар давлатни бошқаришда қанчалик иштирок этиши.

Демократия сифатлари:

-миллий бирлик ва тегишли тарздаги мувофиқликка эга бўлиш.

-баланд иқтисодий ривожланиш даражасига эришиш.

---

[2] И.А.Каримов. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.: «Ўзбекистон”, 2005. 85-86 б.

[3] Ўша асар.118-119-б.

-демократик принцпларни жорий этиши, маданий нормалар ва қадриятларнинг кенг тарқалиши.

Демократик давлатнинг бой тажрибаси асосий демократик қадриятлар жумласига қуйидагилар киришини кўрсатади:

-бошқарувнинг демократик принциплари ва номаларининг давлат томонидан эътироф этилиши.

-асосий сиёсий институтларга нисбатан ишонч.

-бағрикенглик ва шахслар ўртасидаги ишонч.

- инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш.

-сиёсий ва ижтимоий фаоллик.

Ўзбекистонда демя- маҳаллий менталитет ва анъаналар, ислом ва традиционализмни ўзида акс эттирган "шарқона"лик моҳиятига эга. "Қадимги аждодларимиз,- дейди И. Каримов- комил инсон ҳақида бутун бир аҳлоқий талаблар мажмуасини, замонавий тилда айтсак шарқона кодексни ишлаб чиққанлар. Киши қалбида ҳаромдан ҳазар, нопокликка, адолатсизликка нисбатан муросасиз исён бўлиши керак. Шундай одамгина лавзини сақлайди, бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди, садоқали бўлади".

Жамиятни тараққиётда, инсон ҳаётида ижтимоий- сиёсий қадриятлар алоҳида ўрин тутади. Эркинлик, тенглик, биродарлик инсоният томонидан ҳамиша эъзозлаб, қадрланиб келинган.

Инсоннинг эркинлиги, унинг шон- шуҳрати ва қадр- қиммати жамиятимизнинг олий қадриятидир. Ўзбекистон Республикасининг Конститутциясида бу тўғрисида шундай сўзлар айтилган: "Ўзбекистон Республикаси демократия, умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Демократия ҳуқуқ ва эркинликлар Конститутция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади"[1].

Жаҳон халқлари томонидан эътироф этилган, "Инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари десократияси" га мувофиқ, Ўзбекистон республикасининг Конституткиясида ҳар бир инсоннинг фуқоролик, шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, шунингдек инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолатланган, фуқороларнинг бурчлари белгилаб қўйилган.

Жумҳуриятмиз барча фуқоролари бир хил ҳуқуқ ва жркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Конститутцияда ёзиб қўйилганнидек, "Ўзбекистон респубикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча милат ва элатларнинг тиллари, урф- одатлари ва анъаналари ҳурмат қилишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади"[2].

Бошқа халқлар, миллатларга нисбатан дўстлик, биродарлик муносабатида бўлиш- бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Халқимиз ҳеч қачон ўзини бошқа халқдан устун қўймаган. Бошқа миллатларга, бошқа махзаб вакилларига муносиб даражада эҳтиром кўрсатган. Президентимиз таъкидлаганидек, биз милий белги бўйича ҳар қанақа фарқлашларга қатъиян қарши чиқамиз. Жаҳонда катта ва кичик миллатлар ва элатлар йўқ. Уларнинг ҳар бири асрий барқарорлик ва тенги йўқ анъаналари билан, тарихий меросининг бойлиги билан, миллий руҳининг умумийлиги билан, маданиятининг ўзига хослиги билан аҳамиятлидир. "Республика аҳолиси орасида кўпчиликни ташкил қилган ўзбек миллатининг муқаддас бурчи онва тилини, ўз миллий маданияти ва тарихини тиклашдангигa иборат эмас, балки биргаликда ҳаёт кечирувчи кам сонли халқларнинг тақдири учун, уларнинг ўзига хос маданий- маънавий хусусиятларини сақлаб

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси 11 бет

[2] Шу манба 9 бет

қолиш учун, камол топиш ва ўзлигини намоён этиш учун уларга тенг шароит ва имкониятлар яратиб бериш борасида маъсул бўлишдан ҳам иборатдир”.

“Маънавий қадриятларнинг тикланиши,- дейди И. Каримов,- уларнинг дунё ва ахборот цивилизацияси қадриятларига мосланишини ҳам англатади.

Биз ҳозирги цивилизация ўзида ифода этадиган ижобий қадриятлар жумласига ҳуқуқий демократик жамият қуриш жараёни билан боғлиқ бўлган қадриятларни киритамиз. Бу – инсон ҳуқуқларига риоя этиш, тадбиркорлик эркинлиги, сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги ва ҳокозолардир”[1]. Истиқлол туфайли жамиятимизда янги замонавий демократик давлат ва сиёсий тизим барпо этилди. Умум эътироФ этилган демократик қоидалар, сўз эркинлиги, виждон ва дин эркинлиги ҳаётимизда тобора мустаҳкам қарор топиб бормоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, “бизни социалистик тузумдан кейинги бир қатор мамлакатлардан фарқлаб турган, юксак даражада ривожланган юксак маданий демократик давлатлар билан яқинлаштириб турган, жаҳон ҳамжамиятига ҳар томонлама қўшилиб кетиш учун йўл очиб бераётган нарса фуқоролар тинчлиги, миллатлааро тотувлик, ижтимоий барқорорликдир”[2].

Барқарорлик, тинчлик, миллатлараро тотувлик халқимизнинг буюк ижтимоийғ сиёсий қадриятларини ташкил этиди. Фуқоролар ўртасидаги тинчлик, миллатлараро тотувлик ва дўстлик, уларни авайлаб сақлаш ва мустаҳкамлашга интилиш азалдан халқимизнинг ўзига хос фазилати бўлиб келган ва ҳозирги вақтда ҳам шундай бўлиб келмоқда. Халқлар ўртасида тинчлик- тотувлик, дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш миллатимизнинг онгига қонига чуқур сингиб кетган.

Ўзбекистон жаҳонда тинчлик ва хавфсизликни сақлаш, тинчлисевар мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда тараввиётга эришишнинг ўзига хос йўлини танлаган. Шунинг учун ҳам унинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў ва эътибори тобора ортиб бормоқда. Давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш, тинчликни мустаҳкамлаш ва хавфсизликни таъминлаш Бирлашган Миллатлар Ташкилоти катта роль ўйнайди. Ўзбектсон 1992 йилнинг 2мартидан бошлаб БМТ нинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Мазкур халқаро ташкилот билан ҳамкорликда минтақамизда тинчлик, барқарорлик, миллатлараро тотувликни таъминлашга қаратилган кўпгина савобли ишлар қилинмоқда.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов 1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 48 сессиясида сўзлаган нутқида Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик соҳасида БМТ нинг доимий семинарини ташкил қилиш тўғрисида таклиф киритган эди. Ўзбекистон Президентининг бу ташаббуси халқаро миқиёсла катта қизиқиш уйғотди. Америка Қўшма Штатлари семинар йиғилиши ўтказиш ғоясини қўллаб-қувватлади ва ушбу анжуманда юксак дипломатик даражадаги вакили иштирок этиши истагини билдирди. Бундай органни ташкил қилиш ғояси давлатлааро ўтказилган семинар ва конфиренция ҳамда МДҲ ҳужжатларида ҳам қайд қилинган. Хусусан бу Россия Федирацияси бош вазири В. Черномирднинг Ўзбекистонга ташрифи давомида, Қозоғистон ва Қирғизистон эса 1995 йил апрел ойида Чимкентда бўлган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлат бошлиқларининг учрашувидан кейинги коммюникеларидан эътироф этилди.

Семинар- йиғилишнинг мақсади ўзаро фикр алмашиш, ишончли минтақавий хавфсизлик тизимини яратиш йўлларини муҳокама этиш, тинчлик ва барқорорликни сақлаш, низоларнинг олдини олиш, иқтисоддаги ўзаро жипслашиш жараёнига, инсонпаварлик ва маданий соҳадаги ҳамжиҳатликларга кўмаклашишдан иборат. Шунингдек, семинар- йиғилиш минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммоларини ҳал этиш, таҳлил қилиш, БМТ, алоҳида давлатлар ёинки бир гуруҳ давлатларга таъсирчан

[1] И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. 147 бет.
[2] И. Каримов. Ўзбекистон иқтисодиётини чукурлаштириш йўлида 263 бет.

бқлган босқичма- босқич дипломатия учун таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш вазифаларини ўз олдига қўяди.

Семинар- йиғилишнинг шиори- тинялик, барқарорлик, ҳамкорлик, бу барча ҳалқларга дахли бўлган олижаноб мақсаддир.

Шунингдек, миллий уз-узини англаш миллатнинг келажак истикболини хам кура билишни талаб килади, Бу хам кишиларнинг миллий онги усиши, тафаккурлаш маданияти даражаси билан узвий богликдир. Маърифатли, юксак маданиятли инсон бугунги кун эхтиёжларини кондириш учунгина яшамайди, у албатта эртанги кунни хам уйлаб яшайди. Келажакни кура билиш, фахмлаш — миллий уз-узини англашнинг зарурий кремний ташкил этади.

Миллий онгнинг усиши мустакиллик туфайли жумхуриятимизда содир булаётган узгаришларни, ислохотларни, Президентимиз томонидан олиб борилаётган ички ва ташки сиёсатни якдиллик билан куллаб-кувватлашда, мустакил республикамизга булган мехр-мухаббатнинг кундан-кунга ошиб бораётганида яккол намоён булмокда.

Узбекистон фукаролари учун мустакилликнинг мукаддас рамзлари — Давлат Герби, Давлат Байроги, Давлат Мадхияси азиздир. Биз улар билан фахрланамиз, уларни эъзозляпмиз. Улар маънавйятнинг энг мухим тимсоллари сифатида она-Ватан — Узбекистон Республнкасига ифтихор ва чексиз хурмат туйгуларини тарбиялайди.

Президентимиз айтганидек, Ватан туйгуси ватан тушунчаси биз учун саждагохдай мукаддас, саждагохдай пок ва улуг булмоги керак. «Биз она Узбекистон истиклолини,

унинг шаъни шавкатини кандай химоя этишни ота-боболаримиздан мерос килиб оламиз ва унинг химоясига хамиша тайёр турмогимиз даркор.

Улуг аждодларимиздан мукаддас мерос булиб келаётган ватанга мухаббат туйгуси, фарзандларимиз, бугунги ва келажак авлодларимиз учун чинакам эътикодга, чинакам **акидага** айлансин.

Миллий гурур, миллий ифтихори баланд миллатни енгиб булмайди»

Собик СССР даврида СССР ва Узбекистон ССР Конститутцияларидан Узбекистон сувенер республика деб ёзиб куйилган булсада, Марказий Осиёда Узбекистондек келажаги буюк, кухна тарихи, бой табиий, иктисодий, маданий ва илмий меросга эга кудратли давлат бор эканлигини жахон мамлакатларининг аксарияти билмайди, чунки Узбекистон шу пайтларда мустакил сиёсат ва фаолият юргизиб, чет элга чикиш хукукидан махрум этиб куйилган эди. Эндиликда истиклол шарофати билан бизнинг довругимиз оламга ёйилди. Хозирнинг узида Узбекистонинг Дунедаги 160 тадан ортик давлат тан олди. Улардан 120 таси билан дипломатия муносабатлари урнатилди. Узбекистон пойтахтида 35 дан ортик мамлакатнинг, шу жумладан, буюклиги этироф этилган АКШ, Япония, Германия, Буюк Британия, Франция ва Хитой каби давлатларнинг элчи-хоналари ишлаб турибди. Уз навбатида дуёнинг 20 дан ортик давлатида (АКШ, Германия, Франция, Туркия, .Хиндистон, Россия ва бошкаларда) республикамизнинг дипломатия элчихоналари иш бошлади»

Узбекистон байроги Бирлашган Миллатлар Ташкилотида .хилпираб турибди. Президентимиз Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 48-, 50-сессияларида буюк минбардан туриб жахон халкларига узбекларнинг ким эканлигини намоён этди. Ахир бу халкимиз хаётида катта тарихий вокеаку Бундан фахрланмаслик асло мумкин эмас

Миллий онгимизнинг ривожланиб боришининг яна бир куриниши шундан иборатки, жамиятимизнинг захматкаш фукаролари эски андозалар ва сохталашган гоялардан воз кечиб, бозор муносабатларига мос янгича фикрлашга, тафаккурлашга кодир булмокдалар. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаларини ижодий урганиб, уз имкониятларимиздан самарали фойдаланган холда янги илгор технология, фан ва техника ютукларига суяннб, замонавий иктисодий, молиявий банк ва кредит системасини, бошкарув усулларини хаётга татбик этиб, келажаги буюк давлатимиз пойдеворини мустахкамлаш учун астойдил менат килиб келмокда. Республикамиз мехнаткашлари юксак маданиятга, маънавиятга эга истеъдодли ишбилармон, захматкаш кишилар эканини хориждан келган мутахассисларнинг узи тан олмокдалар.

Хорижий мамлакатлар билан янгича ташки иктисодий, илмий-техникавий, маънавий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантиришда хам узбек халки узининг юксак мадаиняти ва маънавиятини намойиш этмокда. Бунга республикамизда мунтазам равишда юксак даражада утказилаётган долзарб мавзулар ва муаммоларга багишланган илмий ва амалий анжуманлар, семинарлар, конгресслар ва бошка тадбирлар мисол була олади.

Миллий онг миллий Гururимизнинг кундан-кунга усиб, юксалиши мазкур сохада хеч кандай муаммо йук деганини билдирмайди албатта. Халкимиз миллий онгини янада ривожлантириб хозирги давр талабига жавоб берадиган холатга келтириш учун хали куп ишларни амалга оширишимиз зарур. Шуларнинг ичида катта эътиборни талаб этадиган муаммо — халкимиз хукукий **онгини** **яна**да **устиришдир.** Конунга итоат килиш, унга буйсинш, жамиятимиздаги барча фукаролар учун, Презедентдан тортиб то оддий фукарогача, мажбурийдир. Конунни тула-тукис ва уз вакдида бажариш—барчамиз учун хаётий зарурият булиб кол-моги лозим. Афсуски, хозирча конунга менсимаслик билан караш, уни четлаб утиш, купол равишда поймол килиш унга зид хатти-харакатлар килиш холатларидан жамиятимиз холи булгани йук,. Олий Мажлис томопидаи кабул килинган конунлар, Президент фармонлари ва бошка хукукий норматив хужжатлар хаётга тула-тудис татбик этилмаяпти. Мисол тарикасида 1989 йил 22 июнда кабул килинган «Таълим тугрисида»ги конун эскириб колганлиги туфайли

1997 йилда «таълим тугрисида» янги конун кабул килингашшгини эслатиб утиш уринлидир.

**ЁКИ** булмаса тарихий ёдгорликларни саклаш хакидаги конунларнинг бажарилишини олайлик. Бу масала буинча Узбекистон Республикасининг Конистетутциясида куйдаги сузлар ёзиб куйилган «Фукаролар Узбекистон халкининг тарихий, маънавий ва маданий меросини айиблаб асрашга мажбурдирлар. Маданий ёдгорликлар давлат мухофазасидадир»

Жумхурятимизда тарихий обидалар, археологик ва архитектура ёдгорликларини куриклаш, уларни таъмирлаш сохасида анча ибратли ишлар килинмокда. . Пойтахтимиз Тошкент, шунингдек Бухоро, Самарканд, Хива ва боика шахарлардаги тарихий ёдгорликларни таъмирлаш, шахарларни ободонлаштириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмокда. Шунинг билан бир каторда хали хам вайрон булиб ётган ёдгорликлар, тарихий обидаларимиз оз эмас. Тарихий ёдгорларни куриклаш, авайлаб асраш хакидаги конунларимиз тула ишламаяпти. Кабул килинган норматив хукукий хужжатларни муваффакият билан хаётга татбик этиш куп жихатдан янгича хукукий онгни, хукукий маданиятни шакллантириш билан боглик.

Шундан экан, конунни уз вактида барча фукароларга, биринчи навбатда, бажарувчиларга етказиб уларнинг онгига сингдириш керак. Бу жуда мухим масала, чунки конун кишилар томонидан онгли равишда хис килиб, кабул килингандагина хаётга татбик этилиши мумкин. Акс холда у когоздаги нарса булиб хеч гап эмас. Хаёт шундан далолат берадики, конунларимизнинг бузилишига ёки бажарилмаслигига куп холларда уларни фукаролар билмаслиги сабаб булар экан. Демак, конуннинг бажарилишига масъулиятли булган органлар уларни уз вактида ижрочиларга етказиб, мохиятини тушунтириб беришлари керак. Бу уз навбатида конун ижроси механизмини ишлаб чикишни ва уни хаётга татбик этишни талаб килади. Конун ижроси катъий назорат кплинмаса, конунни менсимаслик, уни поймол килиш, чеклаб утиш, очикдан-очик бузиш авж олиб кетиши мумкин.

Конунни таргиб этиш, унинг ижросини назорат килишда суд, прокуратура, милиция, маъмурий органлар жонбозлик курсатмоги лозим. Бунинг учун мазкур ташкилотларнинг ходимлари конунга катъий риоя килиб бошкалардан хам шундай муносабатни талаб килишлари керак. Афсуски, юкорида аталган органлар ходимларининг ичида ханузгача конунбузарлар учраб туради, улардан тезрок холи булиб, конунга масъулият ва эътиборни кучайтириш давр такозосидир.

Конунни хаётга жорий этишда ва унинг ижросини назорат килишда маъмурий органлар билан бир каторда фукароларга таяниб иш юритиш максадга мувофикдир. Конунчиликни хаётимизга татбик этишда фукаролар канчалик фаол катнашсалар бу иш шунчалик самарали булади.

Конунга хурмат билан караш, унга огишмай риоя килиш барчамизнинг бурчимиздир. Лекин бунга эришиш учун таълим-тарбия муассасалари, олий ва урта махсус укув юртлари, мехнат коллективларида фукароларнинг, айникса ёш авлоднинг хукукий онгини шакллантиришга каратилган тадбирлар мунтазам дастур асосида утказиб турилишп керак.

Мазкур ишларни пулга килишда ахборот воситалари, радио, телевидениянинг урни катта, улардан янада унумлирок фойдаланиш йуллари белгилаб олинса ахолининг хукукий онги, унинг савияси янада юксалади, уз навбатида мустакил давлатимиз хукукий пойдеворини янада мустахкамлашга замин яратилади.

«Чинакам демократик конунларнинг кай даражада устунлиги хукук, ва эркинликлар канчалик кенг берилганлиги билан ижтимоий кафолатлар кучи билан белгилайди. Хар кандай давлат, айникса, чинакам демократияга интилаётган давлат уз халки манфаатларини, уз фукароларининг ор-номуси ва кадр-кимматини, уларнинг хаёти ва еркинлигини ишончли химоя килишга кодир булиши даркор».

Бизнинг Ватанимиз бой ахлокий ва хукукий коидалар, анъаналарнинг манбаи булиб келган. Жахон халклари томонидан эътироф этилган Шарк фалсафаси ва ислам

таълимотида уз аксини топган. «Биз, — дейди И. А. Каримов, — мусулмончиликнинг улуг маданий кадриятлари, хукукни кайта тикладик. Бинобарин, калбимиз бу бебахо хазинанинг хаёти маънавий жихатдан бойрок ва ахлокий жихатдан покизарок була боради».

Ахолининг хукукий билими ва онгини юксалтириш, жамият аъзоларининг хукукий фаолиятини ошириш максадида Узбекистон Республпкаси Президенти 1997 йилнинг 25 июнида хукукий тарбияни яхшилаш, ахлокимни-хукукий маданияти даражасини юксалтириш, жамоатчилик фикрини урганиш ишини яхшилаш хакидаги Фармонга имзо чекди. Мазкур хужжатга мувофик, Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси «Узбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги кошида юристлар малакасини ошириш марказини ташкил этиш тугрисида» ва хукукий маърифат таргиботи марказий ташкил килиш ва хукукий адабиётларни ахолига «Амалга оширишни йулга куйиш тугрисида» номли иккита карор кабул килди. Буларнинг хаммаси халкнинг хукукий онгини устириш- хозирги даврда давлат сиёсатининг асосий йуналишларидан бири булиб белгиланганлигидан далолат беради.

Миллий онгни юксалтиришда, фукароларда бозор иктисодиёти талабларига жавоб берадиган берадиган янгича фикрлаш маданиятини ривожлантириш ката ахамият катта ахамият касб этади. «Одамларнинг котиб колган фикрлаш тарзини узгартириш эскича фикрлаш усулидаи холи килиш гоят мухимдир. Одамларнинг узида жамиятни яигилаш ва узгартириш зарурлигига ишонч тугдирмасдан туриб, харакатлантирувчи кучларни ва кадриятларга муносабларни, далилий сабабларни узгартирмасдан иктисодий ислохотларни кутариб ислох килиш йулидан амалда олга бориш, айникса, янги жамият барпо этиш, тамомила янги муносабатларни жорий этиш мумкин эмас».

Мустакиллик туфайли вужудга келган куп укладли иктисодиёт асосларини шакллантириш, мулкни давлаг тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш, аграр муносабатларнииг янги туриши шакллантириш, ерга эгалик килиш, фермер хужаликларини ривожлантириш, бошкарувнинг маъмурий-буйрукбозлик тизимини тугатиб, янги замонавий бошкарув тизимини жорий этиш, кредит, молия, банк тизимини, тубдан узгартириш, нархларии эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантириш, ташки иктисодий фаолиятни эркинлаштириш ва жахон иктисодий хам- жамиятига кушилиш каби жараёнлар эски андозалардаи воз кечиб, янгича ёндашувларни, ноанъанавий ечимларни излаб топишни талаб килади.

Демак, хозирги кунда янгича тафаккурлаш, ижодий фикрлаш юксак маданиятли кишиларни тайёрлаш жамиятимиз олдида турган энг долзарб муаммолар туркумига киради. Биз келажаги буюк мустакил давлатни барпо этаётирмиз. Шундай экан, мана шу олижаноб максадимизнинг мохияти, унга эришишимиз йуллари нимадан иборат эканлигини хар бир фукаронинг онгига, унинг калбига сингдириб, тафаккурлаш маданиятини, бунёдкорлнк фаолиятини оширишимиз зарур.

Буюк давлатнинг нозу-неъматлари уз-узидан пайдо булмайди, уни уни бизга хеч ким хадя этмайди, дастурхонимизга четдан олиб келиб куйилмайди. Олижаноб максад-муродларимизга биз факатгина узимизнинг астойдил ва халол мехнатимиз туфайлигина эриша оламиз. Келажакда барпо этадиган буюк давлатимизнинг асоси бугун яратилмокда. Унинг каддини ростлаб пойдеворнии мустахкамлашда ёш авлоднинг роли катта. Келажак ёшларники. Буюк давлатимиз биринчи навбатда ёшлар мехнат туфайли кад кутарар экан келажакда хам ана шу мамлакатнинг истикболи ёшлар кулида булади. Шундай экан, хозирги кунда буюк давлатга муносиб ёшларни тарбиялаш, уларни маданий-маъиавий етук, маърифатли инсон, юкори даражали мутахассис килиб етиштириш устида фаол ишлаб иктисодий ислохотларни ишламогимиз лозим. Ёшларнинг киёфаси, дунёкараши, маданияти, ипеошш фазилатп, кобиляти нималардан иборат булишини яхши фахмлаб, ана шу фазилатларни шакллантириш устида тинмай амалий иш олиб бориш жамиятпмизнинг, биринчи навбатда тарбиячилар, муаллимлар, профессор-укитувчилар, олимларимиз, барча зиёлилар ва жамоатчиликнинг олдида турган долзарб масала деб тан олишимиз керак.

Буюк давлатнинг ёшлари узларида умуминсоний кадриятлар, замонавий фан ва техника ютуклари билан бир каторда миллий маънавий одоб-ахлок ва анъаналаримиздаги энг олижаноб хислатларни мужассамлаштирган, юксак маданиятли, маърифатли, инсонпарвар, уз Ватанига фидоий, ютук мутахассис булишлари керак. Таълим-тарбия ишлари, укув жараёни ана шу максадга каратилмоги лозим. Бу борада хам ечимини кутиб турган муаммолар оз эмас.

Миллий онгимиз, кишиларнинг изданий, маънавий савияси канчалик юкори булса, олдимизда турган муаммолар шунчалнк тез кучади, кудратимпз шунчалик баланд, кулимиз шунчалик учун булади.

Халкимиз узлигини апглашда миллий **бадиий-эстетик онгни** ривожлантириш катта роль уйнайди. Марказий Осиё халклари бу борада дам катта анъаналарга, тажрибага эга. Кун асрлар давомида ривожланиб келаётган бадиий асарлар, лапарлар, кушиклар, макомлар, жозибали ракс ва мусика халкимиз маънавий хаётининг таркибий кисмини хосил килиб эзгулик, гузаликка шайдолик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби юксак фазилатларни шакллантиришга хизмат килиб келган. Хозирги вактда ана шу анъаналарни тараккий эттириб халкимпз бадиий-эстетик онгини янада юксалтириш мустакил давлатимпз маъданиятини юксак даражага кутаришида, улардан жахон халкларини бахраманд этишда, тугилган заминга, мустакил давлатимизга садокатли булиб, фидоий хизмат килганида катта ахамият касб этади. Шуни эътиборга олгап холда 1996 йили Вазирлар Махкамаси «Узбекистан — ватаним маним» номли кушиклар курик-танловини утказиш тугрисида махсус карор кабул килди. Мазкур тадбир халкимиз бадиий-эстетик онгини янада юксалтириб, жонажон Ватанимизга мехр-мухаббатни мустахкамлашда катта маънавий восита булиши шак-шубхасиздир.

Миллий маданият ва маънавиятимизни таргиб этишда, уларни тиклаб янада равнак. топтиришда хаваскорлик бадиий фаолиятини авж олдириш, хилма-хил танлонлар, маданият кунлари кабиларни мунтазам равишда утказиб туриш максадга мувофикдир.

Мустакилликнинг истикболи халкимиз сиёсий онгининг усиши билан бевосита борликдир. Демократия давлатларда фукаролар ва уларнинг сиёсий партиялари, жамоа ташкилотлари, уюшмаларига ижтимоий хаётда эркин ва фаол иштирок этиш учун барча имкониятларни яратиб борилади. Бундан бизнинг республикамиз хам истисно эмас. Хозирги кунда республикамиз сиёсий хаётида «Халк демократии партияси», «Адолат», «Ватан тараккиёти», «Миллий тикланиш» партиялари, шунингдек, «Халк бирлиги харакати» ва республика байналмилал маданият марказлари фаолият курсатиб келмокдалар. Мазкур партия ва харакатларнинг асосий максади — халкимизнипг бошини ковуштириб, уларнинг уртасида эркин ва тенг муносабатларни, дустлик, Ватанга мехр-мухаббат туйгуларини шакллантириб, мустакилликни янада мустахкамлашга кумаклашишдан иборатдир. Сиёсий партиялар эркин ривожланиши, жамиятни бошкаришда махалла фаолларини жалб килишнинг, фикр эркинлиги ва унинг хилма-хиллиги каби демократия узгаришлар халкимиз сиёсий онгининг кундан-кунга усиб бораётганлигининг яккол далилидир. Ички на ташки сиёсатни амалга оширишда хам халкимиз узининг юксак сиёсий онгини намойиш этмокда. Бунга хорижий мамлакатлар билан биргаликда жамиятимиз ва минтакамизда хамкорлик, тинчликни саклашга каратилган тадбирларнинг утказилаётгани мисол була олади. Лекин шуни хам алохида курсатиб утиш керакки, хозирги мураккаб вазиятда биз нихоятда хушёрлик билан иш тутмогимиз лозим. Сиёсий фаолиятимизда доимо миллий манфаатларимиз устивор урин эгаллаши керак. Сиёсий ва ижтимоий хаётдаги барча узгаришлар халкимизнинг фаровон хаётини таъминлашга каратилмоги лозим. Шунингдек, менат жамоаларида мустакиллик гоялари асосида мехнаткашларимизнинг сиёсий-гоявий тарбиявий масалаларини тубдан яхшилашимиз лозим. Утмишда барча фукароларни сиёсий укувга жалб этиш пухта уйланиб, хаётга жорий этилган эди. Собик. СССР парчаланиб кетиши билан эски сиёсий укув тизими хам йук олиб кетди. Эндиликда мустакиллик талабларидан келиб чикиб мазкур масалани хам хал килишимиз керак. Фикримизча, барча мехнат жамоаларида,

мактаб, олий ва урта махсус укув юртларида янгиланган сиёсий укув тизимини барпо этишимиз даркор. Мазкур тизимни ишлаб чикишда «Маънавият ва маьрифат жамоатчилик маркази» тегишли вазирликляр Оила биргаликдя жонбозлик килмоги лозим. Фукароларнинг сиёсий маданиятини ривожлантириш масаласига давлат нуктаи иазаридан ёндашиш керак. Бу сохани уз холига ташлаб куйиш окибатида жиддий ходисаларнинг вужудга келтириши эхтимолини асло эсдан чикариб булмайди.

**3- масала**. Беруний ўз даври ҳайит байрамларини уч турга ажратган: ҳайитлар, байрамлар ва машҳур кунлар. Оддий халқ ҳаётида ҳайитларнинг қандай ўрин тутганлиги ҳақида қуйидагиларни баён этади: “Ҳайитларни орзуларни юзага чиқарувчи ва халокатга яқинлашганларни хатар ҳамда балодан қутқарувчи сабабларнинг бири бўлади”. Уларнинг маъноси – биринчиси, ҳаётнинг танглилигини – кенгликка, байрамга айлантириш; иккинчиси, умидворларнинг орзусини юзага чиқариш; учинчиси, халокат, хатар ва балолардан қутқариш. Демак, байрамлар азалдан ўзининг ҳаёт бахшлиги билан қадрли ва оммавий бўлиб келган. Шунинг учун қадимги байрамлар – табиатнинг, меҳнат жараёнининг ҳамда турмушнинг муҳим воқеаларини акс эттириб, умумий шодлик ва хурсандчилик холатини вужудга келтириш воситаси сифатида нишонланган.

8-март тантанасининг эстетик тамойиллари қуйидагича:

-онани эъзозлаш – энг олий миллий қадрият эканлигини асослайди;

-оила – жамиятнинг асосий таянч – буғуни эканлигини таъкидлайди;

-онанинг фарзанд тарбиясидаги маъсулиятини белгилайди;

-она алласининг ёш авлод шаклланидаги аҳамиятини улуғлайди;

-аёлга бўлган муносабат маънавий баркамолик рамзи эканлигини исботлайди;

-аёлдаги гўзаллик ва улуғворлик қудрати миллатнинг интелектуал даражасини белгилайлиган, нафис ҳамда фалсафий туйғуларни шакллантирадиган омил, деб қараш лозимлигини эслатиб туради.

**4- масала**. Шарк фалсафаси ва Ислом таълимотида инсоннинг таълим-тарбияси, одоб-ахлоки хакида жуда куп кимматли маслахатлар, фикр-мулохазалар мавжуд. Мукаддас Куръони Карим ва хадиси Шариф инсоннинг маънавий камолоти учун бекиёс манба эканлиги хаммамизга маълум. Шарк мутафаккирлари, олиму уламолари томонидан асрлар давомида одоб-ахлокка оид минглаб китоблар, хикматлар яратилган. Афсуски, тоталитар тузум томонидан олиб борилган сиёсат туфайли улардан халкимиз махрум килиб куйилган эди. Эндиликда, истилол шарофати туфайли бу сохада хам жиддий узгаришлар юзага келмокда. Айни вактда халкимизнинг миллий кадриятларимизга кизикиши тобора ошиб бормокда. Шуни хисобга олган холда жумхуриятимизда кейинги йилларда мазкур масала буйича утмишда араб, форс ва бошка тилларда ёзилган адабиётлар узбек тилига таржима килиниб, китобхонларимизга хавола этилмокда. Узбек олимлари, шоирлари томонидан хам одоб-ахлок масалаларига багишланган купгина асарлар нашр килиняпти.

Мазкур адабиётларда инсон тугилганидан тортиб то бандаликни бажо келтирганигача амал килиши керак булган коидалар, маслахатлар уз аксини топган. Масалан, биргина шариат коидаларининг узида мусулмонлар амал килиши зарур булган 934 та талаб мавжуд. Булар орасида инсонпарварлик, инсонни хурмат килиш ва улуглашга каратилган гоялар алохида эътиборга сазовордир.

Шарк фалсафаси ва ислом таълимотида рахм-шафкат, мурувват, одамийлик каби фазилатлар доимо улугланиб, мадх этилиб келинган. Одамийлик—бу кишининг бошка одамларга, уруг-аймогига мехр-шафкат курсатиши, яхшилик килишини, инсонпарварлик муносабатларида булишини такозо этадиган фазилатдир.

Юсуф Хос Хожиб одамийликни куйидагича мадх этади:

Сенга ким киларкан одамгарчилик, Жавоб бер унга сен килиб яхшилик. Вафога вафодор кишилик хакки, Вакил, одил бул, кам ол мангулик.

Алишер Навоий одамийликнинг асл максадини шундай таърифлайди:

Одами эрсанг демагил одами, Ониким йук. халк гамидин гами.

Кимки халкка кандай муомалада булса халк хам унга шундай муомалада булади, «Сен халкка канча аралашсанг халк хам сенга шунча ёндашади», деган накллар бежиз турилмаган.

«Эй азиз, — дейди Мухаммад Жабалрудий, — халкингга доимо яхшилик кил, килган яхшилигинг улардан сенга кайтади. кимсага касддан ёмонлик килма, кимки ёмонлик килса килган ёмонлиги, шубхасиз, узига кайтади».

Бархурдар ибн Махмуд айтганидек, аржумандлик байрогини кутарувчилар ва сарбаландлик ногорасини чалувчилар кандай кишиларки, улар халкнинг тинчлигини ва осойишталигини уйлайдилар ва кеча-кундуз шу хакиа фикр киладилар, барча кишиларни уз ака-укаларидек курадилар, бировнинг дилини газаб тоши билан сипдирмайдилар, адоват ва жафо тиканини бечоралик сарсон юрган яланоёклар оёги остига ташламайдплар.

Халк билан хамнафас, хамдард булиш, унга яхши кунларда хам, бошига мусибат тушган коронги кунларда хам садокатли булиб, астойдил хизмат килиш мумин — мусулмон фарзанди учун энг катта бахт хисобланиб, келган. «Яхши хаёт ва узок, яшанг учун, халкнинг дуоси ва шодлигидан яхширок посбон ва курикловчи йук» дейди, Бархурдор ибн Махмуд.

Халкпарварлик — барча инсонларга мехр-окибатли булиш, уларни хурмат-иззат килиш билан чегараланадиган муносабатларгина эмас, албатта. Халкпарварлик — энг аввало хар бир инсон томонидан бошкаларга нафи тегадиган амалий харакатдир. Шу нукдаи назардан ёндашадиган булсак, масалан, моддий неъматлар ишлаб чикарувчи хар бир мехнаткаш учун халкпарварлик — бу мехнат унумдорлигини ошириб халкимиз учун зарур булган эстиъмол махсулотларини сифатли ва уз вактида етказиб бериш демакдир.

Ёзувчилар, зиёлилар учун халкпарварлик уз асарларида халкнинг мехнати, хаёти, орзу-умидларини бадиий образларда акс эттириб, уларнинг ички дунёсини бойитиш, маънавий баркамоллиги, дунёкарашини шакллантиришга кумаклашишдан иборат, деб билмогимиз лозим.

Олимларимиз учун халкпарварлик халкимизнинг фаровон хаёт кечириши учун зарур булган нарсаларни ишлаб чикаришни илмий асослаб бориш, кишиларнинг онги, илмий дунёкарашини шакллантириш демакдир.

Давлат арбоблари учун халкпарварлик — бу энг аввало хар бир инсоннинг хукук ва эркинликларини химоя килиш, уларнинг эхтиёжини кондириш, барча ижтимоий кафолатларини адо этиш, ижтимоий-сиёсий баркарорлик, осойишталик, миллий тотувликни таъминлаш демакдир.

Инсонпарварлик, халкпарварлик айни вактда ватанпарпарлик хамдир.

Ватан — сермазмун, жуда хам кенг тушунча. У яшаб турган уйимиздан бошланади. Халкимиз уй курган одамни «ватанли булиб колди», дейиши бежиз эмас. «Ватан остонадан бошланади» деган ибора барча халкларда борлиги хам шундан далолат беради.

Бизнинг халкимиз узи турилган жойга жуда катта мухаббат боглайди. Шуннпг учун хам улар бошка жойларга кучишни хохлашмайди. Бошка жойларга кетганда хам доимо узи турилган эл-юртидан алокасини узмай, уни зиёрат килиб туради. Бу хам Ватанга садокатли булишнинг куринишидир.

Ватан — инсоннинг ота-онаси, кариндош-уруглари, узи тугилиб усган жойгина эмас, балки ёшлик даврларни бошидан кечирган, югуриб-елиб уйнаган, сайр килган далалар, чумилиб юрган сойлар, дарёлар, оромгох боглар, токлар, табиат мухитдир. Демак, Ватанни севмок — киндик кони тукилган жой табиатини севмок, унинг учун кайгуриш хам демакдир.

Ватан — бу биринчи мактаб, биринчи билим, орттирилган дустлар, билим бериб вояга етказган укитувчилардир. Шунинг учун хам инсон канча ёшга кирмасин, каерда игаламасин биринчи мактаб, биринчи укитувчи, мактабдошларини хеч качон ёддан чикармайди, уларга доимо хурмат-иззат билан карайди.

Ватан — бу усиб-улкайган махалла. Махалла ёшлик даврининг энг яхши кунлари кечган хозирги хаётида хам хамдард, хамнафас булиб келаётган куни-кушни, дусту

биродарлар масканидир. Махаллага хурмат, махалла ахли билан доимо маслахатли иш килиш, туй-томошалар ва бошка тадбирларни утказишни хар бир инсон узининг мукаддас бурчи деб билган. Хозир хам махалла аклининг роли тобора кучайиб бормокда.

Ватан — бу оила хамдир. Шундай экан оилага, киндик кони тукилган жойга мехр-мухаббатда булиш айни вактда Ватанга садокатли булиш демакдир. Оила жамиятимизнинг асосини ташкил килади. Оила аъзоларини, улар тугилган ва истикомат киладиган уй-жойни эъзозланг айни вактда хар бир оиланинг, инсоннинг шажарасини, тарихини яхши билишини. такозо этади. Хар бир инсон, уз оиласи, ота-она, эл-юрт тарихини, шажараснни яхми билиб олиши лозим. Бунда айникса оила, мактаб катта роль уйнайди.

Ватан бу хар бир ннсон ишлаёттан мехнат жамоаси, укиётган билим юрти, ижтимоий-сиёсий мухит хамдир. Мехнат жамоасининг инсон хаётида тутган урни катта. Чунки мехнат жамоасида хар бир инсон хаёт мактабини утаб, мутахассис булиб етишади, маънавий камол топади, хаётда уз урнини эгаллайди, шухрат козонади.

Ватан — бу хар бир кишининг яшаб турган кишлоги, талари, тумани, вилояти. Шунинг учун хам улар туман, шахар, вилоят ютуклари билан фахрланади, унга уз киссасини кушишга интилади, мавжуд тарихий ёдгорликлар билан фахрланади. Уларнинг гуллаб-яшнашига, ободонлигига кумаклашади. Ватан — бу халкимизнинг жаннатмисол макони Узбекистан Республикасидир.

Она-юрт, Ватан — инсон учун олтин бешик. Инсон ана шу олтин бешикда дунёга келади, илк бор кадам ташлайди, униб-усади, вояга етади, эл-юрт хизматига бел боглайди. Шунинг учун хам Ватан хар кандай инсон учун онаси каби азиз ва мукаррамдир. Ватан инсонга бахт-икбол берадиган мукаддас маскан булиб хисобланади.

Маърифатпарвар бобомиз Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлок» асарида ёзганидек, «Ватан хар бир кишининг тугилиб усган шахар ва мамлакатини шул кишининг ватани дейилар. Хар ким тугилган, усган жойини жонидан ортик суяр. Хатто бу ватан хис-туйгуси хайвонларда хам бор. Агар айрилса узларидаги каби рохатда яшамас...

Биз туркистоиликлар уз ватанимизни жонимиздан ортик суйганимиз каби араблар Арабистонни, кумлик иссик чулларни, эскимуслар шимол тарафларини, энг совук ва музлик ерларини бошка ерлардан зиёда суярлар. Агар суймасалар чин, хавоси яхши, тириклик осон ерларга уз ватанларини ташлаб хижрат килурлар эди».

Ватан бу халкнинг утмиши, бугуни ва келажагидир. Ватан деганда хамиша узимиз тугилиб усган, таълим олган, вояга усган неча-неча авлоду аждодларимиз яшаб утган, уларнннг аклу идроклари, мехнатлари сарф этилгаи мукаддас юрт куз олдимизга келади. Ватан бу ота юрт, аждодлар маскани, эл-юрт, халк вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, кадриятлари чинакамига шаклланиб, чукур илдиз отиб, усиб камол топиб борадиган заминдир.

Ватан - мукаддас кадрият. Тараккиёт Ватандан бошланади. У инсоннинг киндик кони тукилган жой, хар кимнинг борлигини кадрловчи замин, маънавий камолот ва саодат майдонидир. Шунинг учун хам хар бир инсон уз дард-аламини, орзу-умидларини ватан такдири билан боглаб келган.

Ватан мехрини, Ватан сехирини, унинг муътабарлигини, улуглигини суз билан ифодалаш кийин.

Хакикий баркамол инсон Ватаннинг равнаки ва истикболи, эл-юртнинг озодлиги ва мустакиллиги учун хамма нарсани, хатто, ширин жонини хам аямайди. Бу хакда мавлоно Фузулийнинг «Менинг битта хаётим бор, борди-ю мингта хаётга эга булган такдиримда хам хаммасини Ватан учун сарфлаган булар эдим», деб айтган сузлари хар бир акли расо фукаро учун бебахо угитдир.

Инсон учун Ватан ягонадир. Ватаннинг катта-кичиги, хам, бой-камбагали хам булмайди. Ватан танланмайди. Ватан бизнинг молимиз эмас. Шунинг учун хам у пулга сотилмайди. Ватан инъом этилмайди, карзга берилмайди. Ватан хар бир фукаро учун мукаддас ва бетакрордир.

Ватанни севиш, она диёрининг кадрига етиш, унинг камолоти, гуллаб-яшнаши, осойишталиги учун кайгуриш ёшлигимиздаи бошлаб онгимнзга сингдирилишида чукур маъно бор. Чунки хар кандай инсон Ватани, ота-боболари утган мукаддас замин билан фахрланиб яшайди.

Мукаддас Хадиси Шарифда «Ватанни севмак иймондандур» дейилган. Бу сузда чукур хикмат бор. Ватанни севиш, ардоклаш кишига куч-кувват беради, акл-идрок адо этади, юзини ёруг килади, жасоратларга чорлайди, мардликларга ундайди, одамлар, миллатлар, халкларни бирлаштиради.

Ватанни севиш, Ватаним, халким деб яшаш, она юртнинг равнаки йулида халол мехнат килиш, узини кахрамонликларга тайёрлаб бориш, узи яшаб турган заминни эъзозлаш, унинг бойлигига бойлик, гузаллигига гузаллик кушиш, одамларни сева билиш демакдир.

Ватанни севиш, унинг хар бир карич ерини, хар бир сиким тупрогини мукаддас билиб кадрлаш, кузга тутиё килиш узбекларга хос хусусият булиб, бу уларга аждодлардан мерос сифатида давом этиб, сайкал топиб келмокда.

Хамид Олимжон «Мен узбек халки номидан сузлайман» деган маколасида бу хакда шундай деган эди: «Менинг халким уз килдигининг кони тукилган тупрокни уз онасидан азиз куради. Меннег халким уз боболари кумилган тупрокни упади, шу тупрокни харом, нопок килган одамни улдиради. Кадим узбек ботирлари узок, сафарга кетганда, бир ховуч ватан тупрогини доим уз ёнларида олиб юрганлар. Чунки бу тупрок, уларга уз тугилган ерларини эслатиб турган, халк олдида ичган касамини ёдга солган. Ватанга булган мухаббатини бир нафас хам унуттирмаган. Бу бир ховуч тупрок. унга уз ота-онасини, кариндошларини, халкини эслатган, узок, булса хам уни уз ватанида, хис киладиган ва каерда булмасин уз халки шаънига иснод келтирмасликка, уз халкининг помуси ва содик угли булишга чакирган. У Ватанини канча севса, ота-онадан, севимли ёрдан, кондош ватандан юксакрока булган шу бир ховуч тупрокни хам шуни севган. Шу бир ховуч тупрокнинг кучи шунча зур булганки, у сувсиз сахролардан, корли тоглардан, византий дарёлардан, ёввойи урмонлардан куз очиб юмгунча ута олган. Шу бир ховуч тупрок уни утдан омон саклаган. Унинг кукрагини тешолмаган, килич танасини тешолмаган, олов куйдирмаган, зиндон чиритолмаган».

Узбеклардек ватанини севадиган, юртга богланган халк жахонда камда-кам топиладн. Узбек халки кулига курол ушлаб Ватан химояси учун душманга карши жанг килиш жуда яхши билади. Ватан деб узини хам утга, сувга мардона отади, айникса юртнипг хар бир карич ери учун жон олиб жон беради.

Узбекистон узбек халки учун ота юртдир, унинг манфаатларини химоя киладиган жахонда ягона дав-латдир.

Ватанимиз Узбекистон учун кулимиздан келадиган хар бир коидали , гуллаб-яшнаши учун хисса кушиш бизларга аждодларимиздан колган буюк фазилатдир. «Снизил империя» даврида бизга, «сенинг Ватаннинг СССР», «Ватан Кремлдан бошланади» деб кулогимпзга кунишди. Узимизнинг хакикий Ватанимиз Узбекистон эканлигини калбимиздан суриб чикаришга, ватан туйгусидаи жудо булишимизга зур беришди.

Мухожирликда яшашга мажбур килган юртдошларимиз мол-дунёдан эмас, балки гарибликдан, Ватан дийдорига иитизорликда яшашдан чексиз азоб чекишган.

Инсон учун па давлат на салтапат, на тожу тахт, хеч бир нарса Ватанга, эл-юрт мехрига тенг келолмайди. Ватандан жудолик инсон учун энг катта бахтсизликдир. Гурбатда, гарибликда инсон узини шод, бахтиёр хисоблай олмайди.

Ёд этмас эмиш кишини гурбатда киши, Шод этмас эмиш кунгулни мехнатда киши, Купглум бу гарибликда шод улмади, ох, Гурбатда этмас эмиш албатта киши.

Бу мисралар узбек шоири, Хиндистондек буюк мамлакатнинг подшоси булган Захриддин Бобурнинг калбидан афсус билан отилган нидосидир. Буюк бир давлатимиз подшоси булла туриб, унинг бунчалик афсус-надомат чекимаган нима сабаб булди? Бунга сабаб юрт мехри, Ватан ишк эмасмикан?!

Ватандан амирликлар яшаган, узининг бутун борлик, гояси, тану жонини миллатга бахш этган кишиларни шуро матбуоти, комфирка мафкураси ва сиёсати узок йиллар давомида «Ватан хоинлари», «Ватангадолар» деб бадном килди. Уларга карши канчадан-канча китоблар, маколалар ёзилди, тухматлар, игволар уюштирилди.

Она — Ватан тупрогидан бенасиб булиб, хорижда макон топган ватандошларимиз сунгги нафасларигача киндик конлари томган ота мерос юртлари Туркистонни согиниб, Туркистонга сигиниб, Туркистонга талпиниб ва топиниб яшаганлар. Ватан дийдорини кайта куролмасдан, унинг мехрига туёлмасдан оламдан куз юмганлар, «Узга юртларда еб-ичиш, кийиниш ва илм олишдан камчилигим булмаса-да, — деб ёзади Бухоро шуролар хокимиятининг биринчи раисларидан булган Усмонхужа Пулатхужаевнинг фарзанди, хозир Германиянинг Мюнхен шахрида яшовчи профессор Темурхужа, — отамдан эшитганим Туркистон деган юртга боришни кирк уч йил кутдим. Шу тупрокда мехр куйдим, хамиша ёдим-да, юрагимнинг тубида олиб юрдим. Отамнинг туйгулари, азоблари менга кучди. Вафотидан олдин ёнларига чакириб «Мен сенга банкда пул, шохона касрлар, хосилдор ерлар колдираётганим йук, сени суядиган ака-ука хам колдирмадим, факат хамиша ёдингда тутишинг учун Ватан хасратини колдирдим» деган эдилар. Отамнинг васиятларини эшитган онамдан бошлаб мен кайта Ватанлик булдим. Ватан менинг ичимда...»

Айтилганлардан куриниб турганидек, Ватанимизнинг озодлиги ва мустакиллигини куриш истаги ва орзуси факат бизлардангина эмас балки мусофир юртларда сарсон-саргардонликда юрган ватандошларимизгнинг дилларида хам аллакачонлардан бери тулиб-тошиб келаётган эди.

Канчадан-канча бобокалонларимиз, авлоду аждодларимиз зор ннтизорлик билан кутган кунни — Ватанимиз озод, эркин ва мустакил булганини куриш хар биримиз учун энг ката кувонч буюк бахтдир. Бунинг учун Оллохга минг карра щукур айтамиз. Чунки бу улуг тарихий кунларга етганлар бор, етмаганлар бор.

Узбекистон давлат мустакиллиги шу тупрогда яшаш етган миллатдошларимиз катори узок, йиллар давомида она-юртидан, элидан, кариндошларидан айрилиб, мусофирлик хижронларини тортган мухожир юртдоштларимизни хам хаяжонга солди ва чексиз кувонтирдики, буни сузда ифодалаб булмайди.

Тошкентда тугилиб, хозир Олмониянинг Мюнхен шахрида истикомат килувчи Мурод Ахмедов «Халк сузи» рузномасига юборган хатида шундай дейди: «Ватан ягона туйгу булиб, уиинг такрори, ухшаши йукдир. Олисда булсам хам охирги нафасимгача ватаним ёди билан яшайман...

«Уз уйинг улан тушагинг», деган маколнинг кадрини хеч ким менчалик тушуниб етмас, десам муболара булмас. Шунинг учуй хам ватаннн улугловчи кушиклар курик-танлони бахонасида Узбскистон билан хаёлан сухбатлашдим, чогрок. шеър хам ездим:

Чаппар урган чаман
Ватан,
Булгин доим омон Ватан!
Киндик коним томган
Ватан,
Куз ёшларим юм-юм,
Согинчларим лим-лим.
Жаннатмакон юртсан
узинг,
Насибаси бутсам узинг,
Енгилмаган мардсан
узинг,
Куз ёшларим юм-юм,
Согинчларим лим-лим.-

Эртаю кеч уйимдасан,
Тушимдасаи, унгимдасан,
Кунглимдасан,
кунглимдасан,
Куз ёшларим юм-юм,
Соринчларим лим-лим...»[1]

Мустакилликнинг энг катта неъматларидан бири шу булдикн, эндилнкда оламлардаги миллат, Ватам хакидаги тушунчалар узининг асл маъноларига кайт-мокда. Ватан, бу энди илгаригидек сиёсат ва мафкура асосига курилган, миллий хис ва идрокдан узок, алла-кандай мавхум тушунча эмас. Мустакиллик туфайли биз узимизиинг хакикий Ватанимизни топдик. Жахон сиёсий харитасида Узбекистон аталмиш мустакил давлат пайдо булди.

«Ватан туйгуси — бу азиз ва гузал Ватанимизга юксак эътикод билан яшаш, унга хамиша садокатли булиш демакдир. Ватанга садокат барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ватан туйгуси — бу халкимизнинг олтин. мероси, анъаналари, тили ва маданиятига хурмат билан караш. Турои, Туркистон, Узбокистон деб аталувчи юртимизнинг тарихиий муттасил урганиб боришдир».[1]

Ватанимиз таракиёти ва истикболини жумхуриятимизда яшаётган турли халклар ва миллатларнинг узаро хамкорлиги, дустлигисиз тасаввур этиб булмайди. Халклар дустлиги ва кардошлиги куч-кудратимизнинг манбаи, мустакиллигимизни мустахкамлашнинг йулларидан биридир.

Узбек халкининг эрки, озодлиги ва мустакиллиги, бахт-саодати, севинчи ва кувончи жумхуриятимизда истикомат килиб келаётган козоклар, кирризлар, руслар, туркманлар, корейслар, татарлар, уйгурлар, куйингки, барча халклар ва миллатлар билан самимий дустлик ва кардошлигидадир.

Тарих узбек халкинин зиммасига бугунги кунда гоя буюк, мукаддас вазифани юклади. Бу Ватанимиз куч-кудратини мустахкамлаш, унинг довругини олам узра ёйиш, шухратига шухрат кушишдир. Ватаинни бутун борлиги ила севмаган, Ватан эрки, юрт саодати учун хаётини тикмайдиган кишини ватанпарвар деб булмайди.

Хакикий ватанпарварлик миллат, Ватан манфаати деб яшаш, унинг истикболи, бахти ва саодати йулида мехнат килиш учун курашишдир. Ватан эрки ва юрт озодлиги учун хаётини тнккан кишини халк хам тарих хам асло унутмайди. Бундайларни бемалол хакикий ватанпарвар деб айтса булади.

Мустакил Узбекистонимизнинг равнаки, истиклоли новкирон авлод тарбияси ва таълимига куп жихатдан боглик. Ёшлар Ватанимизнинг, мамлакатимизнинг ке-лажагидир. Ватанимиз такдирини уларга ишониб топширамиз. Бунинг учун улар зиммаларига юклатилаётган энг мураккаб ва масъулиятли вазифани бутун мохияти ила чукур англашлари, хис килишлари, унга узларини хозирданок. тайёрлаб боришлари лозим.

Ёшларда уз Ватани билан фахрланиш туйгуси уз-узидан пайдо булиб колмайди. Ватанга булган мехр-мухаббат одамнинг калбига она сути билан бирга киради. Бу мукаддас туйгуни она алласи парвариш килади, ота тарбияси ва урнаги улгайтиради.

ЁШ авлодни ватанпарварлик рухида тарбиялашда уруш ва мехнат фахрийларининг роли катта. «Биз яхши биламизки,—дейди И.Каримов,—ватанимизнинг мустакиллигини мустахкамлашда, ёшларнмизни миллий гурур, миллий ифтихор рухида тарбиялашда, хар кунлик ташвишларимизда фахрийларимиз биз учун энг ишончли таянч ва суянчдир

Бугунги кунларга етиш учун сиз, азиз карияларимиз канча жабру жафо чеккансиз, жасорат ва матонат курсатгансиз, шунинг учун хам, бугунги куннинг кад-рига етадиганлар хам сиз — купни курган кексалар-сиз»[1].

Фахрийларга хурмат-эътибор билан караб, уларни ижтимоий мухофаза килиб, жамоат ишларида, айникса ёшларни ватанпарварлик рухида тарбиялашда фой-даланиш — мустакил давлатимиз томонидан килинаётган хайрли ишлар сирасидандир.

Ёшларда ватанпарварлик хис-туйируларини шакллантириш ва ривожлантиришда оила тарбияси катта урин тутади. Жамиятнинг, давлатнинг, инсоннинг келажаги оиладан бошланади.

Инсонда юртга, ватанга мухаббат, келажакка ишонч туйгуларини шакллантириш ва ривожлантиришда таълим-тарбиянинг ахамияти бенихоя катта.

Юксак маънавият, одоб-ахлок,, инмон, эътикод, инсофу диёнат, яхши хулк-атвор инсонда уз-узидан пайдо булмайди. Маънавият инсонга хос хусусият булиб, унинг жамиятдаги хаёти, тарбия, мехнат, хаёт тажрибаси жараёнларида шаклланиб сайкал топиб, рухий мохиятга айланади. ишларга бериладиган тарбия канча эртарок, бошланса унинг самараси шунча кучли булади.

Инсон камолотида тарбиянинг ахамияти бехисоб. Абдулла Авлоний юкорида эслатиб утилган асарида бу хакда. «Тарбия бизлар учун ё хаёт, ё мамот, ё нажот ё халокат, ё сабот ё фалокат масаласидир» деб ёзган эди. Улкамиз халкларининг ёш авлодни тарбиялаш, маънавий камол топтириш имкониятлари битмас-туганмасдир.

Узбек халкида дунё тан бериб келаётган ажойиб инсоний фазилатлар, нодир урф-одатлар мавжуд. Оила аъзоларининг барчаси овкат емай туриш, оила бошлирини одоб саклаб кутиш, ота-онани уриндан туриб кутиб олиш, уларга хар доим илтифот курсатиш, катталарга хизмат, кичикларга мехр ва шафкат,гурур аждодларга, куни-кушниларга, махалладошларга, таниш-билишларга ёрдамини аямаслик ва бошкалар бунга мисол була олади.

Узидан катталарни, биринчи галда кекса боболару оталарни, нуроний оналару бувиларни хурмат килиш, эъзозлаш, улар учун кулдан келган ёрдамини аямаслик узбек халкининг анъанавий коидаси булиб, у узбек оиласида ёшликдан болалар онгига, кон-конга, вужуд-вужудига сингдириб юборилади.

XI асрнинг улуг шоири, донишманди, Юсуф Хос Хожиб карияларни хурмат килиш, улар хакида бехуда суз айтмаслик, улар хузурида одоб ва камтарлик билан сузлаш жоизлигини уктириб шундай деган эди:

Уликка етишса кичик хурмати,
Улуг хам кичикка хурмат курсатур.

Узбек халкининг энг кадимий даврларидан бошлаб хозирга кадар давом этиб келаётган ажойиб кадриятларидан яна бири — ота-онани юксак даражада эъзозлаш. иззат-икромлари, Хурматларини жойига куйишдан иборатдир.

Ота-онани кадрлаш, уларнинг тенгсиз, улчовсиз хизматига содик булиш, дуоларини олиш болаларнинг фарзандлик бурчидир. Бу миллий кадриятларимизнинг энг мухим талабларидан биридир.

Шеърият мулкининг султони Алишер Навоий айтганларидек, ота-онани хурмат килиш фарзандлар «...учун мажбуриятдир. Бу иккисига хизматни бирдек Кил, -хизматинг канча ортик. булса хам, кам деб бил. Отанг олдида бошингни фидо килиб, унинг боши учун бутун жисмингни сажда килсанг арзийди. Икки дунёинг обод булишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунга нур бериб турган бирисини ой, бирисини куёш бил, улар чизган чизигдан ташкарига бир кадам хам босма Хамма хизматни содокат билан бажар, «адиб» сузидаги «дол» кади коматингни кам кил»[1],

Катталарга иззат-икром, кичикларга Мехр-шафкат, ота-оналарга эъзоч, фарзандларга мехр-садокат — булар инсонни инсон килиб турадиган ахлокий ва маънавий кадриятларимиздан хисобланади.

Мустакил Узбскистон Республикамизнинг асосий конуни — Коништитутциясида одоб-ахлок масаласида, хусусан фарзаидларнинг жамият, оила хамда ота-оналари олдидаги инсоний бурчлари ва масъулиятлари иималар» дан иборатлиги миллий кадриятларимиздаги асосий кон ва коидалар давр талабига биноан белгилаб берилган.

Унинг 60-моддасида кайд килинишича, вояга етган, менатга лаёкатли фарзандлар уз ота-оналари хакида гамхурлик килишга мажбурдирлар.

Миллий кадриятлар хусусида фикр юритганда яна бир, мухим масалани алоида таъкидлашга тугри келади. Маълумки, кадимий урф-одатларимизга кура, узбек оилаларида, айникса куп болали хонадонларда «ёшлар болалигиданок мехнат кучогида тарбияланади, мехнатда чиникади. Оилада ота-онага ёрдам бериб мус-такил мехнат килишга интилиб, хеч бир бола майиб булган эмас. Аксинча мехнат килиб бола чиникан, мураккаб хаёт йулида учраши мумкин булган хар кандай тусиклар ва кйинчиликларни бардош билан енгиб утган, ота-онасининг кадрига етган, ёшлигидак кучи пишиб, оку корани таниган.

Мустакилликка эришганимиздан кейин ёшлар тарбиясининг мазмуни ва мохиятида, усул ва шаклларида жиддий узгаришлар руй бера бошлади. Мактабларни миллийлаштириш бошланди. Таьлим-тарбияга миллий кадриятларни жорий этиш асосий урин тутадиган булди. Тарихимиз, маданятимиз, миллий урф-одатларимизга эътибор кучайдн. Ёшларда миллий гурурни шакиллантириш ва мустахкамлашга алохида ахамият бериладиган булди.

Билимни севиш ва ардокуипн, олиму фузалоларни, устозларни хурмат килиш, мардлик, одамийлик, камтарлик, адолат, халоллик ва хакгуйлик каби инсоний фазилатларни улуглаш борасида хам ибрат буладиган ажойиб кадриятларимиз куп.

Билим ва заковатнинг киммати, жамият таракдиёти ва шахе маънавий-ахлокий камолоти учун ахамияти шу кадар каттаки, уни таърифлашни адо килиб булмайди. Билим энг катта бойлик эканлиги, дунёда ундан кадрлирок. хеч нарса йуклиги тугрисида кадимги хинд достони «Калила ва Димна», Низомулмулининг «Сиёсат-нома», Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Тушнома», Юсуф Хос Хожибнинг «Кутагду билик» Ахмад Югна-кийнинг «Хибатул хакойик»,АХМАД Яссавийнинг «Девони хикмат», Алишер Навоийнинг «Хамса» каби жахонга машхур асарларида бир-биридан муким, бир-биридан сермазмун фикрлар баён этилган.

Бизнинг илм-фанимизда, маданиятимиз ва тарихимизда инсонни илм асосларини билиб олишга даъват этмаган, билимнинг хосияти хакида куйиб-ёниб баён этмаган биронта шоир ва ёзувчи, биронта олиму уламо биронта етук давлат арбоби булмаган десак, муболага эмас. Бунинг учун локал Мухаммад Хоразмийнинг, Абу Наср Форобийнинг, Ахмад Фаргоний, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Синонинг муборак номларини эслашнинг узи кифоя килади.

XII асрда ижод килган донишманд шоир Ахмад Югнакийнинг «Хибатул хакойик.» («хакикатлар армугони») асарида илмли билан билимсизни, олим билан жохилни киёслаб баён этган куйидаги фикри бунга мисол булади: «Билим тугрисида. сузламокдаман. сузимни яхши тингла, билимдон кишиларга узингни богла. Билим билан бахт саодат йулларн урганиладн, билим эгаллаб саодат йулини топ. Билимли киши кимматли олтиндир. Жохил, билимсиз кишилар арзимас калбаки (ахча) дир. Билимли билан билимсиз качон тенг булади? Эр киши билим урганиб билгувчи булиб колади, билимсиз тирикликда кургиликлар ичида колади. Билимли эр улса хам оти улмайди, билимсиз кишининг хаёт чогида хам унинг оти уликдир».

Юсуф- Хос Хожибнинг фикрича, заковат коронру тундаги машъал кабидир, билим эса нур таркатувчм ёругликдир. Кимда заковат булса, уша асл одам булади, кимда билим булса у мартабага эришади: Одам заковати туфайли асл аталади. Билим гавхар каби бор ерда тупланиб туради, у заковатнинг конидир. Мушканбар ва билим бир-бирига ухшаш нарсаларднр, уларни узидан булаклардан яшириб саклаб булмайди. Мушканбарни яширсанг, унинг хиди ошкор килади, билимни яширсанг, уни тилинг ошкор килади. Билим уз сохибини кашшок килмайдиган битмас-туганмас бойликдир, угри ва каллоблар уни хеч угирлаб ола олмайди.

Одамларда илму хунар канча куп булса, у узини шунча оддий, камтарнн тутади. Камтарлик одамни безайди, обрусини оширади, дустини купайтиради.

Камтарлик, сермулохазалик, вазминлик, огир-босиклик сингари инсонни ахлокий-маънавий жихатдан гузал килиб курсатадиган юксак фазилат ва хислатлар кишининг билимидан келиб чикади. Буни бизнинг аждодларимиз орасида утган улуг ва доно кишилар, шоир ва файласуфлар хам куп таъкидлаб утганлар.

Ана шу ерда улур бобомиз Алишер Навоийнинг «Махбубулкулуб» асарида камтарлик, тавозеъ хакидаги фикрларини келтириб утиш жоиздир. «Тавозеъ киши хузурида узини паст тутиш, камтарлик курсатиш, халк мухаббатини узига тортар ва одамларни шу ишни бажарувчи билан дустлаштирар. Тавозеъ дустлик чаманида тоза гуллар очар ва у чамандан ошнолик ва улфатчилик базмига хилма-хил гуллар сочар...

Адабдан мухаббатга безак ва пардоз етади, адаб таркидан дустликнинг равнак. ва бахоси кетади.

Тавозеъли ва одоблиларга таъзим ва хурмат етади ва урурни эккан бу к.имматбахо хосилни туплаб олади».

Мустакилликнинг маънавий заминларини мустахкамлашда диний гоялар ва кадриятлардан, одоб, ахлок борасида ислом имкониятларидан осилена, ижодий фойдаланиш максадга мувофикдир. Ислом динида нафакат миллий, балки умуминсоний ахамиятга эга булган, хозир хам уз кимматини тула саклаб колаётган энг мухим ахлокий коидалар, ф'алсафий фикр-мулохазалар бёхисобдир. Ислом одамларни динидан, миллатидан катиий назар, узаро хурмат-иззатда булишга, бир-" бирини моддий, маънавий, руй куллаб-кувватлашга ундайди. Миллат ажратиш, бошка миллат кишиларини камситиш ислом дини акидаларига тамомила ёт.

Табиатга мехр-мухаббат, теварак-атрофни, сувни, хавони, тупрокни, хайвоноту набототни асраб-авайлаш исломнинг асосий рояларидан биридир. Табиат неъмат-лйрйт»! эъзозлаш, уларнинг кадрига етиш—инсоннинг бурчи. Табиий неъматларни эъзозлаш уларни асраш билан, исроф килмаслик билан булади. курондаги оятларда, пайгамбаримиз хадисларида хайвонот олами, наботот олами ва атрофимизни ураб турган боища нарсаларни тула-тукис химоя килиш, саклаш, уларни бузмаслик, исроф килмаслик тугрисида таълимотлар борки, улар билан танишиб, бу таълимотлар гуёки хозирги кунимизни кузлаб айтилгандай эканлигига гувох. буласиз.

Жамики табиий бойликлар, довдарахтларни, хайвонот олами сувдаги жониворларни авайлаш масаласида ислом динида баён этилган энг зарур, энг фойда-ли йул-йуриклар, бебахо угит ва гоялар умуминсоний ахамиятга молик кадриятлар хисобланади, у миллат танламайди. Ислом динида табиатни куз корачиридек авайлаш хакидаги гоялар умумбашарий кадриятлардан булиб хисобланади. Унда алохида таъкидланишича, кайси бир мумин инсон экин экса, ёки мевали дарахт утказсаю улардан кушлар, одамлар ёки хайвонлар еса бу унинг садака хукмида булади. Бундан таищари соясидан халк. фойдаланиб турган дарахтни кесиб юборган одам дузахга махкум этилади, деган фикрлар хам баён этилган.

«Экмок ниятида кулингизда кучат турган пайтда бехосдан киёмат крйим булиб колиши аник. булганда хам улгурсангиз уни экиб куяверинг», деб уктирилганлиги канчалик мухим ва зарурлигини айтиб утишнинг хужати булмаса керак, деб уйлаймиз.

Ислом динида бировларнинг хакига куз олайтириш, ичкиликбозлик, ургилик ва кабих ишлар билан шугулланиш, фохишабозлик каттик кораланади.

Дин одамларни хором-хариш йуллардан четда юришга, инсофли, диёнатли булишга, узидан яхши из колдиришга ундайди.

Тарбия, одоб-ахлок, узаро дустона муносабатлар, кариндош, ота-она ва фарзандларнинг хак.-хукуклари, мехр-окибат, халоллик, поклик сингари инсоний кадриятлар кенг ташвик килинади. Бунинг аксича, разолат, кибр-хаво, адоват, хасад, хиёнат, ёлгончилик, фитна-фасод, зулм каби разил сифатлар эса кескин кораланади.

Имкони борича ва каерда кодир булсанг или ургаи, маърифатингни зиёда кил, деган гоя ислом динининг мариз-маризига чукур сингдириб юборилганлигини Далией Шарифдан олинган мисоллардан куриш мумкин. «Илмни Чин мамлакатида булса хам

талаб килинглар», «Бешикдан то тобутгача илм изла» каби чукур маъноли фикрлар мусулмонлар учун асосий кулланма булган.

Ислом дини ва ахлокн баён этилган, унинг бутун мрх.ияти асосига жо килиб юборилган гоя ва коидаларни билиб олиш, уларга асосланиб иш юритиш, фаолият курсатиш, шахснинг маънавнй камолоти ахлокий покланиши учун бенихоя зарур ва мухим.

Маънавий ва ахлокий покланиш, имон, инсоф, диёнат, ор-номус, мехр-мухаббат, ватанпарварлик ва инсонпарварлик каби ноёб инсоний фазилатлар канчалик авайлаб-асралса, хаётга кенг жорий этилса, инсоннинг яратувчилик, бунёдкорлик фаолияти шунчалик кучайиб, такомиллашиб боради. Ана шу масалаларга алохида эътибор килилмаса келажак бой берилади.

«Мустакиллигимизни мустахкамлаш йулидаги энг катта масала, кишиларимиз дунёкарашида, жамиятимизда ватанга мехр гояси биринчи уринда туриши керак. Хар кандай иш асосида миллий орият, миллий гурур, миллатчилик ёки шовинизмга алокаси булмаган, мана шу мамлакат мана шу халкда мансублиги учун куч-кувват багишлайдиган гурур куйилиши лозим.

Бу мукаддас тушунчалар миллати ва диний эътикодидан катъи назар, мана шу юрт, мана шу мукаддас заминда яшаётган хар бир кишининг хаёти онги, кони ва жисмига сингиб кетиши керак.

Утмишимлз ва келажагимиз баришлайдган мана шу ифтихор туйруси билан биз янги авлодларни тарбия килишимиз уз миллий давлатимизни куришимиз лозим».[1]

хакикий ватанпарварлик халк бошига кора булутлар йирилиб, мусибат тушган вактларда, айникса, намоём булади. Буни биз узбек халк.и 1941 —1945 йилларда фашизмга карши олиб борган мардонавор жасоратларидан, ватанга булган чукур садокатларидан авдол куришимиз мумкин.

Уруш йилларида курсатган мардлиги, матонати ва кахрамонлиги учун Узбек-истоннинг 120 минг угил-кизлар орден ва медаллар билан такдирландилар, улар-нинг 338 нафари Совет Иттифоки кахрамони Олтин юлдузини, 53 нафари эса Шухрат орденининг хар уччала даражасини олишга мушарраф булдилар.

Уруш йиллари фронтга Узбекистондан жами 1 миллион 300 мингдан зиёд офикерлар ва солдатлар жунади. Шуларнинг 40 мингдан купрори жанг майдонла-рида мардларча халок булди, 130 мингдан ортиги бедарак йуколди.

1995 йилнинг 1 январида булган маълумотларга кура хозир Узбекистонда 108 минг 281 уруш катнашчиси, 171 минг 370 уруш ортида мехнат килганлар, урушда халок булганларнинг 20 минг 676 оиласи истикомат килади.

хукуматимиз уларга катта эътибор ва рамхурлик килаётир. Уруш катнашчилари «Жасорат», фронт орти мехнаткашларининг эса «Шухрат медаллари билан так-дирланганликлари бунинг ёркин далилидир

## 14-мавзу: Диний қадриялар ва уларни комил инсонни тарбиялашдаги ўрни (2-соат).

**Режа:**

1. Дин – ижтимоий онгнинг алоҳида шакли. Эътиқод - диний қарашларнинг асоси эканлиги.
2. Жаҳоннинг асосий динлари ва уларни халқлар маънавий ҳаётига таъсири.
3. Исломий қадриятлар.
4. Истиқлол шароитида дин. Диний бағрикенглик – жамиятимиз маънавий ривожланишининг зарурий шарти.

**Таянч тушунчалар**:

Дин, тасаввур, урф-одат, диний маросим, диний дунёқараш, инсон қалби ва руҳияти, эътиқод, иудализм, ҳиндуйлик, сентоизм, буддизм, хистиянлик, ислом маърифати, диний бағрикенглик.

**Адабиётлар:**

1. Каримов А. Ҳалоллик ва фидойилик-фаолиятимизнинг асосий низоми бўлсин.- Т.: Ўзбекистон, 1994.
2. Ҳадис. Ал-жалил ассахих. –Т.: 1994.
3. Ислом маърифати.-Т.: 2005.
4. Каримов И. Маънавият фалсафа ва ҳаёт.-Т.: 2001.
5. Аҳмад Ясавий. “Ҳикматлар”. –Т.: 1991.
6. Бобомурод А. Ислом одоби маданияти.-Т.: 1995.
7. Мансур Олтин ўғли. Ислом дини мустамлакачилари. Мулоқат 1994. №1-2.
8. Қуръони Карим. –Т.: Чулпон, 2002.
9. Диншунослик (маъруза матни).-Т.: 2000.

**1-масала**. Мустақилликнинг маънавий соҳадаги яна бир неъматти шундан ибортки, жамиятиз, давлатимизнинг динга бўлган муносабати ўзгарди.

Маълумки, диний дунёқарашнинг шаклланиши тадрижий ва жиддий жараён бўлиб у ўз ичига буддизм (эрамиздан аввалги VI-V асрларда Ҳиндистонда), христианлик (эрамизнинг I асрида Рим империясида), ислом (эрамиздан VII асрида Ғарбий Арабистон) каби жаҳон динларини қамраб олади.

Диний дунёқарашнинг асосий элементларини динй эътиқод ташкил қилади. Диний эътиқод динга ишонувчи кишилар руҳияти, интелектуа ҳиссий ва ирода элементларини ўзига қамраб олган мураккаб ҳодисадир. Диний эътиқоднинг интелектуал элементи динга ишонувчи кишилар онгида мавжуд бўлган диний тасаввурлар, образлардан ташкил топади ва улар динга ишонувчи кишилар томонидан ҳаётий зарур нарса сифатида қабул қилинади.

Диний эътиқодда ҳиссиётлари- қўрқиши, муҳаббати, завқланиши, эҳтироми, қувончи, умиди ва ҳокозолари диний тасаввурлар билан қўшилиб кетиб, тегишли йўналиш, маъно-мазмун касб этиши мумкин. Ана шундай ҳолларда улар “худога муҳаббат”, “гуноҳкорлик”, “итоаткорлик”, “бандалик туйғуси”, “худо билан мулоқатда бўлиш қувончи”, нариги дунёдаги ҳаётга умид ва ҳокозоларга айланади. Ҳиссиёт элементини илоҳиётчилар инсон онгининг олий даражасига кўриниши, олий ахлоқий қадриятлар, билишнинг энг ишончли шакли деб уқтиради.

Диний дунёқарашнинг асосий йўналишлари (консепцияини) ифодаловчи диний ақидалар диндорлар учун мажбурий ҳисобланадиган ва муҳокама юритмасдан ишониш лозим бўлган диний эътиқод талабларидан ўз аксини топган. Ислом динининг шакланган ва диний анъаналарда эътироф этилган ақидалари ёки имон талаблари 7 та: Оллоҳнинг ягоналигига, фаришталарга, муқаддас китобларга, пайғамбарларга, охиратга, тақдирнинг илоҳийлигига ва инсон ўлгандан кейин тирилишига ишониш.

Диний дунёқарашнинг яна бир таркибий қисмини диний онг ташкил этади. Сиғиниш одамларнинг кундалик ҳаётида якка ёки жамо бўлиб бажариладиган расмий ҳатти-харакатларида намоён бўлади. Қурбонлик қилиш. Қуръон ўқитиш, рўза тутиш ва диний байрамларни нишонлаш, ислом динига кенг тарқалган меросимлардир. Сиғиниш ва тоат-ибодат туфайли кишиларнинг диний эҳтиёжлари қондирилади.

Диний эътиқод диний онгнинг умумий белгиси мезони бўлиб, у диний ғоялар, тасаввурлар, тушунчалар, тан олиб, Оллоҳнинг мавжудлигига ишонишни ўз ичига олади.

Диний дунёқарашнинг шаклланиши ва ривожланиши учун ақидаларнинг ишлаб чиқилиши ва турлича диний байрамлар, маросимларнинг ўтказилиши катта аҳамиятга эгадир. Дин ўзининг тантанали байрамлари, ҳар хил маросимлари билан кишилар кўнглида кўтаринки кайфият, хурсандчилик, хушфеъллик, раҳм-шавқат, сабр-тоқат, қаноат, меҳр-оқибат, ҳамдардлик, виждоний бурч, поклик, одамгарчилик ва шу каби фазилатларни шакллантиради ва камол топтиради.

Диний дунёқарашнинг таркибий қисмида мўминлар учун Макка-Мадинага бориб у ердаги муқаддас жойларни зиёрат қилиб, турли диний урф-одатларини бажариш ислом рукунларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, ислом динида пайғамбарлар ва уларнинг саҳобалари, уламолари, суфийлар, шайхларни, уларнинг мозорлари, қадамжоларини зиёрат қилиш анаъанаси ҳам кенг тарқалган. Марказий Осиё худудида бундай жойлар жуда ҳам кўп. Самарқанддаги Шои Зинда, Имом исмоил ал-Бухорий, муҳаммад Ҳувайдо, Бухородаги Қизбиби, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Тошкент вилоятидаги Зангота, Анбар она қадамжо ва мақбаралари шулар жумласидандир.

Диний дунёқарашнинг эътиборга молик жиҳатларидан бири ҳар бир инсон амал қилиши лозим бўлган ахлоқий меъёр ва кўрсатмалар ишлаб чиқилган. Масалан, шариат бўйича умматларнинг буюрилган амаллар саккиз хил бўлиб (фарз, вожиб, суннат, мастаҳаб, мубоҳ, ҳаром, макруҳ, мустакраҳ) жами 934 ҳуқуқлар ва низомларни ташкил этади. Уларнинг аксарияти ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Чунки ислом ва унинг шариат талаблари мавжуд шахсий ҳаётидаги ва умуинсоний муаммолардаги энг зарур ахлоқий фазилатларни ўзида акс эттирган.

Диний дунёқарашнинг инсон онгига сингиб, унинг қалбида чуқур илдиз отиб кетишининг боиси, унинг асосий қоидалари оддий кишиларнинг руҳиятига мос бўлиб, уларнинг ҳиссиёти, тафакурига катта таъсир этадиган ва кўп вақтгачаэсда сақланиб қоладиган ёрқин образлар, афсона ва ривоятлар шаклида баён қилинишидадир. Ислом таълимотидаги ҳар бир афсона ва ривоятда катта ҳикмат, фалсафий фикр, маъно мавжуддир. Шунинг учун ҳам улар барҳаёт бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келган. Бундай катта маънавий бойликка биз албатта ҳурмат билан қарашимиз керак.

Дин кишиларининг онгига ўз таъсирини ўтказиш билан бир қаторда жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида хам доимо муҳим роль ўйнаб келган. Ҳозирги даврда ҳам у катта ижтимоий- сиёсий мавқега эгадир.

Дунё халқлари азалдан ҳар хил динга сиғинадилар. Осиё ва Африка мамлакатларининг кўпчилигида ислом дини двлат мафкураси сифатида расмий равишда қабул қилинган. 30 дан ортиқ мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида у етакчи ғоя ҳисобланади. Улар Саудия, Арабистон, туркия, Афғонистон, Эрон, Ироқ, сурия, Жазоир, Покистон ва боўқа мамлакатлардир. Бугунги кунда ислом ўзига хос йўллар билан дунёнинг жудакўп мамлакатларига ёйилиб кириб бормоқда.

Христиан ва бошқа динлар ҳам турли мамлакатларнинг ижтимоий –сиёсий ҳаётида фаол қатнашиб келмоқда. Ҳозирги узоқни кўра биладиган давлат бошлиқлари, сиёсий партиялар ва оммавий ҳаракатларнинг раҳбарлари дин ва диндорлар билан ҳамжиҳат бўлиб иш юритишни ўзларига мақсад қилиб олишлари бежиз эмас, албатта.

Диннинг фанга, унинг ютуқларига бўлган муносабати, ҳақида ҳам янгича фикр ҳосил бўлмоқда. Ўтмишда биз дин билан фанни бир бирига зид бўлган, бир бирини мутлақ истеснoқилувчи ижтимоий онг шакллари, инсоният маданияти тарихи дин билан фан ўртасидаги курашдан иборат, деб келган эдик. Аммо шу нарса маълум бўлдики, фаннинг турли динларга, аксинча турли динларнинг фанга муносабати ҳамма жойда бир хил ва бир текис бўлган эмас. Уйғониш даврида яшаган Ғарбий Европа олимлари, жумладан Жордано Бруно, Галелий, Коперник, XVII аср француз олимлари Поль Гольбах, Клод гельвейций, Дени Дидро ва бошқалар христиан динига очиқ-ойдин қарши чиқиб, унинг таълимотини инкор этган бўлса, Ўрта Осиё мутафаккирлари фан билан диний таълимотни бир-бирига қарама қарши қўймасдан иккаласидан ҳам баҳраманд бўлиб келганлар. Фаробий, хоразмий, беруний, Ибн Сино худо дунёнинг асосчиси деб эътироф қилса, мирзо Улуғбек ўзининг “тўрт улус тарихи” асарида дунёни Тангри таоло бунёд қилган, одамни ҳам у яратган деган фикрни олға сурган.

Ҳозирги вақтда ҳам Ғарб Европа мамлакатларида диний эътиқод билан фани муқовиқлаштириб ривожлантиришга даъват этиб келаётган олимлар оз эмас. Масалан, католик черковларининг расмий фалсафаси деб тан олинган неопотимизм таълимотининг

номоёндалари Маритен, Жильсон (Франция), Веттер (Австрия), де Реймекер (Больгия) ва бошқалар диний эътиқод ва фан ҳақиқатга эришишнинг иккита манбаи, унинг учун бир-бирини истесно этмайди, аксинча, тўлдиради, деган ғояни тарқатиб келмоқдалар. Уларнинг фикрича, диний эътиқод ва билим ўртасида тўла уйғунлик мавжуд. Неотомистлар билан бўлмаган жойдагина эътиқод керак деб тан олади, уларни кўр-кўрона иррационал эътиқод қониқтирмайди.

Дин ва диний дунёқараш хусусида сўзборганда шуни айтиш керакки, ўтмишда биз динга бир томонлама ёндашиб, инсон манфаати соҳасида, кишиларнинг ахлоқий муносабатларини такомиллаштиришдаги ижобий ролини инкор этдик. Динга қарши кураш ниқоби остида халқимиз асрлар давомида амал қилиб келган анъана ва урф-одатлар тақиқланади, қанчадан-қанча масжид ва мадрасаларни асосиз равишда бузиб ташланди. Неча минглаб жилдларни ташкил этадиган нодир китоблар шахсга сиғиниш ва қатағон авж олган йилларда куйдириб ташланди.

Ҳозирги пайтда ўтмишда рўй берган ҳаддан ошишлар тузатилмоқда, ижтимоий адолат тикланмоқда. Ёпиб қўйилган баъзи масжидлар очилди, кўплаб янги масжидлар қурилди ва қурилмоқда, диний адабиётларни нашр этиш йўлга қўйилди.

Марказий Осиё халқларининг шаклланиши тарихининг мураккаб ва ўзига хос томонлари мавжуддир. Бу ҳолат уларнинг диний тасаввурларига асосланган турмуш тарзларида ҳам ўз аксини топди. мазукур тарихий жараёнларнинг мазмуни диннинг қадимги шакллари ва унсурлари, шунингдек, зардуштийлик, монохейлик, будддизм, христианлик, яҳудийлик ва исломдан ташкил топган динларнинг тарихи ташкил қилади. Қайд қилинган бу динлар Марказий Осиё халқлари турихида олдинма кейин ўрин олган.

Бу ҳудуд халқлларнинг дастлабки манзилгоҳлари тош даврида- эрамиздан бўлган 1 млн – 500 мингинчи йилларда вужудга кела бошлаган. Қуйи палеолит даврлардаёқ (эрамизага бўлган 10 минг йиллар) ўйиб тасвирланган расмларлдан, ҳайкалтарошлик намуналаридан бу ерларда (Тешиктош, шеробод ва бошқа ерлар) маънавий маданият шаклланганлигини билиш мумкин. Бу бадиий асарлар воқеаликнинг инсон томонидан ҳақиқий ва ҳаёлий ўзлаштирилишини ўзида иқода этиш билан бирга диний қарашлар ҳам вужудга кела бошлаганлигидан дарак беради. Кейинчалик, неолит даврида “муқаддас” ҳайвонларга, она-худога бағишланган хайқаллар, тоат- ибодатлар, диний маросимлар билан боғлиқ буюмлар пайдо бўла бошлайди.

Синкретизм фақатгина инсон томонидан воқеаликнинг ҳақиқий ва хаёлий тарзда ўзлаштирилганлигини мураккаб кўринишда ўзаро уйғунлашганлигини, бирикканлигини ифода этади. Шунингдек, синкретизм қадимги одамларнинг тафаккурини ҳам узлуклилик ва узликсизлик табиатини, уни аниқ буюм ва нарсалар орқали иқода этилишини ҳам билдиради. Ушбу нақтаи назардан ёндашилганда қетишзм- айрим нарса ва буюмларда ғайритабиийи хислатлар, сифатлар бор деб билиш, диний тасаввурларнинг энг қадимги шакли бўлиши мумкин деган фикрга борамиз. Ҳар қандай нарса ва буюмлар- тошлар, ёғочлар, дарахтлар хоҳ табиий бўлсин, хоҳ инсон меҳнати орқали яратилган бўлсин, фетиш сифатида кўриниши мумкин. Кўзмунчоқлар, туморлар ва бошқа шу кабиларни тақиб юриш одатлари деярли Марказий Осиё халқларининг ҳаммасида ҳозиргача ҳам учраб туради. Бироқ, шуни ҳам назарда тутиш керакки, айрим ҳолларда туморлар, кўзмунчоқлар, муқаддам ёзувлар диний мазмун билан бир қаторда эстетик жиҳатдан ҳам муайян вазифаларни бажарган. Улар маҳаллий халқларнинг айрим тарихий маданий анъаналарини ҳам иқода этади. Аниматизм диний тасаввурларнинг ўзгариб бориши ва ривожланиши нуқтаи назаридан фетишизмга нисбатан юқори босқичдир. Ҳозирги қадар бизнинг сўз бойликларимизда аниматизмга хос бўлган қарашлар билан боғлиқ бўлган сўз бирикмалари учрайди. Бунга “ёмғир келаяпти”, “қуёш чиқаяпти” кабилар мисол бўлади.

Шундан сунг нарса ва бутун мавжудодларни “иккилантириш” яъни. Уларнинг инсон кўзига кўринмайдиган “жони”, “руҳи” мавжудлиги ҳақида дуалистик тасаввурлар шаклана борди. Бундай қарашларни инглиз тарихчмсм- элшуноси Э. Тайлор анимизм-табиатдаги нарса ва ҳодисаларни бошқариш борасидаги жон ва руҳларнинг ҳақиқий

мавжудлигига ишон деб атайди. Инсон вафотидан сунг унинг руҳи яшаши ҳақидаги қараш ҳам анимистик қарашдир. Шарқ халқларининг қалимги диний қарашларида самовий жисмларларга, ходисаларга итоат қилишлар ҳам кенг ўрин олган. Бу борада юлдузлар ҳаракатига кенг ўрин берилган. Марказий Осиё халқларининг омон худоси бўлган "Тангри" га ишониш, самовий жисм ва ҳодисаларнинг муқаддаслаштиришлар билан боғлиқ қидамги бирқанча диний тасаввурларнинг ўзаро уйғунлашувининг натижасидир. Купгина туркий халқларда Тангри худо сифатида осмонга, ерга, ойга нисбатан ҳам қўлланилган. Бу эса осмон, ер, сув, тоғ худоларини ҳали бир биридан ажратилмаганлигидан далолат беради. Шарқ халқлари орасида аждодларга, уларнинг руҳларига сиғинишлар, улардан мададлар кутишлар, ер, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган чашма ва булоқларни муқадаслаштиришлар, улар билан боғлиқ қурбонликлар қилиш учраб туради. Тоғ баландликлари, довонлари, сўқмоқлари билан боғлиқ руҳлар энг кучли ва қудратли руҳлар ҳисобланган. Улар шарафига тош уюмалари, муқадас тепаликлар, сунъий тўсиқлар, айрим ҳолларда эса хом ғиштлардан қурилган гумбаз, том билан ёпилган махсус иншооатлар барпо қилинган. Улар атрофига тоғ эчкиси ва қўйларининг шохлари терибқўйилган, узун таёқларга бир тутам жанлар, латталар, пахталар ва ёввой қўтосларнинг дамлари осиб қўйилган. Ҳозирда ҳам бундай муқаддас жойлар, гарчи хеч ким дафн қилинмаган бўлса ҳам, мозорлар деб аталади. Булар ислом билан боғлиқ маросимлар, тоат-ибоатларнинг таркибий қисмига айланиб қолди. Диннинг қадимий шаклларига она худо (онахит) билан боғлиқ тасаввурлар ҳам киради. она худо ҳосилдорликнинг, мўл-кўлчиликнинг рамзий ифодаси, оила муҳитининг, ёш авлоднинг ҳомийси ҳам ҳисобланган. Ўзбеклардаги Анбар она, қирғизлардаги Умой энелар шулар жумласига мансубдир.

Марказий Осиё халқларининг илк қарашлари тарихи тотемистик қарашлар билан ҳам боғлиқдир. Бу қарашлар асосида йирқичларни мақаддаслаштириш орқали намоён бўлган. Муайян инсонлар гуруҳлари ҳайвон туридан келиб чиққан, деб фарз қилиш тотемистик қарашларнинг асосий мазмунидир. Масалан, ит, бўри, кийик ёки буғу, бургутлар таркий халқларнинг бош тотемлари ҳисобланган. Улар муайян уруғларнинг асосчиси ва ҳомийси деб тушунилган. Энеолит даврига келганда эса (эрамиздан3-5 минг йил илгари) сопол идишлардаги ўсимликлар, бошқа буюмлар, геометрик шаклларнинг тасвиригина эмас, тоғ эчкиси, қўйлар, аждарҳоларнинг тасвирлари ҳам учрайди. Шунга кўра қадимдаги одамлар ёввойи ҳайвонларни бу дунёда эмас, балки ўзга дунёда-ғайритабиий мавжудодлар, руҳлар дунёсида яшайдилар ва одамлар билан худолар орасидаги боғланишларда воситачилик вазифасини бажарадилар, деб тушунганлар. Чунончи, туркман халқлари афсоналарга кўра, бургат одамлар учун эмас, балки эчкилар ва уларнинг болалари учун ёмғир ёғдиради. Қозоқларда кўзёриши яқинлашган ва янги бўшаган аёлни ёвуз руҳ ҳисоблаган "алвасти"дан асрашда бургутдан фойдаланиш ҳақидаги тасаввурлар сақлашиб қолган. Ўзбек ва тожик халқларининг миллий бош кийими дуппиларда қушларнинг, жумладан, мусичанинг тасвири учрайди. Дунё халқларида қушларни, айниқса сувда сузадиганларини эъзозлаш, инсон вафотидан сунг унинг жони, руҳи куш шаклида инсон танасини тарк этади, деган тушунчалар ҳоразмликларда ва тоғли туманларда яшовчи тожикларда ҳам учрайди. Тожикистонннинг узоқ тоғли вилоятларидан бирида яшовчи халқлар кабутарларнинг инсон руҳи деб билиб, уларга озор бермайдилар, истеъмол қилмайдилар, эъзозлайдилар. Марказий Осиё халқлари илк диний қарашларида туя ва отларни муқаддаслаштирганлар. Бу жараён эрамиздан олдинги даврларда кўчманчилик турмуш тарзи ва у биланр боғлиқ хўжалик ишларининг шаклланиши туфайли янада ривожланган. Эрамиздан III-IV асрлардан бошлаб 300 йилдан кўпроқ давр мобайнида қадимда Бухорода зарб этилган тангаларда, турли туман кўринишларда бўлса ҳам, туянинг тасвирлари чоп этилган.

Фетишизм, анимизм ва бошқа дастлабки диний қарашлар қадимги халқларнинг уруғчилик тузуми емирилиш жараёнида ўзгариб боради. Овчилик билан боғлиқ сеҳргарлик, афсунгарлик ва тотемистик хислатларга эга бўлган қарашлар ва ҳаракатлар,

кейинчалик руҳлар ёки шайтонлар, шунингдек одамларни иккилантиришга, яъни бир бирига нисбатан мустақил моддий ва руҳий томонлари бор деган қарашларни вужудга келтиради. Шайтонлар ҳақидаги қарашларнинг вужудга келиши, дин тарихидаги муҳим ҳисобланган босқич, кўпхудоликнинг (политезм) мавжудлиги билан ўзаро туташиб кетади. Марказий Осиё халқларининг парилар, жин ва шайтонлар, девлар, алвастилар ҳақидаги тасаввурлари озмиғкўпми бир бирларига анча ўхшашдир. Бу ғайритабиий мавжудодлар ўзларининг хислатлари, одамларга бўлган муносабатларига кўра, натли тарзда уч гуруҳга бўлинадилар: биринчи ругухга одамларга ҳомийлик қилувчи, айни вақтда уларга зарар ва хасталик ҳам келтирувчилар кирадилар. Уларга зарар- заҳматдан қутулиш ва раҳм-шавқатга эга бўлиш учун, қурбонлик орқали холос бўлиш мумкин бўлган руҳлар мансубдирлар. Буларга мозорларда яшайдиган арвоҳлар, руҳлар, ўт-ўчоқлар билан боғлиқ диний тасаврлар ва маросимлар мисол бўла олади. Иккинчи гуруҳга, инсонларга зиён келтирувчи алвасти, ажина, дев, аломаон, сарқиз, олмоз кабилардан иборат бўлган руҳий мавжудодлар киради. учинчи гуруҳларга эса инсон билан ўзига хос тарзда муносабатдда бўла олади, деб тушуниладиган парилар киради. ҳозирда ҳам баъзи туманларда буларгабағишланган махсус маросимлар ўтказилади. Чунончи, жониворлар сўйилади, ҳолвайтар, қатлама ва ҳокозолар тайёрланади. Ана шу даврлардан бошлаб сеҳргарлик вужудга кела бошлади. Бунинг асосий белгиси айрим сеҳргарлар инсонлар билан руҳлар ўртасидаги муносабатларда воситачилик вазифасини бадара оладиган хислатларга эга, деб ишонишдир. Махсус кийим кийган, чилдирма ушлаган ва боша турли нарсалар таққан сеҳргарларнинг халқ ўртасида рақс тушиб, жазавага кириши, руҳлар билан “алоқа бошлаши” ва улардан маълум йўл йўриқ олиши сеҳргарликнинг асосий меросими ҳисобланган. Сеҳргарлар асосан руҳий ва асаб касалликлари билан оғриган кишиларни лаволашган, каромат қилиш билан шуғуланишган. Каромат қилиш ни ва сеҳргарларнинг айрим вазифаларини яна бир алоҳида таифадаги кишилар- “дуохонлар” ҳам бажара олишган. Сеҳргарлик бир қанча диний тартиб ва усулларни ўзига хос равишда “пайвандлаган”.

Касалликларни сеҳргарлик усули билн даволашга уринишлар ҳунузгача Марказий Осиё халқлари орасида учрайдиган ибтидоий турмаш тарзининг энг турғун бўлагидир.

Диний тасаввурларнинг дастлабки шакллари мавжудлик davриданоқ диний ишончлар, тоат-ибодатлар, афсунгарлик, сеҳргарлик, жодугарлик ўзларининг мақсадларига, йўналишларига кўра яхши ва ёмон кабиларга ажратилган ва кишиларни ё овчилик ё алоҳида малака, билимни талаб киладиган бошқа ҳунар билан ё даволашлар ёки ихлос ( иссиқ-совуқ қилишлар) билан боғлиқ бўлган турларга бўлинади. Сеҳрганликнинг асосини хавф-хатардан сақлашга қаратилган махсус ҳаракатлар (дуо ўқишлар, ҳар хил ирим-сирим билан боғлаиқ ишлар) ташкил қилади.

Кишилик жамиятининг илк босқичларида тоат- ибодатлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий ҳаётда уруғнинг ҳамма аъзолари билан бир хил қатнашганлар, чунки бу даврларда уруғдоўлар, қабиладошлар орасида ижтимоий тенглик хукм сурган. Кейинчалик уруғчилик-қабилачилик тузумининг емирилиш даврида, маъсул кишилар учун махсус жойлар, руҳонийликни касб-ҳунарқилиб олган кишилар тоифаси (қоҳинлар, сеҳргарлар ва бошқалар) вужудга келди.

Диний тасаввурларнинг илк шакллари Марказий Осиё халқларининг кейинги диний қарашларининг таркибий қисмларида тарихий шароитлар таъсирида ўзгарган холда сақланган: уларнинг санъати, маданияти ва турмушига ҳам маълум даражада таъсир кўрсатган.

**2-масала**. Зардуштийлик- мовораунннахрда илгариги диний қарашлар ва кўп худочиликка асосланган эътиқодларни пайғамбар Зардушт (баъзи манбааларда Зардўст) томонидан ислоҳ қилиниши оқибатида юзага келгандир.

Яхудийлик (Иудаизм). Милодий йил ҳисобининг биринчи асрларидан бошлаб, Марказий Осиё шаҳарлари Самарқанд, Бухоро ўзларининг миллий динлари бўлган иудаизм эътиқод қилувчи яҳудийлар пайдо бўла бошладилар. Иудаизм миллий дин

сифатида милоддан олдинги иккинчи минг йилликнинг охирида вужудга келган. Қадимги яҳудийлар ва Арабистон ярим оролида яшаган қадимги арабларнинг диний қарашлари, шунингдек, шумерликлар, бобилликлар, финикияликлар, мисрликлар ва олдосиёлик бошқа халқларнинг асотирлари, ривоятлари иудаизмнинг диний пойдеворлари бўлиб хизмат қилган.

Иудаизм асосий ақидалари орасидаги энг муҳимлари: монотезм-ягона худо бўлмиш Яхвега эътифод; халоскорлик- худо томонидан юбориладиган халаскорга ишонч, бу халаскор қайта қуради ва бутун яҳудийларни Фаластиндан Синион (Қуддус яқинидаги тепалик) атрофига тўплаги ва уларнинг душманларини жазолаши, шунингдек нариги дунёга ишонч, охиратда ҳар кимнинг ўз қилмишига яраша ажрини топиши, жаннат ва дўзахларнинг мавжудлигига, дунёнинг охири борлигига, муқаддас китобларнинг бенуқсонлиги кабиларга ишончдир.

Илоҳиятчилар фикрига биноан Библиянинг биринчи беш китоби бўлмиш Таврот (айнан таржимаси Қонун, Мусонинг беш китоби) яҳудийларга етказиш учун Мусо пайғамбарга худо Яхвенинг шахсан ўзи Синион тепалигида берган эмиш. Библиянинг бошқа қисмлари эса (қадимги аҳдга таллуқлиси) худонинг бевосита панд-насиҳатлари таъсири натижасида яҳудийларнинг бошқа турли пайғамбарлари томонидан ёзилган эмиш. Бироқ, ҳмма динларнинг муқаддас китоблари каби Библия ҳам инсоният томонидан яратилгандир. Одатда иудаизм шартли равишда икки даврга: қадимий давр, милоднинг II асригача бўлган бу даврда Библиянинг қадимий аҳд қисми юзага келган ва XIX асргача давом этган. Ўрта аср (Раввин- талмун, анаъанавий) даврларга бўлинади. Ана шу даврларда диаспортларда (юн тарқоқ, фаластиндан ташқаридаги яҳудий колонияларининг номи) Таврот ни талқин ва қайта талқин этиш натижасида иудаизмнинг янги бир муқаддас китоби талмуд (қадимги яҳудий тилида ўрганиш) шаклланган унда иудаизм ақида ва маросимлари батафсил ёритилган. XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида иудаизмда янги босқич ислоҳ қилинган иудаимз вужудга келади. Бу даврларда янги шароитга мослашиш мақсадида ақидаларнинг янгиланиш ва Талмудда белгиланган бирқатор муълум йўл- йўриқлардан, ибодатлардан воз кечишлар рўй берди.

Ҳозирги замон иудаизмида ислоҳ қилинган иудаизм билан бир қаторда ортодоксал иудаизм ҳам мавжуддир. Ортодоксал иудаизм Исроилда алоҳида мавқега эа бўлиб расмий давлат дини ҳисобланади. Бунга XX асрда вужудга келган консерватив йўналишдаги иудаизм, унинг мафкурачилари иудаизм ва сионизм иттифоқининг тарафдорларидир, шунингдек, бизнинг асримизнинг 20- 30 йилларида Ғарбда реконструкционизм деб ном олган, гўёки шахсий милий мансублигини белгилайдиган иудаизм “яҳудийлар революциясидир” деб эълон қилган янги йўналишлар ҳам киради.

Марказий Осиёда яшаётган яҳудий диндорлари орасида асосан ортодоксал шаклидаги иудаизм мавжуд ва улар шартли равишда энтик кўринишлар тартибига мувофиқ тўрт хил: европалик, бухоро, грузин, тоғли ёки тат яҳудийларига бўлинади.

Бу жойларда яҳудийларнинг асосий қисми, кейинчалик улар бухоро яҳудийлари номини олган, чамаси, сосонийлар даврида марв ва Эрон орқали кириб келган бўлсалар керак. Бунга уларнинг қадимги Форс лахжаларининг тожик шевасидан бири , шунингдек айрим эроний одатлари ва ҳозирги кунгача сақланиб қолган халқлар маданиятининг биргина обидаси-яҳудийларнинг луҳати 1327 йил Урганчда ёзиб тугатилгани бундан далолат беради. Бухоро яҳудийлари ўзларининг этник одатларини ҳаммадан кўпроқ аниқ сақлаб қолган яҳудийлардир. Буларга Библия иудаизмнинг асосан оилавий-маиший тартибдаги патриахал одатлари бўлмиш “халицо”- “тўрт тирсак”, “Кетуба”, “кадиш”- ўн кишидан кам бўлмаган диндошлар иштирокида вафот этган ота-онага бағишланган хотира ибодатлари киради. Эҳтимол кўп асрлар мобайнида улар йўқотган асосий нарса, фвқатгина диний ибодатларда сақланиб қолган ва жуда оз, тор доирадаги кишилар биладиган, қадимги яҳудий тили бўлса керак. Доғистон, Шимолий Кавказда яшовчи “тоғлик яҳудийлар” Эрон лаҳжаари шевасидан бири бўлган тат тилида сўзлашганликлари учун ҳам эроний тилида сўзлашувчи халқ хисобланадилар. Чамаси, улар V-VI асрларда

Дербентга Эрондан кўчиб кетган бўллиб, аввал зардуштийликни, кейин эса (VIII асрлардан бошлаб) икки асрлик, Ҳазар когонларининг ҳукмронлик даврида иудаизм таъсирига ўтганлар. Иудаизмда марказий диний ташкилот йўқ. Москвадаги хорал синагоги ва еуибатда (ўқув юрти) руҳоний ходимлар: раввинлар, канторлар ва бошқалар тайёрланади.

Марказий Осиё халқларининг қадимги тарихи ва маданиятида буддизм муайян ўрин эгаллайди. Зардуштийлик таъсирида ва у билан ёнма- ён шаклланган динлардан бири бўлган буддизм милоддан аввалги VI-V асрларда Ҳиндистоннинг шимолида вужудга келган бўлиб, кейинчалик Жануби- шарқий ва Марказий Осиё ҳамда Узоқ Шарқ мамлакатларида кенг тарқалди. Унинг вужудга келиши ҳинд жамоаларида рўй берган муҳим ўзгаришлар- уруғ-қабилачилик авлоқалари ва тартибларининг емирилиши, йирик давлатларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ эди. III асрга келиб дунёвий жамият (император Ашона) нинг фаол қўллаб- қувватлаши натижасида мулк даражасида ягона бўлган будда ташкилоти (монахлик жамоаси- сингах) ва диний ақидачилик шаклланган. Буддизмнинг таълим беришича, ҳар қандай борлиқ, материя (модиунлик) барча кўриниш ва шакллардаги ҳар қандай ҳаёт- барча мавжудодларга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб- уқибатларнинг сабаби- инсоннинг ва барча тирик мавжудодларнинг бу дунёга қайта туҳулиши дунёси (сансара) га боғланганлиги, уўнгил қўйганлигидир. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб-уқибатни чуқурлаштиради. “Борлиқ гирдоби” дан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятини англаш, ҳаётга чанқоқликдан, кўнгилхушликларга, лаззатларга, ҳокимиятга, бойликка интилишлардан воз кечиш лозим. Фақат шундагина “нажот топиш йўли” га кириш мумкин. Илк буддизмда бундай нажотга фақат зоҳид ёки монахгина умид қилиши мумкин эди. Бошқалар эса яхшироқ қайта туғулишни умуид қилиш, бунинг учун эса монахларга мўл-кўл хайр-садақа бериши ҳамда 5 ахлоқий талаб (панча-шила) га амал қилиш керак. Бу ахлоқий талабга кўра, ҳар бир киши ёмонлик қилишдан, ёлғон гапиришдан, ўғирлик қилишдан, ҳис-туйғуларга ортиқча берилишдан, ичкиликдан ўзини тийиш лозим эди. Буддаизм ичида кўплаб секта ва йўналишларнинг куриши доим бўлиб келган. Хинаяна буддизмнинг энг қадимги шаклларидан бири ҳисобланади. Ундан кейинроқ, асосан Ҳиндистондан ташқарида тарқалган шакли махаянадир.

Буддизмнинг Марказий Осиё ва Шарқий Туркистонда тарқалиши милоддан аввалги II асрларда бу ерлардаги қабилаларнинг авлодлари томонидан тугатилган грек-бақтрия подшоҳлигининг ўрнида қарор топган Кушон империясининг ривожланган даврига тўғри келди.

Қушон империяси ўзининг энг гуллаган даврида (милодднинг I-III асрида) ҳозирги Марказий Осиёнинг бир қисмини, Афғонистон, Покистон, Шисолий Ҳиндистон, эҳтимол Уўғуристонни ҳам ўз ичига олган. Кушон подшолиги даврида буддизм Ҳиндистондан Марказий Осиёга, ундан эса Буюк Ипак йўли орқали Ҳитой ва Узоқ Шарққа тарқалган. Кейинги ўн йилликлар мобайнида олиб борилган археологик изланишларнинг натижалари ва тарихий маълумотларини умумлаштирган ҳолда тахмин қилиш мумкинки, исломгача бўлган даврда буддизм Марказий Осиёда ғоявий турмушнинг муҳим таркибий қисмларидан бирини ташкил этган. Буддизм фақитгина махсус ибодатхоналаргина эмас, шунингдек подшо саройларидан бошлаб, оддий камбағал деҳқон ва ҳунармандларнинг кулбасигача кириб борган диндир. Буддизмни қабул қилган Марказий Осиё халқлари диний ибодатлар учун ҳар хил махсус иншоатлар қурдирганлар.

Буддизм билан боғлиқ обидалар, ибодатхоналар, ҳайкаллар, деворларга солинган расмлар Марказий Осиёда топилган қадимги тарихий обидалар орасида муҳим ўрин эгаллайди. Буддизм билан боғлиқ иморатлар, қурилишлар ҳозирда ҳам Шимолий Қирғизистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг жанубий туманларида Тожикистонда ва Қозоғистон жанубида маълумдир. Булар орасида энг йирик иншооат эски Термиздаги Қоратепа номли ғор ибодатхонасидир. Бу очиқ сариқ рангли катта тепалик бўлиб, унга қумтошли ғор бинолар ўйиб солинган ва ер устида бинолар барпо этилган, буларнинг

ҳаммаси бир бутун уйғун бўлган будданинг 20-25 ибодатхоналарини ташкил қилиб, Кушон подшоҳлигида буддаизм муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан далолат беради. Деворларга солинган расмларни, ҳайкалларни, тоат-ибодат буюмларини, тангаларга, совға қилинган сопол идишларга босилган ҳар хил ёзувларни ўрганишлар Қоратепанинг милоднинг I аср охири ва II аср бошларида бунёд қилинганлигидан далолат беради; араблар босқинидан кейин улар тугатилган ва кейинчалик вайронага айланган.

Марказий Осиёда бир неча юз мингдан кўпроқ корейс миллатига мансуб кишилар яшайди. Уларнинг оилавий маиший анъаналари, миллий удумларининг айрим таркибий қисмлари маҳаяни (шимолий) кўринишдаги буддаизм таъсирида шаклланганди.

Христианлик. XI асрнинг охирида христианликнинг Шарққа томон ҳаракати ва тарқалиши оммавий тус олди. Бу диннга маҳаллий аҳоли орасида тарқатувчилар Шарқнинг айрим вилотларига илгарироқ кириб борганлар. 280 йилдаёқ Талас (Мерке) да черковлар қурилган бўлиб, Сарамқандда (301 йилдан), Маврда (334 йилдан), Ҳиротда (430 йилдан), Хоразмда, Марвда ва Марказий Осиёнинг бошва шаҳарларида епископлик, кафедра, миссиялар, кейинчалик Самаоқандда, Марвда (430 йиллар), Ҳиротда (558 йиллар), 6-12 епископликдан иборат диний худудий жамоалар, бирлашмалар бўлган. Хуросонликлар ва суғдиёналиклар орасида буддистлар, зардуштийлар, монийлар билан бир қаторда христианлар ҳам бўлишган. Улар қорахитойларга  қарам ерларда таъқиб қилингнлар.

Марказий Осиё худудида исломнинг тарқалиш даврларида ислом билан христианлик ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар кескинлашди. Х асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Ҳатто Беруний яшаган даврда ҳам (973-1050) Марвда православ митрополияси бўлган.

Ана шу даврларда христианлик Кавказда ҳам тарқала бошлади. Арманистон (301 йил) ва Грузияда (318 йили) давлат динига айланди. IV-VIII асрларда Кавказ Албанияси худидида –ҳозирги Озарбайжон ва Жанубий Доғистон ҳукмрон дин ҳисобланган. Ўша даврдаги кўпдан-кўп ва бир- бирига қарши курашаётган динлар орасида Шарқнинг хукмронлари томонидан энг кўп ҳомийлик кўрсатган дин христианликнинг шарқий йўналиши бўйилаб несторианлик бўлган. Халиф саройида несторианлик патриарханларга бутун шарқ христианлигининг ҳомийси сифатида қаралган. Патриархининг қароргоҳи эса Констанополдан Боғдодга кўчирилган. Неосторианлар христианликни Туркистонда, Амиргача бўлган Шимолий ва Ғарбий Хитойда тарғибот қилганлар. Несторианликнинг Марказий Осиёдаги таянчи ва исломга қарши курашдаги марказий Самарқанд митрополияси бўлган; 1257 йилдан сўнгина бу митрополия ўз фаолиятини тўхтатган. Христиалик мухлислари сони жиҳатдан энг кўп тарқалган (1 миллиард 400 милион) бўлиб, у бир қанча мустақил черковларга, секталарга, йўналиш ва оқимларга бўлинади; уларнинг ичида котолицизм ва протестантизм каби йирик йўналишлар бор.

Христианлик фаластин ва Ўрта Ер денгизи яхудийлари ичида вужудга келди. Ўнлаб йиллардан кейин эса бошқа. Асосан географик жиҳатдан қаралганда Рим империяси билан боғлиқ ёки унинг сиёсий ва маданий таъсирида бўлган халқлар орасида тарқалди. Янги ва энг янги даврларда у мустақиллик сиёсати ва миссионерлик натижасида Европадан ташқарида ҳам тарқалди.

Христианлик вужудга келишининг сабаблари таназзулга учраган Рим қулдорлик жамиятининг ижтимоий ва иқтисодий ҳаёт шароитлари, қулдорлик ишлаб чиқариш усулининг инқирози, қулдорлик тартиботларининг парчаланиши ва ғоявий муносабатларда республикачилик, демократик воидаларнинг йўқ бўла бориши, якка ҳокимлик ва мутлоқ ҳокимиятчиликнинг мустаҳкамланиши каби вазиятлар билан боғлиқдир. Француз тарихчиси Н Эншленинг: “Христианлик ғалаба қилди, чункиСпартак мағлубиятга учради” деган машҳур ибораси бор. Эксплутация ва ҳуқуқсизлик, умумий тартибсизлик ва харобаликлар, очлик, касаллик, уришлар натижасида умидсизликка тушган ва қийин аҳволдан қутулиш учун ўзларининг нигоҳларини мистикага, сеҳргарлик, дуохонлик, азайимхонлик, шунингдек маънавий ҳузур-ҳаловат, маънавий таскинга жуда

муҳтож бўлган кишиларнинг ҳолатларини ниҳоятда аниқлик билан ўзида ифода этган христианлик иудаизм бағрида етилган. Мутлақ, абадий, ўзгармас марҳаматини, билимини, бениҳоя қудратининг эгаси бўлган якка худо ҳақидаги ғояни ўзлаштирган, лекин улардан (ислом ва иудаизмдан) фарқи шундаки, уч кўринишдаги якка худони ўзидамужассамлаштирганлик ақидасини яратди. Уч кўринишдаги худо ҳақидаги таълимотга бинопн, худонинг ички ҳаёти сабаби ўз-ўзида мавжуд бўлган учликдаги уч асос ёки "муқаддас учлик" бўлган-Ота –худо, Ўғил-худо ва муқаддас руҳнинг ўзаро муносабатидир. Ўғил, Исо баён қилинган таржимаи ҳолига кўра, Ота-худодан, муқаддас руҳдан яратилади. (провослав йўналиши таълимоти; католицизмда эса Ота- худо ва ўғил-худо ҳам худодан туғилади).

Худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки моҳияти-одам моҳияти, худо моҳитяи ҳақида, "гуноҳни ювиш", яъни "Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши" ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик мақаддас руҳ-Ота-худо, Бола-худо ва муқаддас руҳ-уч юзлихудо тўғрисидаги таълимоти, тарғибот-ташвиқотчилик, жаннат ва дўзах, охиратда, гўё дунёнинг охири борлиги, Исонинг қайта тирилиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади.

Энг биринчи ажралиш христианликда IV-V асрларда рўй берди, яъни Исоҳ Масиҳ моҳитяини талқин қилишда фарқланадиган иккита диний ақидавий йўналишлар: монофизитлар ва несторианлар бир бирларидан ажралишди.

Кўпчилик христианлар Исоҳ Масиҳни ҳам худо, ҳам одам табиатига эгадеб билса, Константинополь архимандрати Евтахия таълимотининг тарафдорлари бўлган маноқизитлар у фақатгина худо моҳитятининг бирлигидан иборат, дедилар. Константинополь патриархи нестор қарашлари тарафдори бўлган несторианлар эса у худо инсонлар хаёти каби яшаши учун вужудга келган одамдир, деб тарғиб қилдилар.

XVI асрдаги реформация жараёнида кенг қулоч ёзган ҳаракатлар Европадаги революцияларнинг энг биринчи ифодалари эди. Коталицизмдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида християлик ҳаракатлари вужудга келди. Бунинг доирасида лютеранлик, анабаптизм, англиканлик ва кальвинизм черковлари шаклланди. Ҳар бир черков асосий маросимлари жиҳатидан ўзларига хос томонларига эга бўлиши билан бирга, бир неча йўналишлар, мазҳабларга ҳам бўлинади.

Ҳозирги христианликда турли йўналиши ва оқимлар орасидаги келишмовчиликларнинг камайиши бугунги кун учун хосдир. Бунга 1948 йилда ташкил топган Жаҳон Черковлари Кенгашининг фаолиятлари ва экуменик христианлар кўмаклашмоқда.

Котолицизм. Христианликдан энг кўп тарқалган йўналиш-котолицизмдир. У Европа, осиё, африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалган. Мухлисларри тахминан 800 млн кишини ташкил қилади.

Котолицизм таълимотида жаннат ва дўзахлар орасидаги дунё, гуноҳкорликнинг руҳи, жони ҳақидаги, Исоҳ Масиҳнинг бениҳоя ҳурматлаш, унинг танаст ва жонини кўкларга кўтариш каби ақидалар мавжуд.

Котолицизмда Боблияни шарҳлаш ҳуқуқи фақатгина руҳонийларга берилади; чунки улар уйламаслик ҳақидаги диний талабга амал қиладилар. Диний ибодатлар дабдабали са саҳналаштирилган кўринишга эга, диний ўқиш, дуо, илтижолар лотин тилида олиб борилади. Православиедаги каби котолицизм ҳам фаришта, икина, илоҳий куч, чиримайдиган марҳум жасадларига сиғиниш одатлари сақланиб қолган.

Котолицизм бошқа йўналишлардан фарқли ўлароқ марказлашган тизимга эагдир. Ватикан ана шундаймарказ сифатида (майдони 44 гектар) 1924 йилдан бошлаб Папа Пий XI нинг Муссолини ҳукумати билан тузган битимига мувофиқ мустақил теократик давлат ҳисобланади. Рим Папаси черковининг якка раҳбари бўлиб, Исоҳ Масиҳнинг ердаги ноиби ҳисобланади. 1870 йили эътиқод ва ахлоқ масалаларида унинг бенуқсонлиги ҳақидаги ақида қабул қилинди. 1978 йилда собиқ Польша кардинали Король Войтила 264

Рим папаси этиб тайинланди ва у ҳозирга қадар Иоанн павел II номи билан вазифани бажармоқда.

Сон жиҳатидан унчалик катта бўлмаган католик жамоалари Марказий Осиёнинг айрим туманларида ҳам мавжуд. 1990йили Тошкентда католик маркази тузилди, унинг қошида жумҳуриятимининг бошқа туманларида рўйхатдан ўтган католик диний жамоалари ҳам ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар.

Христианликнинг шарқий тармоғи бўлмиш православиенинг ривожланиши жараёнида 14 мустақил (автокефал): Константинополь, Александрия, Антиахия, Қуддус, рус, Грузия, серб, Румин, Болгар, Крип, Эллад, Албания, Польша, Чехославакия, Америка черковлари шаклланди.

Ўзининг ахамиятига кўра, православ бешинчи, лекин ўзининг мухлислари сони жиҳатидан биринчи бўлган рус православ черкочи X-XI асрларда вужудга келди. Унинг пайдо бўлиши янги ғояга муҳтож бўлган Киев давлатининг ижтимоий сиёсий эҳтиёжлари билан боғлиқ эди. Руснинг христианлашуви дарров малага ошган ижтимоий жараён бўлмай, балки бир неча аср давом этган зиддиятли тарихий ҳодисадир.

Православнинг Марказий осиё аҳолиси орасида кириб келиши XVI-XIX асрларга тўғри келади. Аввал савдо сотиқ, кейин минтақа халқларини мустамлакага айлантиришдан иборат ҳарбий ҳаракатлар жараёни натижасидир.

Христианликдаги яна бир йўналиш- протестантлик бўлиб, котолицизм ва прпвославиядан фарқли ўларок, диний қарашлар жиҳатидан ҳам, черковлар орасидаги муносабатлар жиҳаидан ҳам бир хил бўлмаган йўналишларни, XVI асрдаги янгиланиш ҳаракати билан боғлиқ бўлган кўпгина диний жамоалар, черковлар, маҳзабларни юзага келтирди.

Марказий Осиёда ҳам протестантлик мухлислари учрайди. Лютеран жамоалари Қирғизистонда, Қозоғистонда ва Тожикистоннинг Жанубий томомнларида, Туркманистонда, Ўзбекистонда, чунончи Сирдарё, Фарғона вилоятларида бор. Булар асосан немис миллатига мансуб бўлган диндирлардир. Тошкетдаги лютеранларга, диний тоат-ибодатларини бажаришлари учун, умумий диний эҳтиёжларини қондириш учун 30 йилларда қурилган кирха берилган. Душанбада ана шундай диний мақсад учун диндорларнинг ва кенг жамоатчиликнинг маблағлари ҳисобига, жумладан хорижий мамлакатлардагиларнинг иштирокида янги кирха қурилди. Бу жамоада диний ҳаёт билан боғлиқ чўқинтириш, маҳрумга жаноза ўқиш, балоғат ёшига етганларни диндорлар сифага қўшиш ва никоҳ ўқитиш маросимлари ўтказилади. Диний байрамлар мунтазам нишонланади, диний тарғиботлар, ваъз ва хутбалар ўқилади, диний мулоқатлар ташкил қилинади.

Марказий Осиёда бошқа протестант йўналишлари ҳам мавжуд бўлиб, улар баптислар, адвентистлар, иеговистлар, пятидесятниклар, мононитлар деб аталади. Бу сектанчиликлар ҳозирги шароитдаги тарихий ўзгаришлар таъсирини ўзида муайян тарзда ифода этган диний жамоалар ва гуруҳлардан иборат.

Эски анъанавий рус сектатнтчилигига Россиядаги хукмрон православ черковига, чоризмга нисбатан кенг деҳқонлар оммасининг ижтимоий норозиликларини ўзида ифода этган диний ҳаракатлар асосида XVII аср охири ва XVIII аср бошларида вужудга келган духобалар, молоконлар, христоверлар, субботниклар, екопчилар, еиговист-ильинчилар ва бошқалар киради. улар сектантларнинг биринчи тоифасини ташкил қилади.

Анъанавий рус сектантчиларининг мухлислари чор хукумати ва првослав черкочи томонидан таъқиб этилиши натижасида Ставрополь ўлкасига (кейинчалик у ердан канадага), Сибирга, Кавказ ортига, Марказий осиёга кўчганлар. Мирказий Осиёда Христиан сектантчилигининг пайдо бўлиши ва тарқалиши бу ерларнинг Россия чоризми томонидан босиб олиниши ва пул товар муносабатларининг ривожланиши билан узвий боғлиқ. Ҳозирги кунларда Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, туркманистон худудларида сон жиҳатдан унча кўп бўлмаганмалоканлар, духобарлар, христоверлар мавжуд. Тошкентдаги молокан биродарлари жамоаси ва Жиззахдаги жимтурмас (пригун)

молоканлар жамоалари жумҳуриятдаги энг катта бўлган жамоалар ҳисобланадилар. Молоканларнинг катта бўлмаган гуруҳларига Самарқанд, Хоразм, Фарғона вилоятларида ҳам бор.

Сектантчиликнинг иккинчи тоифасига Ғарб мамлакатларида вужудга келган ва Россия империяси худудида, жумладан, Туркистонда ҳам фаол миссионерларлик ҳаракатлари натижасида қарор топган сектантчилик киради. ўз мухлисларининг сони жиҳатидан энг каттаси-баптислар (юнон, сув билан чўқинтириш) бирлашмасидир. Ўзбекистондаги христиан секталарининг 65 фоиздан кўпроғини басптислар ташкил қилди. Диний таълимот ва маросимчилик борасидаги баптизм анъанавий протестантчилик асосларига таянади ва ўзининг янги асосларини ҳам яратади, чунончи, улар фақатгина балоғат ёшига етганларни янгитдан чўқинтиришида ва ўз сафларига қўшадилар. Бу маросимни табиий сув ҳавзаларга бажарадилар. Чўқинтириш, нон ва винони татиб кўриш сирли маросимлар сифатида эмас, балки рамзий маросимлар, ҳаракатлар сифатида қабул қилинади. Ибодат уйларини жиҳозлашда христианликнинг рамзий белгилари ишлатилмайди, ибодатларнинг ўзи библияни ўқиш ва шарҳлашдан иборат бўлиб, тарғиботлар ва ашулла айтишлар билан қўшиб олиб борилади. Фақатгина Исоҳ Масиҳ билан боғлиқ байрамлар тан олинади, шунингдек, бирлик куни, ўрим-йиғим кунлари ва бошқалар бор. Баптистлардан балоғатга етган ҳолладаги чўқинтиришларини тан олиш билан бирга, Ислоҳ Масиҳнинг халаскорлик йўлидаги ўз-ўзини қурбон қилишга самимий, “аниқ ишонч” ҳам талаб қилинади.

1944 йили собиқ СССР даги баптислар жамоалари инжилчи христианлар билан бирлашдилар. 1945-47 йилларда бу бирлашма иттифоқига пятидесятниклар жамоаси, 1963 йили эса менонитлар жамоалари ҳам қўшилдилар. Инжилчи-христиан жамоалари собиқ СССР да инжилчи христиан баптистлар кенгаши томонидан бошқалариларди (бу 1990 йилда инжилчи-христиан баптистларнинг иттифоқи деган ном олди) 60 йилларда инжилчи христиан баптистларга қарши бўлган марказ ташкил топди ва инжилчи христиан баптистлар черковининг кенгаши деган ном олди. Узоқ йиллардан буён бу марказ норасмий равишда фаолият кўрсатади.

Ўзбекистонда баптизм ўтган асрларнинг охирларидан бери мавжуд. Уларнинг Тошкентда “Еттинчи кун” адвентистлар, Ислоҳчи-адвентист, пятидесятниклар, менончилик, инжилчи-христиан бастистлар кенгаши, иегова шоҳидлари каби протестантизм жамоалари бор.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёдаги динлар ва диндорлар орасидаги ўзаро ҳамқикрлилик ва мулоқатлар жамият тараққий этган сари ривожланиб бормоқда. Диндорлар орасидаги мулоқатлар, ҳозирги даврнинг асосий масалаларидан бири бўлиб, халқаро аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

**3-масала**. Ислом дини ислом қадриятлари ва руҳий билимлар мағзини, эзгулик ва покликка даъват этувчи ўгитларни одамлар дилига солади. “Биз, - дейди И.А.Каримов, - мусулмончиликнинг улуғ маданий қадриятлар ҳуқуқини қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо хазинани чуқурроқ идрок қила боргани сайин халқнинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан покизароқ бўлиб боради” деб таъкидлаган эди.

Ислом дини асрлар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётининг дастуриламали бўлиб келган. Ислом дини минтақамиз халқлари маънавиятининг пойдевори хисобланади. Машхур аждодларимиз айнан шу пойдеворга таяниб, бизга олий даражали, бой илмий-маънавий меросни қолдириб кетишган.

Инсонпарварлик, халқпарварлик, адолат, халоллик, бошқа динларга ихтиром, олижаноб ахлоқ тамойиллари ислом динида мужассамдир.

Ислом демократик қадриятларни ҳаётимизга кенг ёйишга ҳам хизмат қилади. исломнинг кундалик хаёт билан чамбарчас алоқаси унга ҳар бир одамнинг ўзлигини танишга таъсир кўрсатиш имконини беради, инсонда одамларнинг умумий биродарлигига мансублик хиссини тарбиялайди. Ислом маданияти бойлар ва камбағалларнинг

тенглигидан таълим беради. Ислом фуқаролик жамиятининг демократик ходисаси сифатида давлатнинг: "Ҳақиқатни ёлғиз мен биламан", - дейишига йўл қўймайди.

**4-масала**.Истиқлол туфайли динга муносабат ўзгарди. "Биз- дейиди И. Каримов,- мустақил ўзбек давлатининг пойдеворини қурмоқдамиз. Минг қатла шукурки, тилимизни, динимизни, урф-одатимизни, маънавий қадриятларимизни, буткул йўқотиб қўйиш хавфидан сақлаб, асраб-авайлаб, уларнинг азалий мазмуни ва қудратини тиклашга ўтдик". Қуръони Карим, Ҳадиси шариф ва бошва диний адабиётлар ўзбек ва рус тилларида чоп этилди. Рамазон ва Қурбон ҳайитлари халқимизга миллий байрам сифатида қайтди.

1992 йил баҳорда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Дин ишлари бўқича қўмита ташкил қилинди. Қўмита давлат идоралари ва диний ташкилотлар ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштирувчи ва мослаштирувчи муассаси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

1995 йил 19 майда Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан "Тошкент шаҳри халқаро Ислом тадқиқот маркази" ни ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинди.

Мазкур қарорда айтилганидек, ислом таълимоти ва фалсафасини кенг ўрганиш, ўзбек халқининг диний тарихий ва маданий меросини чуқур илмий тадқиқ этиш, уни келажак авлодга етказиш марказининг асосий вазифасидир.

Мамлакатимизда ислом дини билан баробар православ, иудаизм, адветизм, католицизм сингари ўндан ортиқ бошқа конфессиялар эркин фаолият кўрсатмоқда. Шуни эътиборга олган ҳолда Ўзбекитон республикаси вазирлар маҳкамаси 1995 йил 9 йиюнда Тошкент ва Ўрта осиё архиепископи Владимирнинг Свято Успенский кафедрал собори ҳузурида диний маъмурий марказ ташкил этиш ва 1996 йили ноябр ойида Епарханиянинг 125 йиллигига тантанали ўтказиш тўғрисидаги таклифини қўллаб-қувватлаб, махсус қарор қабул қабул қилди.

Республикамиз ўзининг ноёб табиий иқлим шароити туфайли мева, сабзавод, шарбат ва винолар ишлаб чиқариш соҳасида катта имкониятлага эга. Шуни эътиборга олиб хориж мамлакатлари билан биргаликда янги замонавий технология асосида мазкур махсулотларни қайта ишлаб чиқиладиган қўшма корхоналар бунёд этишни йўлга қўйишимиз керак. Бу респуьлика иқтисодиётини ривожлантиришга ижобий таъсир этиш билан биргаликда аҳолининг юқори сифатди қишлоқ хўжалиги махсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондириш имкониятини яратиб беради. Шунингдек, ғўзапояни қайта ишлаб чиқарадиган технологияни ҳам жорий этиб, ундан қоғоз, мебель ва бошқа истеъмол молларини ишлаб чиқаришни таъминласак мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мустақиллик туфайли фақат табиий ва иқтисодий қадриятларимиз, балки маънавий- маданий қадриятларимиз ҳам эндиликда ҳалқимиз баркамолиги учун тўлақонли хизмат қилишга ўтди.

**2-масала**.Маънавият ҳар бир инсоннинг, миллатнинг, давлатнинг куч- қудрат манбаидир. Маънавият бўлмаган жойда бахт- саодат ҳам, иймон- эътиқод ҳам, Ватан ва эрк туйғуси ҳам, диёнату адолат ҳам, бўлмайди ва аксинча

Таниқли қоғоқ шоири Мухтор Шаханов айтган бир ривоятини эслаб ўтмоқчиман. Қадим замонларда бизнинг еримизга босқинчилар кириб келади. Чегарага етгач, хон қўшинларини тўхтатиб олдида турган мамлакатдаги вазиятни билиб келиш учун жосусларни юборади. Маълум вақтдан кейин улар қайтиб келиб хонга шундай маълумот беришади. Биз катта тўйнинг гувоҳи бўлдик. Унда мамлакат подшоҳи ҳам бор экан. Тўй қизиб бораётган бир пайтда, даврага қўлида дўмбира ушлаган бир ёш йигит кириб келди. Подшоҳ дарҳол йигитни ёнига чорлаб, ўзи ўтирган ердан жой бўшатиб берди. Биз ажабланиб, “бу йигит ким?”, деб сўраганимизда, - “Бу бизнинг шоиримиз-ку” деган жавоб олдик, дейди. “Э, жаноб олийлари, менга ҳужум қилишга рухсат беринг, бундай ақли пас подшоҳи бор мамлакатни биз осонгина босиб оламиз”, дейди хоннинг лашкарбошиси.

“Йўқ отни изимизга қараб ҳайдаймиз, чунки маънавий қадриятларни шунчалик зўр эъзозлайдиган мамлакатни асло енгиб бўлмайди” деб жавоб қайтарди хон.

Мазкур ривоятдан чиқадиган хулоса шуки, маънавияти юксак халқнинг илдизи мустаҳкам бўлади, уни ҳеч қачон тиз чўктириш мумкин эмас. Чинакам цивилизациялашган демократик давлат ҳамда бозор муносабатлари, бозор воситалари фақат юксак маънавият негизида барпо этилиши мумкин. Юксак маданиятсиз буюк давлат қуриб бўлмайди. Шуни эътиборга олган холда ҳукуматимиз фан, маориф ва маданият соҳасига жиддий эътибор билан қарамоқда.

Мустақиллик Ўзбекистон халқларининг бой маданияти, бебаҳо илми, фалсафий ва маънавий мероси, ноёб тарихининг тикланиши ва ривожланиши учун зарур бўлган бурча имкониятларни яратиб бермоқда.

Маънавияти юксак миллатгина мустақиллик, порлоқ истиқбол учун курашга ўзида куч- қудрат топади, ўз- ўзини қадрлайди, қаддини тик тутади, қтмиши билан фахрланади, келажакка умидворлик билан қарайди.

Маънавият халқларни бир-биридан ажратмайди, балки бирлаштиради, аҳилликни кучайтиради, дўстлик, қардошлик, ҳамжиҳатликка даъват этади. “Маънавият турлм халқлар ва мамлакатлар кишиларни қон- қардош қилади. Уларнинг тақдирини ўзаро ҳурмат асосида яқинлаштиради. Бизнинг маънасиятимиз асрлар давомида милион-

милион кишилар тақдири билан шаклланган. Уни ўлчаб ҳам, паёнига етиб ҳам бўлмайди. У инсон учун бутун бир олам”[7] .

Миллат маънавиятини юксалтиришда унинг тили маданияти, миллий онг, миллий ўз-ўзини ва қадр-қимматини англаш ҳиссини миллий ғурур ва ифтихорини ўстириш муҳимдир.

Миллий мустақиллик ва ўзликни англаш ўзбек тили мавқеининг ошиши, унинг ривож топиши нечоғлиқ аҳамиятга эга эканлиги маълум. Тилмизнинг камолоти миллатимиз тараққиёти, миллий маданиятимиз ривожланишининг ҳал қилинувчи омилларидан бири эканлиги ўз- ўзидан тушунирлидир. Халқнинг маънавий бойлиги, ақл-идроки ва тафаккури, тарихи ва маданияти унинг тилида, маданиятида, урф- одатлари ва руҳиятида ўз ифодасини топади.

Тил халқнинг қалби, халқнинг номусидир. Ҳар бир тил ўз халқи учун буюк ва бебаҳодир. Тилимиз онамиз сингари улуғ ва мўътабардир. “Она тилининг буюк аҳамияти шундаки, - дейди И. Каримов,- у маънавият белгиси сифатида кишиларни яқин қилиб жипслаштиради”[8].

Тил миллатнинг тарихи ва маданиятини ўрганиш учун калитдир. Кимки ана шу калитдан фойдалана билса, у ана шу тил эгасига бўлган халқнинг юрагига йўл топади. Фақат тилни билган тақдирдагина миллатнинг руҳини, кайфиятини, маданияти ва тарихини, миллий хусусиялатларини, унинг қадр- қимматини, ғururини тўғри тушуниш ва баҳолаш мумкин.

Тилга нисбатан беҳурматлик бу энг аввало, тил эгаси бўлган халққа нисбатан ҳурматсизлик, унинг қадр- қимматини ерга уриш, камситишдир.

Биз ўзимизнинг яқин ва олис тарихимизда тилимизга нисбатан ошкора зўравонлик, беписандлик қилганлигини аввалги саҳифаларда қайд этган эдик. Бу ўринда шуни таъкидлаш керакки, айнан миллий истиқлол учун курашнинг муҳим жабҳаларидан бири халқимизнинг ўз тилининг обрў- эътибори, мавқеини кўтариш учун ҳаракат бўлади. Натижада 1989 йилнинг 21 октябрида “Давлат тили ҳақида” Қонун қабул қилинди.

Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши ҳаётимиздаги, ҳатто тарихимиздаги ниҳоятда катта воқеа эди. Ўзбекистон ўзбек тилининг чинакамига гуркираб ривожланиши, чуқур илдиз отиши учун зарур бўлган барча шарт- шароитларни яратадиган бирдан бир маскандир. Ўзбекистон заминида тилга оид ҳар қандай масалани мустақил ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Конститутциямизнинг 4- бандида қайд этилганидек, “Ўзбекитстон республикасининг давлат тили ўзбек тилидир”.

Шундай бўлсада республикамиз худудида яшовчи миллат ва элатлар тилларининг хурмат қилиниши ва ривожланиги учун шароит яратиб берилади.

Тилимизни кўз қорачиғидек, авайлаб авраш, эъзозлаш, уни ривожлантиришга, қаддини тиклаб олишга, ундаги бурча имкониятларни тўла юзага чиқариш ва намоён бўлишига кўмаклашиш жамиятимиз, давлатимиз халқимиз зиммасидаги асосий мақсадлардан бўлиб ҳисобланади. Тилни асраш бу энг аввало, мустақилликимизни авайлаш қуллаб қувватлашдир. Мустақиллик эса ўз нивбатида тилимиз маданиятимиз ривожланишининг асосидир.

Ҳозирги пайтда жумхуриятимиз раҳбарлари сиёсатида ёшлар орасида энг иқтидорли, солоҳиятлиларни танлаб, саралаб олиб, уларнинг илмий, маданий- маънавий жиҳатдан камолтга эришишлари, замонавий фан- техника асосларини чуқур ўзлаштириб олишлари учун ғамхўрлик қилиш  катта ўрин тутади. Ўзбекистон республикасининг эртанги ҳаёти, порлоқ, истиқболи назарда тутилиб кўплаб ёшларимиз Туркия, Хитой, Япония, АҚШ, Олмония ва бошқа ҳорижий мамлакатларга таҳсил олиш учун юборилди. Бу иш тўхтовсиз давом этаяпти, ёшларимиз сафида инглиз, немис, француз, араб ва форс

---

[7] И. А. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 71- бет.
[8] И. А. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 71- бет.

тилларини биладиган, улардан амалда фойдалана оладиган кишиларнинг кўпайиб бораётганлиги истиқболимиз, маданий-маънавий тараққиётимиз учун катта ютуқдир.

Жумҳуриятимиз "Таълим тўғрисида қонун" ни ҳаётга жорий этиш, таълим-тарбияни замонавий талаблар даражасида олиб бориш, мактабларни милийлаштириш, ўрта махсус билим юртлари ва олий ўқув юртларига кириш имтиҳонларини тест усулида ўтказиш борасидаги ишлар ҳам маданий- маънавий тараққиётимизда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

**3-масала**.Миллий истиқлол туфайли кўпқиррали бой миллий аданий меросимиз тикланмоқда. Маданий- маънавий мерос авлод- аждодларимиздан қолган буюк хазинадир. "Бу хазина инсон ҳаётида барқарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик ортириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожеалар вақтида омон сақлаб қолади ва модий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди"[1].

Маданий меросга хурмат бу, биринчи навбатда, унинг яратувчиси, авайлаб-асровчи, ривожлантирувчи бўлган халв оммасига, миллатга, унинг ўтмишига чексиз хурмат, меҳр- оқибатдир. Ўзининг ўтмиши маданий меросини чуқур билмаган ва эъзозламаган одам ўзининг илдизини, авлод- аждодлари босиб ўтган йўлини билмайди ва билолмайди. Ундай одамнинг, ўшандай миллатнинг келажаги бўлмайди. Ўз имкониятини бойитиб, юксак даражага кўтаришга интилмаслик миллат ва унинг истиқболи учун катта фожеадир.

Маданий меросимизнинг тикланиб халқимиз учун хизмат қилаётганлиги энг катта ютуқларимиздандир. Эндиликда 20-30 ва 40 йилларда, 50 йиларнинг бошларида ўзбек халқининг кўп асрлик маданий мероси, анъана ва урф- одатларини сақлаш ва бойитишга ҳаракат килганликлари учун миллатчиликда, панисломзм ва пантуркизмда айбланиб қатағон қилинган фанимиз ва маданиятимизнинг бир қанча таниқли арбоблари тўла оқланди. Наҳақдан- ноҳақ қамалиб, ҳукм қилинган Чўлпон, Фитрат, Абдулла Қодирий, Усмон Носир сингари адибларимизнинг ижодий мерослари ҳозирги пайтда халқимиз томонидан катта қизиқиш билан ўрганилаяпти. Уларнинг асарлари одамларни ўзаро ҳамкорликка, ижтимоий адолат учун курашга, наҳақликка нисбатан муросасизликка, миллий истиқлолимиз, эркимиз ва озодлигимиз учун дадил кураш олиб боришга даъват этади.

Маънавиятимизнинг юксалиши, маданиятимизни бойитиш ривожлантиришда халқ оғзаки ижодиёти, адабиёт ва санъати, рассомлик, бадиий графика, соҳалари муҳим аҳамият касб этади.

Мустақиллик яратиб берган беқиёс имкониятлар, президентимизнинг алоҳида эътибори ва ғамхурлиги бўлмаганда қисқа муддат ичида халқимизнинг Тошкент, Самарқан, Бухоро, Хива, Шахрисабз ва бошқа шаҳарлардаги ноёб тарихий – маданий ёдгорликлари таъминланмаган бўларди. Ўзбек халқининг буюк алломалари яратган, лекин ҳозирда Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг кутубхоналарида, музейларида сақланиб келинаётган нодир қўлёзмаларни излаб топиш, илмий таҳлил қилиш соҳасида бу қадар ҳайрли ишлар қилинмаган бўларди.

Мустақилликнинг муҳим омилларидан яна бири ўз эркинлигини қўлга киритган мамлакат халқи ва миллатида миллий онг, миллий бирдамлик туйғусини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборатдир. Мустақил давлатнинг асосий ишлаб чиқарувчи кучи бўлган халқда етук миллий онг бқлмаса, озодлик, эркинлик, хуррият ҳақидаги гап бўлиши мумкин эмас.

Миллий онг- бу миллий маданиятнинг таркибий қисми, миллий маданият чўққисидир. Миллий онг миллий маданиятнинг миллат манфати билан, миллат истиқболи билан, тараққиёт билан боғлиқ бўлган муамоларнинг инсон онгидаги ифодасибир.

Миллий онгнинг шаклланиши мураккаб жараён. У миллий маданият заминида шаклланиши, ривожланиши мумкин. Миллий маданият ривожланмаган, миллий бирлик,

---

[1] И. А. Каримов Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. 72- бет.

миллий бирдамлик ва миллий ҳамкорлик туйғулари заиф бўлган халқларда юксак миллий онг бўлиши мумкин эмас.

Миллий маданиятнинг бирлик ва ҳамкорликка, миллат тарихини холисона англашга, миллий тил ва маданиятни қадрлашга, милий ахлоқ- одоб ва бошқа маънавий хислатларни сақлашга хизмат қилувчи томонлари милий онгнинг негизини ташкил этади. Ўз навбатида миллий онг миллий истиқлол маққураси учун ҳам таг-замин ҳисобланади.

Миллий истиқлол мафкураси эса ҳозир ҳам, келажак ҳам ҳамжиҳатлик, тенглк, тенгҳуқуқликка, ижтимоий адолат ва инсонпарварликка чорловчи бўлмоғи зарур.

Мансабпарастлик, тарафкашлик, гуруҳбозлик, маҳалиийчилик буларнинг ҳаммаси ижтимоий- иқтисодий, маданий, сиёсий тараққиётимиз, мустақиллигимиз учун ниҳоятда хатарлидир. Булар миллий онги, маданияти, миллий ғурури заиф бўлган кишиларга хос хусусиятдир.

Дўстлик, ҳамжиҳатлик, миллий ҳамкорлик, бир- бирини қўллаб- қувватлаш, дардига дармон бўлиш- булар ҳар бир халқ ва миллат куч- қудратининг асоси, ижтимоий – иқтисодий, сиёсий тараққиётнинг негизидир. Миллий аҳиллик бўлган жойда тинчлик, осойишталик бўлади.

Маҳаллийчилик миллий бирлик ва бирдамликка путур етказади, миллатни бўлиб, парчалаб, милий низоларни  газак олдириб юборади. Бунда бизнинг ғанимларимиз ўта усталик билан фойдаланишлари мумкин. Ўтмишда ана шу қуср бошимизга не-не бало-ю кулфатларни олиб келмаган. Миллий бирдамлик, миллий ҳамкорлик бўлган жойда ҳеч ким ўзини “мен фалон уруғданман, фалон вилоятданман” демайди. Балки у ўзини ўзбек миллатининг вакилиман деб хисоблайди.

Миллий бирлик, миллий ҳамкорликнинг ахамияти шу қадар каттаки, уни айтиб адо қилиб бўлмайди. Қизил империядан бизга мерос бўлиб қолган иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш, саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида шаклланган бирёқламаликларни тугатиш, маънавият билан боғлиқ масалаларни ғҳал қилиш, жаҳоний миқиёсда фикрлайдиган миллий қадриятни тартиялаб вояга етказиш сингари ўта долзарб муаммолар ечим миллий тотувлигимизга бевосита боғлиқ.

Ҳозирги қийинчиликлар мустақиллик йўлида танлаганимиз сабали эмас, балки муайян кучлар олиб борган ижтимоий, иқтисодий, ғоявий сиёсатнинг оқибати сифатида юзага келди. Аҳиллик, осойишталик, ҳамжиҳатлик, барқарор бўлса, бу қийинчиликларни, албатта бигаликда енгиб ўтамиз.

Миллий уюшқоқлик бўлмаса истиқлол бўлмайди. Истиқлолсиз миллий бирлик ҳам, миллий ҳамкорлик ҳам бқлмайди. Истиқлол миллий бирликка олиб боради ва уни таъминлайди.

Маъсулиятли даврларда, мустақиллигимиз учун кураш жараёнида бир- биримиз билан қовушиб, қўлни қўлга бериб эл бўлмасак, шоир Азим Суюн “Қадимги Нурота қўшиқлари” шеърида айтганидек, бир куни қора ер бўламиз.

Миллатимизни, халқимизни бирлаштиришга халақит берадиган, истиқлолимизга тўғаноқ  бўладиган ҳар қандай гуруҳбозликлардан, мансаб алашишлардан, маҳалийчилик офатларидан озод бўлишимиз керак.

Миллий онг, миллий ғурур ўз халқини тарихи, маънавий қадриятларини, она заминнинг имкониятлари ва истиқболини билиш ва қалрлаш, фахрланиш, миллат манфаатларини амалга оширишга ҳаракат қилиш, бошқа халқлар ва миллатларнинг ҳам қадр- қиммати, удумлари, тарихи, адабиёти ва санъатини адолатли равишда ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган фазилатдир. Миллий ғурур милий онгнинг шундай муҳим томоники, у кишиларнинг ўз кучи, қобилияти ва истеъдодини миллий манфаатлар йўлида сарфлашга чақиради.

Ўз халқини, миллий қадриятларини, тилини, истиқбол манфаатларини, билмаган, қадрламаган, миллат учун жонини адо қилишга тайёр турмаган кишиларда миллий ғурур ҳам, ўз миллати билан фахрланиш ҳисси ҳам миллатпарварлик ҳам бўлмайди.

Эл- юрт ғамини, ватан манфаатларини, мустақиллик туйғусини ўзи учун мутлоқл бегона деб билаган, шахсий ҳузур-ҳаловатини устун қўядиган, мансаб учун ҳеч нарсадан тоймайдиган, шамол қаёққа эсса ўша томонга юз ўгирадиган эътиқодсиз, иродаси, сиёсий бебурд, эски тузимни қўмсаб юрган кишилар ана шу тоифага киради. Улар фақат ўз чўнтагини ўйлайди. "Бундайлар- дейди президент- шамол қаёқдан эсишини пойлаб туради. Ўз фикрига эга эмас. Бирор – бир оғирюмишни зиммасига олмай, маъсулимтдан қочади. Булар ҳар қандай одам, ҳар қандай тузумда ишлайверади"[1]. Бу гапларга қўшимча қилиш қийин.

**4-масала**. Мустақиллик шарофати билан бой ва кўҳна тарихимизни тиклаб олиш имкониятига эга бўлдик. Маълумки, "биз қарийиб 130 йил мобайнида чоризм ва большевизм асоратида яшадик. Ўлкамизни босиб олган истилочилар бизларнинг тарихимизни унуттириш учун қўлларидан келган ҳамма нарсани қилди"[2]. Натижада биз ҳаттаки ўзбек халқнинг келиб чиқиши ҳақида ҳам аниқ маълумотларга эга бўлмай қолдик.

Академик Бўрибой Аҳмедовнинг келтирган маълумотларига кўра баъзи олимлар "ўзбек" деган этнонимнинг пайдо бўган давридан келиб чиқиб ўзбеклар халқ сифатида XV-XVII аср бошида шаклланган деб ҳисоблайдилар. Айрим тарихчи олимлар (И. Н. Иванов, А. Ю. Якубовский, Чапличка, Хилда Хукэм) "ўзбек" этномини машҳур Олтин Ўрда хони Ўзбекхон (1312-1342) нинг номи билан боғлаб кўрсатадилар. Бошқа бир гуруҳ олимлари (Г. Вамбери, Г. Ховром, М.П. Педьо) фикрича Дашти қипчоқда кўчиб юрган турк-ммўғил қабилаларининг бир қисми ўзларини эркин тутганлари сари шу ном (ўзбек, яъни ўз-ўзига бек) билан аталган. Бўрибой Аҳмедов, А. В. Григорьев, А. А. Семеновлар эса ўзбеклар Оқ Ўрда (Дашти қипчоқнинг шарқий қисми) да кўчиб юрган турк-мўғул қабилаларига тааллуқли, ўзбекхон эса Олтин- ўрда (Ёйиқ ва Волганинг Ғарбий тарифидаги ерлар) га ҳукмронлик қилган деган фикрни билдирдилар"[3].

1994 йил Бўрибой Аҳмедовнинг "Ўзбеклар" деган асари чоп этилди. Асарда муаллиф ўзбекларнинг келиб чиқиши ҳақида ўзининг фикр- мулоҳазаларини батафсил баён этади.

Мазкур мавзу бўйича кейинги вақтда бошқа илмий асарлар, рисолалар ва мақолалар ҳам чоп этилади. Ўзбек халқининг келиб чиқиши ҳақида олимларимиз томонидан олиб борилаётган изланишлар, бу албатта дастлабки қадамлардир. Келажакда тарихчилар араб, форс, хитой ва бошқа шарқ ва ғарб тилларида ёзилган тарихий манбаларни атрофлича ўрганиб, мазкур масалани узлил- кесил ҳал қилади, деган умиддамиз.

Мустақиллик шарофати билан мустамлакачилар мафкураси таъсири остида қора бўёқ чаплаган тарихиимиз саҳифалари ҳам қайтадан кўриб чиқилмоқда. Буни биз улуғ боболаримиз Амир Темурнинг тарихдаги ҳақиқий ўрнини холисона ёритишдан яққол кўришимиз мумкин.

Маълумки, узоқ йиллар мобайнида чоризм ва большевизм мафкураларининг таъсири остида халқимиз Амир Темурнинг тарихий мавқеини муносиб ўринга қўйиш имкониятидан маҳрум эди. Расмий ҳужжатларда ҳамда шу даврларда чоп этилган адабиётларнинг аксариятида Амир Темур босқинчилик сиёсатини олиб борганқонхўр сифатида таърифланиб, унинг босқинчилик фаолияти Ўрта Осиё халқларининг тақдирига салбий таъсир кўрсатади, деб уқтирдилар.

Собиқ СССР Фанлар академияси томонидан тайёрланиб, 1957 йилда Москвада нашр қилинган "Жаҳон тарихи" (Всемирная история) нинг учинчи жилдида Амир Темур ҳақида шундай дейилган "Темур ҳукмдорлиги Ўрта Осиё халқларига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатди, чунки унинг бурча оманат ютуқлари Моворауннаҳрда ҳуқуқсиликни, бўйсундирилган мамлакатларда қашшоқликни қарор топтириш ҳисобига қўлга

[1] И. А. Каримов Истиқлол ва маънавият. Т.. 1994, 85-86 - бет.
[2] Б. Аҳмедов Тарихдан сабоқлар. Т., "Ўқитувчи", 1994; 370- бет.
[3] Б. Аҳмедов Тарихдан сабоқлар. Т., "Ўқитувчи", 1994; 195-216 - бет.

киритилган эди”[1]. Ўша пайтда бундан бошқача фикр юритган киши миллатчиликда айбланиб турли жазоларга тортиларди. Шундай аҳвол таниқли файласуф олим академик Иброҳим Мўминовнинг ҳам бошига тушгани ҳаммамизга аён.

Аслида эса Амир Темур шарқда тенги йўқ саркарда эди. У “ёшлик чоғларида мард, довюрак, ғурурли, ўткир зеҳн ва ақлу идрок эгаси бўлиб ўсди, турли дунёвий илмларни, ҳарбий санъатни эгаллади. Қуръони Каримни ёд олди, хадис илмини ўрганди. Иймон-эътиқодли, ҳалол пок инсон бўлиб етишди”.

У ёшликдан бошалаб ўз олдига она юртини мўғил босқинчиларидан озод қилиш мақсадини қўйди, ер юзида буюк салтанат соҳиби сифатида эл ва элатларнинг бошини қовуштирди. Мамлакат кудратини ҳар соҳада кўтариб, дунёга машҳур қилди.

Амир Темур давлати қурилиши, ҳарбий санъати кўп асрлар давомида Шарқу Ғарб давлатларига ўрнак ва андоза бўлди. Унинг замонида маданият, илму фан, меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, шаърият беқиёс равнақ топди, халқимизнинг кўп анъаналари такомилга етди. Амир Темурнинг маданият ва дин аҳлларига кўрсатган чексиз меҳр-мурувват айниқса ибратлидир”[2].

“Темур тузуклари”нинг чоп этилиши, шунингдек соҳибқирон ҳайкалининг Тошкент шаҳри марказида қад кўтариши халқимизнинг буюк бобомизга чексиз ихлоси ва муҳаббатининг ёрқин ифодасидир.

Эндиликда минтақамизда содир бўлган тарихий жараёнлар истиқлол ғояларидан келиб чиқиб, янгича ўрганилмоқда ва баҳоланмоқда.

Маълумки, XIX асрнинг биринчи яримида Марказий Осиё ҳудудида учта мустақил давлат мавжуд эди: Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари. Қишлоқ хўжалик хом ашёларига бой ўлкани ўзига қарам қилиш, босиб олиш чор ҳукуматини азалдан визиқтириб келган. Шу ниятни амалга ошириш мақсадида 1839-1840 йиллар руссия Англия билан келишган ҳолда Марказий Осиёга босқинчилик юришини бошлайди. Лекин турли сабабалар туфайли мазкур ҳаракат натижа бермайди. 1864 йили марказий Осиёга иккинчи ҳарбий ҳаракатлар бошладилар. Олма –ота ва Оренбург шаҳарларидан чиққан яхши қуролланган рус ҳарбий қисмлари 1865 йили Тошкент шаҳрини босиб олишга муяссар бўлдилар.

Вояга етказган юртга, халққа ва унинг тарихига самимий ҳурмат деб биламиз”[1].

Ўз тарихи ва аждодларни билган халқнинг келажаги албатта порлоқ бўлади. Шунинг учун ҳам буюк аждодлар сиймоларини эъзозлаш бизнинг мамлакатимизда давлат сиёсатига айланиб кетган. Бунга мисол сифатида Тошкентда 1991 йил 28 сентябрда А. Навоий ҳайкади ва унинг номидаги милий боғнинг очилишини эслатиб, президентимизнинг қуйидаги сўзларини келтиришимиз мумкин: “Бугун биз бобомиз руҳи олдида чуқур таъзим бажо келтирар эканмиз, ундан олдин ва ундан кейин ўтган улуғ зотларнинг руҳлари ҳам шод бўлади, деб умид қиламиз”[2].

Буюк давлат пойдеворларини қуриш, дунёда ўзлигимизни муносиб ўринни эгалаш Ал Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бахорий, Ат-Термизий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Баҳовуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг тик қиладиган, халқимизнинг кучига- куч, ғайратига- ғайрат, ишончига- ишонч қўшади.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат- Термизий таваллудининг 1200 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман иштирокчиларига (1990 йил 14 сентябр) юборилган табрикномасида Президентимиз улуғ аллома, хадис илмнинг мўътабар номоёндаларидан бири бўлган фатандошимиз ат – термизийнинг жаҳон илму зиёси тарихига қўшган ҳиссасини юксак баҳолаб шундай дейди:

---

[1] Всемирная история. Т., Ш.М., 1957. стр. 574.
[2] И. Каримов Биздан озод ва обод ватан қолсин. Т., “Ўзбекистон”, 1994. 91-92 бетлар
[1] И. Каримов истиқлол ва маънавият, 102 бет
[2] Ўша асар 102 бет

“Бугунги кунда Термизийнинг маънавий мерослари нафақат аҳли дин орасида, балки дунёвий илм соҳиблари, кенг миқиёсида аҳли жамоа орасида ҳам ўз қадрини топаётир. У кишининг шоҳ асарларидлан “Китоб ал жомеъ ал Сахих”, ҳозирга қадар ҳадис илмининг асосий манбаларидан бири ҳисобланади. Алломанинг асрлар давомида фозилу фузалоларга дастур бўлиб келган ақлу одоб, инсофу диёнат, адолату инсонпарварликни тарғиб этувчи ғоялари сердолға давримизнинг муаккаб ва зиддиятли вхлоқий маънавий масалаларини хал этишда замонавий аҳамият касб этади”[3].

Демак, тарихни ўрганишдан асосий мақсад халқимизнинг илғор анъаналаридан бугунги кун учун зурур собоқ олишдир. Буюк аждодларимиз сиймоларини эсламай, тарихий адолатни ва буюк қадриятларимизни қайтадан тикламай туриб кўнгилларни ифтихорга тўлдирмоқ моҳолдир.

“Биз,- дейди И. Каримов,-бошқаларни камситиш ниятидан йироқмиз. Аммо бугунги айрим салтанатлар аҳли қабила- қабила бўлиб яшаган замонларда бизнинг муборак заминларимизда илму-фан барқ уриб яшнагани табиий илмлар, хусусан, тиббиёт, математика, астраномия каби фанлар мадрасаларда ўқитилгани, илмий академиялар ташкил этилиб, Мағрибу Машриққа ном таратганини эсласак ва бундан ҳар қанча ғурурлансак арзийди”[1].

Бобокалонларимиз таваллудларни нишонлаш билан бир қатода уларнинг илмий мероси ўзбек тилида нашр қилиниб, халқимизга етиб бормоқда.

Фаробийнинг ижтимоий- фалсафий фикрларини ўрганишда Абдулла Қодирий халқ мероси нашриёти томонидан 1993 йили чоп этилган “Абу наср Фаробий. Фозил одавлар шаҳри” (222 бет) китоби катта аҳамият касб этади.мазкур китобда улуғ олимларнинг “Арасту фалсафаси”, “Фозил одамлар шаҳри”, “Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида” каби асарларидан фалсафий муаммолар қаторида оқилона давлат тузуми, инсоният жамияти ҳақидаги нодир фактлар ҳам ифодаланга.

1991 – 1997 йилар ичида Қомуслар бош таҳририятиМуҳаммад ибн исмоил ал-Бухорий “Ҳадис”ининг 4 жилдини нашрдан чиқарди.

Имом Бухорийнинг ислом оламида Қуръони Каримдан кейинги мўътабар китоб ҳисобланмиш мазкур “Ал- Жомеъ ас- Саҳиҳ” ларнинг ўзбек тилида халқимизга етказилиши катта воқеа бўлиб, у дину эътиқодимизни ҳамда маънавий қадриятларимизни тиклашда, кишиларда ахлоқ-одоб, ҳалолик, ростгўйлик, поклик сингари умуминсоний фазилатларни қарор топтириш ва мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

---

[3] Ўша асар 96 бет

[1] И. Каримов истиқлол ва маънавият, 105 бет

## 2-мавзу: Қадимги Шарқ ва Ўрта Осиёда қадриятлар тўғрисидаги ғоялар такомили ва унинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни.

Режа:

1. Олам, коинот, жамият ва инсон тўғрисидаги дастлабки аксиологик қарашлар.
2. Иудализм, буддавизм ва бошқа динларнинг қадриятлари ҳамда қадрият тизилмалари.
3. Зардуштийлик ва Ўрта Осиёда инслом дини ёйилишининг цивилизациямиз қадриятларига таъсири.
4. 20аср ва ҳозирги даврда қадриятлар мавзуи.

Таянч тушунчалар

Диний ва мифологик қадриятлар

Адабиётлар:


1. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Т., 1998.
2. Х. Хамидов. “Авесто” файзлари. Т., 2001
3. Бозоров О., Худойқулов О. Ахлоқий қадриятлар ва ислом. Самарқанд. Зароафшон, 1992.
4. Жабборов И. Ислом одоби ва маданияти. Т.: 1995.
5. Сатторов М. Ўзбек удумлар: миллатнинг кенжа буғунига. Т. Фан, 1993.
6. Хусниддинов. Ислом: йўналишлари, мазхаблар, оқимлар. Т.,2000
7. Ислом маърифати. Т,2005
8. Иброхимов А. Биз ким ўзбеклар. Т.,2001.


**1- масала**. Қадриятларнинг моҳияти, мазмуни, намоён бўлиши шакллари билан боғлиқ муаммоларни таҳлили узоқ тарихга эга. Кишилар қадим замонларданоқ ўзларини ўраб турган олам, ундаги нарса, воқеа ва ҳодисалар, одамлар ўртасидаги муносабатларга баҳо берганлар, уларни қадри тўғрисида фикр юритганлар.

Қадимги одамлар борлиқ тўғрисида ўйлаганларида, афсона ҳикоя ёки достонлар сўйлаганларида оламнинг қадри, унинг чексизлиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон умнинг маъноси, мазмуни ҳақида ҳамда инсоний фазилатлар, ботирлик, оқиллик, ҳокисорлик, яхшиоик, вафодорлик, ватанпарварлик кабиларни улуғлаб қадрият даражасига кўтарганлар, баъзиларини илоҳийлаштирганлар.

Қадимги замонда табиат бутунига илоҳийлаштирилганю кўп ҳалқлар тилида осмон худо тушунчасини ифодалаган. Осмонни илоҳийлаштириш ер, сув, олов, ўсимлик ва ҳайвонларга топиниш билан бир вақтда келиб чиққан.

Шарқ халқларининг қадимги диний қадриятларида самовий жисмлар, ҳодисалар илоҳийлаштиришда намоён бўлади.

Туркий халқларда тангри худо сифатида осмонга, ерга, ойга нисбатан уўлланилган.

Шарқ халқлари орасида аждодларга, уларнинг руҳларига сиғинишлар, улардан модадлар кутишлар, ер, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган чашма ва булоқларни муқаддаслаштиришган.

Илк даврларда одамлар тоғ чуққиси билан осмонни бир маънода тушунтиришган. Деҳқончилик даврида тоғлар инсон ҳаётида катта ролбь ўйнаган. Айниқса лалмикорлик хўжаликларида бутунлай тоғ обҳавосига боғлиқ бўлган.

Қурғоқчили йиллари тоғ ва осмон тангрисига атаб ҳар хил маросимларни ўтказганлар, ёмғир сўраб баланд тоғларга кўтарилганлар. Ўрта Осиёда энг баланд тоғлар танги тоғ дейилган ва муқаддас ҳисобланиб қадрланган.

Хоразмликлар қуёшни илоҳийлаштириб ниҳоятда қадрлашган. Қуёш белгилари, унинг тасвири намат, гилам, эшикларда ва бошқа уй-рўзҳор буюмларида учрайди. Хива, Самарқанд, Бухородаги тарихий ёдгорлик объектларида қуёш ва олов белгиси учрайди.

Ўрта Осиё халқлари орасида қуёшни қадрлаш асосан деҳқончилик хўжалиги билан боғлиқ бўлган. Сабаби, ўрта Осиё иқтисодиётида асосий роль ўйнаб келган деҳқончилик бутунлай қуёш ёруғлиги ва иссиқлиги билан боғлиқ бўлган. Қишлоқ хўжалик ишларининг бошланиши, характери, муддати, деҳқончилик календари, экишишлари қуёш, йил фаслларига қараб белгиланган.

Ернинг табиий йўлдоши ойдир. Қадимги турк халқлари динига ой алоҳида ўрин эгалланган. Ҳозирда ҳам ўзбек удумида ойни кўрганда дуо ўқиш бор. Исломнинг яшил байроғида ой тағмаси бор. Мусулмон авлиёлари тағмаларида, магитларида ҳам ой белгиси тасвирланган.

Кишиларнинг ҳаёти, деҳқончилик хўжалиги кўп жиҳатдан табиий-географик муҳитга боғлиқ бўлиб, табиий шароит, кучли таъсир этади. деҳқлнлар ёмғир тилаб илоҳий кучларга сажда қилганар сув ҳақида кўпдан –кўп афсона, ривоят, эртаклар, мақолалар тўқиганлар. Чунончи, “сув келтирар мард киши, экин экар ҳар киши”.

Оловнинг кашф этилиши ва ундан фойдаланиш юз минг йиллик тарихга эга. У инсон маданиятининг энг қадимги даврига оиддир. Ўрта Осиё, Заковказье, Ҳиндистон ва Эронда оловга сажда қилиш кенг тарқалган. Олов тўғрисида ҳар хил афсона ва мифлар пайдо бўлган. Хоразмда қаландархоналар бўлиб, унда ўлмас олов сақланган. Термиз атрофларида ўчмас олов чор устунларда ёниб турган. Оловхона ва магитлар қадимги Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Тошкентда ҳам мавжуд бўлган.

Илк даврларда одамлар ўзлари билан табиатни бирдай, ўхшаш деб билганлар. Масалан, бирон дарахт кам хосил берса, уни эгаси болта кўтариб кесмоқчи бўлса, болтани унга аста-секин уриб олади, яъни қўрқитади. Уни ёнда турганлар, “кесманглар, келгуси йил мўл ҳосил беради” дейишади.

Халқ анъаналарида гул азалдан севилиб, қадрланиб келинган. Этнограф Н.П. Остраумов “Мен фаросатсиз бўлиб кўринган мардикорнинг, камбағал аравакаш ёки мешкобнинг, ҳатто гадойнинг қулоғига гул тақиши, тўпписи тагига қистириши учун гул ахтаришини кўриб хайратда қолдим ”деб ёзган эди. Гул байрами Ўрта Осиё халқларининг қадимий қадраяти ҳисобланади. Бу халқимизнинг табиат гўзалликлардан завқ олишидан, ўта нозик нафосатлигидан далолат беради. Самарқанд ва Бухорода “Гули сурх” деб аталган байрам маросимлари ўтказилган. Гулни яхшилик, ҳиммат белгиси сифатида қадрлашган. Ёки Хина ўсимлигини нафосат ҳам табобат сифатида эъзозлашган.

Одамлар ғаройиб ўсимликларни илоҳийлаштириб афсоналар тўқишган. Чунончи, тудона, седона, қалампирмунчоқ, кўзтикан, ҳамиша баҳор кабилар. Ҳамишабаҳор ёки тикан ўти ҳақида турли афсоналар тўқилган. Кимки бу ўтни уйига осиб қўйса бахт топармиш. Тасбеҳ-тоғли ерларда ўсади. Ҳусусан, Арслонбобда кўп учрайди. Уни хотин ёнғоқ ҳам деб аташади. Меваси ейилмайди. Лекин тозаланган меваси-ялтироқ, ранг-баранг, чиройли бўлади. Пиёз, саримсоқ, аччиқ қалампирни зиён-захматлардан асровчи восита деб тушунишган.

Ўрта Осиё халқлари-чинор, тут, қайроғоч, гужум, тол, терак каби дарахтлар муқаддаслаштирилган.

Биосфера инсон уйи, табиат унинг дўсти.

Қадимги даврларда одамлар баъзи бир хайвонларни илоҳийлаштириб, ўзларига ўхшатиб тасаввур қилганлар. Ўрта Осиё худудларида балиқ, илон, булбул хусусида турли афсоналар мавжуд. Итни, илонни ўлдириш оғир жиноят ҳисобланган.

Ўрта Осиё халқлари вақт ҳисобини, хусусан одамларнинг туғулган йилини, ёшини мучал билан яъни у ёки бу ҳайвон номлари билан атаган. Мучал Ўрта Осиёдан Муғилистон, Хитой, Япония, Ироқ, Эрон, Афғонистон каби Шарқ мамлакатларига тарқалган.

М. Қошғарий хар қайси мучал йилининг ўз хосияти, сири, яширин маъноси бор деган эди. Ўз номи қўйилган хайвон эгаси учун илоҳий ҳисобланган. Ўша хайвонга қадрият нуқтаи назардан ёндошилган.

**2-масала.** Ҳозирда Исроил давлатининг (1948 йилда ташкил топган) Иудаизм (Иуда қабиласи номидан олинган) яхудийлар дини бўлиб миллоддан аввалги 13 асрда вужудга келган. (Яхудийлар Шимолий Арабистонда яшаган, мил. ав.ги XIII асрда фаластинни босиб олган).

Иудаизмнинг муқаддас китоби “Тавротˮ (Қонун), “Талмудˮ (Ўрганиш), Библия (китодлар) ҳисобланади. Маълумки, Библия христиан динининг ҳам китобидир. Бу икки диннинг китоби бир ном билан аталсада мазмунан иккига бўлинадилар. Иудаизм диннинг китоби “Библияˮ “Янги Аҳдˮ деб аталади.

Библия-“Қадимги аҳдˮ нинг беш китоби бўлиб у 1) Борлиқ, 2) Чиқиш, 3) Ловий, 4) Сойлар, 5) Иккинчи қонун деб номланади. Мана шу китобларда иудаизмнинг қадриятлари ўз ифодасини топган.

Таврот – иудаизм диний таълимотнинг асоси ва илоҳийлаштирилган манбаа бўлиб, дунёнинг яратилиши, нариги дунё, келгуси аср ҳақидаги таълимотлар акс этган.

Талмуд-иудаизмнинг ғоявий, диний, ҳуқуқий қонун-қоидалари, аҳлоқ нормалари тизим ҳисобланади.

Бу китобда ақида ва маросимлари, байрамлари ҳам акс этган.

Ахлоқий қадриятларида-ота-онаи эъзозлаш энг юксак бурч ҳисобланади.

Ватанпарварлик, миллий ўзликни англаш улуғланади.

Оилавий қадриятларга сўзсиз итоат талаб этилади. Қотиллик, аралаш никоҳлар, ўғирлик, фохишалик, ёлғон гувоҳлик бериш, бировнинг мулкига кўз олайтириш тақиқланади.

Деҳқончилик, ҳунармандчилик асосий қадриятлардан ҳисобланади. Иудаизимда сон-саноқсиз маросимларга, тақиқларга ва буйруқларга эга бўлган. Бу диннинг талабига кўра, ҳар бир диндор 365 та тақиқни ва 248 та буйруқни ёддан билиши шартдир. Иудазимда диний таълим ва тарбия бериш асосий қадриятлардан ҳисобланади. Болаларга “Тавратˮ ва “Талмудˮ нинг асосий қоидалари ёд олдирилади. Яхудийнинг бирон-бир қадами дуосиз босилмайди. Уларнинг кийимлари, бир хил матодан тикилган бўлиши, боши доимо бекилган бўлмоғи лозим.

Будавийлик- динининг муқаддас китоби- “Трипитакаˮ (уч сават донолик) деб аталади. Булар а) Винояпитака (ахлоқий нормалар), б) Суттапика (дуолар) в) Абхидхаммапитака (диний-фалсафий масалалар байни)

а) Қадим ва ҳозирда Буддавийлик Индинозия, Ҳиндистон, Хитой, Тибет, Монголия, Непал, Бурятиқ, қалмиқ, туводо кенг тарқалган дин бўлиб, унинг асосичиси, б) Гаутама Сиддахартха, Будда (Нурланган) ҳисобланади.

------------------------------------------------------------------

Буддавийликнинг асосий қадрият тизимлари

а) Будда яратдан “тўрт олий ҳақиқатˮ яъни азоб-уқубат ҳақидаги таълимот, б) азоб-уқубатларнинг сабаблари ҳақидаги таълимот, в) азоб-уқубатлардан озод бўлиш ҳақидаги таълимот, г) азод-уқубатлардан қутқаришнинг нажот йўлларини топиш ҳақидаги таълимотда ўз аксини топган. Бу таълимотларда асослан инсон камолоти масаласи қўйилиб, камолотга эришган инсон – олий қадриятларга эга бўлиши баён этилган. Инсоний камолотни йўл эса – ҳақиқий билимга эришиш ва 5 аҳлоқий талабга риоя қилишдир.

1) Биронта ҳам тирик мавжудодни ўлдирмаслик;
2) Бировни мулкини олмаслик;
3) Бировнинг хотинига кўз олайтирмаслик;
4) Ёлғон гапирмаслик, ичимлик ичмаслик.

Буддизм милоддан аввалги 6-5- асрларда Ҳиндистоннинг шимолида вужудга келган бўлиб, кейинчалик Жанубий – Шарқий ва Марказий Осиё ҳамда Узоқ Ўарқ мамлакатларида кенг тарқалган.

Буддизимнинг Марказий Осиё ва Шарқий Туркустонда тарқалиши милоддан аввалги 2 асрларда бу ердаги кабиларнинг авлодлари томонидан тугатилган грек-бақтерия подшолигининг ўрнида қарор топган Кушон империясининг ривожланган даврига тўғри келади.

Исломгача бўлган даврда буддизм Марказий Осиёда ғоявий турмушининг муҳим таркибий қисмларидан ахлоқий бирини ташкил этган. Буддизим қонун-қоидалари, ахлоқий талабларидан келиб чиқиб обидалар, ибодатхоналар, ҳайкаллар, иморатлар қурилган.

**3-масала.**Аждодларимизнинг қадимги катоби Авесто маънавий-ахлоқий қадриятларнинг энг ёрқин намунаси, қадимги халқларимизнинг ўзига хос ҳамда умуминсоний қадриятлари акс этган асардир.

Китоб муаллифи Заратуштра (Зардушт) инсониятнинг фаравон ҳаёт ҳақидаги поклик ва ростлик, меҳнат ва фаолият, аҳиллик ва хушнудлик ҳақидаги ғояларини тараннум этди.

Зардушт ғоялари Турон Эрон, Юнон халқларининг қадриятларига айланиб ва шулар асосида поклик ва ростгўйлик тамойилларига асосланган ижтимоий ахлоқ қадриятлари шаклланди, дунёни қадрлаш, яхши ҳаётга интилиш ва бунинг учун ижод яратувчанлик ишонч, ёруғликка руҳлантириш каби ғоявий мазмун акс этган маънавий қадриятлар шаклланиб борди.

Зардушт таълимотида қадр ва қадрсизланиш масаласи яхшилик билан нопоклик, ривожланиши билан таназзул ўртасидаги курашда ифодалайди.

1)“Авесто” – экин-тикин, ободончилкни, каналлар қуришни, шаҳарлар барпо этишни тарғиб этди ва шу асосидаги деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик, шаҳарсозлик каби қадрият тизилмаларини яратди.

“Авесто” да таъкидланишича юртни обод, элни фаровон, турли қавмларнинг бир-бири билан дўст, иноқ бўлиб яшаши энг яхши қадриятлар, “чўлга сув чиқазиб, ернинг шўрини ювиб, заҳрини қочириб ерга ишлов бериш” яхши амаллардир.

**4-масала**. Зардушт қадриятлари мазмунида яхши хулқ, андишаннек, яхши ҳатти-ҳаракат, Гуфтори ва яхши амал билан боғлиқ ижодий меҳнат ғояси ётади.

а) Андешаи нек: Тангрининг қадрлаш ягоналигига ишонмоқ, имонда собитлик, таваккул, қаноат, ҳайрихохлик, меҳрибонлик,ҳақ танимоқ, сулҳгўйлик, кечиримли бўла билиш, ошночилик, шижоатлилик, раҳмли ва мурувватли бўлмоқ, поктийнатлик, инсоф, ҳушхулқлилик, беозорлик, очиқюзлик, эҳсонлилик, нафсни чегаралаш, касб ва илмни севмоқ, маъсулиятлилик ва ҳақиқатпараслик бўлмоқдан иборат;

Гуфтори нек: ягона Тангига ҳамду сано айтмоқ, тўғрисўзлилик, аҳдида собитлик, ҳақгўйлик, салом ва таъзимда бўлмоқ, тўғри ва рост гувоҳлик бермоқ, ширинкаломлик, ўйлаб, синаб гапирмоқ, рост қавмликдан иборат.

Кирдори нек : Тангри ва пайғамбар буюрган фарз ва суннатларга сўзсиз итоат этмоқ ҳамда уларни бажармоқ, яхши ишлаш, омонотга хиёнат қилмаслик, ожизларни қўллаш, серғайрат бўлмоқ, ота-она ва устод хукмуга фармонбардор бўлмоқ халқ учун Ватан учун хизмат қилмоқ, меҳмондўстлик, парҳезкорлик, ёмон ишлардан юз ўгирмоқ, меҳрибонлик, инсонпарварлик, жамият қонунларига итоат этмоқ, ўтганларни эсда тутиш, ҳақиқатталаб бўлмоқ, беморлар холидан хабар олиб турмоқ, муҳтожларга ёрдам бериш, ўз иши ва касбига меҳр қўйиш, адолатли бўлмоқдан иборатдир.

Андешаи бад: Хурофотпарварлик, қадрсизланиш, тангрини танимаслик, куфр, ғурур, бадҳоҳлик, душманлик, хақиқатга ишонмаслик, ҳадискираш, жангарилик, суқкўзлик, тошбағирлик, инсофсизлик, ҳасад, ғаразгўйлик, нафс бандаси бўлмоқ, хасислик, дилсиёҳлик, вафосизлик, бадхулқлик, иши ва касбига маъслиятсизлик,

нодонлик, парҳезни билмаслик, баҳонаталаб бўлмоқ, шаккоклик, ганалик, найрангбозлик, ғафлатга берилмоқдан иборат.

Гуфтори бад: Тангрини унутмоқ, ёлғончилик, тўҳматчилик, ёлғон гувоҳлик бермоқ, вафосизлик, ваъдада турмаслик, куфр айтмоқ, наҳақлик, қасамҳурлик, аччиқзабонлик, ўйламай гапирмов, нотўғри ҳукмга келмоқдан иборат.

Кирдори бадни эса қўйидагилар ташкил этади: худо ва пайҳамбарга итоат этмаслик, танбаллик ва ишёқмаслик, ўғрилик, қотиллик, кишига озор етказиш, тамагирлик, ситамгарлик, хунарсизлик, билимсизлик, омонатга хиёнат, ҳаромҳўлик, қасд олиш, маккорлик, шошқалоқлик, золим ва бадҳоҳларни қўллаш, норавонлик, бадахлоқлик, заифозор бўлмоқ, буғунчилик ва бошқалар.

Ҳаёт, ахлоқ ва маънавиятнинг ана шу мезонларининг барча жиҳатлари Ҳотлару Зардушт ваъзларида, пайғамбарнинг Тангри билан рухий мулоқотлари меърож воқеасида ўз аксини топган, мусбат жихатлар зардуштийларнинг кундалик бажариладиган вазифалари сифатида уқтирилиб, манфий нуқталардан пархез қилишга даъват этилган. Зардушт ақидасича, ҳар бир инсоннинг қалби пок бўлиб, хулқи хуш бўлса, хунар ва илм эгаллаб, бирор ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланиб, ризқи рўзи халол бўлса, унинг амали чин бўлади. Ундай обиднинг қўли ишда, дили ва тили ибодатда бўлиб, бу дунёни яшнатишга хизмат қилади. Зероки, хуш-хулқу покдил, собитқадаму хунарпарвар одамларгина оламни комиллик сари элтадилар.

Авестода қадриятлар тизими бир қанча таркибий қисмларга эга.

1. Маълумки, зардуштийлик дини аждодларимизда мавжуд бўлган кўпхудолик удумига қарши кураш жараёнида якка тангри Аҳурамаздони кашф этиш туфайли пайдо бўлган. Ушбу дин ўзининг илк паллаларириданоқ кўпхудоликнинг аксарият удумларини ман этди. Жумладан, кўпхудолик анъанасига кўра, ҳар бир хонадон ўз худосига жонлик сўйиб қурбонлик қилиши шарт бўлган. Худолар кўп бўлгани учун беҳисоб қурбонликлар натижасида чорва моллари, парандалар беҳудага қирилиб кетиб, бу саҳа таназзулга юз тутади. Ваҳоланки, эрамиздан олдинги 2 мингинчи йилдан то 7 асрга қадар минтақамиз аҳолисининг асосий касби чорвачилик бўлиб, уларнинг тирикчилиги шу соҳанинг ривожига боғлиқ бўлган.

Зардушт биринчи навбатда ана шу қурбонлик қилишни, ҳайвонларни қийнаб ўлдиришни бекор қилади ҳафтада уч кун гушсиз овқат йишни жорий қилади. зардуштийлик удумига кўра, ҳайвонларни буғизлаб, миясига босқим ёки болта билан уриб, найза ёки пичоқ санчиб ўлдириш қаиъият ман этилган ва бунга йўл қийган шахслар катта миқдорда жарима тўлаган, жазоланган. Туя, от, хачир, эшак биринчи эҳтиёж ҳайвонлари сифатида ит, мушук инсон учун зараркунанда хашоротлар, дарандаларнинг кушандаси сифатида уй, боғ- роғлар, овул ҳамда чорванинг қуриқчиси тарзида эъзозланган. Шунинг учун бўри, шақол, тулки ва бошқа даррандалар, турли хашоратлар ер юзида хаёт равнақининг душманлари сифатила ланатланган холда мушук ва кучук эъзозланган. Кучукни калтаклаш ёки қасдан ўлдириш, зардуштийлик динида энг олий гуноҳ хисобланган ва бунинг жаримаси оғир бўлган. “Кимда ким кучугини яхши боқса, уни ризқи бутун, ери хосилдор, хонадони ғам хасратсиз, бола чақаси дардларга чалинмайдиган бўлади”.

Яратувчанлик, яъни деҳқончилик, боғдорчилик, ҳунармандчилик, бинокорлик, чорвачилик билан боғлиқ қадриятлар.

2. “Авесто» даги муҳит тозалигини сақлаш ва касалликларни олдини олиш воситаларини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

Ахлатларни беркитиш, ифлосланган жойларни тупроқ, тош, қум билан кўмиб ташлаш, шу йўл билан микроблар ўлдирилган ёки камайган.

Оташ, иссиқлик ёки совуқлик таъсири билан йўқотиш. “Авесто” даоташ покловчи ва офат кетказувчи восита ҳисобланади. У билан, ҳатто, кийим-кечакларни зарарсизлантириш мумкин.

Кимёвий йўл: кул, сирка, шароб, турли гиёҳлар (исфанд-исириқ, михак, садаф, пиёз, алоэ, сандал) туташиш йўли билан. Буларнинг кўпи ҳозир ҳам микробларни ўлдирувчидир. “Вандидод” нинг 5-бобида шамол, ҳайвон, парранда, пашша орқали турли касалликлар тарқалиши қайт этилган.

“Вандидод” нинг 5 ва 1-бобларида доимий бадан тарбия билан шуғулланиш, кунда юз-қулни бир неча марта ювиш, сочни тоза тутиб, тарноқларни тез-тез олиб, тозалаб туриш тавсия этилади. Инсон меъёри билан доим тшқ юриши, кўпроқ гўшт истеъмол қилиш лозимлиги таъкидланган.

“Авесто” да иссиқлик, совуқ ҳаво, очлик, бўкибовқат ейиш, тозаллика риоя қилмаслик, Аҳриман юборган ққрт, пашша вабошқа ҳашаротлар, ёмон аво касалликларнинг асосий манбаи дейилади. Унда 9999 касалликни пайдо қилган, дейилади.

Табиатни ғарат қилмаслик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экалогия борасидаги қадриятлар.

3. “Авесто”даги далилар шуни кўрсатадики, таълим жараёнида куналик ҳаёт учун зарур бўлган барча билимлар ўқитилган, хунарлар ўргатилган. Масалан, чорвачилик билан ўуғулланадиган қавмларда кўпроқ шу соҳага доир хунар ва малакаларшргатилган: қиз болаларга юнгда ип йигириш, урқич ва чархда ишлай билиш, хар хил либослар тўқиш, тикиш, юнг олишни билиш шарт бўлса, ўғил болалар эса молларни боқиш, урчитиш ва туғдириш, туя, отларни парваришлаб, уларни бошқара олиш, узоқ яйловларга сурув ҳайдаш, чорвани ваҳший ҳайвонлар, қароқчилардан муҳофаза қилиш, ўттиз икки харбий хунарини билишлари мажбурий бўлган.

Таълим – тарбия, муаллим – устоз, хусусий таълим, инсон камолоти хусусидаги қадриятлар.

4. Инсонийлик билан боғлиқ – ахлоқий, ижтимоий – сиёсий, ҳуқуқий, маънавий қадриятлар.

Авестонинг Яштларида – андиша билан ҳам, гуфтор ва кирдор билан ҳам одамларга озор етказманг;-Бирон бир бегона сизнинг ҳузурингизга келса, ғизо беринг, ўтириш учун жой кўрсатинг; - Қўл ости тингиздагилар ва болаларга меҳрибон бўлинг; - улуғлар ва кексаларни ҳурмат қилинг; -одамларга ошно, қариндош-уруғчиликда сулҳу аиниятда яшаш;

-ерни, оламни гўзал қилиб, яхшиликни шарафлаб, тенгсизлик, зулм ва таназзулни заифлаштирган киши ферўзлик тарафдоридир;

-инсон ҳар жиғатдан билимли бўлмоғи, жаҳонни тўғрилик билан танимоғи, идрок этмоғи даркор.

-фирибгарлар сўзига асло қулоқ солманг. Чунки улар ростлик тарафдорларининг душманидир. Жаҳон ободлиги учун курашиш лозим. Оламни рўшнолик сари элтмоқ барча бандалар учун фарздир.

Ислом дини 7 асрда Арабистон ярим оролида пайдо бўлди.

-------------------------------------------------------

Қуръон (араб ўқимоқ, қироат қилмоқ, жамлаш маъноларини билдиради) уч ёки ундан кўп оятни ўз ичига олган 114 сурадан иборат.

------------------------------------------------------------------

Ёлғон сўзлаш, ғийбат, тўҳмат, ўзга ҳақига ҳиёнат, таъмагирлик, кибру ҳаво исломда кескин қораланган.

--------------------------------------

Ҳадис – (араб, хабар, янгилик) муҳаммад алайхсаломнинг айтган сўзлари, қилган ишлари, кўрсатмалари тўғрисидаги ривоятлари. Қуръони Каримда барча ҳуқуқий ва аҳамият масалалари умумий ва изоҳлаб уктириш учун Муҳаммад алайҳиссалом ўз ҳадисларини айтганлар.

-----------------------------------------------------------------